

Рауф ЖИЛЛСУН

Ғалом

ЛУҚМА

Ҳаётий воқеаларга асосланган

Ҳалол луқма

Муаллиф: Рауф Жиласун

Хаётий вокеаларга асосланган

Тўғри яшаш нима дегани? Инсон қандай қилиб пок яшаши, ҳалол луқма топиб, ҳаёт кечирishi мумкин? Бу саволларга одам боласи дунё яралгандан бери жавоб излаб келади. Шубҳасиз, ҳалол ва тўғри яшашга интилиш инсон фитратига тааллуқли олий туйғу. Сиз ўқишга киришаётган ушбу китобнинг бош қаҳрамони иккиюзламачи ва нопок, қинғирликни касб қилган ҳамда мол-дунёга мубтало бўлган кишилар орасида ҳалол ризқ топиш илинжида руҳан қийналиб яшайди.

Инсон ҳаромдан, бировнинг ҳақидан дўзахга тушишдан қўрққани каби қўрқishi зарурдир. Зотан, инсон бировнинг игна қадар ҳақи сабабидан ҳалокатга учраши мумкин. Бу эса турли касб ва соҳаларда хизмат қилаётганлар имону ихлос билан ҳалолликни лозим тутишини ифодалайди.

Жумладан, новвой эрта тонгдан унни қориб, касбга киришар экан, ёпадиган нони ҳар бир инсоннинг қўлига ҳалол-пок етиб бориши учун ундан покизалик талаб қилинади. Ҳатто пешонасидан томадиган терни ҳам қора ётган хамирга томмаслиги чорасини кўриши лозим.

Қассоб ҳам сўяётган жонлиқни “Бисмиллоҳ”ни айтиб, ҳалол покиза сўйиши, жамиятга ҳалол гўшт тақдим қилишни ўзининг бурчи деб билиши ҳамда бу борада ўзини омонатдор ҳис қилиши зарур.

Жамоат жойларида хизмат қилаётган ошпазлар, ҳатто идиш-товоқ ювувчилар ҳам покизаликка катта аҳамият қаратишлари даркор. Ҳайдовчилар ҳам белгиланган қонун-қоидаларга риоя қилиб, йўловчилар хавфсизлигини кўзлаб ҳаракат қилиши ва ўзгаларга халақит бермасдан автоуловларни бошқариши зарур.

Ўқитувчи-муаллимлар ҳам дарс вақтини риоя қилиши ҳамда ўз касбининг омонатдори эканини асло унутмасликлари лозимдир. Улар синфхонада 45 дақиқа ёки 80 дақиқа дарс вақтидан ҳар бир дақиқасидан унумли фойдаланиши, ўқувчи ёки талабаларга манфаатли билимларни етказишга бор имкониятини сарфлаши, бунинг учун эса, аввало, дарсга яхши тайёргарлик кўриб, вақтида келиши шарт.

Ўқувчи талабалар ҳам ўқитувчининг ҳамда синфдошларининг вақтини беҳуда қилмаслиги учун уй вазифаларини яхши тайёрлаб келишлари, бу борада уларни ота-оналари қаттиқ назорат қилишлари талаб қилинади. Шунингдек, халқнинг соғлиғига масъул бўлган соҳа мутахассисларининг хизматлари ҳам алоҳида таҳсинга муносибдир. Шундай бўлса-да, уларга маслаҳатимиз беморларга нисбатан имкон қадар яхши муомала қилиши, уларни даволашда бор имкониятларини ишга солишлари керак.

Худди шу каби бошқа барча соҳа вакиллари ҳам ҳалолликка аҳамият қаратиши, ўзлари Аллоҳ таолонинг ҳузурида ҳамда жамият олдида касбининг омонатдори деб билишлари лозим.

Минг афсуслар бўлсинки, бугунги кунда ёлғончилик, ваъдага вафосизлик, товламачилик, бировни алдаб пул ва нарсаларини олиш, қарз, омонатга нарса олиб, бермасдан юриш, оддий ҳолатларда ҳам ёлғон гапириш, ўз манфаатини ўзганинг манфаатидан, ҳақидан устун қўйиш каби разил иллатлар, оғир гуноҳлар борки, баъзи инсонларга касб-корларида оддий ҳолга айланиб бормоқда. Бу иллатлар нафақат инсоннинг умри, ризқи, моли, оиласидан баракани кетказди, балки кишининг охирати учун ҳам, аянчли оқибатлари учун ҳам сабаб бўлиб қолади.

Эътиборингизга тақдим этилаётган асар муаллифининг эзгу мақсади – доим ҳалолликка интилиб, ҳалол луқма билан яшашнинг фазлу саодатларини ҳаётини воқеалар орқали тушунтириб бериш.

Унинг мутолааси ўқувчи, ёзувчи ҳамда тайёрловчилар учун хайрли бўлишини тилаймиз.

ЮСУФ

Истанбул. Аёзли ноябрь оқшоми, Фотиҳ билан Зейрек орасида – От туманидаги қаҳвахоналардан бирининг деразасидан паришон бир киши ичкарига мўраламоқда. Бу жой ёзгатликларнинг учрашиб улфатчилик қиладиган, мусофирликда дардлашадиган қаҳвахона эди. Ташқаридаги одам ичкарини яхши кўролмади, қаҳвахона ичкарисига кириши билан юзига иссиқ ҳаво гуп этиб урилди. Ўпкасини тўлдириб чуқур нафас олди-ю, йўталиб юборди. Қаҳвахона тутун билан тўла эди. Бунга мослашмагани учун тутун ўпкасига тиқилиб қолди.

– Юсуф, бу ёқдамиз, бу ёққа кел!

Камтарин ва йўқсил қиёфали бу йигитнинг исми – Юсуф. Овоз келган томонга қаради. Ҳамқишлоқлари бир стол атрофида тўпланишган эди. Йигит тиқилинчда бошқаларни безовта қилмасликка уриниб қишлоқдошлари олдига борди.

Ўтирганлар Юсуфни хурсанд кутиб олишди:

– Ассалому алайкум, Юсуф, қани, кел-чи!

– Ва алайкум ассалом.

Юсуф ўтириб чуқур нафас олди. Унга чой айтишди. Аввал қўнғир мўйлабли, гавдали Ҳасан оға сўз бошлади:

– Чарчаганга ўхшайсан. Иш топдингми ўзи?

Юсуф унга секин қаради, боши билан “йўқ” ишорасини қилди. Синиқлик билан гапира бошлади:

– Бормаган жойим қолмади, бўлмаяпти... менимча, бу шаҳарда менга мос иш йўқ!

Ўтирганлар бир муддат жим бўлиб қолишди. Унга ачинишди. Ораларидан бири:

– Демак, яна ишинг юришмабди-да?

Юсуф зўраки табассум билан:

– Қўявер, Худо – пошшо! – деди.

Бу орада хизматчи чойларни олиб келди. Чойқошиқлар финжонлар ичида тик-тиқ айлана бошлади. Кейин ораларида каттаси ўпкалагандай бўлиб:

– Юсуф укам, албатта, Худо – пошшо, бунга биламиз. Аммо бўш қоп тик турмайди-да. Сенга банкдан қанақа зўр иш топишганди-я... Қоровуллик айнан сенбоп... Кечирасан-у, аммо бу аҳмоқгарчилик нимаси?

Юсуф хомуш қараб қўйди. Бир ҳўплам чой ичиб:

– Қўяверинг, дедим-ку! Тинч қўйсаларингиз-чи, – деб пичирлади.

Ҳамма ҳайрон. Аслида, уни ҳамма яхши кўрарди, аммо Юсуфнинг қанча ишни баҳона билан рад этавериши, ҳатто сабабини айтмай тайёр ишидан бўшайвериши ғалати эди.

Яна бир юртдоши сўз бошлади:

– Сенга зайтун ёғи фабрикасидан иш топилганда ҳам роса хурсанд бўлгандик. Кейин билсам, икки кун ишлаб кетиб қолибсан. Нима бўлди?

Юсуф олдидаги финжонга қаради. Чойи тугаганди. Чой буюришди. Ҳамид оға Юсуфнинг яна жим бўлиб қолганини кўргач, унинг ёнига яқинроқ сурилди:

– Жим ўтирмай жавоб берсанг-чи. Худога шукур, қўл-оёғинг бут, куч-қувватинг бор. Жинни десам, жинни эмассан. Озми-кўпми ўқиган жойинг бор.

Шундай ишлардан нимага кетиб қоляпсан? Ўзингни ўйламасанг, уйингдагиларни ўйламайсанми? Эшитишимча, қишлоқда келин ҳомиладор эмиш...

Ҳамид оғанинг гаплари Юсуфга қаттиқ тегди. Юсуф уларга нима дейишни, ичидагиларни қандай тушунтиришни билмасди. Тушунишларига ақли етмасди. Шунинг учун:

– Хавотир олманг, Ҳамид оға. Худо – пошшо, дедим-ку! Албатта, бир кун Худо мен бечора қулигаям мос ишни йўлиқтирар, – деб сўзини якунламоқчи бўлди, аммо Аҳмад бунга йўл қўймай шарт-шарт гапира бошлади:

– Эшитинглар. Мен Юсуфни энг яхши тушундим, деб ўйлайман. Унинг тайёр ишлардан дарров воз кечиши сабабини сизларга ўзим айтиб берай. Бу дўстимиз ҳаром луқмадан кўрқади. Томоғидан оз бўлса-да, ҳаром луқма ўтишини хоҳламайди. Банкда ишламади. Нега? Чунки банкда фоиз бор. Ҳозир мулла-муаззинлар ойлик олмайдами? Уларнинг ойлигига банкнинг фоизи қўшилмайдами? Албатта, қўшилади, лекин сиз буларни Юсуфга тушунтириб кўринг-чи! – кейин Аҳмад Юсуфга ўгирилиб давом этди. – Бу чаламуллаликни қўй-да, бу – Истанбул деган шаҳар!

Ҳамид оға гапни илиб кетди:

– Менга қара, Юсуф, биласан, узоқ бўлса ҳам қариндошлигимиз бор. Бекорчилигингдан мен ҳам ташвишдаман. Фоиз бор, деб банкда ишламадинг. Майли, зайтун ёғи фабрикасида нима бўлди?

Юсуф чарчади. Дўстлари орасидан туриб кетишига сал қолди. Аслида, бу ерга бир финжон чой ичиб, дўстлар билан суҳбатлашгани келганди. Ҳолбуки, қози ҳузуридаги маҳкумга ўхшаб қолди.

Аҳмад яна сўз бошлади:

– Ҳамид оға, Юсуфнинг гаплашгиси келмаяпти, саволингиз жавобини мен айтай. Агар хато қилсам, ўзи тузатсин. Юсуфга зайтун ёғи фабрикасидаги иш маъқул келган, аммо фабрикада ҳийлакорлик бор. Зайтун ёғига пахта ёғи қўшилар экан.

Ҳамид оға тутатди:

– Нима бўпти? Фабрикадаги бу ҳийлакорликнинг Юсуфга нима алоқаси бор? У ишлаб, пешана терисига пул олади. Бунинг нимаси ҳаром?

Юсуф бетоқат бўла бошлади. Хафа бўлишининг сабаби кун бўйи иш қидириб топа олмагани эмас, балки дўстларининг уни тушунмасликлари эди. Ногоҳ Вали амаки суҳбатга қўшилиб кетди:

– Юсуф, ўғлим, майли, буларни тушунайлик, мени ўйлантираётган бошқа савол бор. Ҳолвачи Рагибнинг ишидан нега кетиб қолдинг? Унинг отаси ҳожи, ўзи эса беш вақт намоз ўқийди. Ҳалол билан ҳаромни биладиганлардан. Унинг кўлида бир ой ҳам ишламадинг? Ичимдаги шайтон: “Сиз Юсуф учун бекорга куюнъяпсиз, унинг ишлагиси йўқ”, деяпти. Мен бу гапларга ишонгим келмаяпти. Менга қара, биз неча кундан бери сенга иш топиш ҳаракатидамиз. Ростдан ҳам ишлаш ниятинг бўлмаса, тўғриси айт, овора бўлиб юрмайлик.

Юсуф терлай бошлади. Қаҳвахона жуда иссиқ, ҳавоси оғир. Ҳатто эгнидаги юпун пальтоси ҳам оғир кела бошлади. Ҳамқишлоқларининг саволлари тугайдиганга ўхшамасди...

– Вали амаки яхши гап гапирди. Жавобингни кутяпмиз. Ҳақиқатан, ҳолвачи Рагибни яхши биламиз. Қалби тоза, ҳалолу ҳаромни сенчалик билади. Закотини жой-жойига тарқатади. Шундай одамдан қанақа нуқсон топдинг? Гапир!

Бу саволга жавоб бериш чиндан ҳам қийин эди. Ҳолвачи Рагип деганлари, мундоқ қараганда, жуда ибодатли киши эдики... Лекин...

Юсуф ҳаромдан кўрқадиган, бу борада жуда инжиқ мижозли одам эди. Ҳаром тўғри йўлдан оздирадиган, дунёга ҳирс қўйиб тўймайдиган қилиб қўядиган заҳар эди назарида. Кимки шайтоннинг асири бўлиб йўлдан озган бўлса, дунёга мойиллиги ортган бўлса, албатта, ўша инсон ҳаром луқма еган, деб биларди Юсуф.

Хуллас, ҳолвачи Рагип деганлари ўз ишининг устаси, бошқаларга ўзини яхши кўрсатишга моҳир инсон эди. Кўринишидан самимий... У меросхўр жигарларининг ҳақини ҳам ўзлаштириб олиш мақсадида отасига тинмай яхши гаплар билан мулозамат қиларди. Бунинг уддасидан чиқарди ҳам.

Туғишганлари отага ҳурмат юзасидан бу ҳолатга кўз юмишарди. Аммо Рагипдан норози эдилар.

Отасини алдаб, жигарларининг ҳақини еган одамнинг кўлида Юсуф ишласинми? Албатта, йўқ!

– Секингина бошини кўтариб атрофидагиларга қаради.

– Чиқишолмадик, – деди. Мавзуни шу тарзда ёпмоқчи бўлди.

Энди кўпчилик Юсуфнинг ишлашга хоҳиши йўқ, деган гумонда эди.

Инсон олдидаги луқмани ҳали оғзига солмасидан аввал унинг қандай, қаердан келганини яхши билиши керак.

Зеро, инсоният шундай бир замонда яшамоқдаки, ҳалол деб ҳисобланадиган кўп нарсаларга ҳам, оз бўлса-да, ҳаром аралашгани сир эмас. Аммо буни кўпчилик ё билмайди, ёки билмасликка олади. “Барака қолмади!” “Зино, фоҳишалик кўпайди!” “Ўғрилиқ, қимор, фоиз аралашмаган жой қолдимми ўзи?” – кўпчилик шундай шикоят қиларди. Аммо буларнинг олдини олиш, йўқотиш учун нима қиляпти? Деҳқоннинг ҳосилидан фоиз... хизматчидан ҳийла-найранг... давлат одамининг ишида пора деган иллатлар камаймаётган бўлса, ҳаром кирмаган қорин қоладими?!

Юсуф “Худо – пошшо” деб ишонч билан айтарди. Яратган эгам – барча маҳлуқотларнинг ризқини беришга қодир Буюк Зот. Юсуф ҳам Унинг қули, албатта, оч қолмаслиги тайин. У тўкин-сочин яшамаётгандир, пули ҳам кўп эмас, лекин буларга орзу-ҳаваси ҳам йўқ. Бой бўлиб ширин ҳаёт кечириш ҳақида тасаввури ҳам йўқ эди. У нафсининг эмас, Яратганнинг айтганидек яшашни истарди. Қуръони каримда Аллоҳ таоло: “Мен инсонларни бошқа бир ҳикмат билан эмас, балки Менга қулик қилсинлар, деб яратдим”, – дейди. Юсуф шу кўрсатмага амал қилиб яшашга ҳаракат қиларди, холос. Одамлар у ҳақида “барибир одам бўлмайди”, “қачонгача оч юради” дейишса ҳам парво қилмасди. Ўзининг ҳозирги аҳволдан хотиржам, хурсанд бўлгандан кейин, бошқа гапларнинг нима аҳамияти бор? Бир вақтлар ҳалол деб ҳатто ҳаммолчилик ҳам қилган. Орқасига юкни ортиб олиб бозорма-бозор юрар, Худо берадиган ризқни оғир юкнинг азобига сабр билан топаман, деб биларди. Лекин бир куни... очиқ-сочиқ кийиниб олган бир аёл молларини Юсуфга ташитди. Кейин аёлнинг йўл-йўлакай қилган хатти-ҳаракатлари, сўзларини мулоҳаза этди-ю... у берган пулга олган овқатини еёлмай қолди. Ўша пулларни бир фақир кишига бериб енгиллашди. Бошқа куни эса бир сотувчи Текелдан олган сигарета, арақ каби молларни ташитмоқчи бўлганди, Юсуф рад этди. Иш милиция нозиригача кўтарилди. Кейин ҳаммолчиликдан ҳам воз кечиб юборди.

– Юсуф, қандай иш қидиряпсан ўзи? Айтсанг, шунга қараб бирга излашардик. Балки топилиб қолар, – бу гапни эшитиб Юсуф яна даврага қайтди. Бошини кўтариб қисқагина:

– Раҳмат! – деб қўйди.

– Нима, бир иш топдингми? Бизни ҳам бекорга жавратмасдан гапирсанг-чи, – деди Ҳамид оға.

Юсуф бошини чайқади. “Чик” деган товуш чиқариб:

– Иш топганим йўқ. Энди қишлоққа қайтаман.

Даврадагилар “э-э-э!” дейишди жўровозликда.

– Қишлоққа қуп-қуруқ қайтмоқчимисан? Хотинингга нима дейсан? Шунча пайт Истанбулда нима қилдинг ўзи, демайдимми?

Ҳамид оғанинг жаҳли чиқди-ю, аммо Юсуфга қараб ачиниб кетди. Нима бўлганда ҳам, Юсуфни яхши кўрарди. Жим бўлиб қолди.

Юсуф қучоғини тўлдириб уйига қайтишни хоҳлайди! У ҳам бошқалар сингари қанча орзу-ниятлар билан Истанбулга келган. Баъзан тушларида қишлоғига оға бўлиб қайтганини кўрар, ўшандай пайтларда уйқудан бошқача кайфият билан уйғонарди. Ҳозир-чи... чўнтагидаги пули хотинига бир метр мато олишга ҳам етмайди. Яқинда туғиладиган боласига, хоҳласа ҳам, ҳеч нарса ололмасди...

Бир пайт столда ўтирганлар ёнига кўринишидан қирқ беш-эллик ёшларда бўлган, озода кийинган, истарали бир киши келиб салом берди. Ҳамма алик олишди, ёнларидан жой беришди. Ҳамид оға ҳаммага яна чой буюрди. Энди барчанинг нигоҳи даврага янги қўшилган одамда эди.

– Безовта қилганим учун узр. Нариги столда ўтириб ,суҳбатингизни беихтиёр эшитиб қолдим. Бир-бирингизга бўлган оқибатингиз, – Юсуфга ишора қилиб, гапида давом этди, – бу йигитга иш топиш учун қилаётган ғайратингиз мени ҳам тўлқинлантириб юборди. Мен бир тадбиркорнинг қўлида ишлайман. Бошлиғимиз жуда яхши инсон, мусулмон киши. Айни дамда ишчи қидириб юргандик. Гапларингизни эшитгач, индамай кетгим келмади. Агар хоҳласа, ошнангизни бошлиғим билан кўриштириб қўйишим мумкин.

Ҳамманинг юзи ёришиб кетди. Ҳамид оға:

– Эй барака топ! – деди.

Чойлар келди. Юсуф ўриндиғини янги келган одамга секингина тўғрилади:

– Бошлиғингизнинг дўконлари қаерда?

Нотаниш киши чойидан бир ҳўплам ичиб, тушунтира бошлади:

– Бошлиғимиз намозни беш маҳал канда қилмайди. Метр билан сантиметрни адаштирмайди, фоиз аралаштирмайди, ишчиларнинг ойлигини вақтида беради. Хоҳласанг, дўконнинг манзилини айтаман, ўзинг бориб кўрасан. Бошлиқ билан таништираман. Келишолсанг, ишни бошлайверасан.

Юсуфнинг кўнгли равшанлашиб, чуқур тин олди. Наҳотки, Яратган эгам ўйлаганидек ишни муносиб кўрган бўлса? Хурсанд жавоб қилди:

– Бўлади. Дўконнинг қаердалигини айтинг, эртага эрталаб бораман.

Ишхонанинг эгаси Шукри Гурбуз деган одам экан. Султонҳаммомда катта улгуржи мато дўкони бор эди. Олтмиш ёшда бўлишига қарамай, тетик, ёш кўринарди. Серсоқол, бадавлат киши. Ўзига бино қўймаган, манманлиги йўқ, оддийгина кийинган. Расмиятчиликни ёқтирмас экан. Ширин сўзли, доим кулиб турарди. Илк танишувда Юсуфга:

– Хуш келдинг! – деб насиҳат қила кетди. – Қара, лекин, иш кўпайиб кетди, деб намозингни бир маҳал ҳам канда қилиш йўқ! Зеро, Худонинг олдидаги қарзини узмайдиганлар билан ишлашни хоҳламайман. Харидорларга матони ўлчаётганингда метрга яхшилаб қара! Бировнинг ҳақи бўйнимда қолиб кетмасин. Матоларда камчилик бўлиши мумкин. Агар нуқсини кўрсанг-у, харидорга, албатта, унинг камчилигини айт! Айтиб қўяй, молни сотаман, деб зиғирча ҳам ёлғон аралаштирмайсан! Сенга шуларни айтмоқчи эдим. Қани, ишлаб кўрайлик-чи. Мени Худонинг ҳам, харидорларнинг ҳам олдида уялтириб қўйма!

Юсуф бошлиқнинг қўлини ўпди:

– Худо хоҳласа, сизни уялтириб қўймайман.

У жуда хурсанд бўлиб ғайрат билан ишга киришди.

Кунлар бир-бирини қувлар, Юсуф ҳар куни янги ишида ни мадир ўрганарди. Дўконда харидорлар ҳақиқатан ҳам кўп бўларди. Шукри Гурбузнинг софдиллиги, одоби Анадўлининг турли вилоятларидаги харидорлар ишончини қозонган, ҳар куни бўлмаганда тўрт-беш харидор Анадўлидан келар, буюртмалар бериб кетарди.

Юсуф харидорларга қандай муомала қилишни биларди. Улар сўраган мато токчанинг энг тагида турган бўлса ҳам, устидагиларни тушириб молни кўрсатарди. Иш тугаб, харидорлар кетганидан кейин молларини яна жойига тахлаб қўйишдан эринмасди.

Орадан беш ойга яқин вақт ўтди. Бир куни эрталаб Шукри оға дўкон сотувчиларини йиғиб, уларга баъзи молларнинг ишлаб чиқарувчиси бўлган фабрика чегирма қилаётгани, шунинг учун ҳам бундай молларни тезроқ сотиб юбориш кераклигини айтди.

Ана ўша куни Юсуфнинг ичида қандайдир ғулғула пайдо бўлди. Айни моллардан чегирма бўлганини харидорларга айтмай туриб, ҳозирги қиммат баҳода сотиш қандай бўлар экан? Улардан тушадиган фойда, даромад ҳалолмикин?

Бу фикрини ҳамманинг олдида бошлиққа айтиш, ораларига нохушлик тушишини хоҳламади. Лекин айтмаса ҳам бўлмасди. Тушлик вақтида тўғри раҳбарнинг хонасига кирди. Баъзи молларнинг нархида ўзгариш бўлгани харидорларга айтиладими, йўқми, деб сўради. Шукри оға Юсуфдан буни кутмагани учун ҳайрон бўлиб:

– Нархнинг тушганлигини айтсак, ўзинг ўйла, харидор биздан ўша молларни оладими? Ундай бўлса, биз зарар қиламиз? – деб мавзунини ёпмоқчи бўлди. Жавоб Юсуфни қониқтирмади:

– Баъзи молларда чегирма бўлганини эшитган харидор мендан бу матолар ҳам ўшалардан эмасми, деб сўраса, қандай жавоб бераман?

Шукри оға яна қисқагина:

– Менинг хабарим йўқ дейсан, қўясан...

Юсуф бу жавобдан музлаб кетди. “Ишга кирганимнинг биринчи кунидеёқ ёлғон гапирма, деб танбиҳ берган шу одамми? Шукри оға учун дунё манфаати устунроқ экан-да...” Яна нималар демоқчи бўлди, аммо иш бошқарувчиси чақириб қолди. Юсуф хомуш чиқиб кетди.

Ўша кеча кўзига уйқу келмади. Минг умид билан ишга кирган. Кимсан, Шукри ҳожидек инсондан бу гапларни эшитиши Юсуфга оғир ботди. Бир мусулмон киши чегирмали молни билиб туриб баланд нархда ўз диндошига индамай сотиб юбориши тўғрими? Шундоқ ҳам Шукри оға молларнинг нархига ўзининг яхшигина устамасини қўйиб сотарди. Шукри ҳожидек инсоннинг озгина дунё матоҳини деб нафсига қул бўлиши Юсуфга ёқмаётганди.

Шундан кейин... неча кун ўтди, ишидан ҳаловат топмай қолди. Бошлиғига бўлган ишончу муҳаббати олдингидай эмасди. Ваҳоланки, уни жуда яхши кўрар, ҳатто йўқлигида ҳам орқасидан мақтаб юрарди. Кунлар ўтди. Дўконда баъзи турдаги моллар тугаб қолди. Омборда мол бўлишига қарамай, айни

ўшаларнинг дўконга чиқарилмаётгани Юсуфни ўйлантириб қўйди. Бир куни иш бошқарувчисидан бунинг сабабини сўрагани:

– Эй, ҳамма ишга бурнингни суқавермасанг-чи! – деган жавоб олди.

Аммо Юсуф тинчимасди. Тасодифан, тез кунда баъзи

молларнинг нархи ошишини ва ўша моллар атайин сақланаётганини эшитиб қолди. Хуллас, пичоқ бориб суякка тақалди. Бу иш Аллоҳ олдидаги қарзларни сидқидилдан узиш ҳақида оғиз тўлдириб гапирадиган кишига муносибми?

Юсуф бошлиқнинг эшигини тақиллатганда сўнгги қарорини қабул қилиб бўлгани. Шукри ҳожи уни ҳар доимгидек очиқ юз билан кутиб олди:

– Кел, ўтир, эшитаман.

Юсуф дадил гап бошлади:

– Бир масалага ойдинлик киритиш мақсадида олдингизга келдим. Мени ишга олаётганингизда ёлғонни ёмон кўришингизни, харидорларга ёлғон гапирмаслигим кераклигини айтгандингиз. Аммо, афсуски, охириги пайтларда бунинг аксини кўраётгандекман.

– Масалан... – деди Ҳожи.

– Эсингизда бўлса, баъзи молларнинг нархи тушганини харидорларга айтмасдан тезроқ сотиб юборишимиз кераклигини буюргандингиз. Мен бунинг тўғри эмаслигини тушунтиришга уриндим, аммо уддалай олмадим. Ундан кейин нархи ошиши кутилаётган молларни сотиш ўрнига омборда сақланаётганини кўрдим. Иш бошқарувчисига бунинг тўғри эмаслигини айтганимда, ҳамма ишга аралашаверма, деди. Бу гаплардан сизнинг ҳам хабарингиз бор, деб ўйлайман. Сиздек ўз дини кўрсатмаларига содиқ инсоннинг бу ишларини нотўғри деб билиб, ишдан кетишга қарор қилдим. Гапларим сизга оғир ботмади, деб умид қиламан. Бир илтимосим, агар менда ҳақингиз бўлса, рози бўлинг! Мен сиздан розиман.

Аллоҳ рози бўлсин.

Ҳожи Юсуфнинг гапларидан карахт бўлди-қолди. Нимадан сўз бошлашни билмай чайналди. Юсуф ўрнидан туриб қўлини узатди. Ҳожи оға гўё роботга айлангандек эди. У ҳам қўлини берди. Юсуф хонадан чиқиб кетаётганда, Ҳожи оға чуқур ўйга толиб ўтирарди. Юсуф бир муддат кўчаларни айланиб юрди. Фотихдаги ўша қаҳвахонага яна боргиси келмади. Шом намозини ўқиб бўлгач,

Ўзи ҳар кеча тунайдиган эски меҳмонхонага борди. Меҳмонхонанинг иш бошқарувчиси Ҳалил яхши одам эди. Кечки овқатни бирга ейишди. Сўнгра ўтириб, дардлашишди. Юсуф ўша куни бошидан кечирганларини айтиб берди.

– Ҳалил амаки, қишлоққа қайтишдан бошқа чорам қолмади, деб ўйлаяпман. Қўлимда бироз йиғиб қўйган пулим бор, лекин бўлиб ўтган ишлардан кейин унинг ҳам ҳалоллигига шубҳа қилиб қолдим. Бу пулларга хотиним ва боламга қандай қилиб нарса оламан?

Юсуфнинг гаплари Ҳалил амакининг юрагини сиқди. У ҳам анча йиллар аввал қишлоғини ташлаб, бу ерларга келганди. Турли жойларда ишлаган. Бундан ўн уч йил илгари мана шу ерга келган. Аввалига анча йил ҳаммолчилик қилган. Кейин эса пул эвазига иш бошқарувчилик лавозимига кўтарилиб олган. Амаки чой дамлаб, пиёлаларга чой қуйди.

Ногаҳон бир нима эсига тушди шекилли, Юсуфга:

– Менга қара, жиян! – деди. – Бир нарсани ўйлаб қолдим. Қаршимиздаги карвонсаройда бир одам бор. Аҳволи сендан яхшироқмасдир-у, лекин қалби тоза инсон. Кечагина гаплашгандим. Ҳар куни эрта туриб қўлига халта олиб кўчага чиқиб кетади. Кечгача кўчадаги қоғозларни йиғиб юради. Ёнидаги бир нечта ёши катта одамлар ҳам шу ишни қилар экан. Айтишича, ойига уч-тўрт минг лира пул топаркан. Ўзи ҳам сенга ўхшаб кетади. Агар хоҳласанг, бу ерга чақириб, гаплашиб кўраман. Баҳонада танишиб оласизлар. Майли десанг, сенга ёрдам беради, бирга ишлайсизлар. Нима дейсан?

– Билмасам, рози бўлармикин?

Ҳалил амаки ўрнидан туриб курткасини кийди. Эшикдан ташқарига чиқаётди:

– Юнуснинг ўзи билан гаплашайлик-чи, нега йўқ десин? – деди.

Юсуф, Худо билади, ўша куни Шукри ҳожининг дўконидан чиқаётганида бошқа иш қидирмайдигандек эди. Ҳолбуки, ҳар доим “Худо – пошшо!” дейдиган ўзи эмасмиди? Худо ўз қулини оч қолдирармиди? Ҳатто тупроқ тагидаги чумолиларнинг ризқини беришга қодир бўлган Зот Юсуфнинг ризқини кесармиди?

– Ассалому алайкум, мана сенга Юнус...

Ҳалил амаки ўзи билан чамаси ўн беш-ўн олти ёшлардаги бир болани етаклаб келганди. Ўша кеча анча гаплашиб ўтиришди. Юнус Юсуф билан бирга ишлашга жон деб рози бўлди. Унга:

– Қара, лекин ишимиз жуда оғир. Кўринишидан ифлос ишга ўхшайди, аммо қўлингга тоза пул келади. Ҳали бу ишни ёқтириб қоласан...

Юсуф ҳам:

– Худо хоҳласа, – деб қўйди.

Шундай қилиб, эртасига бомдод намозидан кейин Фотиҳ масжидида кўришишга келишиб олишди.

Фотиҳ масжидида бомдод намозини ўқиб бўлган жамоат аста-секин тарқалмоқда. Юсуф эса ҳали ҳам ўз жойидан қимирламай, икки қўлини очиб Яратганга илтижо қилаётганди.

– Эй бор Худоё! Оламларни йўқдан бор қилган Зотсан! Ҳар жоннинг ризқини берувчи Ўзингсан! Эй Раббим! Ўз лутфинг билан яқинда фарзандли бўламан. Унга ҳалол луқма бериб, мусулмон бир банданг қилиб катта қилиш истагимни қабул айла! Мени бой қиладиган ҳаром луқмадан, ёлгон эвазига қорин тўйғазишдан, Сенга осий бўладиган энг кичик гуноҳдан ҳам Ўзинг асра! Мени нафсимга қул, шайтонга масхара қилма! Ўзингга таваккал қилдим!

Дугога берилиб кетганидан, ёнига Юнус келиб ўтирганини сезмай ҳам қолибди. Кейин масжиддан чиқишди. Яқиндаги дўкондан кулча олиб, қаҳвахонада енгил нонушта қилишди. Кейин эса Тўпқопидан сал нарида жойлашган баланд қадимий бинога боришди. Юнус Юсуфни бошлиғи билан таништирди. Унга:

– Бу ака ҳам биз билан бирга қоғоз тўплайди. Бир дўстим тавсия қилди. Тўғрисўз, яхши одам. Ишонингиз мумкин, ўзим кафилман.

Бошлиқнинг исми Рустам экан. Гавдали, қўнғир мўйловли одам. Юсуфни синчков кузатгандай бўлиб:

– Агар Юнус олиб келган бўлса, ишлайвер-чи, кўрамиз. Кўп ишласанг, қўлингга ҳам кўпроқ пул тушади.

Юсуфга катта қоп беришди. Исми билан манзилини дафтарга ёзиб олиб, олдиндан аванс сифатида беш юз лира ҳам тутқазишди. Кейин Юнус билан бирга ишга йўл олишди.

Иккаласидан бошқа яна анча киши бу иш билан шуғулланаркан. Юсуф атрофидагиларга ғалати қараётганди, Юнус:

– Ака. Буларнинг ҳаммаси нонини шу майда-чуйда қоғозлардан топишади. Майда деб парво қилмассиз-у, аммо ҳаммасининг чўнтаги тўла пул. Қоғозлар,

тарозилар ҳаммаси дафтарга ёзилади. Ҳафтанинг охирида тўплаган қоғозларимиз эвазига пул оламиз. Рустам оға пул борасида анча бақувват одам. Пулга ўч одамдек кўрингани билан, керак жойида сарфлашнинг билади, баъзан сўраганимизда олдиндан бўнак ҳам бериб туради. Қани энди, биз ҳам “Бисмиллоҳ” деб бугунги ишимизни бошлайлик.

Юсуф ўша куни янги ишини бошлади. Ҳар куни тонг саҳардан ишга чиқиб, кўчама-кўча юради, оёқ остидан чиққан қоғозлар билан қопини тўлдиради. Ишининг кирлиги ва оғирлиги уни ташвишга солмасди. Тушларининг рўёбга чиқиши учун ҳали кўп ишлаши, кичкинтойини эса пешана тери билан топган пулига катта қилиши керак. Керак бўлса, оқова-чиқинди сувларни ташийди, аммо ҳаромга қўл урмайди.

Янги ишида дўстлар ҳам орттириб олди. Кеч тушиши билан Тўпқопининг ташқарисидаги ангарда йиғилиб, тўплаган картон-қоғозларини топширишарди. Кейин ҳамма уй-уйига тарқаларди. Юсуф чарчамасди, қайтанга чарчоқ унинг ишлашга иштиёқини, кучини оширарди. Кечқурунлари алламаҳалгача ухлолмай, қишлоғига бой бўлиб қайтишни хаёл қиларди. Қўйни-қўнжини хотини ва фарзанди учун олган совғалар билан тўлдириб қишлоққа қайтаётгани кўз олдиндан кетмасди. Баъзан бирга ишлайдиган оғайниларини ҳам ўйларди.

Ҳаммасининг ўзига яраша дарди бор. Кимнингдир онаси касал, кимнинг отаси юролмай қолган, яна кимнингдир эса укалари ёлғиз қолган. Уларни боқиш учун қуёш чиққандан то ботгунга қадар ахлат титиб юришарди. Ҳаммасининг кўнгли тоза, яхши инсонлиги билиниб турарди. Қўллари, уст-боши ҳавас қиларли эмас, лекин қалби пок, виждонли эканликларини ҳеч ким инкор этолмасди. Айниқса, уларнинг орасида намозхонлар ҳам борлигидан Юсуф жуда хурсанд эди. Дўстлари, аввало, Худодан кўрқишарди. Ораларида ибодатдан маҳрум, одамийликдан чиқиб кетган юзсизлар йўқ эди. Фақирона, аммо Худога таваккул қилиб яшашарди улар.

Ибиш исмли бир йигит билан жуда аҳил эди. Ибишнинг эндигина мўйлови чиқа бошлаган, Юсуфни жуда ёқтирарди.

Бир куни унга:

– Ака! Мен сизни яхши кўриб қолдим. Қанчалик қийналиб ишлаётганингиз кўриниб турибди. Ҳар куни меҳмонхонанинг бурчакларида тунашингиз мени қийнапти. Уйимиз тор бўлса ҳам, бағримиз кенг. Сиз учун жой топилади. Меҳмонхонага пул сарфлагандан кўра, бизнинг уйга келинг. Нима бўлганда

ҳам, қозонимиз қайнаб турибди. Онамнинг пиширгани ҳаммамизга етади. Кийимларингизни ҳам тоза қилиб ювиб берамиз, – деди.

Юсуф олдинига у ерга боргиси келмади. Ибиш ҳам сўзида туриб олди. Бу камбағал оилага оз бўлса-да, ёрдамим тегақолсин, деган ўйда рози бўлди.

Ибишнинг отаси Адҳам амаки анча қариб қолган, яқингача қурилишда ишлаган экан. Лекин қутилмаган бахтсиз ҳодиса туфайли тўшакка михланиб қолганди. Онаси Ҳабиба ая кунни эрига қараш билан ўтказар, Ибишнинг юки енгилласин, деб имкон бўлди дегунча, қўшнисининг уйига чиқиб фаррошлик қилиб турарди. Улар ўз ҳаётларидан нолишмасди. Яратганга бўлган ишонч-этиқодлари чексиз, Ундан келадиган ҳар қандай мусибатларга бўйин эгиб ҳаёт кечиришарди. Ибишнинг топган пулига шукур қилиб кун кўришарди.

Энди Юсуф ҳам бу оиланинг бир аъзосига айланди. Кексалар худди ўз ота-онаси каби меҳрибон эдилар. Юсуфнинг ёрдами билан уларнинг ҳам ҳаётлари анча енгиллашганди. Аслида, Ибиш ҳам, унинг ота-онаси ҳам бошида бу ёрдамни қабул қилишмади, аммо Юсуфнинг ўзи “Агар олмасангиз, сизлар билан қололмайман”, деганидан кейингина рози бўлишди.

Юсуф янги ишидан ва Ибишлар билан яшаётганидан мамнун эди. Фақат кундузлари масжидда жамоат билан намоз ўқий олмаётгани уни қийнарди. Эрталабдан кечгача кўчада ахлат титиб, қоғоз йиғиб юргани учун уст-бошидан келадиган қўланса ҳид туфайли жамоатга қўшилишни истамасди. Шунинг учун бирон-бир масжид ҳовлисида ёки бошқа бирор очиқ жойда намоз ўқиб юрарди. Ҳар намоздан кейин дуода оиласи бағрига тезроқ боришини сўрарди.

Ҳамқишлоқлари билан кўришмаганига ҳам анча бўлди. Бомдодни ўқиб бўлиб, катта қопи билан ишга чиқиб кетар, хуфтонгача кўчаларда қоғоз тўпларди. Бошлиқнинг ўнг қўли, қоғозларни қабул қилиб оладиган Ҳалил оғанинг ҳам назарига тушганди. Кўпинча қоғозларни топшириб бўлгач, Ҳалил оғанинг жойнамозида хуфтон намозини ўқиб олар, кейин бирга толма чой ичишарди.

Иложи борича бошлиқ билан гаплашмасликка ҳаракат қиларди. Рустам оға бироз ўзига бино қўйгандек кўринарди. Ишчиларнинг ҳаммаси эрталабдан кечгача унинг талаби бўйича ишлашса ҳам:

– Шуям қоғозми? Ҳеч нарсага ярамайдиган қоғозларни нега йиғиб келаверасанлар, – деявериб кўпчиликни бездириб юборганди. У самимий туйғулардан шунчалар узоқ эдики...

Бир куни оқшом уйга қайтганида Ибиш хомуш кутиб олди. Ҳабиба ая уйда кўринмасди. Адҳам оға ҳам ташвишли нигоҳ билан Юсуфга қараб турарди. Ибиш ўша куни бўлиб ўтган воқеаларни сўзлаб берди. Айтишича, Ҳабиба ая эрига сут олгани ташқарига чиққанида, бир машина уриб, қочиб кетибди. Уни кўни-қўшнилар дарҳол касалхонага олиб боришибди. Онанинг аҳволи бироз яхшиланибди, аммо бир неча кун касалхонада қолиши керак экан. Энди Адҳам акага ким қарайди?

Юсуф Ибишнинг гапларини диққат билан эшитди. Кейин Адҳам оғага тасалли берди, Ибишнинг елкасига кўлини қўйди:

– Хафа бўлма! Ҳозир аҳволлари яхши экан-ку? Яхшилик ҳам, синов ҳам Худодан. Яхшиликка қандай шукур қилсак, мусибатга ҳам сабр қилиш – вазифамиз. Сенинг онанг менинг ҳам онам эмасми? Шу кунгача мени шу оила аъзолари қатори кўрдингиз. Энди мен ҳам фарзандлик бурчимни бажарай. Сен отангга қарайсан, мен эса рўзғор тебратишга ҳаракат қиламан. Хўпми?

Ибиш ўйланиб қолди:

– Ака, Худо сиздан рози бўлсин, аммо ўзингизнинг ҳам оилангиз бор. Улар нима қилишади? Қайтанга, биз сизга ёрдам беришимиз керак.

– Қўйсанг-чи! Бу нима деганинг? Ризқни берадиган – Аллоҳ. Олдин онамиз тузалсин. Ҳозир энг муҳим ишимиз шу.

Ўша кундан эътиборан Юсуф иккинчи оиласи учун бир ўзи ишлади. Тонг саҳардан хуфтонгача ишлаб уйга қайтарди. Кўлидан келганича мусибатларига шерик бўлиб, уларни чалғитишга ҳаракат қиларди. Аммо мусибат келдими, қайтиши қийин экан... Бир куни Ибишнинг яна маҳзун ҳолатдалигини кўрди. Ҳабиба аяни тос суягидан операция қилиш керак экан. Бунинг учун эса ўн беш минг лирага яқин маблағ керак! Ибишнинг беш-олти минг лираси бор. Қолган пулни қаердан олади?!

Юсуф кўлидаги ҳамма пулини унга берди. На хотини ва на унинг қорнидаги боласини ўйлади. Ибиш бу пулларни ололмайман, деганида:

– Мени ўйлама. Худо – пошшо! Онамиз тузалиб олсин... Нима бўлганда ҳам, мен ҳозир ишлаб турибман. Кетгунича бу пулларни чиқариб оламиз, Худо хоҳласа...

Ибиш Юсуфнинг бу ёрдами учун хижолатда қолганди. Ундан пул олишни истамаётганди, лекин бошқа чораси ҳам йўқ эди. Энди уни хавотирга солган нарса – қарзини тўлашга улгурмасидан Юсуфни қишлоғидан чақириб

қолишлари эди. Онасининг тезда соғайиши ва ўзи яна ишга тушиб кетишини, ишлаб, қарздан тезроқ қутулишларини сўраб, Худого ёлворарди.

Ҳабиба ая касалхонада уч ҳафта ётди. Уйига қайтганида, худди ҳеч нарса бўлмагандек, ўзини яхши ҳис қиларди. Албатта, бундан энг кўп Ибиш хурсанд бўлди. Яна Юсуф билан бирга ишлай бошлади, энди аввалгидан ҳам кўпроқ меҳнат қиларди. Ногаҳон... кўрққани бошига келди. Бир куни Юсуф кечки овқатдан сўнг:

– Бу кеча сизлар билан ўтадиган охирги кечам, деб ўйлайман. Бугун қишлоқдан хабар келди. Қайтишим керак экан, – дейиши билан Ибишнинг дунёси гўё остин-устин бўлиб кетди. Аммо Юсуф бу ҳақда умуман ўйламаётганди. Адҳам амаки ва Ҳабиба аядан рози-ризочилик сўради.

Уларнинг қарздан хабарлари йўқ эди. Овқатдан кейин Ибиш Юсуфни ташқарига чақирди. Юсуф йўл харажатини ҳамюртларидан олиб турганди.

Ибиш пул топиши билан қарзнинг бир қисмини Юсуфнинг қишлоқдошларига, қолганини эса почта орқали Юсуфнинг ўзига юборадиган бўлди. Юсуфнинг бу олийжаноблигидан Ибиш жуда тўлқинланиб кетди.

Эртасига тонг олди кексалар Юсуфни ўз фарзандларидек бағирларига босиб, кўзларида ёш билан хайрлашишди.

Саҳар ғира-ширасида Юсуф Ёзгатга жўнаш учун Лолалидаги чиптахонага қараб борарди. Бомдод намозини Боязид масжидида ўқигач, Оксаройга қараб юрди. Лолали масжидининг бурчагидан бурилганини билади, оёғига бир нима урилгандай бўлди. Атроф туманлигидан нималигини аниқ билолмади. Эгилди. Оёғига урилган ҳамён экан. Олди, ичига аста назар солиб қараса, ҳамён пулга тўла. Жойида қотиб қолди. Энди нима бўлади? Ҳаётида ҳеч қачон пул топиб олмаганди. Бирдан бу пулларнинг эгаси кўз олдига келди.

Ким билади қандай аҳволда экан... ҳамённинг эгаси ҳақида бирор маълумот чиқиб қолар, деган умид билан яна ичига қаради. Пулдан бошқа ҳеч нарса йўқ. Кейин ҳамённи пальтосининг ички чўнтагига солиб йўлида давом этди. Бекатга етиб келганида, йўлга чиқишга шайланган автобуслар қатор терилиб турарди. Чиптани сотиб олгач, у ердаги ходимларга пул топиб олганини айтиб, бу ҳақда микрофонда эълон беришларини илтимос қилди. Чиптачи бир муддат ҳайрон турди... Эълон ҳам янгради. Лекин ҳеч ким унинг ёнига келмади. Автобус жўнаш вақти яқинлашиб борарди. Юсуф орада бу пулларни чиптачига ташлаб кетмоқчи ҳам бўлди.

Аmmo... эгасини қидиришмасачи? Шу мулоҳаза билан фикридан қайтди.
Чиптачидан:

– Шу яқин-ўртада полиция маҳкамаси борми? – деб сўради.

– Оқсаройда бор. Соҳил бўйлаб пастга тушсангиз, ўнг томонда жойлашган.

Автобуслардан узоқлашди, Оқсаройга қараб юрди. Йўлдан кеч қолса ҳам майли, пулни эгасига ёки ўша ердаги полиция ходимларига беради. Сўраб-суриштириб, охири маҳкамани топиб келди. Кираверишда бир полициячи турарди. Унинг ёнига бориб сўрашди:

– Ассалому алайкум.

– Ва алайкум ассалом. Кел, нима хизмат?

– Шу... бошлиқ билан кўришмоқчи эдим. Эшик олдидаги навбатчи ҳайрон:

– Бошлиқни нима қиласан? Қандай шикоятинг бўлса, менга айтавер.

Юсуф бундай жойга биринчи марта келгани учун ичида бироз ҳаяжон аралаш кўркуви бор эди. Паст овозда:

– Ҳамён топиб олдим. Шунга бошлиқ керак эди. Бошқа ишим ҳам бор... Бироз шошиб тургандим.

– Ҳамён топиб олдингми? Қани? Қаерда?

Юсуф чўнтагидан ҳамённи олди.

– Мана.

Навбатчи Юсуфга янада синчков қаради. Уст-боши бир аҳволдаги инсоннинг эрта тонгдан пунктга ҳамён топиб олганлигини айтгани келиши, бунинг устига, шунча пулни бировнинг қўлига тутқазиб қўймоқчи экани ғалати туюлди.

Қараса, ҳамённинг ичи тўла пул...

– Қани, ичкарига кир-чи! Кун ҳам совуқ, исиниб оласан.

Ичкарида бошқа ходимлар ҳам бор эди. Юсуфни бошлаб кирган одам:

– Хўш, қаердан топиб олдинг ҳамённи?

Юсуф қисқа ва лўнда жавоб қилди:

– Лолалидан.

Ҳамён ҳақида гап очилиши билан бошқалар ҳам қизиқиб Юсуфни ўраб олишди. Улардан бири:

– Неча пулинг бор ўзи? – деди.

– Қирқ лира. У ҳам бўлса, йўл ҳақиға. Ёзгатга кетяпман...

– Истанбулда нима ишинг бор эди?

– Ишлашга келгандим, тузук-қуруқ ишлай олмадим. Кейин қишлоқдан хабар келди. Энди кетяпман...

– Қарзинг борми?

– Бор, лекин унча кўпмас.

– Эй-й! Сарик чақаям тополмадингми?

– Ишладим, аммо бир дўстимнинг онаси бетоб бўлиб қолди. Шунга касалхонага тўладик. Дўстим топганида менга пулни қайтарадиган бўлди.

Юсуфнинг бу самимий ва содда гапларидан хонадагилар ҳайрон. Чўнтагида фақат автобус учун пули бор. Бўйнидаги қарзи билан қишлоққа қайтишга мажбур бўлган бу йигитнинг кўчадан пул топиб олиб, уни полиция кўлига топшириши улар учун ҳайратланарли эди. Ўтирганлардан бири:

– Эҳ, хомкалла! Бошига давлат қуши қўнганини билмай юрибди, – деб пичирлаб қўйди.

Яна бири:

– Ҳамённи топиб олганигни яна кимдир кўрдими? – деб сўради. Юсуф “йўқ” деган маънода “чик” деган овоз чиқарди.

– Сендан бошқа ҳеч ким кўрмади ва сен ҳамённи тўғри бу ерга олиб келяпсан, шундайми?

– Ҳеч ким кўрмагани рост, лекин Худо кўриб турибди-ку?!

Ораларида энг новчаси Юсуфнинг елкасига аста урди:

– Тўғри қилибсан, ўғил бола экансан. Кел, бу хонага ўтамиз. Булар бекорга сенинг жаҳлингни чиқаришади. Ҳалолликдан ҳам яхшиси бор эканми? Энди вақтингни кўп олмайлик. Баённома ёзамиз. Ортиқча ушлаб ўтирмайлик сени.

Новча ходим Юсуфни бошқа хонага олиб кирди, қаерга ўтириши кераклигини кўрсатиб, ўзи ҳам стулга чўқди. Олдидаги ёзув машинкасига тоза қоғоз тикди. Энди ёзувни бошламоқчи бўлиб турганда, хонага тўлачадан келган, ёши улуғроқ киши кириб келди. Столда ўтирган ходим сакраб ўрнидан турди.

– Келинг, ўртоқ бошлиқ, хуш келибсиз!

– Хуш кўрдик, Жеват, – кейин Юсуфга қаради. – Бу йигит нима қиляпти? Тинчликми, ишқилиб?

– Ҳеч иш йўқ. Фақат кўчадан пул топиб олибди. Шунини бизга олиб келибди. Эндигина баённома расмийлаштирмоқчи эдим.

– Топиб олган пулини бу ерга келтирибди, дейсанми?

– Худди шундай, ўртоқ бошлиқ.

Бошлиқ бир Юсуфга, бир ходимига қараб, бошини чайқади. Хонадан чиқиб кетаётди:

– Ёзув-чизувингни тугатгач, менга олиб кир, – деди.

Ходим Юсуфдан исм-шарифини, яшаш жойи ва шунга ўхшаш алланималарни сўраб олди. Кейин Юсуфнинг гапларини ёзув машинасида тера бошлади. Ёзиб бўлгач, қоғозни Юсуфнинг олдига қўйди. Ёзув тагидаги очиқ жойни кўрсатиб:

– Шу ерга бармоғингни бос, – деди. Юсуф ҳайрон қаради:

– Нега?

– Имзонинг ўрнига ўтаверади.

– Ундай бўлса, нега имзо қўя қолмайман?

Бу гапдан полициячи ҳайрон:

– Ҳалиги... имзо қўйишни билмасанг керак, деб ўйлабман...

– Ие! Имзо қўйиш қийин ишми? Ахир бошланғич синфни тугатган бўлсам. Буни устига қориман.

– Ҳа-а, қори бўлсанг, нега унда бирор-бир масжидда имом ёки сўфи эмассан?

Бу савол Юсуфнинг ярасини янгилагандек бўлди. Бошини эгди:

– Овозим унчалик яхши эмас. Жамоат меҳробда ҳам, минорада ҳам хушовоз одам бўлишини хоҳлайди. Шунинг учун ҳам бўлмадим...

Кейин бошлиқнинг хонасига чиқишди. Юсуф курсига ўтирди. Бошлиқ ёзилганларни ўқиб, яна бошини чайқади. Кейин:

– Демак, қорисан! Хоҳласанг, сенга ёрдам беришим мумкин, бир жойда имомлик қиласан. Нима дейсан?

Юсуф:

– Бўлмайди, – деди. – Ҳозиргина акага ҳам айтдим, овозим яхшимас. Шунинг учун ҳам бўлмайди.

– Қаердансан ўзи?

– Ёзгатнинг Шоҳмуротли қишлоғиданман.

– Майли. Унда қоровулчиликка нима дейсан?

Юсуф инкор маъносида бошини чайқади:

– Хоҳлардим. Аммо қишлоққа боришим керак. Истанбулда ойлаб иш қидирдим. Топган ишларим ҳеч ўзимга мос келмади. Қишлоқдан хабар келди. Қайтишим керак.

Шу пайт ташқаридан бақир-чақир овоз келди. Бир ходим эшикни очиб:

– Ўртоқ бошлиқ, бир киши келди. Сиз билан кўришмоқчи. Банд десам ҳам, қулоқ солмаяпти.

– Келсин, келсин. Кўрайлик-чи, нима иши бор экан.

Бошлиқ билан кўришмоқчи бўлган одам элик-элик бешларни қоралаган, уст-боши озода эди. Ҳовлиққанича хонага кириб йиғлаб юборди:

– Тунашди, эрталабдан тунашди. Бурсага кетиш учун чиптахонага кетаётгандим. Йўлимни тўсишди. Бор-йўғимни олишди. Илтимос, ўғриларни тутиб беринг!

Комиссар учун бундай ҳолатлар янгилик эмас. Ҳеч нарса бўлмагандай:

– Шошма! Олдин ўтир. Кап-катта одам экансан. Арзимаган пул учун ўзингни қийнашинг шартми? Пешанага ёзилган бўлса, топилади ўша пулинг. Бунча ваҳима қилма.

Кириб келган одам унча-мунчага тинчийдиганга ўхшамасди...

– Қандай қилиб ўйланмаслигим мумкин. Мен у пулларни қийнаиб, пешана терим эвазига топган бўлсам. Хафа бўлмайманми, ахир?

Комиссар чўнтагидан сигарета қутисини олди, бир донасини тутатиб:

– Энди секин, ўзингни босиб олиб гапир. Пулингни қандай қилиб ўғирлатдинг?

Амаки чўнтагидан дастрўмолини олиб пешанасидан тинмай оқаётган терларини артди. Кейин тушунтира бошлади:

– Айтдим-ку, Бурсага боришим керак эди, деб. Эрталаб тонг саҳарда чиптахонага кетаётгандим. Йўлда кўриниши дан туппа-тузук бир одам билан тўқнашиб кетдим. Ўша пайт ҳеч нарсани сезмадим. Кейин автобусга чиқаётганимда қарасам, пулим йўқ. Дарҳол сизга келдим.

– Яхши қилибсан... ҳамёнингнинг ранги қандай, ичида қанча пул бор эди?

– Оч жигарранг. Роппа-роса ўттиз минг лирам бор эди. Ҳаммаси беш юзталиқ. Жон акажон, сиз унақаларни яхши танийсиз. Илтимос, менинг пулимни ҳам топиб беринг!

Комиссар индамади. Гапи ростлиги аниқ. Чунки у айтаётган ҳамён белгилари билан Юсуф олиб келган ҳамёнга айна мос тушмоқда эди. Юсуф айтган пулнинг миқдори ҳам ўттиз минг эди. Бошлиқ кўз қирида Юсуфга қаради. У боши ни эгиб жимгина ўтирарди. Комиссар амакига:

– Қани, яхшилаб қара-чи, шу одамни танийсанми? – деб Юсуфни кўрсатди.

– Йўқ. Биринчи марта кўриб турибман.

– Яхшилаб қара! Пулингни олган шу йигит бўлмасин яна.

Амаки бу сафар Юсуфга яна ҳам тикилиброқ қаради. Кейин хомушгина бошини чайқади:

– Йўқ... Менга тўқнаш келган одам бу бола эмасди. Унинг кўзойнаги бор эди...

Комиссар мийиғида бир кулиб қўйди. Амакига пулининг топилганини айтмоқчи эди, лекин бир синаб кўрмоқчи бўлдим:

– Ҳечқиси йўқ... хавотир олма, қидириб кўрамиз. Агар пулинг ҳалол бўлса, топилади. Ҳаром бўлса, у ёғини ўзинг биласан.

Амаки ҳаром сўзини эшитиши билан тутақиб кетди:

– Ҳаром деганингиз нимаси? Онамнинг сутидек ҳалол. Шубҳа қилмасангиз ҳам бўлади.

Комиссарга бу гап ёқиб тушди. Кулиб:

– Дарров жаҳлинг чиқмасин. Нима иш қиласан ўзи?

– Сигирларим бор. Сут сотаман, сариеғ тайёрлайман. Ишим унчалик катта бўлмаса ҳам, баракали.

Комиссар кулиб юборди:

– Сутга сув ҳам қўшиб турасанми? Оз қўшсанг, унчалик ҳаром бўлмайди. Аммо учдан бири миқдорида қўшган бўлсанг...

– Бу нима деганингиз? Мен сотган сутларнинг ичида бир томчи ҳам сув йўқ. Бир кун йўлингиз тушиб Бурсага ўтсангиз, Мурод ҳожининг сути қандай, деб бир сўранг. Ҳатто устидаги ёғлари ҳам топ-тоза. Мисир (макка) бозоридагиларнинг ҳаммасига ёғни ўзим тарқатаман. Улардан ҳам сўрашингиз мумкин. Худонинг Ўзи асраб келади, шу кунгача бирор ишимда айёрлик қилмаганман. Бундан кейин ҳам шундай бўлади, иншааллоҳ!

Хонадагиларнинг бари шунақанги самимий, тўлиб-тошиб гапираётган бурсалик амакидан кўзларини узмай қараб ўтиришарди. У гапини тугатгач, комиссар ҳам бор ҳақиқатни айтишнинг мавриди келди, деб ўйлади. Яна аввалгидай оғир-босиқлик билан гапира бошлади:

– Сенга ишондик. Яхши, очиқкўнгил инсон экансан. Нимагадир менинг кўзимга пулни ҳаддан ортиқ яхши кўрадигандек кўриндинг. Шунинг учун ҳам бир синаб кўргим келди. Аммо сени хафа қилиб хавотирга солишга ҳақим йўқ. Пулинг топилди.

Бурсалик амаки гаранг бўлиб қолгандек, қулоқларига ишонмагандек сўради:

– Пулим топилдими?

– Ҳа, топилди. Топган одам ҳам, мана, ёнимда ўтирибди. Сендан бир соат олдин келган. У ҳам йўловчи. Ёзгатга кетаётган экан. Ҳамён топиб олибди. Автобусига кеч қоладиган бўлса ҳам, тўғри бу ерга келибди. Шунча гапни тушундингми, йўқми, билмайман?...

Комиссар гапини тугатиб, тортмадан ҳамённи олиб амакига узатди:

– Олақол йўқотган ҳамёнингни...

Амаки секингина ўрнидан турди. Комиссар берган ҳамённи қўлига олиб, Юсуфнинг олдига келди. Унга қўл узатди:

– Раҳмат, болам. Пулимни топиб олиб, тўғри бу ерга олиб келганинга жуда хурсанд бўлдим. Ҳаммасидан ҳам пулимнинг ҳалол экани исботланганидан бошим осмонга етди. Ҳамёнини очиб қаради. Пулни санашга ҳожат йўқ, дедида, ичидан битта беш юзталиқни олиб Юсуфга узатди:

– Бу – сенга. У-бу эҳтиёжинга ишлатарсан. Сен ҳам менга ўхшаб уйинга қайтаётган экансан. Бола-чақанг бўлса, менинг номимдан бир нима оларсан. Бу пул она сути каби ҳалол, хавотир олма...

Юсуф “чик” деб Мурод ҳожининг қўлини нари суриб қўйди. Комиссар ҳайрон кузатиб ўтирарди. Йигитнинг ҳеч вақоси йўқ, аммо беш юз лирани қабул қилмаётгани ажабланарли эди. Комиссар ва Мурод ҳожи бир-бирларига қараб қолишди. Кейин комиссар кўзи билан яна қўшиб бер, дегандай ишора қилди. Мурод ҳожи қўлини яна ҳамёнига тикаётганда, Юсуф яна эътироз бидирди. Буни кўрган комиссар тутақиб кетиб:

– Э-э, бўлди қилсанг-чи! Амаки сенга миннатдорчилик ўрнида беряпти бу пулни. Пулга эҳтиёжинг борлиги кўриниб турибди. Нега ўжарлик қиласан?

Юсуф бу гаплардан ҳайрон. Бир амакига, бир комиссарга қараб:

– Нега олишим керак экан? Пешана теримга топилмаган пул томоғимдан ўтармиди? Вазифамни бажардим. Эвазини эса бандасидан эмас, Худонинг ўзидан кутаман.

Юсуфнинг бу гапидан кейин хонага сукунат чўқди. Кейин Мурод ҳожи чидаб туrolмай:

– Майли унда. Мендан нима хоҳлайсан? Пулимни топиб олиб қайтардинг. Барака топ! Энди мен ҳам сенга қандайдир ёрдам бергим келяпти. Айт, нима қилай?

Юсуф:

– Ҳалол пул топсам, дейман...

Мурод ҳожи Юсуфнинг бу жавобидан хурсанд бўлиб кетди. Уни қучоқлаб:

– Бўлди, бунинг қийин жойи йўқ. Даламда иш тўлиб ётибди. Ўзи сенга ўхшайдиганларга эҳтиёжим бор эди. Тухум қўядиган товуқларим, асал берадиган асалариларим бор.

Хотин, бола-чақангни олиб кел-да, менинг қўлимда ишла. Бу ерга келганидан бери Юсуфнинг юзи илк маротаба ёришди. Мурод ҳожи сингари ичида у ҳам Яратганга шукроналар келтираётган эди. Аллоҳ унга Раззоқ исми ила янги ризқ эшигини очганди. Мурод ҳожига қараб:

– Мен ҳам сиз билан ишлагим келяпти. Аммо қишлоқдан хабар олганман. Тез етиб боришим шарт.

– Майли, бўлади. Сен бориб ишингни ҳал қил. Кейин бизнинг далага келинглар. Ҳозирча мана бу икки минг беш юз лирани бўнак деб олатур. Қишлоққа бўш қўл билан борма. Кейин ишлаб узарсан.

– Раҳмат.

Икковлари келишиб олишди. Қолганлар бўлган ишларни тўлқинланиб кузатишарди.

АБДУЛКАРИМ

– Юсуф қуруқ қўл билан қайтаётган эмиш.

– Аҳмоқ, шунча вақт Истанбулда нима қилиб юрибди?

– Майли, ўзини қўявер, лоақал хотинини ўйламайдими?

Шунга ўхшаш узунқулоқ гап-сўзлар Юсуфнинг қишлоғида ҳар куни айланмоқда эди. Бу гап-сўзларга Юсуфнинг хотини Зайнаб парво ҳам қилмас, чунки у эрининг ёнига келаётганидан жуда хурсанд эди. У ҳам худди Юсуф каби ўйларди. Ҳар қандай қийинчилик қаршисида бошини эгмас, нима бўлган тақдирда ҳам томоқдан ҳаром ўтмаслиги, яқинда дунё юзини кўражак фарзандлари ҳаром луқма билан катта бўлмаслигини истарди... Юсуф Истанбулга кетаётганида хотини қайта-қайта:

– Қаранг-а, топадиган пулингизни ҳалол эканига ишонмай туриб қўлингизга олмайсиз. Керак бўлса, оч қолишга ҳам тайёрман, ҳаром еб қўймасак бўлди, – деганди.

Зайнабнинг бу сўзларидан Юсуф жуда мамнун. Шундай меҳрибон ва ҳалол хотин учратгани учун Яратганга шукур қилганди. Бошқа куни Зайнаб эрига:

– Бегим! Истанбул деганлари жуда катта шаҳар. Менимча, бизга тўғри келмаса керак. Хоҳласангиз, бу фикрингиздан қайтиб, уйда қолинг. Агар ҳалол ишласангиз, Эгам бу ерда ҳам ризқимизни бераверади. Ўзингизни бунча қийнайверманг, ҳали ҳаммаси яхши бўлиб кетади. Катта шаҳарда ҳар хил инсон бор, ҳалол билан ҳаромни ажратиш қийин бўлиб қолиши мумкин...

Аммо Юсуф ўз қишлоғида иш тополмаганидан, Истанбулдаги қишлоқдошларининг ёнига кетиб қолганди. Зайнаб эридан кўнгли тинч эди. Боши берк кўчага кириб қолса ҳам, бегонанинг сўзига алданмайди. Агар мажбурликдан устидаги кийимини ечиб берса ҳам, майли, ҳаром луқма топиб қайтмаса бўлди. Истанбулдан келган автобус Ёзгатдаги курантни айланиб тураргоҳга кирди. Йўловчиларни кутиб олишга чиққанлар автобус томон югурди. Автобуснинг атрофи бир-бир билан қучоқлашган, қувончдан байрам қилаётганлар билан тўлиб кетганди...

Башанг кийинган бир йигит автобусдан тушди, уни ҳеч ким танимади. У қўлидаги жомадонни қўйиб, балки бир таниш чиқиб қолар, деган мақсадда атрофга аланглади. Ҳеч қандай танишини тополмагач, аста-секин почта бўлими томон юрди. Йўлдаги одамлардан қишлоққа бориш учун машина борми, деб сўради. Лекин аниқ бир жавоб ололмади...

Энди машина тўхтатаётганида бир одамга кўзи тушиб қолди. Бу Истанбулдаги дардкаш биродарларидан Ҳамид амаки эди. Иккови қучоқлашиб кўришди. Ҳамид амаки:

– Боядан бери сенга қараб тургандим, танимабман. Бошқача бўлиб кетибсан-е! Юсуф янги кийим кийганидан бироз уялгандай бошини

эгиб жавоб берди:

– Менман... имкон борида янгисини олақолай, дедим-да.

Ҳамид амаки Юсуфнинг Истанбулда бошидан кечирган воқеалардан хабардор бўлгани учун ҳам уни бу қиёфада кўриб ажабланди.

– Истанбулдалигимда... сени кимгадир пулини олдириб қўйибди, деб эшитгандик.

Юсуф кулиб юборди:

– Пулимни ҳеч кимга олдирганим йўқ. Бир дўстимнинг онасини даволатиш учун пул керак бўлиб қолганида, ёрдам қилдим, холос...

Ҳамид амаки “Майли, ҳамма пулингни дўстингнинг онаси тузалиши учун бердинг-да, бу кийим-бошни қаердан олдинг?” – деёлмади. Аммо Юсуф унинг кўз қарашларидан шунга ўхшаш саволни тушунгандай сўзида давом этди:

– Эсингизда бўлса, бир куни қаҳвахонада ўтирганимизда, “Худо –пошшо” дегандим. Шунинг исботини кўриб келяпман...

Бироз гаплашиб туришди. Юсуф қишлоққа машина йўқлигини билиб, тезроқ кетиш учун бир таксичи билан келишиб йўлга чиқди.

...Узоқдан машина кўринди, Юсуфнинг қайтишини ҳеч ким хаёлига ҳам келтирмаганди. Уни узоқдан кўрганлар ўзларича тахмин қилишди:

– Ҳокимият вакиллари келяптими?

– Йўғ-е, улар “жип” да юради.

– Балким, кон излашга келишаётгандир.

– Бўлиши мумкин... қишлоғимизга меҳмон келаётгандир. Кўринишидан бойваччага ўхшайди...

Қишлоқ марказига келиб тўхтаган машинадан тушиб келган Юсуфни кўриб барча ҳайрон эди. Қишлоқдошлар у томон ошиқди.

– Хуш келдинг! – деб қучоқлаб кўришиб кетишди.

Юсуф улар билан кўришаркан, дарров уйига хабарчи чопди.

– Юсуф келди!..

– Оғалардек келди!..

– Хусусий машинада келди!

Хотиниям ҳайрон эди. Чунки у ҳам ҳаммага ўхшаб Юсуфнинг бўш қўл билан қайтишини кутиб ўтирганди. Қай ҳолда қайтиши эмас, унга эрининг топган

пулига ҳаром аралашмаслиги муҳим эди. Юсуфнинг худди бойлардек, хусусий машинада оғалар каби келишини айтишганида, унинг устидан кулишаётгандек туюлди. Ишонмади.

– Ҳа, ишонмаяпсанми? Унда қара-чи, анави узоқдан келаётган, башанг кийиниб олган одам сенинг эринг эмасми?

Зайнаб йўлга қаради. Ҳақиқатан ҳам, эри Юсуф бойлар каби башанг кийиниб келарди... Кўзларига ишонгиси келмади, лекин ростдан ҳам эри... Зайнабни титроқ босди. Атрофидагилар ҳам “эҳ-ҳе, оғалардек бўлиб кетибди”, деб туришибди. “Кошки, уст-боши кўримсиз ҳолда қайтса эди...”

Агар шундай бўлганида, ҳеч нарсани ўйлаб ўтирмай, тўғри эри томон чопиб кетган бўларди. Нега эри оғалардек кийиниб олган? Қандай қилиб бойиб кетди? Қаердан топибди хусусий машинага пулни?

Ён-атрофидагилар:

– Қани, бўлақол, эринг келяпти. Суюнчимизни бер-да, биз ҳам кетайлик. – Суюнчини, ана, Юсуфдан олинг-да, кетинг, –деб бақириб юборди Зайнаб. Йиғлаб хонасига кириб кетди.

Ҳеч ким нима бўлаётганини тушунолмасди. Балким, хурсандлигидан шундай қилаётгандир, деб ўз ҳолига кў йишди.

Ниҳоят, Юсуф ҳам етиб келди. Хотинини эшик олдида кўрмаганига хавотир олди. Ичкарида диван устида йиғлаб ётганини кўргач, хавотири яна кучайди. Секингина:

– Мен келдим, – деди Юсуф...

Зайнаб бошини кўтарди...

– Кетинг, кўзимга кўринманг, – деб бақирди. – Менинг оғалардек кийиниб юрадиган эрим йўқ!

Шу пайт Юсуфнинг томоғига бир нима қадалди. Хотинининг бу ҳолати сабабини тушунганди...

– Зайнаб. Мендан, ўз эрингдан қандай қилиб шубҳа қилишинг мумкин? – деди хотинининг ёнига чўккалаб. – Ҳали туғилмаган боламнинг олдига ҳаром кўтариб келишим мумкинлигини ақлингга қандай сиғдира олдинг? Тушунаман, кийимларимни кўриб ҳайрон қолдинг, бунинг сабабини мендан сўрасайдинг! Ўшанда тушуниб етардинг ҳамма гапни.

Зайнаб бу гаплардан бироз хотиржам бўлди. Бошини кўтариб Юсуфга қаради: “Қаранг, лекин алдасангиз...” деб Юсуфга талпинди.

– Эшитганларингнинг кўпи тўғри, – деди Юсуф. – Бу ерга келиш учун йўлга чиққанимда чўнтагимда сариқ чақам йўқ эди. Ишлаб бироз йиғиб қўйганимни дўстимнинг бетоб онаси даволаниши учун бердим. Йўлга чиқаётганимда жуда хафа эдим. Йўлда келаётганимда, оёғим бир нарсага урилди. Бир ҳамёнча эди. Ичи тўла пул... – бўлиб ўтган воқеаларни айтиб берди.

Бу гаплардан сўнг Зайнаб эридан шубҳалангани учун афсусланди. Иккисининг ҳам юзида табассум, бир-бирини қучоқлади. Юсуф хотинига:

– Боламизнинг аҳволи қандай? – деганди, Зайнабнинг юзи баттар қизарди.

Ҳомила анча катта бўлиб қолганини кўрган Юсуф унга исм қўйишга ҳозирдан шошилиб қолди. Охири қиз бўлса Шукрона, ўғил бўлса, Абдулкарим бўлади, деб аҳд қилди.

Юсуфнинг уйига пулдор бўлиб қайтиши қишлоқдагилар орасида обрўсини орттирганди. Энди ҳамма унга “оға” дейдиган бўлди. Аммо Юсуф бундай илтифотларни унча ёқтирмасди. У кеча қандай бўлган бўлсам, бугун ҳам шундайман, дерди. Авваллари уни бирор марта йўқлаб келмаганлар ҳозир эшигининг тагидан кетолмай қолишганди.

Юсуф уйига келганларни меҳмондўстлик билан яхши кутиб олишга ҳаракат қиларди.

Ниҳоят, бир жума тонги Юсуфнинг ҳаётидаги энг гўзал куннинг бошланиши бўлди... Ўша куни Абдулкарим дунёга келди.

Юсуф ўғлига қараб тўймас эди. Бола унга отасини эслатар, шундай фарзанд бергани учун Яратганга шукур қиларди. Падари бузруквори вафотидан олдин Юсуфга:

– Нима иш қилсанг ҳам, ҳаммаси фақат Худонинг розилиги учун бўлсин. Топганинг каттами, кичикми – бировнинг ҳақи бўлмасин. Ёлғон барча ёмонликларнинг онаси. Асло ёлғон сўзлама. Ҳамма гапга ҳам ишониб кетаверма. Сени Худодан узоқлаштирадиган ишдан узоқ тур. Кўнг лингда манманлик, кибр пайдо қилувчи бойлиқдан қоч. Доим бориға сабр қилиб яша. Шу йўл сен учун энг яхшисидир. Дўстингни Худо учун яхши кўр, душманингдан эса Худо учун қоч... – каби насиҳатларни айтиб кетганди.

Юсуф отасининг бу насиҳатларини ўз ўғли қалбига ҳам сингдира олса, ўзи ҳам энг бахтли инсонлар қаторида бўлишидан умидвор эди.

КАРИМ

Мурод ҳожи Юсуфга:

– Қишлоғингда хоҳлаганингча қолишинг мумкин, – деган бўлса ҳам, Юсуфнинг қишлоқда кўп қолиш нияти йўқ эди. Фарзанди дунёга келганидан кейин хотинининг чилласи чиқиши билан оиласини олиб йўлга тушди. Тонгда Мурод ҳожининг фермасига етиб келишди.

Улуғтоғ этакларида жойлашган далада Голландиядан келтирилган сигирларни боқиб, уларнинг сутидан пиш лоқ ва сариёғ тайёрлашар, бундан ташқари, товук гўшти етиштириш ва асаларичилик билан ҳам шуғулланишар эди.

Мурод ҳожи ёш оилани хурсанд кутиб олди. Бир муддат даладаги ишларнинг бошқарувини ўзи бажарди. Қолган ишларни эса Юсуфнинг зиммасига юкледи.

Даланинг бир четидаги кулбада Юсуф оиласи билан ҳаётининг энг бахтли онларини яшай бошладилар. Рўзғорни тебратиш учун етарли пул топса ҳам, дунё матоҳларига қалбида заррача ҳирс йўқ эди. Миттигина ўғилчаси Абдулкарим бўйи чўзилиб, Аллоҳ, она, ота каби сўзларни айта бошлаганди. Юсуф хурсандлигидан осмонларда учиб юрарди.

Ҳаётидаги энг катта орзуси – ўғли Абдулкаримни исломий тарбия бериб катта қилмоқ эди.

Ёз келди дегунча, Мурод ҳожининг атрофидаги барча меҳмонхоналар гавжум бўлиб кетарди. Бундан ташқари,

Улуғтоғнинг ям-яшил қияликларида ранг-баранг чодирлар қурилар, юзлаб оилалар бу ерларда ҳафталаб ҳордиқ чиқариб кетишарди. Шунинг учун қиш тугади, дегунча Юсуфнинг ичига маҳзунлик чўкарди. Гоҳ меҳмонхоналарда, гоҳ чодир атрофларида ичкилик ичиб, бақир-чақир қилиб кўнгилхушлик қилаётганларни кўришга тоқати йўқ эди. Бундай манзаралар билан юзма-юз келганда, бошқа жойга кетиб қолгиси келарди. Аммо шунча яхшилик қилган Мурод ҳожини ташлаб кетиш ҳам дуруст бўлмасди. Лекин ичидагиларни Мурод ҳожига тўкиб-сочмоқдан бошқа чораси ҳам қолмади. Ҳожи ҳам:

– Нима ҳам қила олардим, болам. Пул ҳам уларники, кайфу сафо ҳам. Бизнинг кўлимиздан нима ҳам келарди? “Ғарб, ғарб”, деб ботқоқликка ботиб қолишди

охири. Мен ҳам уларни бу аҳволда кўрганимда сендек эзиламан. Яратгандан уларни ҳам ҳидоятга бошлашини сўраб дуо қилишдан бошқа чорам йўқ...

Мурод ҳожи шундай деса ҳам, аммо айшу ишрат қилаётганларга сотиладиган пишлоқ, ёғ, тухум ва асалдан келадиган фойда ҳақида лом-мим демасди. Юсуф эса бу томонларини ҳам ўйлаб сиқиларди. Бу ердан ҳам кетса... Қаерга боради? Кечагина Истанбулда бир одамнинг арақларини ташимагани учун полициягача судрашмаганмиди? Очиқ-сочиқ кийиниб олган бир аёлнинг юкларини ташишни хоҳламагани учун ўша ишдан ҳам воз кечмаганмиди? Ҳозир эса қанча пиё нистанинг столидаги пишлоғу тухумга унинг ҳам меҳнати сингган. Бу каби ўйлар Юсуфнинг ич-этини еб юборганди.

– Ўғлим Абдулкаримнинг томоғидан ҳаром луқма ўтган бўлса-я?

Бу савол Юсуфнинг хаёлида айланиб юрар, ахлатхоналардан қоғоз тўплаб юриб топган ҳузур-ҳаловати бу ерда йўқ эди.

Бомдод намозини ўқиб бўлганди, бирдан дала бошида машинанинг сигнали эшитилди. Кулбасидан чиқиб қараса, қора рангдаги замонавий машина кўринди. Юсуф яқин борганда, машинадан башанг кийинган одам тушиб келди.

Юсуфга қўлини узатди:

– Фермангизга тез-тез келиб тураман, доимий мижозларингизданман, – деб ўзини таништирди. – Ферманинг хўжайини билан кўришмоқчи эдим.

Юсуф бошлиқ эрта тонгда шаҳарга тушиб кетганини айтди. “Қандайдир хизмат бўлса, қўлимдан келса ёрдам беришим мумкин”, деб қўшимча қилиб қўйди.

– Тўғриси, бу ерга бир қизиқиш туфайли келдим. Айтганимдек, маҳсулотларингиздан тез-тез олиб тураман. Бизга жуда ёқади. Бугун бўш вақтим бор эди. Сизлар билан бир танишай, дедим-да!

Юсуф меҳмонни фермага таклиф қилди. Бирга хўжаликни айланишди. Меҳмон Бурсанинг кўзга кўринган, ипак билан шуғулланувчи кишиларидан экан, исми – Атиф.

Товуқхоналарни, асалари уялари қўйилган жойларни, кейин молхоналарни айланиб чиқишди. Атифбей Юсуфга қараб:

– Сиз кўз тегишига ишонмайсизми?

– Ишонамиз, албатта.

– Нега унда ҳайвонларнинг биронтасида кўзмунчоқ кўринмайди?

Юсуф кулди:

– Кечирасиз, биз кўз тегишига ишонамиз, лекин кўзмунчоқ каби ирим-сиримларга ишонмаймиз. Кўзмунчоқ тақиб, ундан мадад сўраш жуда ёмон иллат. Динимиз кўрсатмалари бўйича кўзмунчоқнинг кўз тегишига ҳеч қандай алоқаси йўқ. Биз Худонинг буйруқларини бажарамиз. Кўз тегмаслиги учун дуомизни ўқиб юрамиз.

Юсуфдек бир йигитчанинг бундай фикрлаши Атифбейни ҳайрон қолдирди. У катта тадбиркор эди. Кўпни кўрган

Юсуф кўзига тижоратдаги рақиблари каби кўринди. Базўр жилмайиш билан:

– Худо ҳақи, сизларнинг бу ишларингизга нима дейишга ҳам ҳайрон бўлиб қолдим. Тўғриси, яхши маҳсулот сотасиз.

Бу биз учун ҳам яхши, албатта. Лекин сут ва ёғларингизга ҳеч нарса аралаштирмасангиз ҳам, сув текинга сотасиз. Бу ерда бир гап борга ўхшайди...

Юсуф:

– Адашяпсиз. Биз ишимизга ҳеч қачон алдов ва ҳийла аралаштирмадик. Шунинг учун ҳам маҳсулотларимизнинг харидори кўп. Кимнидир хурсанд қилиш учун ҳам ёлғон аралаштирмаймиз. Олдин айтганимдек, биз фақат Худодан қўрқамиз ва шунинг учун алдовдан йироқмиз.

Атифбейга Юсуфнинг бу сўзлари ҳам бошқача таъсир қилди. Унинг дадиллик билан ва ўзига қаттиқ ишониб гапиришини айтмайсизми...

Атифбей Юсуф билан гаплашиб бўлгандан кейин бир-икки халтага маҳсулотлардан тўлдириб, ортига қайтди. Ораларида қандайдир илиқлик пайдо бўлгандек эди... Ўшандан кейин Атифбей ҳар ҳафта камида икки марта фермага келиб,

Юсуф билан суҳбатлашиб кетадиган бўлиб қолди. Ҳатто бир куни ўғлини ҳам олиб келди. Ўшанда Юсуфга ўғлини:

– Бу бизнинг тойчоқ Карим бўлади, – деб таништирди.

Юсуф дарров қизишиб кетиб:

– Ундай деманг! Карим фақатгина Аллоҳга хос исм. Бизлар эса Абдулкарим, яъни Аллоҳнинг қули бўла оламиз. Шунинг учун ҳам ўғлингизнинг исми Абдулкарим бўлиши керак!..

Атифбей ўзини бошқаларга кўз-кўз қилишни яхши кўрадиган одам эди. Атрофидагиларга ўзини худди тўғри йўлдан кетаётгандек кўрсатишга уринарди. Албатта, бу билан у ўз манфаатини кўзларди. Дин, имон деган тушунчадан узоқ эди-ю, лекин узоқ бир таниши вафот этиб қолса ҳам, жаноза учун шошилиш гулчамбар тайёрлаттириб, масжидга югурар, масжид ташқарисида гулчамбарлар билан тўпланиб турганлар орасига қўшилиб оларди...

Юсуфнинг гапларига ҳам қаршилиқ кўрсатмоқчи бўлди:

– Менга қара, Юсуф! Динимиз жуда бағрикенг. Аммо сен ва сенга ўхшаганлар динни қийинлаштириб юборяпсизлар.

Ундай қилсанг гуноҳ, бу ерга қарасанг тақиқланган, бунақа исм қўйиш мумкинмас... Худо – раҳмдил зот, кечир гувчидир

дейсиз-у, арзимаган нарсаларга ҳам одамнинг эсини чиқариб юборасизлар-а. Унақамас-да энди!

Атифбей яна бир нималар демоқчи эди, Юсуф гапни илиб кетди:

– Тўғри айтасиз, динимиз ҳақиқатан ҳам бағрикенг дин. Аммо диннинг осон жиҳатларини олиб, оғир кўрсатмаларидан қочиш тўғри деб ўйлайсизми? Динимиз асосида Аллоҳ томонидан белгилаб қўйилган илоҳий низомлари борлигини эсдан чиқармаслигимиз керак. Инсон динга на бир янгилик қилиб кирита олади ва на уни ўзгартира олади. “Униқил, буни қилма!” деган гапларингиз билан нима демоқчилигингизни билмадим. Сиз тижорат билан шуғулланасиз, фоиз нималигини жуда яхши тушунасиз... Бечора қарздорнинг бўйнига сиртмоқ бўлган бу иллат динимизда бутунлай тақиқланган. Сизга насиҳат қилиб бошингизни қотириш ниятим йўқ, агар қаттиқ гапириб юборган бўлсам, мени маъзур тутинг, афандим. Фақат шуни билиб қўйингки, агар динимиз ниманидир тақиқлаган бўлса, албатта, бунинг кўплаб сабаблари ва чексиз ҳикмати бор. Мен бутун коинотни йўқдан бор қилган Аллоҳ кимнинг гуноҳларини кечириш-кечирмаслигини билмайман. Биз қанчалар гуноҳ кор бўлсак ҳам, албатта, Аллоҳ истаса кечиради. Ҳа, У Ғофурдир, Роҳиймдир. Аммо нима бўлгандаям, У кечириб юборади, деган хаёл билан бизга омонат топширилган қисқа умрни қовоқхоналарда, қиморхоналарда, фоизга қурилган тўкин ҳаёт ичида ўтказиш қанчалар тўғри бўларкин, билмадим!

Атифбей Юсуфни жим тинглади. У гапини тугатгач:

– Ҳақсиз. Ростини айтсам, бугун менга умримнинг сўнгигача унутилмайдиган дарс бердингиз. Гапларингиз юз фоиз тўғри. Афсуски, бу масалада фақат бизнинг эмас, оталаримизнинг ҳам айби бор, деб ўйлайман. Зеро, мен шунақанги бир муҳит, оилада улғайдимки, ҳеч ким оғиз жуфтлаб бу масалани менга тушунтирмаган.

– Ундай бўлса, сиз энди хатоларни такрорлашдан эҳтиёт бўлинг. Инсон ўз хатоларини англаб етиши – энг ката неъматлардан бири. Сиз ҳозир отангиз ҳақида нима деган бўлсангиз, бир кун келиб ўғлингиз ҳам сиз тўғрингизда шундай демаслиги учун ҳушёр бўлинг.

Атифбей бошини қуйи солди.

Юсуф Атифбейнинг ҳали учга ҳам тўлмаган ўғлига тикилди. Бунчалар чиройли бўлмаса бу маъсум гўдак...

Юсуф ўша кеча Мурод ҳожи билан суҳбатда Атифбей келганини, бўлиб ўтган мулоқотни айтиб берди. Мурод ҳожи Юсуфни тинглаб бўлгач:

– Қўявер, ҳамма одам бир хил эмас. Нима бўлгандаям, Атифбей хушфеъл ва яхши томонлари кўп одам. Бева-бечорага ёрдам беради. Калондимоғ эмас. Кўнгил олишни билади, кичикка кичик, каттага каттадек муносабатда бўлади.

Яхшиси, Худодан унга ҳидоят сўрайлик.

Юсуф билан Атифбейнинг дунёқарашлари ва ҳаёт тарзлари бир-бирларига тескари эди. Аммо Атифбейнинг ўғли Карим Юсуфни шундай яхши кўриб қолгандики, фермага келган кунлари қайтиб кетгиси келмасди:

– Уйга кетмайман, мен шу ерда қоламан, – деб қайсарлик қиларди.

Карим - Абдулкарим

Мурод ҳожи бир куни Атифбейдан таклифнома олиб кеди. Ўғли Абдулкаримнинг (Атифбей Юсуфнинг гапларидан кейин ўғлининг исмини Абдулкарим деб ўзгартирган эди) туғилган кунини нишонлаётган экан. "Таклиф мендан эмас, ўғлим Абдулкарим номидан. Юсуф амаким келмаса, бошқа ҳеч керак эмас, деяпти", - деб ёзилган эди.

Юсуф таклифни рад қилмади, аммо қабул қилишга хоҳиши йўқ эди. Таклифни қабул қилиш суннат эканлигини билар, аммо таклиф қилганнинг кўнгли

синмасин дея амаллари Аллоҳ ризоси ва амрларига терс бўлган гуруҳ ичига киришни ҳам истамаётган эди.

Мурод ҳожи ҳам:

-Сени яхши кўрадиган оила йиғилишига қатнашмасанг, айб бўлади. Қара, сенга махсус таклифнома ҳам юбришибди. Устига-устак, сенга алоҳида хат ҳам ёзибди.

Юсуф таклифномани олди. Эрта келаверсинчи. Бу ҳақда яна яхшилаб гаплашамиз, - деб мавзунини ёпди ва ҳар кунги юмушларини бажариш учун Мурод хожининг ёнидан узоқлашди. Кечки пайт уйга қайтганида ҳар доим эшик олдида кутиб оладиган кичкинтойи кўринмаганидан ичига ғулғула тушди. Ўғлини жуда яхши кўрарди. Хатто баъзан ишини ташлаб куннинг ярмида уни кўришга келган пайтлари ҳам бўларди. Қадамини тезлаштирди. Уйга югургилаб кирди. Абдулкарим тўшақда, аёли эса унинг бошида ўтирганини кўриб эти жунжикиб кетди. Ўғли хаста. Кўзлари юмилган, митти жисми лов-лов ёнмоқда. Юсуф боласининг бошида чўкка тушиб ўтирди. Оятал Курсини ўқиди, дуолар қилди.

Бироздан кейин Абдулкаримнинг кўзлари очилгандек бўлди. Отасини кўриб кулимсирашга уринди.

-Дадажон, ёдладим, - гапиришга ҳам холи йўқлиги билиниб турарди. Юсуф унга далда бўлишга уринди:

-Қани, тойчоғим, айтиб берчи!...

Абдулкарим лабларини пирпиратиб ўқий бошлади:

-Роббий яссир, вала туассир. Роббий таммим билхойр...

Ma'nosi: Robbim! Oson qilgin, qiyin qilma. Robbim, (ishimni) yaxshilik bilan tugatgin.

Юсуфнинг кўзлари намланди. Э Худо, боласининг касали оғир эмасмикин?! Бу саволдан бутун вужуди титраб кетганини ҳис қилди. Зайнабга қаради. Юсуфга сездирмасликка уринаётган бўлса ҳам, аёлинг кучли изтироб ичидалиги қовоқларининг қизариб, шишиб кетганидан маълум эди.

Юсуф тун бўйи Аллоҳ суйган бандаларидан қилиб тарбиялашга уринаётган боласи тезроқ тузалиб, оёққа туриб кетиши учун дуо қилди, намоз ўқиди.

Эртасига куни Мурод ҳожи билан Бурсага тушиб, Абдулкаримнинг туғилган кунига қатнашиши керак. Юсуф шу баҳона ўғлига доктор олиб келишни режалаштириб қўйди. Тақдири илоҳийга ишонади. Аллоҳнинг қадарига исён қилиши хаёлининг бир бурчагидан ҳам ўтмади. Аммо, одамнинг жигар пораси, кутилмаганда ётиб қолса, куюнмасликни ҳам имконсиз.

Эрталаб Мурод ҳожи Юсуфни олишга келганида Абдулкаримнинг хасталигини кўриб ачинди. Атифбейларникида узоқ қолмаслик ва зудлик билан докрот топиш ниятида йўлга чиқди.

Юсуф Атифбейнинг ўғлига хадя сифатида бир ўйинчоқ қўзо олди. Митти Абдулкарим эшик олдида севинчдан сакраб Юсуфларни кутиб олди.

-Қойиил, Юсуф амаким келди, -дея бўйнига осилди ва бир муддат қўйиб юбормади. Унинг бу ҳаракатидан Юсуфнинг хаёлига яна ўз ўғли келган, юзида табассум, аммо ичи қоронғи эди.

Атифбейнинг кўшида байрам қувончлари авжида. Меҳмонлар виқор, табассум билан залдан-залга ўтиб юрибди.

Атифбей ва аёли Назифа Юсуф билан Мурод хожини қучоқ очиб кутиб олдилар. Атифбей:

-Келиб жуда яхши қилдингиз. Келин билан ўғлингизни ҳам олиб келмабсизда.

-Жуда хоҳлардим, лекин кутилмаганда ўғлимизни тоби қочиб қолди, Худо хоҳласа бошқа сафар ҳаммамиз бирга келамиз.

Атифбей билан аёли Юсуфнинг ўғлига шифо тилашди. Уларга ўтириш учун жой кўрсатишди. Бироз суҳбатлашгач бошқа меҳмонларга қараш учун туриб кетишди. Меҳмонларга кичкина қадаҳларда рангли сувга ўхшаш алланималар тарқатилади бошлади. Мурод ҳожи тезда Юсуфни огоҳлантирди:

-Анави таклиф қилаётганлари борку, «Ликёр» деган заққум бўлади.

Юсуфни юзида аччиқ табассум пайдо бўлди:

- Киборлар даврасида қахва ўрнини мана шу заққум эгаллаб улгурди денг!

Атифбейнинг кўшидаги одамларга қараган сари, одамнинг раҳми келарди. Европадан орта қолганларни тинмай таъкидлашарди. Холбуки, кўриниб турган манзара, бу хотин-қизларни Европаликлардан ким фарқлай олади. Кийинишида, ичкилик ичишида, рақс деб аталган қучоқлашиб, қимирлаш

санъатида Европаликлардан ҳеч камчиликлари йўқ. Аёллар модага берилиб, таниб бўлмас даражада ўзгариб кетишган.

Бир маҳал улкан тўрт олиб келиниб, ўртадаги столга қўйилди. Юсуф энди нима бўларкин деб, хайрон кузатарди. Битта Абдулкарим столга яқинроқ келди. Барча болалар, эркагу-аёл атрофини ўраб олган. Шу дам залнинг барча чироқлари ўчирилди.

- Абдулкарим пуфла шамларни! - деган овозлар эшитилди.

Аслида, бундай қоронғуликда шамларни кимнинг нафаси ўчирганини билиб бўлмайди. Шамлар ўчар ўчмас чироқлар ёнди. Кўшкка жойлашган оркестр шўх бир куйни чала бошлагач, ҳамма бирдан Абдулкаримни олқишлай кейди. Атрофдагилар уни ўпиб қутлади. Кейин яна ҳамма аралаш-қуралаш чирмашиб рақс туша бошлади.

Юсуф ортиқ бу ерда қолишни истамади. Абдулкаримнинг ёнига бориб яноқларидан ўпди. Туғилган куни билан табриклади. Кейин Атифбейдан рухсат сўраб ташқарига чиқишди.

Атифбей Юсуфга бир таниш докторни тавсия қилганди. Уни топиб ҳолатни тушунтиришди. Шифокор зудлик билан тайёрланди ва йўлга чиқичди.

Фермага келишганида Абдулкаримнинг танаси олов бўлиб ёнмоқда эди. Докто мурғак гўдакни яхшилаб муолажа қилди. Деярли ярим соат давом этган муолажадан кейин қатъий бир қарорга келди:

- Миттивойнинг аҳволи жиддий, ҳозироқ шифохонага ётқизилиши керак...

Юсуфнинг боши айланиб кетди. Фақат унинг эмас, Зайнаб ва хатто Мурод ҳожининг ҳам аҳволи Юсуфникидан яхши эмасди. Мурод ҳожи мошина олиб келди. Болани кўрпачага ўраб олиб чиқишди. Доктор билан бирга касалхонага отланишди.

Юсуф худди туш кўраётгандек эди. Ўғлидан бошқа ҳеч нарса хаёлига келмасди. Зайнабнинг қовоқлари шишиб кетган. Касалхонада боласининг ёнида қолмоқчи бўлди, лекин доктор изн бермади.

Юсуф кўрқар, яъни дилбандига нимадир бўлса, мусибат оғирлик қилиб аламидан қалбида исён бўлиб қолишидан хавотирда эди. Кейин пайғамбаримиз соллалоҳу алайҳи васалламнинг гўдагини қабрга қўяётганини хаёлан тасаввур қилди. У мўминлар саййиди, энг буюк инсоннинг бундай мусибат олдидаги сабри ҳақида ўйлади.

- Аллоҳ Карим зот, - дея пичирлади. Аёлига қаради, у ҳам Аллоҳнинг амрига, қадарига таслим бўлганин кўриниб турарди.

Яхшилик ҳам ёмонлик ҳам Аллоҳдан эканига эру-хотин иймон келтиришган. Мурод хожи ҳам хафа, кичкина Абдулкаримнинг бу ахволи Юсуф билан Зайнабга қандай таъсир қилган бўлса, унга ҳам шундай азоб бермоқда...

- Кўпам хафа бўлманглар, - деб пичирлади у. - Боламиз тузалиб кетади Худо хоҳласа! Бир ҳафтага қолар-қолмас ҳаммамиз янги фермага қайтамиз.

Яшаш ёки ўлиш... Ҳаммаси Аллоҳдан!

Юсуф:

- ИншаАллоҳ, деди ва касалхонани тарк этишди.

Юсуф шундан кейин ҳар куни эрталаб касалхонага келадиган бўлди. Лекин Абдулкаримнинг ахволида ҳеч ўзгариш бўлмади. Докторлар мурғак гўдакка ташхис ҳам қўйишди: Минингит! Уларнинг айтишича умид деярли йук...

Бу хабар Юсуфни деярли йиқитди. Аёлига бу ҳақда айтолмади, албатта.

- Боламиз, иншаАллоҳ, тузалиб кетади ҳали, -дея олди холос. Юсуф бироз бўлса ҳам, чалғиш учун ўзини ферма ишларига урди. Касалхонадан келдими, уйга ҳам кирмай боғдаги ишлар билан машғул бўларди. Абдулкарим касалхонага тушганининг учинчи куни пешин вақти Юсуф фермада ишлаётганида Атифбей хол-ахвол сўрагани келди. Эътиқод жихатидан бир-бирлари билан унча келишишмаса ҳам, Атифбей Юсуфга нисбатан кўнглида ўзи ҳам тушунмайдиган яқинлик ҳис қиларди. Юсуф полизга ариқ олаётганида, қаршисида кутилмаганда Атифбей ва унинг ўғлини кўриб ҳайрон бўлди. Кетмонини бир четга қўйиб, чайланинг ичига кириб ўтиришди. Атифбей Абдулкаримнинг ахволини сўради аввал. Юсуф бор гапни айтиб берди. Охирида, қўлимиздан ҳеч нарса келмаяпти, энди ҳаммаси Аллоҳдан, деб гапни тугатди. Атифбей Юсуфнинг бу даражада сокин таваккул соҳиби эканлигига яна бир бор тан берди. Юсуф Атифбейнинг ўғлига меҳр қўйганди. Бу бола ўғлига шунчалар ўхшардики. Халқ орасида "Инсон боласи жуфт яратилади", деган гап юрадику, Абдулкаримлар ана шунинг исботи эди гўё. Атифбейнинг ўғлига ҳам "Роббий яссир"ни ўргатган эди. Уни қучоғига олди. Эсингдан чиқариб қўймадингми?-деб сўради. Кичкинтой Юсуфни тушунди, шартта Роббий яссирни ўқий кетди. Юсуф унинг кўзларидан ўпди. Ҳозир Роббий яссирни ўқийётган боланинг эртасини кўз олдига келтирди. Туғилган кунларини улкан тўртлар устидаги шамларни

пуфлаш, ҳамманинг кўз ўнгида ухламай қучоқлашиб рақс тушаётган катталарни томоша қилиш билан ўтказадиган мурғак гўдакнинг келажаги қандай бўларкин?...

Ўз ўгли хаста, шифохонада касаллик билан олишиб yotibdi... Аллоҳнинг лутфи билан балки тузалиб кетар. Аммо беғубор кўзлари билан гўё:

- Мени қутқаринг Юсуф амаки, - дея ёлвораётган манабу масъум гўдак бу иқлимдан қандай қутуларкин?!

Тунлар энди бир йилдек туйилмоқда Юсуфга. Абдулкаримни касалхонага ташлаб келганига бир ҳафта бўлди. Бугун каллайи сахарлаб яна касалхонга борди, лекин кутилган муждани ололмади. Абдулкаримнинг кўзлари юмуқ, «Кома» деб аталган оғир оқимда жарлик томон кетмоқда.

Аёли Зайнабни Инекўлдаги бир ҳамқишлоғининг ёнида ташлаб келди. Бир неча кунлик ҳаво алмаштириш кундан кунга нураб бораётган хотини учун фойда бўлишини ўйлаб, аёли қанча қаршилик қилса ҳам, бу ниятини амалга оширганди.

Инекўлдан қайтган куни эрталаб кўнгли нимадандир ғаш бўлиб, сабабига ўзи ҳам тушунмай, тўғри касалхонага равона бўлди. Не кўз билан кўрсинки, Абдулкарим жойида йук... Юсуфнинг тиззаларидан мадор қочиб, кўз олди қоронғулашиб кетди. Ёнига бир ҳамшира келди. Юсуфни эргаштириб, бош шифокор олди олиб борди. Аччиқ ҳақиқатни ўша ерда эшитди. Биттаю битта дилбанди, жигарбанди, суюкли ўғли Абдулкарим бомдодга азон чақирилаётганда Роббисига qaytgandi...

Қўлидан нима ҳам келарди Юсуфнинг? Боши ғамдан эгилди. Шифокор бундай вазиятга кўп дуч келгани учун ҳозир нима қилиш кераклигини яхши биларди. Тасалли учун бир нималар дедида, Юсуфни хонада ёлғиз қолдириб ташкарига чиқиб кетди. Юсуф ўғли учун Фотиҳа ўқиди. Ўзи зўрға, чалачулпа гапирса ҳам, Роббий яссирни ўқиб турган дудоқларнинг энди қайта очилмаслигига ишониш жуда қийин эди. "Иншааллоҳ, шафоатчимиз бўлади", деб ўтказди хаёлидан.

Касалхона яқинидаги қабристонга ўз қўллари билан қўйди вужудининг бир парчасини. Боласи учун қўлидан келганини қилишга уринди. Аммо ажалга қарши туриш инсоннинг қўлидан келармиди?! Фермага қайтганида, Мурод хожини эшик олдида топди. Абдулкарим ўлди, дея олмади унга.

- Болани Ёзгатга олиб бориш керак экан. Улуғтоғнинг ҳавоси унга тўғри келмабди, - нима учун бундай деганини узи ҳам тушунмади.

Биргалиқда ичкарига киришди. Юзма-юз ўтиришди. Юсуф ҳозироқ Бурсадан кетмокчилигини айтганда, Мурод Хожи шошиб қолди. Хафа бўлди.

Ўша кеча ораларидаги ҳисоб-китобни қилиб олишди. Зотан, ҳисобланадиган кўп нарса ҳам йўқ эди. Ҳисоб-китоб рози-ризолик ярим соатга ҳам бормади.

Хуфтон намозидан кейин Юсуф ухлашга ётди. Аммо бундай кунда кўзга уйқу келармиди?! Энди нима қилади, бу гапни Зайнабга қандай аytadi...

Эртаси куни сахарлаб кўзда ёш билан хайрлашишди. Юсуф ижарага олган отаравасида йўлга чиқиб кўзга кўринмай қолгунича Мурод хожи дарвоза ёнидан жилмади.

Апава катта йўлда елдек бормоқда. Йўлга чиққанига бир соатлар чамаси бўлди. Улуғтоғ чегарасига яқин қолганди. Арчазорлар орасидан ўтаётганида, эллик метрча олдинда ерда ётган қандайдир қора шарпа кўринди. Куч билан отнинг юганини тортди. Тезлигини бошқара олмаган от шохга қоқилиб, арава ағдарилишига сал қолди. Зудлик билан ирғиб тушиб, ердаги номаълум нарса томон югурди. У бир бола экан. Эгилиб болани қучоғиёга олди. Кпъзларига ишонолмай қолди. Вожаб, қўлида турган бола айнан Атифбейнинг ўгли Абдулкарим эди. Чаккасидан ингичка қон сизмоқда. Хушсиз... Дарахтдан йиқилдимикан? Қандай қилиб бу ерга келиб қолди экан? Атрофга қаради. Яқин-атрофда тирик жон йўқ. Митти Абдулкаримни бу ахволга солиб, Атифбейдан қасос олмоқчи бўлган бирор душмани бормикан, деб ўйлади. Бошига ҳар хил ёмон фикрлар келди.

Ҳозироқ Атифбейникига боришим керак, деб ўйлади. Бечора одам, ким биледи, не ахволда экан. Эҳтиёткорлик билан Абдулкаримни аравага ётқизди. Ўзи эса отларга охиста юриш буйруғини берди. Кўшкка яқинлашгани сари қулоғига мусиқа садолари киргандай бўлди. Унга кўшимча баланд овозда хахолаб кулаётганларнинг овози. Дарахтзор оралаб тоғри юрди. Энди овозлар тиниқ кела бошлади. Яна бироз илгариларга, дарахтзор ичида эркак-аёл аралаш ўйин-кулги қилаётганларига гувоҳ бўлди. Баъзилари қўлларида қадах билан маст ҳолда тинмай кулар, баъзилари эса рақс тушмоқда эди. Уларнинг орасида Атифбейнинг аёли ҳам бор. Атифбей қўлида шароб тутганича тебраниб турибли. Аёли эса унинг орқасидаги дарахтга суянганди. Ёнида бир эркак. Алланималар ҳақида берилиб суҳбат қуришяпти. Бир пайт кутилмаганда бир-бирларини қучоқлай бошлади. Юсуф юзини ўгирди.

Ичи лов-лов ёнди Юсуфнинг. Киборларнинг бу даражада беҳаё бўлишлари етти ухлаб тушига ҳам кирмаганди.

Ичидан бир овоз:

- Йўқ сен болани бундай ота-она қўлида қолдиришинг мумкин эмас! Бўлмаса, Абдулкаримнинг ҳам худди уларга ўхшаб ўсишига сабабчи бўласан. Эртага ваъда қилинган ҳисоб-китоб куни келганида, бу бола, аввало, сенинг бўйнингга осилади, - дегандай бўлди. Турган жойида тахтадай қотиб қолди. Ичида Атифбейни ҳам, аёлини ҳам, айниқса, бунақа «маданиятни» лаънатлади. Шу пайт аравада бола қонга беланиб ётганини эслади. Бечора Абдулкарим ҳамон хушсиз эди.

Кўзларида бир олов чақнагандек бўлди. Аравага ўтирди. Бурсага тезроқ етиб олиш учун отларга қамчи урди. Нигоҳини Абдулкаримдан ололмасди. Уни бу ботқоқдан тортиб чиқаришга аҳд қилди. Балки, бу маъсум бола отасининг уйидагидек истаган нарсасига эга бўлмас, турли туман ўйинчоқлар ўйнамас. Аммо дунёга нима учун келганини англаб, ислом билан шарафланишнинг лаззати ва фаҳри ичида яшайди, иншааллоҳ.

Йўл ёқасидаги бир дорихонага кириб Абдулкаримни муолажа қилдирди. Миттивойнинг жароҳати бахтига жиддий эмас экан. Уни спирт билан артишаётганда бола кўзларини очди ва Юсуфни кўриб табассум қилди.

Шаҳарда аравани эгасига топширди. Абдулкарим қучоғида, Инекўл автобусига билет олди.

Бола лол-мим демасди. Юсуфга: "Амаки, мени қаерга олиб кетяпсиз?" ҳам демади. Гўё у ҳам Юсуфга ўхшаб тақдирга тан бергандек эди. Автобус манзилга етиб боргунича, бола Юсуфнинг қучоғида ухлаб кетди. Ора-сира кўзларини очиб Юсуфга қараб қўяр, кўз кўзга тушиб қолса, икковининг ҳам юзига табассум югурарди.

Юсуф қўлида бола билан келаётганини кўрган Зайнаб севинчдан нима қиларини билмай қолди. Боши бинт билан ўралган Абдулкаримни ўпди, ҳидлади. Кейин бирдан тўхтаб қолди. Унга ёқимли қараб жилмайиб турган бола ўз ўғли эмаслигини англаб етганди. Оёқ қўли титрай бошлади. Юсуфга қаради. У: "Бу ўғлимиз Абдулкарим", дегач қотиб қолди. Митти Абдулкарим унга ҳамон табассум қилиб, термилиб турарди. Шу пайт бола қўлини бошига кўтариб "Айй, онажон, оғрияпти", дейиши билан Зайнаб бошқа чидаб туролмай, Абдулкаримни маҳкам қучиб олди. Эрига қараб секингина:

- Майли, сиз айтгандай бўлсин, - деди.

Юсуф билан Абдулкаримнинг қайтишидан бутун Инекўл севинди. Ҳамма Зайнабни йўқлаб кела бошлади. Албатта, у ҳеч кимга:

- Бу менинг ўғлим эмас, - демади.

Бўлар иш бўлди

Юсуф Абдулкаримни қонга беланиб ётганида топиб олган куни хуфтонга яқин Атифбей билан Назифа фарзандларини эслаб қолишди. Назифа хоним: "Атиф, Каримни жеч қаердан тополмаяпман", деганидан кейин ҳамма чор атрофга тарқалиб Каримни излаган, саҳаргача "Карим! Карим!" деб бақириб ҳаммаёқни кезиб чиқишган, аммо боладан нишона-дарак йўқ эди.

Атифбей бу воқеадан кейин бор бойлигини ўртага қўйди. Полицияга хабар берилди, газеталарда Каримни топиб келтирганга катта мукофотлар ваъда қилинди, атрофдаги барча кўчма чодирлардан тортиб, кимсасиз ерлардаги эски қудуқларнинг тубигача одам солинди, аммо Каримнинг дараги ҳеч ердан чиқмади. Бурса кўчаларида Каримнинг расмлари ҳафталаб осилиб турди. Лекин на «кўрдим» деган, на «топдим» деган бирор зот йўқ. Ҳафталар кетидан ҳафталар, ойлар кетидан ойлар ўтди. Каримнинг йўқолиши Атифбейни рухан синдирган бўлса, Назифа хонимни тўшакка михлаб қўйди. Бу воқеадан Мурод хожи ҳам хабар топганди. Эшитиши биланоқ "Бизнинг Юсуф қилмаган бўлсинда, ишқилиб", деган фикр миясига ўтириб қолганди. Гарчи Юсуф боласини олиб қишлоққа қайтишини айтган бўлса ҳам, барибир хаёлига минг хил фикр келаётган эди.

Мурод хожи Атифбейга билдирмасдан Ёзгатга, Шомуродли қишлоғига борди. Юсуфни қидириб топди ва бўлиб ўтган ишларни унга айтиб берди.

Юсуф қоққан қоziқдек ҳиссис тураверди. Жуда хафа бўлганини Атифбейга саломини етказиб қўйишини айтди. Гап орасида ўзининг ўғли ҳам тузалиб кетгани, ҳозир онаси билан қайнатасиникига кетганини қистириб кетди.

Мурод хожи Юсуфга ишонди. Ахир Юсуф бировнинг ҳақиға заррача хиёнатдан, ҳаромдан ҳазар қилади.

-Юсуф бунақа аҳмоқлик қилмайди, деб ўйлади. Бу шубҳа билан шу ергача келганидан уялди. Доимгидек дўстона хайрлашишди. Юсуф Мурод хожини ишонтиришга ишонтирдию, лекин ичидан зил кетди. Ҳар оқшом кучоғига олиб эркалайдиган ўзининг эмас, Атифбейнинг farzandi... Уни ота-онасидан билиб туриб юлиб олди. Баъзан қулоғига Назифа хонимнинг нолалари

чалингандек бўларди, қилмишидан уялиб кетарди. Катта хато ва гуноҳ қилганди, энди назарида, ортга йўл йўқ.

Шу сабаб хотини билан келишолмай ҳам қолганди. Бир сафар Зайнаб: "Бир ота-она изтироб чекиб қийналаётганида, биз қандай қилиб уларнинг боласини бағримизга босиб ўтирамыз?" деб тинч қўймасди. Гарчи Юсуф нега бундай қилганини, Абдулкаримни унақанги оилага ташлаб қўйишга ҳеч рози бўлолмаганини ҳар томонлама тушун- тирган бўлса ҳам, Зайнаб ҳам она, бошқа онанинг ахволини хис этарди. Митти Абдулкарим эса ота-онасини эсига ҳам олмас, на уларни сўрар, на ўз уйини қидирарди. Юсуфи амаки эмас, ота деб чақирар, Зайнабни она дейиши баробарида уни ростдан ҳам яхши кўриши равшан эди.

Секин-аста Зайнаб болага кўникди, аммо Юсуф ўз қилган ишининг тўғрилигидан ҳамон шубҳада эди. Миллион-миллион молу дунёга эга бўлишига қарамасдан, у билан суҳбат қургани оддий кулбачасига келган одамнинг фарзандини тортиб олиб, у ва аёлини ҳаётини зиндонга айлантирди - буни ҳеч ким оқламаслигини биларди.

"Ҳидоятни бандасига Ҳақдан бошқаси бера олармиди?"

Нух алайҳиссаломки ўз ўғлини йўлга сололмаганда, Юсуф ким бўлибди, Атифбейнинг ўглини ўғирлаб имонсизлик ботқоғидан қутқаришни ўйласа?!"

Юсуф охири қарор қабул қилди. Бурсага боради! Аёлига шошилиш иши борлигини айтиб йўлга чиқди. Атифбейга: "Мен сизни ўғлингиздан айирганман", - дейди. Атифбейнинг кўшки кўнғироғини босаётганида, хаёлида ҳамон шу фикр қатъий эди. Эшикни Назифа хоним очди. Аввалгидек очиқ-сочиқ кийимда эмас экан. Эғнида узун кўйлак, ранги сўлғин. Юсуфни таниди. Ичкарига таклиф қилди. Залдан жой кўрсатиб Атифбейни чақариш учун ичкарига кириб кетди.

Бироздан кейин Атифбей хонага кириб келди. Қучоклашишди. Юсуф бўлиб ўтган ишлардан хабар топганини айтиб унга хамдардлик билдирди. Аммо "Ўғлингиз менда", деёлмади. Атифбей Юсуфнинг зиёратидан кўнгли тоғдек кўтарилди. Айниқса, "Биламан, сиз ҳам Каримни жуда яхши кўрардингиз", деганида, Юсуф кўзларидаги ёшни тўхтатолмади.

Узоқ суҳбат қуришди. Атифбей Абдулкарим ҳақида сўради. Тузалиб кетгани учун жуда севинганини, қишлоққа қайтиб кетишганини Мурод хождан эшитганини айтди.

Булар ҳақида суҳбат қурар экан, Юсуф йўлда дилига тугуб келган ниятини амалга оширмади. Бу улкан гуноҳни оғли каби яхши кўрган Абдулкаримнинг илохий бахтга етишиши учун қилганди. Аммо бунақанги бойлик ичида катта бўладиган болани ўзининг камтарона муҳитида улғайтиришга ҳаққи бормиди? У ҳозир шу саволга жавоб қидирарди.

Атифбей бир пайтлар Юсуф айтганидек:

- Нимаям қила олардик. Пешанамизга ёзилгани шу экан, - деди. - Қўлимиздан нимаям келарди. Тақдирга бўйин эгишни бир пайтлар сиздан ўрганган эдим. Мен бунинг уддасидан чиқяпману, онаси ҳеч ўзига келолмаяпти. Бечора аёлимнинг хаётидан... хулласи, нур кетди.

Юсуф жавоб бермади, ичида тўфон кўпиб ётарди. Қаршисида турганларнинг кўзларидан думалаган ёш томчилари оғуга айланиб Юсуфнинг ичига оққандек бўлди. Бир нималар дейишга уриндию, жасорати етмади. Атифбейнинг кўшикида эмас, бир оловли ҳумдонда ўтиргандек эди гўё. Бироз дардлашгандан кейин бу ердан тезроқ қочиб қутулмоқчи бўлди. Қанийди, Атифбей ва хотини уни қўйиб юборишса. Узоқ йўл юриб чарчаганини айтишди, бир кеча бўлса ҳам қолиб дам одиб кетишини сўрашди. Айниқса, Назифа хоним ўз сўзида туриб олди. Юсуф ноилож рози бўлди. Кечаси барча воқеани бир қоғозга ёзиб қолдириб, бу ердан қочишга ҳам ҳаракат қилди. Кейин буни ҳам қилолмаслигини англаб, ухлашга уринди.

У томонга ағдарилди, бу томонга... Қанийди, уйқу келса. Ичида кимдир: "Сен ўгрисан", деб хайқирмоқда эди. Бир махал кўзлари юмила бошлаган эди ҳамки, Абдулкарим кўз ўнгида намоён бўлди: Ёлвораман, мени уйимга олиб борманг, буларни қўлига топшириб қўйманг. Мени сизга Аллоҳ йўлиқтирди Роббий яссирни сиздан ўргандим. Ҳаётимни шу тарзда давом эттиришим учун менга ёрдам беринг. Мени кўра била туриб оловнинг ичига ташламанг, - деб ялинмоқда эди...

Ўрнидан турганида тонг отай деб қолган экан.

- Кўрқма, болажоним, сени бу ерга асло олиб келмайман, дея пичирлади...

Илм - мўминнинг йўқотган моли

Шоҳмуротлида навбатдаги оқшомлардан бири. Қишлоқнинг бошланғич мактабида кетма-кет чалинган қўнгироқдан кейин ўқувчилар инига чўп тиқилган арилардек гу- вуллаб мактабдан чиқа бошлади. Бу ер Анадўлунинг бошқа қишлоқларидан фарқ қилмасди. Мактабдан чиқаётган болаларнинг

кийимларидан қишлоқ ахлининг бой эмаслигини англаш қийин эмас. Қай бирининг камзулига ямоқ тушган, кимининг шимига. Аммо болаларнинг юзидаги беғубор табассум ва қувноқ ҳаракатларидан уларнинг аксарият шахарликлар орзу қиладиган бахтга эга эканлиги аён эди. Болалар хурсандчилик билан уйларига тарқаётган маҳалда ўз хонадонларига қараб келаётган мол-қўйларнинг маърашлари, бўйинларидаги қўнғироқларнинг бир маромда жиринглаши қишлоқнинг тезак ҳиди анқиб турган йўллари узра ёйилмоқда.

Аллоҳу акбар, Аллоҳу акбар, Ашҳаду алла илаҳа иллаллоҳ, Ашҳаду алла илаҳа illalloh...

Қишлоқ масжидининг минорасидан шом намозига азон чақирила бошлади. Бир нечта одам масжид ҳовлисида таҳорат олмоқда. Уларнинг орасида Юсуф ҳам бор эди. Таҳорат олиб бўлгач, ўрнидан турди. Нигоҳи мактабдан чиққан болалар орасида бироз кезинди. Абдулкарим унга қараб келарди.

Қани, ўғлим, тезроқ таҳорат қилиб олчи, азон ҳам тугай деб қолди.

- Таҳоратим бор, ота.

Биргалашиб масжидга киришди. Масжид имоми кишлоқ оқсоқолларидан, Ҳасан деган одам эди. Чуқур илмли барчага баробар хушмуомаласи сабаб бу атрофда уни ҳурмат қилмайдиган одам йўқ ҳисоби. Намоздан кейин Абдулкарим Ҳасан домланинг ёнига борди. Халтасидан алиф жузини чиқарди. Аузу-басмаладан кейин домла ишора қилган жойдан ўқий бошлади. Ҳар окшом бола Ҳасан домладан шу тарзда Қуръондан дарс оларди. Юсуф ҳам бир четда уларни тинглаб ўтиради. Абдулкарим қувноқ, интилувчан, қизиқувчан. Тиришқоқ, зеҳнли Абдулкаримни фақат мактабда эмас, қишлоқда ҳам ҳамма яхши кўради. Айниқса, унинг иқтидори арифметика устозини ҳам ҳайрон қолдирарди.

Абдулкарим Қуръон дарсларидан кундан-кунга яхши натижаларга эришаётгани учун Юсуфнинг оғзи қулоғида. Унинг Қуръон ўқиётганини кўрганида ёки бирга намоз ўқи-ётганларида, "Яхшиям ўша оилага ташлаб келмаганим, деган ўй хаёлидан ўтадию, ортидан Атифбей кўз олдида келгач, хуш кайфи тарқаб кетади, кўнглига яна изтиробли хислар тўлади. Агар Абдулкарим ўз отасининг қарамоғида қолганида ким билади, атрофида нечта хизматчиси бўларди. Ҳозир esa... Уни шундай оила муҳитидан ажратиб, бугунги ҳаёт тарзига маҳкум қилиш қанчалик тўғри?! Бу саволга жавоб беролмайди, Ичидаги шубҳалардан қутулолмай ҳалак.

Абдулкарим ҳам уни қаттиқ ҳурмат қилади, жуда яхши кўради. У «отажон» деб бўйнига осилган вақтларида Юсуфнинг ичидан нимадир узилиб тушгандай бўлади. Бир кун келиб Абдулкарим «отажон» деб эркалангани ўз падари эмас, аксинча, жон-жигарларидан айирган одам эканини барибир билиб олади. Ана ўшанда Юсуф унинг юзига қандай қарайди, Абдулкарим унга нима деркин? Юсуф буларни ўйлагани сари боланинг юзига қарашга ҳам ботинолмас, бундай ёмон эхтимолнинг амалга ошмаслигини Худодан ёлвориб сўрарди. Унинг ягона мақсади Абдулкаримни мўмин-мусулмон қилиб тарбиялаш. Бундан бошқа нияти йўқ эди. Зайнаб иккинчи ўғли Абдурахим туғилганидан кейин ўзи билмаган ҳолда кўпроқ кичкинаси билан машғул бўлиб қолганини сизди. Аммо Абдулкаримнинг онасига, укаси Абдурахимга бўлган меҳр-муҳаббати ҳар қандай қалбни эритиб юборарди. Абдулкаримнинг мактаб ва масжиддан ташқаридаги энг севимли машғулоти отасига кўмаклашиш эди. Мол-қўйларни яйловга ҳайдаб бориб ўтлатишни яхши кўрарди. Қўйларнинг ортидан бир югуриши борки, Юсуф ҳар сафар бу манзарани томоша қилиб тўймайди. Ташқаридан қараган одам уларни ота-бола эмас, ака-ука ёки ўртоқ деб ўйлаши аниқ Дарсдан бошқа пайтларда, деярли кун бўйи бирга бўлишади. Қизиғи, бундан иккаласи ҳам бағоят мамнун эди. Кечалари Абдулкарим дарс қилаётганида, Юсуф ҳам бирор китобни ўқиб ўтирарди. Абдулкаримнинг бўйи билан бирга фикрлаш қобилияти ҳам ўсиб борди. Бир куни кечки овқатдан кейин ота-бола яна суҳбат қуриб ўтиришган эди. Абдулкарим:

-Отажон, бугун мактабда ўқитувчимиз роса жаҳлимни чиқарди. Аллоҳ ҳақида гапириб, "Ҳаммамиз Аллоҳга ишонамиз, аммо нега ҳеч қайсимиз Уни кўрмаймиз?"- деди. Унинг бу гапларига жавоб бермоқчи бўлдим, аммо аввал сиз билан маслахатлашиб олай, дедим. Яна билмасдан нотўғри сўз айтиб қўймай. Ўқитувчимиз яна шунга ўхшаш гап айтадиган бўлса, унга қандай жавоб қайтарсам бўлади?

Ўғлини диққат билан эшитганидан кейин Юсуф:

- Яхшилаб эшит, ўғлим. Қаёққа қарасанг, Аллоҳнинг борлигига далил кўрасан. Буларнинг энг оддийси, айтайлик, сиз ўқиётган мактаб ўзидан-ўзи пайдо бўлиб қолганми? Албатта, йўқ. Аввал мухандислар лойиҳасини чизган, ери ўлчанган, пойдевори қазилган, тамал тоши қўйилган, усталар ишлаган ва ниҳоят, ўша мактаб биноси қурилган, шундай эмасми? Мактабга ўхшаган оддий бино ўзидан-ўзи пайдо бўлиб қолмаган бўлса, бу чексиз олам, Қуёш, юлдузлар ва Ой қандай қилиб пайдо бўлган? Ўқитувчингдан аввал шуларни сўраб кўр. Хатто бир кема ҳам капитансиз юролмайди. Дунёдаги бу ҳаёт

тартибини, куну-гунни, фаслларни тартибга солиб қўйган бошқарувчи Аллоҳдан бошқа ким бўлиши мумкин?

Юсуф ўқитувчининг бу гапидан ростмана таъсирланди, шу ҳақда ўйланиб қолди: бундай муҳитда ўғлини ўқитиш тўғрими ёки хато? Юсуф бу ҳақда кўп ўйлайдиган бўлиб қолди, энди Абдулкаримнинг олий таълим олишига ҳеч ҳам соҳиши йўқ эди. Бошланғич таълимни тугатгач, болани Ёзгатга "Улуғ жоме" имоми Усмон домла қўлига топширишга аҳд қилди. Абдулкарим Қуръондан илмини оширади, домла маъқул топса, бирорта ҳунармандга шогирдликка беради.

Абдулкарим мактабни «аъло»га битирди. Ота-бола ўтириб гаплашиб олишди. Юсуфнинг гапларига Абдулкарим: «Сиз нима десангиз, шу», дейиш билан кифояланди. Дипломини олгач, ўн беш кунча уйда дам олди. Ўзи истамаса ҳам, Юсуф билан Зайнаб унинг қўлини совуқ сувга урдиришмади. Ёзгатга кетмасидан аввал унга тўйиб олишмоқчи бўлишди. Абдулкарим кўпроқ укаси билан машғул эди. Кейин эрта тонгда онасининг қўлини ўпиб, отаси билан Шоҳмуротли қишлоғини тарк этишди. Ёзгатда Усмон домла уларни қучоқ очиб кутиб олди: «Ў, машааллоҳ! Хуш келибсиз, марҳамат!"

- Юсуф, қучқордек йигит бўлибдию бунинг. Сенинг йўлингдан юраётгани юзидан кўриниб турибди. Бироз суҳбатдан сўнг Юсуф мақсадга ўтди: Мана, устоз, сизга аввал айтганимдек, ўғлимниям олиб келдим. Аллоҳнинг лутфи ила мен шу пайтгача қўлим- дан келганича ҳаракат қилдим. Энди, боболаримиз айтгандек, "Эти сизники, суяги бизники". Мен ҳам Абдулкаримни аввал Худога, кейин сизга омонат қолдираман.

Усмон домла бир қўли билан Абдулкаримнинг сочларидан силаб: Сен ҳечам ҳавотир олма, ўғлим. Фарзандингга кўз қорачиғимдек қарайман. Худо хохласа, бир йилга қолмасдан ҳофизи Қуръон бўлиб қўлингдан ўпади. Ёки бошқа ниятинг ҳам борми?

- Мақсадимиз ҳам шу, устоз. Абдулкарим динининг асл моҳиятини англаб улғайишини ва агар маъқул топсангиз, ҳунар ҳам ўргатишни ўйлаб турибмиз. Қўл остингизда исломий илмини ошириб, ҳунар мактабида ҳам ўқиса, нима дейсиз, устоз?

- Маъқул, жуда яхши ўйлабсан. Фақат Абдулкаримнинг ўзи хохласа, бўлди.

Кейин бироз қишлоқдан, одамлардан гаплашиб ўтиришди. Усмон домла Юсуфни дарров қўйиб юборгиси келмади. Тушлиқдан кейин бирга Ёзгатдаги масжидларни, тарихий жойларни айланиб чиқишди. Кечаси хуфтонни "Улуғ

Жоме" да ўқишганидан кейин уйда чой ичиб яна сухбат қуришди. Орада Усмон домла Абдулкаримга бироз Қуръон ўқитиб кўрди. Домланинг юзидаги табассумидан янги талабасидан кўнгли тўлгани кўриниб турарди. Усмон домла ота-болага жойларини кўрсатди ва уларга хайрли тун тилаб хонадан чиқди. Юсуф ва Абдулкарим энди ёлғиз қолишди. Бу улар учун биринчи айрилиқ эди. Иккиси ҳам бироз маюс. Абдулкарим гап бошлади.

- Отажон, мени бу ерга олиб келганингиз учун жуда хурсанд бўлдим. Домла ажойиб инсон эканлар. Юсуф кулди:

- Яхшиликка ростданам яхши, аммо табассумига алданиб қолма. Асло унинг гапидан чиқма. Сал итоатсизлик қилсанг, кайфияти бузилади.

- Илмли, ҳақиқий мўмин кишининг ҳар сўзи хикмат бўлишини мен сиздан ўргандим. Бу ерга ўйнаш учун эмас» илм олиш, ҳунар ўрганиш учун келдим. Устозим нимани буюрса, бош устига.

Юсуф бу жавобдан жуда мамнун бўлиб, ўғлининг бошини силади. Гап гапга уланди:

- Мен ҳам сендан фақат шуни кутаман, ўғлим. Ўзинг яхши биласан, қишлоқда мени бир дунё иш кутиб турибди. Эртадан қолмасдан қайтишим керак. Онанг билан, керак бўлса, кечаю кундуз ишлаймиз. Сен яхши ўқисанг бўлгани. Ўқишда ҳам, бошқа ишларда ҳам ҳаммага ўрناк бўл. Сенга кўп марта айтганман, ҳозир яна қайтараман. Оғзингга ҳаром луқмани яқинлаштирма. Бу ерлар бизнинг қишлоқларга ўхшамайди. Ҳар хил одамларга дуч келасан. Ҳеч кимнинг пешанасига яхши ёки ёмон деб ёзиб қўймаган. Одамларнинг кўринишига қараб дўст бўлма. Вақт инсон учун тенгсиз хазина. Кунларингни илм-ҳунар ўрганиш билан ўтказ. Бир кун келиб илминг ёки ишинг билан кимгадир ёрдамнинг тегса, бунинг учун асло ҳадя қабул қилма. Бегона одам берган ҳадя қандай йўл билан топилганини билмайсан. Шундай инсонлар борки, масжидга Аллоҳ ризоси учун эмас, атрофидаги одамлар "намоз ўқийди" дейишлари учун келади. Бундайлардан узоқ бўл. Ишингда, сўзингда дуруст бўл. Ғазаб қилма. Дунёга ўч бўлма. Ўзингга бўлган ишончини йўқотма ва бошқаларнинг ҳам ишончини йўқотиб қўймасликка ҳаракат қил. Унутма, хийла билан топилган бир чақа бир одамни эмас, бутун бошли оилани хароб қилишга етади. Омонатга хиёнат қилма. Бажараётган ишингга меҳр қўй, шунда шарафнинг, қадринг ошади. Илмингга кўп ишониб юборма. Илминг чегараси йўқлигини унутма. Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи ва саллам "Бешиқдан қабргача илм изла", деганларини асло унутиб қўйма, Ҳунарингда моҳир бўлишга, э'тиборли бўлишга уринки, одамлар сенга ишониб ишини

топшира олсин. Ишингни тоза қил, вақтингини бекорга ўтказма. Билиб қўйки, бекор ўтказган ҳар сония учун оладиган пулинг ҳаромдир. Иш жойингда турли хуллдаги одамлар бўлиши мумкин. Ҳақ-ҳуқуқига риоя қилмасдан иш берувчидан кўп пул ундиришга уринадиганлар орасига асло қўшилма. Ичкилик деган иллатни лабларингга эмас, кийимингга ҳам теккизмаслик учун қаттиқ ғайрат қил. Аллоҳдан узоқ инсонлардан қоч. Ёлғондан ҳазар қил. Диннинг асоси бўлган намозни ҳеч қачон зое қилма. Унутма, бу Аллоҳ олдидаги қарзингдир ва ўзини билган ҳар қандай инсон, аввало, Аллоҳ ризосини қозониши керак. Намоз билан иши бўлмаган, намоздан узоқ турган одамлардан сен ҳам узоқ тур. Сенга хийлали иш таклиф қилганларнинг ёлғонларига алданиб қолма. У ишдан миллионлар ишлаб топишинг мумкин бўлса ҳам, ундан узоқ тур. Биз Аллоҳни таниган одамлармиз. Пулга, уч кунлик фоний дунёнинг ўткинчи мол-дунёсига эмас, фақат ва фақат бизни йўқдан бор қилган Аллоҳга қуллик қиламиз, сиғинамиз. Нафсингга, шайтонга ва шаҳватингга асир бўлиб қолмаки, сенга берилган "олий маҳлуқот" сифатидан айрилиб қоласан. Билиб қўйки, фақир ва қашшоқ одам дегани, пули йўқ дегани эмас. Асл қашшоқлар шундай одамларки, дунё бойлигига эга, аммо қалбларида Аллоҳга муҳаббат етишмайди...

Абдулкарим бошини отасининг кўксига қўйиб унинг гапларини жимгина эшитди. "Ота, бу гапларни аввал айтгансиз-ку", демади. Аксинча, у бу насиҳатларни эшитгани сари енгил тортар, отасининг гапини кесиш у йўқда тусин, соатлаб гапирса ҳам, ҳеч зерикмасдан жон қулоғи билан эшитишга тайёр эди.

Эндигина ўн бир ёшга тўлган бўлса ҳам, катта одамлардек оғир-босиқ эди. Уни таниганларнинг кўпчилиги уни бола деб эмас, кенг фикрли йигит қиёфасида кўришарди. Ҳаққи бўлмаган нарсага қўл узатмас, ўзига берилган нарса укаси Абдураҳимга ҳам берилмаса, у нарсани қабул қилмасди. Эртаси куни сахарлаб уйғонишди. Бомдод намозини Усмон домла хамроҳлигида "Улуғ Жоме" да адо этишди. Кейин уйга қайтиб, нонуштани ҳам бирга қилишди. Нонуштадан кейин Абдулкаримни ҳунар мактабига ёздирди билан шуғулланишди. Бу иш ҳам ҳал бўлгач, Юсуфнинг Ёзгатда қиладиган иши қолмади. Қишлоқда иши кўплигини айтиб, Усмон домладан рухсат сўради ва Абдулкаримни, аввало, Аллоҳга, кейин домлага топшириб, Шоҳмуротлига йўл олди.

Мурод ҳожи - Тайфур

- Ўғлим, нега нонуштага тушмаяпсан? Сенга алоҳида нарса тайёрлаганимиз йуқ-ку, ахир. Аллоҳ берганини бирга баҳам кўрамиз... Усмон домланинг аёли

Ҳурия ҳар куни эрталаб Абдулкаримни нонуштага шундай чақирарди. Ёзгатга келганига ойлар бўлган эса-да, Усмон домланинг уйида Абдулкаримнинг бор-йўқлиги билинмасди. Ҳеч кимга юк бўлишни истамас, тонг сахарда ўзи уйғонар, намозини ўқиб бўлиши биланоқ сумкасини олиб ўқишга шошарди. Нонушта қилдириш учун Ҳурия хоним унинг эшигини деярли соқчи бўлиб пойлаб туриши керак эди.

У хонада ёлғиз ухларди. Жойини ўзи тартибга солар. Кийими ва озодаликка жуда қаттиқ э’тибор берарди. Усмон домла ва аёли буни кўриб: "Умримиз бино бўлиб бундай бола кўрмагандик", дейишдан ўзларини тиёлмасди. Ёзгатдаги энг яқин ўртоғи Шохмуротли қишлоғидаги буғдойфуруш Тоҳирнинг ўғли Расим эди. Расим билан бирга Усмон домладан дарс олишарди. Расим ҳифзга бел боғлаганди. Абдулкарим эса Қурон илми ва қироатига. Ёдлашда иккаласи гўё мусобақа қилишарди. Усмон домла Абдулкаримнинг ёдлаш қобилиятини кўриб:

- "Даданг нотўғри йўлни танлабди. Сен ҳифзга ҳаракат қилишинг керак, аслида. Сендан яхши ҳофиз чиқади", дерди.

Расимнинг отаси Тоҳир ҳам яхши мусулмон ва Юсуфнинг оғайниси эди. Ўғли Ёзгатда Абдулкарим билан бирга эканидан мамнун эди. Хатто унинг доим Абдулкарим билан бирга вақт ўтказишини истарди. Аммо ноилож, диний дарслардан кейин мактаб дарслари билан машғул бўладиган Абдулкарим вақт топиб Расимнинг ёнига келолмасди.

Ҳафталар ойларни, ойлар йилларни қувиб, кўз юмиб очгунча уч йил ўтиб кетди. Абдулкаримнинг илми сингари жисми ҳам камолга етиб борди. Усмон домланинг энг суюкли талабаси бўлганидек, ҳунар мактабида ҳам алоҳида ифтихор билан тилга олинадиган талабалардан эди. Қироатининг мукамаллиги, овозининг ширалилиги бутун Ёзгатга овоза бўлган, бирор йиғинда тиловат қила бошласа, ҳамма жим бўлиб қоларди. Ҳунар мактабини битиришига ҳам оз қолди, ҳамма баҳолари а’ло эди. Юсуф ҳар сафар Усмон домладан ўғлининг ютуқларини эшитиб, қалби ифтихорга тўлади. Аммо Усмон домлага Абдулкаримни бошқа ўқитмоқчи эмаслигини айтганди, Усмон домла яхшигина қарши бўлиб, бунақа заковатли, қобилиятли йигит ўқишини давом эттириши кераклигини, "бунақа қобилиятни тупроққа кўммаслик керак"лигини таъкидлаган.

Кўпчилик шу фикрда эди: "Абдулкарим ўқиши керак, Истанбулга юбориш ва зўр мухандис бўлиши учун кўмаклашиш керак!" Абдулкаримнинг ўзи бу мавзуда бир оғиз ҳам гапирмасди.

- Отам билади. У нима деса, шу булади,- деб қўярди, холос. Аслида, Юсуф ҳам Абдулкаримнинг ўқишини жуда хоҳларди. Айниқса, Истанбулга бориб мухандислик олий-гоҳини битиришини. Аммо қўрқади. Ёзгатда Усмон домла бор. Абдулкаримни унга топшириб, кўнгли тўқ қишлоғига қайтганди. Истанбул деган шаҳар ҳам шундайми!? Кўз қорачиғидай авайлаб катта қилган боласининг бошига кутилмаган ишлар келса-чи? Кейин қандай яшайди? Абдулкарим бир ҳунарнинг бошини тутди. Энди бемалол тирикчилик қила олади. Ўзининг дунё молида илинжи йў. Ўғлини ҳам шундай деб билади. Бир тишлам ҳалол луқмага тўйганидан кейин, Истанбулга боришидан нима ма'но? Яна шундай қўрқуви ҳам бор эди: "Абдулкарим оппоқ қоғозга ўхшайди. Уни Истанбулга ўхшаган ботқоқликда кир қилишни, доғ туширишни хоҳламайман!"

Бир куни тонгда Мурод ҳожидан мактуб олди. "Хастаман... Сен билан гаплашишим керак. Балки, бу сўнги учрашувимиз бўлар.

Хатни ўқиб ичига ғулғула оралади. "Қизиқ, мени нега кўрмоқчи экан-а?" Мурод хожи чақирганидан кейин бормаса бўлмайди! Тайёрланди. Абдулкаримни ҳам ўзи билан олмоқчи бўлди. Кейин фикридан қайтди. Билиб бўлмайди. Абдулкаримни биров таниб қолса борми...

Зайнабга бир неча кунга Ёзгатдан ташқарида бўлишини сйтиб тўппа-тўғри Бурсага йўл олди.

Мурод хожини, самимий дўстини касалхонада топди. Ҳожи қимир этмай ётарди. Улуғтоғни пиёда айланиб чиқадиган девдек одамдан асар ҳам қолмаган, эриб бораётгандек эди. У ҳам Юсуфни кўриб кўнгли тоғдек кўтарилди. Ўрнидан туришга уринди, қучоқлашиб кўришишди. Ўтган кунлар эсланди. Гап айланиб Атифбейга келди.

- Бечора йўқолган ўғлини ҳалиям тополмади. Ўлиб кетган бўлса керак. Соғ бўлганда, шунча қидирувдан кейин қандайдир хабари келарди. Аммо бечоралар ҳамон умидларини узишмаган. Худди бир куни эшикни тақиллатиб, кимдир уларга мужда олиб келадигандай. Худо сабр берсин. бошқа нимаям дердик!

Юсуф Мурод хожини ичидан ичқиринди ўтиб тинглади. Шу дамларда унинг юзига эътибор бериб қаралса, балки, кўп нарсани ўқиб олса бўларди, аммо Мурод хожи бу ўзгаришни сезадиган ахволда эмасди...

- Атифбейлар бошқа фарзанд кўришмадимми?

- Кўришликка кўришди. Адашмасам, ўша воқеадан бир йил ўтиб бир ўғилли бўлишди. Каримни барибир унута олишмади. Янги туғилган ўғилларига Тайфур деб исм қўйишди. Кўрсанг, Каримга қўйиб қўйгандай ўхшайди. эгизаклар ҳам бунчалик ўхшашмаса керак бир-бирига.

Кейин иккаласи ҳам жим қолди. Юсуф ўйлар гирдобида:

-Демак, унутишолмади, деб пичирлади. Мурод хожи базўр эшитди.

- Ха ўғлим, унутишолмади. Ўлганини эшитишса, балки. йиғлаб оҳ-воҳ қилишар, кейин вақти келиб тақдирга тан беришармиди. Бу ундай эмас-да. Йўқолган, балки, топилиб қолар, деган умидда ҳамон йўл пойлаб ўтиришади. Юсуфнинг ичида гўё вулқон қайнай бошлади. Юраги шундай қаттиқ урардики, кўксини ёриб чиқиб кетадигандек... Ичидан бир овоз:

- Хато қиляпсан, Юсуф! Бир оила бу даражада жафо чекишига қандай рози бўляпсан? Ўзингча ҳаром деб билган заррача луқмадан қочиб юрасан! Аллоҳ йўлида юрганингни да'во қиласан! Хўш, қилаётан ишинг, айтаётган гапингга мос келадими? Виждонинг ўғри эканлигингни қандай қабул қиляпти? Болани ота-онасига топшир. Сен ҳам виждон азобидан қутул. Уларнинг ҳам узоқ йиллик мотамлари тугасин".

Сал бўлмаса, "Хожи Мурод, Карим ўлмаган, мен билан яшаяпти", деб бақирворарди. Бу ички кураш азобидан уни суҳбатдоши чалғитди:

- Сенинг йигитинг қалай? Албатта, кап-катта йигит бўлиб кетгандир. Қанийди, ўзинг билан олиб келганингда, кўрардим, жуда севинган бўлардим.

- Яхши юрибди, салом айтиб юборди. Ҳунар мактабининг ўрта босқичини битирипти бу йил, Худо хохласа, деди ва жим булди. Қўл-оёғи титрарди. Нима булгандаям, Мурод хожи унинг ҳолатини тушунадиган ахволда эмасди. Аммо Юсуфнинг дами ичига тушиб кетгани хожи Муродга сезилмай қолмади.

- Нима гап, Юсуф, овозинг чиқмай қолди. Ғалати кўриняпсан. Нима дардинг бор, гапир-чи. Мурод хожи бемор, аммо ҳали ўлгани йўқ. Дардинг бўлса, албатта, бир чорасини топамиз. Юсуф ўз-ўзидан та'сирланиб кулди.

- Тинчлик, хожибобо. Сал хаёлга толибман. Биласиз, оила ташвиши, бола-чақа дегандай. Бир дунё иш бор... Одам шунақа ўйга берилиб кетади ба'зан, беихтиёр...

Мурод хожи шу ахволда ҳам кулишга уринди:

- Менга қара, Юсуф. Мени бу ахволда ташлаб ҳеч қаерга кетолмайсан, эртани кўраманми, йўқми-Худога аён. Бир-икки кун сабр қилиб тургин-чи. Дунё ишини битириб бўлармиди! Ўзимни яхши ҳис қилмаяпман. Ё мен соғаяман, сен кетаверасан, ёки мени кафанлаб қабрга ўзинг қўясан...

Юсуф унинг гапини кесди:

- Бунақа деманг! Агар хоҳласангиз, бутун умр ёнингизда қоламан. Рўзгор ташвишини ёнингиздан кетиш учун гапирмадим. Ўзингиз нега жим турибсан, деганингизга айтдим-да!

Ўша кун кечгача Мурод ҳожининг ёнида ўтирди. Икки дўст узоқ суҳбат қуришди, ўтган кунлардан эслашди. Шом пайти эртага яна келишини айтиб хайрлашди. У ердан чиққач, Юсуфнинг фикрига Атифбейларникига бориш келди. Лекин бунга жасорати етмай, тунни бирор меҳмонхонада ўтказишга қарор қилди.

Эрта тонг. Бу бошқача... Мурод хожисиз тонг эди. Юсуф бомдодни ўқиб тўғри касалхонага борди ва ҳамширадан мусибатли хабар эшитди. Дўсти тонгга яқин жаноби Ҳақнинг "Менга қайт!" деган амрини бажо келтириб, бу фоний дунё билан алоқасини узганди. Мусибатли хабар тез тарқалади, дейишади. Тушга ҳам етмасдан касалхона Мурод хожининг яқинлари билан тўлиб кетди. Пешин намозидан кейин Мурод хожи яна ўзи севган ери - Бурсадаги "Улуғ Жоме" масжидида ҳозир бўлди. Яна жамоат билан. Энг олдинда. Тобут ичида! Юсуф бир кун аввал гаплашган, дардлашган дўстини ювиб кафанлаб, энди унинг олдидаги охириги қарзини адо қилиш учун жаноза намозига келганлар ичида турарди.

Атрофга қаради. Ростдан ҳам Мурод ҳожини яхши кўрганлар кўп экан. Масжид ховлиси намоз ўқийдиганлардан ташқари намоз ўқимайдиганлар билан ҳам тўлганди. Ва буларнинг орасида Атифбей ҳам бор эди. Ёнида бир бола.. Ҳархолда Тайфур бўлса керак.

Жаноза намози ўқилди. Мурод хожининг тобутини елкасига олиб масжиддан чиқишаётганида Ибишга дуч келиб қолди.

Гаплашиш мавриди бўлмагани учун тобутни ёнма-ён кўтариб кетаверишди. Жаноза машинасига етгунча ҳеч кимга жойларни беришмади. Кейин кучоқлашишди. Ибиш ташриф қоғозининг орқасига бир нималар ёзиб Юсуфга тутқазди.

- Кечқурун албатта келгин, кутаман.

Тиқилинчда жаноза намозини ўқиганлар билан ўқимаганлар аралашиб кетганди. Атифбейнинг ёнидаги бола сўради.

- Ота, одамлар тобутни нега олдинга қўйиб қўйишди?

- Марҳум ҳақиға намоз ўқишди, ўғлим.

- Намоз нима дегани, нима учун ўқилади?

Атифбей бармоғи билан жим бўл ишорасини қилди. Боланинг саволларини бошқалар эшитиб қолишини хохламасди.

Атифбей ҳам Юсуфни кўрганди. Ёнига келди.

- Салом. Мурод хожига меҳрингиз бошқача эди-да!

Қўл бериб кўришишди.

- Ҳа, Юсуф деди секингина.

Нигоҳи Атифбейнинг ёнидаги болага тушди. Ҳақиқатан ҳам Каримга жуда ўхшарди. "Яхшиям, Абдулкаримни ўзим билан олиб келмаганим", хаёлидан ўтказди. Атифбей ҳам Юсуфнинг ўғлига тикилиб қолганини пайқади.

- Ўғлим Тайфур. Биз учун иккинчи Карим Тайфур бўлди!..

Мурод хожини тупроққа қўйишга Атифбей ҳам қатнашишни истарди. Қабристонга бирга кетишди. Йўлда Юсуфни уйлариға таклиф қилди. Сиз бир маҳаллар Каримга насихатлар қилардингиз. Кошки ҳозир Тайфурга ҳам насихат қилсангиз...

Аммо бола унинг гапини чўрт кесди:

- Мен насихат-пасихат эшитишни истамайман. Ва'да қилган велосипедингизни тезроқ олиб беришингизни хоҳлайман!

Атифбей ўғлининг бетгачопарлигидан ҳижолат бўлди. Эҳ, ҳозирги ёшлар, - деди қисқагина.

Юсуф ҳеч нарса демади. Жимгина Тайфурни кузатмоқда эди. Барча истаги бажо келтирилган, фақат ўйин ва кўнгил хушлик билан катта бўлаётган боладан яна нима кутиш мумкин?

- Амаки, сиз бизникига келсангиз, кеча кечқурун дадам олиб келган вискидан бераман. Онам менга кўп бермайди. Сиз айцангиз, балки, менга ҳам берар...

Атифбей Тайфурга ўқрайиб қаради. Аммо бу огоҳлантиришга бола парво ҳам қилмади. Юсуф яна индамади. Бу мусибатли кунда бирон дилхиралик бўлишини хоҳламаётганди.

Қабристон. Енгилгина ёмғир томчилаяпти. Юсуф Мурод хожини ўз қўллари билан қабрга қўйиш учун Атифбейдан узр сўраб ёнларидан узоқлашди. Уни бошқа кўрмади. Қабристондан чиққач, бир муддат нима қилишни, қаерга боришни ҳам билмай, Бурса кўчаларида кезиб юрди. Кейин Ибиш берган қоғоз эсига тушди. Уни кўрмасдан кеца, хафа бўлиши аниқ эди. Қоғозни олиб ёзувни ўқиди. Бир меҳмонхона номи, манзили ёзилган экан. Меҳмонхонага етиб борганда, тасодифни қарангки, шу маҳалда Ибиш ҳам келиб қолди. Икки дўст яна бир бора кучоқлашишди.

Лифтда юқорига кўтарилишди. Йўлакдан юриб бориб бир хонанинг эшиги олдида тўхташди. Ибиш унга бироз кутиб туришни буюриб, ичкарига овоз берди:

- Қаранг, онажон, меҳмон олиб келдим, қани, танирмикансиз?

Секин ичкарига киришди. Диванда бир кекса кампир ўтирарди. Юсуф бу қарияни дарров таниди Ибишнинг онаси Ҳабиба ая эди. Мезбон ҳам севиниб ўрнидан турди:

- "Танидим, танидим. Бу инсонни танимай бўладими. Хуш келибсан, Юсуф Ўғлим!"

Юсуф Ҳабиба хонимнинг қўлини ўпиб пешанасига қўйди, хол-ахвол сўради. Бирга ўтириб овқатланишди. Истанбулдаги кунларини эслаб, ёқимли суҳбат қуришди. Ибиш ишларини анча йўлга қўйиб олган экан. Энди қоғоз тўпламас, бу ишнинг тижорати билан шуғулланаётган экан. Бурсага ҳам шу мақсадда келганини айтди.

Тақдир шу тариқа уларни Мурод хожининг жанозасида кўриштирган эди. Юсуф ҳам Ибишга бошидан ўтказганларини гапириб берди. Ўғлининг вафоти, Абдулкаримни қандай қилиб топиб олгани ҳақида айтмади, албатта. Уни ўз ўғли сифатида та'рифлади. Ҳунар мактабини бу йил битириши, аммо Истанбулга юбориш ниятида эмаслигини гапирди. Кўпчилик дўстлари қаторида Ибиш ҳам Юсуфнинг бу фикрига қарши чиқди.

- Бунчалик қобилиятли боланинг истиқболига сенга ўхшаган бир одам қандай монe бўлиши мумкин? Истанбул бўлса Истанбул... Нима бўпти! Ёзгатда Усмон домлага ўхшаган дўстларинг бор-у, Истанбулда ҳеч ким йўғакан-да, а! Унда биз киммиз? Айтганингдек, Усмон домладек илмли эмасдирмиз, аммо Аллоҳнинг изни билан, ўғлингга ғамхўрлик қила оламиз. Бошқа нарсани билмайман. Модомики Абдулкарим ўқишга ҳарис экан, Истанбулга келиб мени топади, тушундингми?

Юсуф Ибишнинг бу гапларидан жуда хурсанд бўлди.

- Агар, - деди, - Абдулкарим Истанбулга борадиган бўлса, биринчи навбатда сени излаб топади.

Тайфур улғаймоқда

Атифбейнинг люкс машинаси Чекирге бульвари йўлининг четида, боғи анвойи гуллар билан безатилган кошона ёнида тўхтади. Машинадан биринчи бўлиб Тайфур тушди. Кошонанинг металл панжарали дарвозасини очиб чопа кетди. Йўлда боғбон Шабонга дуч келди. Қария:

– Қаерларда юрибсан, ўғлим? Онанг сени қанчадан бери излаяпти, – деди. Аммо Тайфур унга қайрилиб ҳам қарамади. Зиналардан чиқаётганида:

– Дадам билан жанозага бордик, – деб бақирди. “Кимнинг жанозаси экан”, деган саволни эшитмади ҳам. Залда онасининг ёнидан чиқиб қолди. Калтагина кўйлақдаги Назифа хоним Тайфурни тергаб сўради:

– Яна қаёққа гумдон бўлдинг шунча пайт?

– Мен қаердан билай? Отам айлантириб келади, деб машинага мингандим. Кейин қанақадир масжидга бордик. У ердан кейин бир одам билан бирга қабристонга.

– Қабристонга? Бу гап энди қаердан чиқди? Ким ўлибди?

– Билмасам, отамдан сўранг. Мени бир одам билан таништирди. Кейин уни уйимизга таклиф қилди. Яхшиям келмади. Менга ҳечам ёқмади. Масжиддаги соқоллиларга ўхшаркан.

Назифа ҳайрон бўлиб қолди. Кимнинг жанозасига боришди экан! Тайфур айтаётган одам ким бўлди? Ўғлидан яна нималардир сўрамоқчи бўлиб оғиз жуфтлаётганида, Атифбей келиб қолди. Эрига синчков қаради:

– Қаерларда қолиб кетдиларинг? Биласиз, бугун бо ламнинг битирув оқшомига базм берамиз. Сиз бўлса уни мачитма- мачит, мозорма-мозор судраб юрибсиз! Ким ўлиб сизни мачитга боришга мажбур қилди?

Аёлининг бу юзсизлиги Атифбейнинг ғазабини келтирди.

– Улуғтоғлик Мурод ҳожи қазо қилибди. Бурсага тушганимда тасодифан эшитиб қолиб жанозасига бордим. Фермасидан доим сариеғ, пишлоқ, тухум-пухум олардик-ку, ўша одам. Худо раҳмат қилсин, яхши одам эди. Ҳеч бўлмаса, унинг олдидаги охириги қарзимни узай, дедим.

Назифанинг Атифбейни эшитишга тоқати ҳам йўқ эди.

– Тушунарли, тушунарли, – дея эрининг гапини кесди. – Яхши одам экан, охириги қарзингиз экан. Билардингиз, ишимиз бошимиздан ошиб ётганини бугун. Нима, сиздан бошқа одам йўқмикан, мозоргача борибсиз? Майли, мачитга борибсиз дейлик, ўша ердан қайтсангиз бўлмасмиди? Одамлар кўришибди-ку борганингизни, бўлди-да! Муҳим ишим бор, деб келавермайсизми!

Миллионер Атифбей хотинининг аҳволи шу эди. Унинг учун муҳими, азада ҳам одамийлик бурчини адо қилиш эмас, хўжақўрсинга қатнашиш эди.

Кейин бирдан эсига тушиб қолгандай сўради:

– Машинага кимнидир ўтирғизибсиз! Тайфурга ёқмаганмиш. Ким эди ўзи у одам?

– Юсуф... Эслайсанми, йўқми, Мурод ҳожининг фермасида ишларди бир пайтлар. Уйгаям келганди. Каримга Раббий яссирни, Аллоҳга муҳаббатли бўлишни ўргатарди.

Карим ҳам уни жуда яхши кўрарди...

Ҳам дин, ҳам бир неча йиллар аввал йўқолган боласи Карим ҳақида очилган гап Назифанинг жазавасини баттар қўзгатган эди.

– Об-бо! Қаерлардан топиб оласиз бунақа одамларни, ҳеч ақлим етмайди! Дин, имон ўргатармиш. Биз ўрганмадик, мана, кимдан кам жойимиз бор? Камига уйгаям таклиф қилибсиз. Ўзингиз гаплашсангиз ҳам, бу ёшда Тайфурнинг калласини заҳарламанг!.. Назифа ичини яхшилаб бўшатиб олди. Хонасига қараб юрди.

Атифбей бўлса залда қолиб сигара чекаётганди. Бироздан кейин хотини кийимларини алмаштириб, Тайфурни ҳам етаклаб олиб хонадан чиқиб келди.

– Мен салонга кетяпман. Хизматчилар зални тайёрлашяпти, таомларни пиширишяпти. Тайфурниям ўзим билан олволаман, яна қандайдир ғалати одамлар билан таништириб юрманг!

Хотини кетганидан кейин Атифбей чуқур нафас олди. Ўрнидан турди. Бир-икки қадаҳ шароб ичди. Деразадан атрофни бироз кузатиб турганди, телефон жиринглади. Хизматкорлардан бири гўшакни Атифбейга келтириб берди.

– Алло, ҳа, менман... Демак, пулни олдингиз, яхши, яхши. Энди бор имкониятни ишга солиб, бозордаги молларни олишга урининг. Халқ уйғонмасидан бу ишни ҳал қилинг. Олмонлар кечи билан кейинги ҳафта Бурсага келишади. Фурсатдан фойдаланиб қолиш керак. Йўқ, мен бормайман. Бизнинг ўғлонга атаб зиёфат беряпмиз, уйдан чиқолмайман. Нима бўлганини айтиб берасиз. Майли, кўришгунча...

Атифбейнинг юзига табассум югурди. Хизматчини чақириб шакарли қаҳва олиб келишини буюрди. Кейин хонасига чиқиб кетаркан, ҳамма нарса тайёр бўлмагунича безовта қилмасликларини тайинлади. Тайфур бошланғич мактабни битираётган эди. Энди таҳсилини Истанбулда, Роберт коллежида давом эттиради. Атифбейнинг орзуси ўғлини фабрикаси учун яхши мутахассис ва бошқарувчи қилиб тайёрлаш эди. Ўқийдиган бўлса, уни тўқимачилик саноати бўйича муҳандис қилмоқчи. Амалиётни эса чет элда ўтайди. Тайфур, аслида, заковатли бола. Аммо Каримни йўқотганларидан кейин топилган ўғилни Атифбей ва Назифа хоним жуда талтайтириб юборишган эди. Атифбей буни ҳис қилиб турар, аммо Назифага тушунтириш жуда қийин, ҳатто имконсиз эди. Ота ўғлини ўқитишни, билимли одам бўлиб етишишини хоҳласа, Назифа: “Ўқисаям майли, ўқимаса ҳам. Барибир бизнинг бойлигимиз унга етиб ортади...” деган фикрда эди.

Эрка ўғил заковати, қобилиятини билим олишга эмас, бошқа мақсадларга ишлатарди. Китоб ўқишдан кўра ўйинчоқ ўйнашни ёқтирар, хатти-ҳаракатларини отаси танқид қилган пайтда онаси жонига оро кирарди. Нима хоҳласа, муҳайё бўлиши уни эрка, танбал ва безбет бўлиб улғайишига сабаб бўлаётганди. Пулга ва ота-онасига ҳаддан зиёд ишонар, каттани катта, кичикни кичик демасди.

Тайфур ёш бўлишига қарамасдан, кўшқда уюштириладиган қарта кечаларида доим ҳозир у нозир турарди. Бу ўйинни дарс қилишдан, ҳатто ўйинчоқ

ўйнашдан ҳам яхшироқ уддаларди. Тунги пайтларда меҳмонларнинг қадаҳларини ўғирлаб ичишга ўрганиб қолганди.

Кинога-ку, муккасидан кетган, ишқий ва эҳтиросли сахналарни киприк қоқмай кўриб ўтирарди. Кейин базмларда буни хотинларга айтиб берар, уларнинг уни ҳали бола, деб кўрсатаётган мулозаматлари, қилаётган қилиқларидан қандайдир завқ оларди. Баъзан хизматкорларни ўпмоқчи бўлар, улар ҳам Тайфурни қучоқларига олиб, ўпишига қўйиб беришар эди. Назифа билан бирга Атифбей ҳам ўзини бундай ҳаётга анча мослаштирган эди. Масжитга бориши учун, албатта, кимдир ўлиши керак эди. Бутун бошли кошонада қибла қайси тарафда эканини биладиган тирик жон топилмасди. Рўза нималигини билмайдиган одам, Рамазон ойининг қийматини қайдан билсин! Лекин ҳайитни ҳамма қатори нишонлашарди. Закот ҳақида умуман ўйлашмас, аммо қурбонлик қилишарди ҳар йили. Нима бўлгандаям, ўзларига яраша обрўлари бор. “Қурбонлик қилишмади”, деган гап бўлишини хоҳлашмасди. Шу даражадаки, арабча ёзувниям чиқиштирмайдиган Назифа киборлар қаторидан қолмаслик учун хусусий ўқитувчи ёллаб, инглизча ўрганишга ҳаракат қиларди.

Назифа қуёш ботар маҳалда қайтди. Эрини сўради. Ҳалиям ётганини эшитиб, дарҳол уйғотишларини буюрди. Бироздан кейин Атифбей, Назифа ва бутун кўшк меҳмонларни кутишга тайёр эди. Биллур қандиллардан таралаётган нур бутун уйни ярақлатиб, ранго-ранг вазалар, хумдонлар, турли ҳайкаллар ажиб бир кайфият бағишлаб турибди. Оёқ остида эроний гиламлар. Деворларга эса энг машҳур рассомларнинг ярим яланғоч аёллар чизилган ишлари осилган. Бутун уй бўйлаб қиммат мебеллар... Меҳмонларга хизмат қиладиган кичкина аравачалар. Бурчакдаги барда хилма-хил қадаҳлар, ликёрлар, шампану вискилар. Залнинг бир бурчагида мева-чева билан безатилган ёнғоқ дарахтидан ясалган улкан стол. Бошқа тарафда мусиқа қутиси...

Деворда осилиб турган баҳайбат соат миллари саккизни кўрсатиб бонг ура бошлаган паллада меҳмонлар кўринди. Тайфур қатори ўн билан ўн беш ёш орасидаги болалар ота-оналари билан етаклашиб кўшкка оқиб кела бошлади.

Кўчада қувлашмачоқ ўйнаб, бир коптокнинг ортидан соатлаб югурадиган болалар қимматбаҳо либосларда гердайиб туришибди.

Назифа болаларни кўриб, Каримни эслади:

– Ҳозир у... бу болаларнинг сардори бўларди. Шу қизларнинг ҳар бири билан алоҳида рақс тушарди...

Қизчалар ҳам гўзаллик мусобақасига киришишган эди гўё. Ҳар бирининг устида ажойибу ғаройиб нафис кўйлақлар. Жуда калта, тору очиқ-сочиқ эди. Улар ўртага тушиб, бир-бирлари билан қучоқлашиб рақс тушгани сари, катталар уларни завқ билан кузатишар эди.

Беллар майдонда, елкалар очиқ, кўкраклар ярмигача зоҳир қилинган. Суратлар ранго-ранг, қошлар терилган, лаблар бўялган... Ва булар ҳали ўн бешга кириб-кирмаган ёш қизлар... Бўлажак оналар!

Соатлар ўтгани сайин бошлар ҳам айлана бошлади. Ҳамма ўз оламига шўнғиб кетган. Мусиқа қутисидан замонавий ёшлар орасида расм бўлган қўшиқлардан бири янграмоқда. Ўртада қизлар йигитлар билан қучоқлашиб мусиқа оҳангига монанд тебраниб туришибди.

Меҳмонларнинг олдига қўйилган шишалар аллақачон бўшаб қолай деган. Меҳмонлар овқат столи атрофида тартибсиз еб-ичишга киришишган. Онда-сонда:

– Болалар, кўп ичиб юборманглар, маст бўлиб қоласиз, – деган овозлар эшитилиб қолади.

Аммо бу таъкидлар болаларнинг бир-бирларига қараб кулиб қўйишларидан бошқасига ярамаётганди. Ахир улар ҳам катта бўлишди. Опалари, акалари, амма-холалари ва ҳатто ота-оналарига ўхшаб уларнинг ҳам ҳаёт лаззатларини тотиб кўриш пайти келди. Бир қўшиқ тугаб бошқаси бошланяпти. Эртанги катталар, истиқболимиз соҳиблари – болалар вақтичоғлик қилишмоқда. Кўз олдиларига парда тушган гўё, қўллар бир-бирларига чирмашган, мусиқага ҳамоҳанг тебранишмоқда.

Оналар, оталар, акалар, холалар, аммалар ҳам бу манзарани катта завқ ичра фахрланиб кузатишмоқда. Уларнинг ҳам, аслида, шу болалардан кўпам фарқлари йўқ эди. Зиёфат болалар учун уюштирилган бўлса ҳам, ичимликларни, асосан, ичиб тугатганлар ҳам, бир-бирига мақтов ёғдирганлар ҳам, бойликларига ишониб гердайиб нутқ сўзлаётганлар ҳам катталар эди. Қимор, қарта, лотолар айни авжида.

Болалар билан бир залда ўтирганлар фақатгина бу ўйинларга ақли етмайдиган ёшга бориб қолган қариялар эди. Қимор столини ўраб олган юзлар ҳар хил тусда товланмоқда. Кимдир ҳаяжонланяпти, қўлларининг титраши ўн метрдан ҳам сезилиб турибди; аниқки, қўлида кучли қарта бор. Бир-бирларига дўстдек кўринаётган бу одамлар, қизиқ, айни дамда нималарни ўйлашаётган экан!

Боғда ёши анчага бориб қолган икки одам. Залда телбаларча кўнгилхушлик қилаётган наслдан икки авлод ката бўлса керак. Дардлашишмоқда.

– Ё тавба, шу масхарабозларга қара! Ўзларича ўйин-кулги қилишяпти-да шуларам. Бизнинг даврларда эркак киши бунақа кийиниб, шунақа кечаларга қатнашармиди!?

– Ҳақсан, Файик оға. Бунақа вақтичоғликни қўйиб тур, бунақа эркак, хотин аралаш-қуралаш базмнинг ўзи бормиди? Тескари замон дейишгани шу бўлса керак-да. Биз хотинлар даврасига кириб қолсак борми, улар тум-тарақай бўлиб қочишарди. Энди мана бу манзарага қара.

Биринчи бўлиб гап бошлагани қўшимча қилди:

– Булар охирзамон аломатлари, Рамазон афанди. Бундай ҳолатларни кўриб юзи қизарадиган одам қолдимиз ўзи. Кино кўрмасам ҳам, рекламаларига кўзим тушиб қолади, беихтиёр. Қараб бўлмайди. Уларни томоша қилгандан ке йин инсон баъзан инсонлигидан уялиб, ер тагига кириб кетгиси келади. Ҳозирги болалар шунақа киноларни ота-оналарининг ёнида безрайиб кўриб ўтиришибди.

– Майли, улар-ку бола, томоша қилишяпти. Лекин асл қабоҳат бизда, ота-оналарда эмасми! Уларга шу фильмларни биз қўйиб бермаяпмизми! Бўлар иш бўлди, Раифбей! Энди бир-биримизни айблаганимиз билан бу муаммо ечилиб қолмайди, барчамиз баробар айбдормиз.

– Тўғри, – деб ўйчан тасдиқлади Рамазон афанди. Бошини қуйи солганча балки, ёшлик даврини эслагандир...

Аммо у тарбияни, у кунларни қайтариб бўлармиди? У даврларда пляж деган гап ҳам йўқ эди. Ҳозир эса кўчаларнинг умумий ҳаммомлардан фарқи қолмагандек. Уларнинг суҳбатига ёши ўтиб қолган, аммо ҳаддан зиёда пардозланган бир аёл аралашди. Юзидаги ажинларини кўлида пардоз билан яширишга уринган, аммо уддалай олмагани кўриниб турарди.

– Нега бунақа деяпсизлар, – деб гап бошлади у. – Замон ўзгарди. У кунлар ортда қолди. Хотинлар ҳам эркаклардек одам қатори яшай бошлади. Биз кўрмаган кунларни набираларимиз кўришяпти, мана. Нега ёшларни айблаяпсизлар?

Ёшлигида ўйнаб қолсин-да. Инсоф билан айтинглар-чи, сизлар ҳам ҳозир ёшариб қолиб, уларнинг орасига қўшилишни хоҳламайсизми?

Файик ва Рамазон – чоллар бир-бирига қараб қўйишди.

Нигоҳларидан: “Бу хотин қаердан чиқди?” деган маънони уқиш қийин эмасди. Унга Файик афанди жавоб қайтарди:

– Хоним, биз ёшлар ўйин-кулги қилмасин, демаяпмиз.

Ўйнасин, кулсин, лекин одоби, эви билан-да! Сизга ёқяптими шу туришлари?

Хотин яйраб кулди.

– Нега ёқмаслиги керак экан! Албатта, ёқади-да. Сизларга ёқмаётганига ҳайрон бўляпман.

– Нега ҳайрон бўласан? Биз ўзимизни қаридик, ёшимиз ўтиб қолди, деб ҳисоблаймиз. Аммо сен ҳали ёшман, деб даъво қиляпсан, уялмасанг, бориб ораларига қўшил, борақол. Ёшлигингда тўйиб ўйнамаган бўлсанг, мана сенга имконият, қани!

Файикбейнинг гапидан аёлнинг қошлари чимирилди.

– Мен қўшилмасам ҳам, томоша қиляпман. Сен ҳам келибсан, ҳам ғийбат қилиб ўтирибсан. Сени бу ерга ҳеч ким мажбуран олиб келмагандир, ахир! Уйингда жимгина ўтирсанг ёки “Улуғ Жоме”га ваъз тинглагани борсанг бўлмасмиди!

Аёлнинг бундай оҳангда гапириши Файикбейнинг ҳамкасабларини чертиб, қўл-оёғи ғазабдан титрай бошлади.

– Маза қилиш учун келганим йўқ бу разолатга, – деб дўнғиллади. – Набирам ҳеч қўймагани учун келдим. Атифбейга қўшнимиз, ҳам бироз ошначилигимиз бор. Хафа бўлиб қолмасин, дедим. Кошки келмаганимда!

Бироқ аёлга гап уқтириб бўлмади:

– Қўйсанг-чи! Тилинг шундай деяпти-ю, кўзингни қадаҳлардан узолмаяпсан ҳечам!..

Файик афанди бошқа чидаб туролмади.

– Овозингни ўчир, – деб дўқ урди. Кейин шеригига қараб давом этди. – Бу хотин мени жинни қилади! Шунинг овозини ўчир, илтимос!

Хотин яна илжайиб кулди:

– Тавба-а, мен нима дедим? Келишга келволиб, одамларни орқаларидан ғийбат қилиб ўтирманглар бир бурчақда, демоқчи бўлдим. Бировнинг орқасидан гапириш ҳам уят, ҳам гуноҳ эмасми! Худо, ҳеч бўлмаса, шунинг учун гуноҳ ёзмасин...

Бу сафар Рамазон афанди гапга аралашди.

– Худо гуноҳ ёзмасинми? Мана шу разолатга ўз оёқларинг билан кел, кўзларинг билан қатнаш, кейин эса Худо гуноҳ ёзмасин-а! Қўшилиш гуноҳ-у, томоша қилишнинг айби йўқ, демоқчимисан?

Аёл қаҳқаҳа отиб кулиб юборди.

– Рамазон афанди, сенам ўзига хос оламсан-да! Ҳам диний мавзуларда бунчалик кўп нарса биласизлар, ҳам бунақа базмларга чопқиллаб келасизлар! Тушунолмаяпман, ил мингиз жуда кучли бўлса, сизларни бу ерга тортиб келган куч нима?

– Айтдим-ку, Атифбей бизга қўшни бўлади деб. Келмасак, нотўғри тушуниши мумкин. Сенга ўхшаб ёшлиқдаги армонларнинг аламини чиқариш учун келмадим. Билмасам, бунга ақлинг етармикан, йўқми...

Аёлнинг юзига шайтоний табассум оралади:

– Ҳа-а! Демак, Атифбейнинг ҳурмати учун келдингиз! Аллоҳга бўлган ишқингизни ҳеч тилдан туширмайсизлар, бироқ Атифбейнинг юзидан ҳам ўтолмайсизлар... Бу динга қанчалик тўғри келаркин, тушунолмадим, рости.

Аёл мазах оҳангида, қасдма-қасдга гапираётган бўлса ҳам, аслида, ҳақ эди. Бу учовлоннинг суҳбати, яна ҳам тўғрироқ айтадиган бўлсак, мунозаралари, агарда кўшқда бир қичқириқдан кейин тўс-тўполон бўлиб кетмаганида, яна узоқ давом этиши мумкин эди. Барча чўчиб тушди, меҳмонлар залга йиғилишди. “Нима бўлди, нима гап, ким бақирди?” – ҳамма бир-бирига савол берарди. Аммо ҳеч кимда тайинли жавоб йўқ. Кейин шивир-шивир орқали нима бўлгани ҳаммага аён бўлди: Тайфур йўқолиб қолибди!

Қичқирган Назифа эди. Унинг ноласи бутун кўшқ ичида акс садо қайтариб ёйилаётганди:

– Боламини топиб беринглар! Худо ҳақи, топиб беринглар!

Гўзаллик саломида соатлаб турмаклатган сочларини юлиб олгудек чангаллаб, шахсий тикувчисига минг-минг лирага тиктирган оқшом либосини парчалаб

ташламоқчидек ўзини ҳар ёққа уриб, эрталаб “Худо буюргани учун бир мусулмоннинг жанозасига борган эрини қошиб берган Назифа хоним ҳозир ёнига келганлардан “Аллоҳ ризоси учун ўғлини топиб беришларини” сўраб ёлвормоқда эди. Ҳеч ким Тайфурнинг уйдан чиққанини кўрмаганди. Шунинг учун лом-мим деёлмаётганди. Акаси Карим ҳам бир неча йил аввал уюштирилган мана шундай зиёфат пайтида йўқолиб қолган... нимадир дейишга, қандайдир тахминни ўртага ташлашга ҳеч ким юрак ютиб жасорат қилолмаётган эди. Қизиқ, жинлар ёки париларнинг ишимикан?!

Бутун кўшк оёққа турган, Тайфурнинг йўқолиб қолиши меҳмонларни саросимага солиб қўйганди. Кейин ҳамма ўз боласини излашга тушди. Тайфурдан бошқа яна кимдир йўқолган бўлмасин тагин.

Ҳа, Хусравбейнинг қизи Суҳайло ҳам келганлар орасидан топилмади.

– Тайфууур! Суҳайлооо!

Бутун кўшк овозлардан зирилмоқда, фақат ҳеч қандай жавоб йўқ эди. Кўшк атрофига, боғ ичига одам солинди. Буталарнинг таглари, боғбоннинг кулбаси, гулзорларнинг тит-пити чиқарилиб ташланди. Балки, ичиб, қаердадир ухлаб қолишгандир.

– Топдим! Уларни топдим, бу ёққа-а-а!

Кўшкнинг юқори қаватидан келаётганди бу овоз. Ҳамма ўша томонга югурди. Юқори қаватдаги хоналардан бири меҳмонлар билан бир зумда тўлди. Хона ичида шармандали бир манзарага дуч келишди...

Бу ер ётоқхона, Атифбейнинг кўшкка ташриф буюрган меҳмонлари учун тайёрлаб қўйилганди. Тайфур билан Суҳайло каравот устида қип яланғоч ухлаб ётишарди. Меҳмонлардан бирининг хаёлига бу хонани ҳам қараб кўриш келиб қолган ва чироқни ёқиб, уларни кўриши билан “топдим” деб бақариб юборган эди. Хонада бирданига чироқнинг ёқилиши ва бақир-чақирдан кейин Тайфур кўзларини қия очди. Атрофга аланглади, бироқ ҳеч нарсани кўрмаётгандай эди. Кейин нималарнидир сезиб қолган бўлса керак, устини ёпишга уринди. Қўллари билан кўзини ишқалади. Суҳайло эса ҳамон унинг ёнида ҳеч нарсани сезмай ётарди.

Тайфур ўн уч, Суҳайло ўн икки ёшда эди. Митти онги алкоголь билан заҳарланганидан кейин... болалар киноларда томоша қилган сахналарини синаб кўришмоқчи бўлгани кўриниб турарди.

Хонадагилар бир-бирларига қараб қолишди. Бақир-чақир тинди. Кутилмаганда хонани қаҳқаҳа тутиб кетди. Биринчи бўлиб ким бошлагани номаълум эди, аммо кейин ҳамма унга қўшилди. Ҳеч ким хафа бўлмаётган эди!

Назифа билан Суҳайлонинг онаси бир-бирларини кучоқлашган кўйи: “Бизникилар балоғатга етганини исботламоқчи бўлишибди”, деб кулаётганларга қўшилишди. Ҳозиргина кўшкни тутган дод-вой, фарёдлар бир зумда унутилиб, яна ҳамма қадаҳларини қўлга олиб улгурди. Тайфур мактабни битиргани, шунингдек, биратўла балоғатга етганини исботлаши ҳам нишонланди...

Оқшом. Қуёшнинг қизғиш нурлари Улуғтоғ этаклари орқали бутун Бурсага ёйилаётган маҳалда Атифбей кўшк залидаги бир диван устида донг қотиб ухлаб ётар эди. Бутун бошли кўшк урушдан кейинги майдонга ўхшарди. Гилам устида овқат қолдиқлари, шароб шишалари, синган қадаҳ бўлаклари, тўкилган ичимликлардан қолган доғлар...

Тайфур... Бечора бола. Ота-онасининг замонавий мафкуралари сабаб кўр-кўрона ботқоққа ботиб бормоқда эди. Оиласи мол-дунё деб дин ва имондан айрилган; ор-номус, ҳаё туйғулари сингдирилмаган ўсмир вужудидаги туғма фазилатлар ҳам йўқолиб борарди. Ва Тайфурдан юзлаб километр узоқларда унинг акаси Карим, янги оламдаги исми билан Абдулкарим Ёзгатнинг “Улуғ Жоме”сида бомдод азонидан кейин иқомат такбири айтмоқда. “Аллоҳу акбар, Аллоҳу акбар... Ашҳаду алла илаҳа иллаллоҳ, Ашҳаду алла илаҳа иллаллоҳ...”

Мусулмонлар бир чизиқда текис саф тортиб туришибди. Имом бошчилигида намоз адо қилинганча, тасбеҳ ўғирилди. Қўллар Аллоҳга томон кўтарилди, қалблар Ундан мадад, шафоат тилади. Дудоқлар дуодан титрар, қалблар меърожга кўтарилиш ҳузуридан сармаст эди.

Имом:

– Ё Аллоҳ, ўлкамизни, жаннатмонанд юртимизни азон овозидан маҳрум айлама! Аллоҳ йўлида асрлар давомида қонию жонини бу тупроқларда фидо қилган миллатимизни дин душманларининг ёмонлигидан асра, муҳофаза эт. Бизни сенга исён қилиб қўйишимиздан, шайтонга асир бўлиб қолишдан асра. Қалбларимизни ҳидоят нури ила равшан қил. Бизларни энг шарафли банда бўлиш неъматидан маҳрум этма. Сўнгги нафасимизда Калимаи шаҳодат келтириб руҳимизни таслим қилишни биз ожиз бандаларингга насиб айла, омин!

Намоздан кейин Юсуф, Имом Усмон афанди ва Абдулкарим биргаликда уйга қайтишди. Юсуф бирдан кимдир қўлидан тортганини сезди. Қаради. Аввалига кўзларига ишонолмай қолди, Ибиш... Шу заҳоти қучоқлашиб кетишди.

Кейин уни Имом Усмон афандига таништирди.

– Худди укамдек яқин инсоним, – деб гап бошлади. – Истанбулда бир неча ой бирга ишлагандик. Иккаламиз ҳам елкамизга қопни ташлаб кечгача кўчада кезардик. Чиқиндихоналардан, кўча-кўйдан қоғоз тўплардик. Уларникида бир неча ҳафта яшаганман. Аллоҳ рози бўлсин, маддоҳлик қилаётган бўлмайин-у, аммо улардан кўп яхшилик кўрганман.

Ибиш унинг гапини бўлди.

– Қўйсанг-чи, мен сенга нима қилдимки!

Ибиш Усмон домлага қараб давом этди.

– Аслида, мен Юсуфдан яхшилик кўрганман. Онам билан мен... Юсуф айтгандай, Истанбулда қоғоз тўплаб рўзғор тебратардик. Аллоҳга шукурлар бўлсин, ҳеч кимнинг қўлига қараб қолмагандик, аммо қоғоз тўплаб топилган пул нимаям бўларди. Кутилмаганда онам аварияга учраб касалхонага тушиб қолди. Зудлик билан пул топишим керак эди. Ўшанда биродарим Юсуф қўлида нима бўлса, борини берди бизга. Аслида, биз ундан қарздормиз. Усмон домла бошини ликиллатиб эшитиб турди. Икки дўстнинг самимий муносабати ва гапларидан таъсирланди.

– Бир-бирингизга бўлган бундай муносабат, аслида, сизларнинг яхшилигингиздан, динингиздан ва олган тарбиянгиздан далолат беради, – деди. Кейин икки дўст ва Абдулкаримни бир финжондан чойхўрлик қилиш учун Иброҳим қорининг чойхонасига таклиф қилди. Албатта, Усмон афандининг таклифини рад қилишармиди! Иброҳим қори чой ҳозирлар экан, улар субатларини давом эттиришди. Юсуф Ибишга ўғлини таништирди. Ибиш Абдулкаримга бошдан-оёқ назар солиб чиқди. Бошини силади.

– Эшитишимча, ҳунар мактабини битирибсан. Хўш, лицейни қаерда давом эттирмақчисан?

Абдулкарим бу саволга жавоб бермади. Бошини яна паст роқ эгди. Ибиш Юсуф ҳалиям бир қарорга келмаганини тушуниб, унга қаради:

– Нима бўлди, Абдулкаримнинг қаерда ўқиши борасида ҳалиям бир тўхтамга келмадингми сен?

Юсуф:

– Келолмадик-да. Бутун бошли Ёзгатда ҳунар мактабининг лицей босқичи бўлмаслиги мени ҳайрон қолдирыпти.

Ибишнинг диққати ошиб, бошини тебратди.

– Ҳа-а Юсуф-а! Ёзгатда бўлмаса, Истанбулдаям йўқ дегани эмас-ку! Бурсада кўришганимизда менга нима деб ваъда берганинг эсингдан чиқиб қолдими?

Юсуф:

– Эсимда. Эсимдаку-я, – деди ва бироз тиниб қолди.

Иброҳим ҳам чойларни олиб келганди. Бир ҳўпламдан чой ичишди. Кейин Юсуф таъсирланиб гап бошлади.

– Ҳа, эсимдан чиққани йўқку-я, лекин бу Истанбул! Шу даражада кўрқиб турибманки, Абдулкаримни у ерга юборишга кўнглим ҳеч чопмаяпти.

Абдулкарим катталарни жим эшитиб ўтирарди. Имом Усмон афанди Ибишга қаради:

– Менга қаранг, биродар, сизга ўхшаб биз ҳам бу ерда, Юсуфнинг биродарлари сифатида, Абдулкаримни ўқитишига кўндириш учун роса уриндик. Аммо Юсуф ҳам бироз ҳақ бўлгани учун ўғлини Истанбулга юборишга кўнмаяпти. Унга қўйиб берса, бошланғич мактабдан кейиноқ болани олиб кетарди, аввало, Аллоҳга, кейин мен ва бошқа дўстларига ишонди. Абдулкарим ҳам, кўз тегмасин, бизларни уялтириб қўймади. Ҳам диний илмини оширди, ҳам ўқишини аъло баҳога битирди.

Ибиш:

– Яхши, демак, мен дўстинг эмас эканман-да! Менга ишониб топширолмас экансан-да!

Юсуф:

– Унақа дема, илтимос. Сенга ишонмаслигим мумкинми! Кўрққаним Истанбул... Албатта, ўғлимнинг ўқишини, катта одам бўлишини мен ҳам хоҳлайман, аммо Худо кўрсатмасин, бошига бирор фалокат келса, кейин мен нима қиламан?

Ибиш Юсуф осонликча таслим бўлмаслигини тушуниб етди. Индамай чойини ичиб ўтирган Абдулкаримга қаради.

– Хўш, болам. Бу гапларимиз, аслида, ҳаммадан кўпроқ сенга тегишли. Сен нима дейсан?

Абдулкарим бошини ҳам кўтармади. Отаси ўтирган жамоада фикр билдирмаган эди ҳозиргача. Ярим овозда: “Билмасам, отам ҳамма нарсани мендан кўра яхши билади”, – деди.

Ибиш Абдулкаримнинг отасига ҳурматидан жуда мамнун бўлди. Ҳатто ўзини бундай тутганидан кейин Абдулкаримга бўлган меҳрига энди ҳурмат ҳам кўшилди. Нима қилиб бўлса ҳам, ўқишини Истанбулда давом эттириши учун Абдулкаримни гапиртириши керак эди. Юсуфни яхши билади. Бирор нарсага қарор қилдими, осонликча воз кечмайди. Аммо Абдулкарим хоҳиш билдирса, Юсуф ҳам бунга кўниб, уни Истанбулга юбориши мумкин эди. Шунинг учун Абдулкаримга гапиришда давом этди:

– Яхши гап айтдинг, болам. Албатта, даданг яхши билади ва ахлоқ-одобли фарзанддан кутиладиган гап ҳам айнан шу эди. Аммо истиқболнинг масаласида жиддий ўйлаб кўриш керак!

Абдулкарим яна бошини кўтармади. Гўё отасининг кўзларига тик боқишдан кўрқаётгандек эди.

– Билмасам, дадам ҳамма нарсани яхшилаб ўйлаб кўради, шундан кейингина қарор чиқаради.

Ибиш бу сафар катта тўсиққа учради. Аммо Абдулкарим ўқишни хоҳлаётгани, айниқса, ўқишини Истанбулда давом эттиришга истаги борлигини ҳис қилди. Тўғрироғи, ички бир овоз шундай деяётганди.

– Хўш, сен ўзинг ўқишингни Истанбулда давом эттиришни истамайсанми? Менга шундан гапир...

Абдулкарим жим бўлиб қолди. Нималардир демоқчи-ю, бунга журъат қилолмаётгани кўриниб турарди. Яна Ибиш гап бошлади:

– Ўғлим, мени яхшилаб эшит. Отанг ўқишингни хоҳлаяпти, аммо Истанбул сени йўлдан оздиришидан кўрқяпти. Сенга ўхшаган покдомон, виждонли фарзандни кўлдан бой беришни хоҳламаяпти ва бу борада у ҳақ. Ҳозир сен ўзингга ишонаётган бўлсанг, фақатгина менга эмас, ҳаммамизга айт. Мен шундай бир тарбия олдимки, Истанбул эмас, бутун дунёнинг бор

ботқоқликлари тўпланиб ҳам мени ютолмайди, йўлдан оздиrolмайди, де. Сен ўзингга бўлган ишончни кўрсат, отанг ҳам сенга ишонсин.

Абдулкарим келганидан бери биринчи бор бошини сал кўтаргандай бўлди. Отасига қаради. Нигоҳларида гўё: “Отажон, сизнинг ташвишингиз сабаби ростдан ҳам шуми?” деган савол акс этарди.

Ибиш, ниҳоят, ғалаба қилишига ишона бошлади. Гап айланиб шу ерга келганида, Усмон домла ҳам индамай туролмади.

– Бўлди, қайсарликни йиғиштир, Юсуф. Ўзингга ишонганинг каби ўғлингга ҳам ишонишинг лозим. Шуниям унутмаки, Истанбулда Абдулкаримнинг диний билимларини оширишга васила бўладиган қанчадан-қанча хазиналар ҳам бор. Сен бу шаҳар ҳақида фақат ёмон фикрларга бораверма. Яхши томонларини ҳам фикр қилиб кўр. Абдулкаримдек илм олишга бунчалар чанқоқ, истеъдодли йигитни бундай имкониятдан маҳрум қилмайлик. Қара, кутилмаганда Ибиш афанди билан кўришиб қолдиг-у, бу мавзуда гап бошладик. Бугун Ибиш афанди Истанбулдан келиб, бомдод намозида биз билан учрашишини, бирга ўтириб Абдулкаримнинг таҳсили мавзусида жон куйдиришини ким билибди дейсан! Бу ишда Аллоҳнинг ҳикмати яширинганини, наҳотки, сезмаётган бўлсанг!

Юсуф бу фикрларга таслим бўлгандек эди. Ота-бола бир-бирларига термилиб турар, аммо гапиришга журъатлари етмаётганди. Юсуфнинг қарашларида аввалги қайсарликдан нишон йўқ. Ибишдан кейин Усмон домланинг ҳам мавзуга аралашиши Юсуфни юмшатганди. Абдулкарим гапиришга илк марта жасорат қилди.

– Отажон, менга ишонадиган бўлсангиз, иншааллоҳ, сизни уялтириб қўймайман. Мен илм олишга бўлган иштиёқни сиздан ўргандим. Бугунгача сизнинг кўмагингиз ва ташвиқингиз билан ўқидим. Бундан кейин ҳам, албатта, сизнинг ёрдамингиз билан ўқийман. Албатта, агар сиз изн берсангиз... Мен нима десангиз, қандай қарорга келсангиз ҳам, розиман. Бунга амин бўлаверинг.

Ўғлининг бу кутилмаган ташаббуси Юсуфни шошириб қўйди. Лекин унга жаҳл қилиш хаёлидан ҳам ўтмади. Ўтирганларга бир-бир қараб чиқди. Кейин:

– Тўғри, ҳаммангиз ҳақсиз. Ўғлимнинг ўқишини, маърифатли одам бўлишини хоҳламаслигим мумкинми! Мени кўрқитган нарса – Истанбулда ўғлим билмасдан ҳаром луқмага қўл узатиб қўйиши! Чунки ҳаром луқма шундай бир тузоқки...

Юсуф тўхтаб Абдулкаримга қаради. Муҳим қарор қабул қилганини кўзлари айтмоқда эди. Ўғлига қараб гапида давом этди.

– Ўғлим, сен менга биров жасорат берсанг, ўқишингга розиман.

Абдулкаримнинг юзи бир зумда ёришиб кетди. Бутун борлигини қандайдир илиқлик қуршаб олди. Севинчидан учиб кетадигандек эди. Кўзлари порлаб гапира бошлади:

– Отажон, бугунгача сизга лойиқ фарзанд бўлиш учун қўлимдан келганча ҳаракат қилдим. Нима бўлгандаям, бундан кейин ҳам шундай давом этади, кўнглингиз тўқ бўлсин. Бироқ ҳозиргача бўлган хатти-ҳаракатим сизни қаноатлантирмаган бўлса, менга шу олган таҳсилим ҳам етарли.

Абдулкарим бошқа гапиролмади. Орага яна жимлик чўқди. Ҳаммалари таъсирланиб кетишганди. Юсуф ҳам кўзи ёшланганини сездирмаслик учун бошини қуйи эгди. Ибиш Юсуфга қаради.

– Ўғлингнинг ўқишга ҳарислиги, иштиёқига ўзинг ҳам шоҳид бўлдинг. Аммо, у ўзи айтгандай, ўғлингга нисбатан ишончинг етарли бўлмаса, бу иш шу ерда битсин, мавзу ёпилсин, тамом-вассалом. Йўқ, мен ўғлимга доим ишонганман, бундан кейин ҳам ишонаман, дейдиган бўлсанг, очигини айт, биз ҳам севинаялик.

Юсуф қизариб кетди. Ўғлига ишонмаслиги мумкинми! Абдулкаримдек бир фарзандга ишонч билдирилмайдиган бўлса, ишониладиган фарзанд қандай бўлади унда! Лекин Истанбулда...

Истанбулда бир кун келиб Атифбей олдидан чиқиб қолиб, тасодифан ҳақиқатни билиб қолса-чи, кейин нима бўлади? – энди Юсуфнинг хаёлига шу ҳадик ёпишиб олди.

Абдулкарим ўқишни хоҳлаётган эди. Ибиш ва Усмон домла ҳам унинг ўқиши тарафдори. Уларни бу фикрдан қайтариш учун Атифбей ҳақида гапира олармиди! Имом Усмон афанди Юсуфнинг оғзига толқон солиб олганини кўриб:

– Сукут – аломати ризо, дейишади, Юсуф афанди, – деди. – Оғиз очмай ўтирганингга қарасак, ахийри Абдулкаримни Истанбулда ўқитишга рози бўлганга ўхшайсан. Қани, яна бир финжондан чой ичайлик-чи!

Юсуф Усмон домлага қаради. Жавоб бермади. Енгилгина табассум қилди. Ич-этини кемираётган ғулғуладан қутулолмаётганди. Унинг бу ноодатий ҳолати

Абдулкаримни қўрқита бошлади. Ёки ўқиш учун қайсарлик қилиб, отасини хафа қилиб қўйдимикан?! Секингина:

– Отажон, – деб гап бошлади. – Менинг Истанбулда ўқишим сизни шунчалик ўйлантираётган бўлса, рухсатингиз билан гапларимни қайтиб олмоқчиман. Мен, аввало, Аллоҳ, кейин сизларнинг соянгизда бу ерда ҳунар, бир нималар ўргандим. Илмимни шу ерда қолиб ҳам ошира оламан. Сиздан ҳам кўп бора эшитганимдек, инсон учун муҳими фақат илм эмас. Муҳими, инсон дунёга нега келганини англаб етиши ва Буюк Яратувчи олдидаги бурчини адо эта олишидир. Сиз билан бахтсиз эмасман. Умримнинг сўнггигача сизлар билан қолишга тайёрман.

Абдулкаримнинг гаплари Юсуфни тўлқинлантириб юборди. Ибиш ва Усмон домла ҳам жимгина қизиқиш билан Юсуфни кузатиб ўтиришарди. Юсуф секин ўрнидан турди. Ўғлига яқинлашди, унинг бошини меҳр билан силай бошлади.

– Йўқ, ўғлим, сен ўқийсан... ўз соҳангда энг баланд чўққини забт этишинг учун мен ҳам қўлимдан келган барча ишни қиламан. Аллоҳни унутмас экансан, сендан кўнглим тўқ бўлади, хавотирланишга сабаб ҳам бўлмайди. Ўқи... Қўлингдан келганича, бор имконинг билан ўқи. Мана Усмон домла ва дўстимиз Ибишнинг ёнида сенга сўз бераман. Сени Истанбулга юбораман.

Ота-бола бир-бирларини қучоқлашди. Имом афанди ва Ибиш бу қувончли маназарани ўзгача кайфият билан кузатишмоқда эди.

ҒУРБАТ БУНЧАЛАР ОҒИР

Бу йил Ёзгатнинг қиши жуда шиддатли келди.

Шоҳмуротли қишлоғи бир неча кун тинмай ёққан қордан кейин оппоқ гилам билан қопланди. Юсуф фермасида охурларни, катаklarни кўздан кечириб чиққач, уйга кириш арафасида эди ҳамки, хотинининг қувончли овози қулоғига чалинди:

– Суюнчи беринг! Ўғлингиздан хат келди!

Юраги тез-тез ура бошлади. Дарҳол пойабзалини ечиб ичкарига кирди. Зайнаб узатган хатни олди.

– Бу қаҳратон қишда ким хат олиб келди?

– Тоҳир ҳожининг ўғли Расим Ёзгатдаги почтага ташлаб кетибди. Почтачи олиб келди.

– Тоҳир ҳожи қандай экан?

– Ҳали ҳам бир жойда экан... Ўғли уни кўргани келган экан-да. Почтачининг гапига қараганда, аҳволи анча оғир шекилли.

Юсуф:

– Худо шифо берсин, – деб жойига бориб ўтирди. Хатни ўқий бошлаганида, Абдураҳим кириб келди. Онаси сўради:

– Бола ухляптими?

– Пишиллаб ухляпти, онажон.

Юсуф Абдураҳимдан кейин бир қиз кўрган ва исмини Ойша қўйганди. Митти Ойша учга ёшга тўлаётганди.

– Афандим, овоз чиқариб ўқинг, биз ҳам эшитайлик.

Юсуф кулиб хотинига қаради:

– Ким биледи, неча марта ўқигандирсан бу хатни!

Зайнаб:

– Майли, – деди. – Хатни ўқиганим сари ёнимда ўғлим туриб гапираётгандай бўляпти-да!

Юсуф хатни баланд овозда ўқий бошлади:

“Азиз онажон ва отажон! Аввало, бошимда фарз бўлган саломларимни йўллаб, қўлларингиздан ўпаман. Аллоҳимга шукурлар бўлсин, соғлиғим жуда яхши. Ўқишга узлуксиз қатнаяпман. Тавсиянгизга биноан тез-тез Ибиш амакимникига ҳам бориб турибман. Сизларга жуда кўп саломлари бор. Бош қашишга вақт бўлмаяпти. Бемалол дам олишга ҳам вақт тополмаяпман. Буларни асло шикоят деб ўйламанглар. Сизларга ҳам анчадан бери хат ёзолмадим. Ҳолатимдан хабар бериб қўйишни хоҳладим. Бу ерда Меҳмет Заки исмли мусулмон бир одамнинг корхонасидан тўқув дастгоҳларини тузатиш бўйича иш топдим. Бу киши намозхон, тақводор. Фақат ҳаёт тарзи бизникига ўхшамайди. Уйларида эркак-хотин аралаш ўтираверади, меҳмонларни бирга

қабул қилаверади. Зотан, Истанбулда мусулмонларнинг аҳволи ўзгача олам. Нима бўлганда ҳам, сиз буларни мендан кўра яхшироқ биласиз.

Ибиш амаким мени олиб борган домлага ҳафтада икки кун қатнаяпман. Арабчам ҳам анча ривожланди. Домлам менга бир нечта китоб берди. Уларни бемалол ўқиб тушунаяпман. Арабча билан бирга инглизчамни ҳам ривожлантириш учун бир курсга ёзилдим. Ҳафтада уч кун кечалари шу курсга бораяпман. Жуда фойда беряпти. Меҳмет Закининг фабрикасида янги олиб келинган аппаратлар бор. Уларни бир инглиз муҳандисининг назоратида йиғаяпмиз. Ўша инглиз муҳандиси билан инглизча гаплашиб, кўникмаларимни ривожлантиришга уринаяпман. Унинг ўзи ҳам менга ёрдам беряпти. Тоҳир ҳожининг мазаси йўқлигини эшитдим. Жуда хафа бўлдим. Телеграмма орқали ўғлини чақиртиришибди. Бу хатимни у орқали юбораяпман. Укам Абдураҳим ва Ойша синглим яхши юришибдими? Ҳаммангизни роса кўргим келяпти. Сизларнинг қўлларингиздан, укаларимнинг кўзларидан ўпиб қоламан. Уларни мен учун ўпиб қўйинглар. Доимо соғ-саломат бўлинглар. Ҳурмат билан, ўғлингиз Абдулкарим”.

Юсуф хатни ўқиб бўлгач, кўзларига ёш келди. Хотинига қаради, унинг ҳам ҳолати ўзиникидан деярли фарқ қилмасди. Абдураҳим пастда чордана қуриб ўтириб, ота-онасини кузатаётганди. Уларнинг кўзлари намланганини кўриб савол берди:

– Онажон, акамни кўпроқ яхши кўрасизми ёки меними?

Зайнаб бу кутилмаган саволдан бир муддат ҳайрон бўлиб қолди. Ўғлининг бошини силаб:

– Бу қанақа савол, болам! Она фарзандларини бир-биридан ажратиши мумкинми! Ҳаммангизни бирдек яхши кўраман! Отанг ҳам шундай...

Абдураҳим кулимсиради:

– Онажон, бир кун келиб мен ҳам Истанбулга кетсам, акамга ўхшаб сизларга хат ёзсам, ўшанда ҳозиргига ўхшаб менинг хатимни ўқиганда йиғлайсизми?

Зайнаб ўғлининг юқоридаги саволи сабабини тушунгандек бўлди. Акасидан келган хатни ўқиб, ота-онасининг кўзлари ёшланганини кўргач, боланинг рашки келган, шекилли.

Абдураҳимни бағрига босди. Бошини силади, ёноқларидан ўпди.

– Болажоним, эртага сен ҳам катта йигит бўласан. Иншааллоҳ, ўқийсан ва балки, сен ҳам бизни ташлаб, узоқларга кетарсан. Ўшанда сени соғинмаймиз, деб ўйлаяпсанми? Сендан хат олганимда, албатта, йиғлайман-да! Энди менга айт-чи, сен акангни соғинмадингми?

Абдурахим:

– Соғинмай бўладими?! Ҳечам кўз олдимдан кетмаяпти.

Она-бола бир-бирларининг меҳрли бағирларига сингиб кетишди...

Тоҳир ҳожининг ўғли Расим Абдулкарим билан бирга Истанбулга келганди. Ибишнинг меҳмони бўлиб бир неча кун Баҳчелиевларда қолганидан кейин имом-хатиб мактаб интернатига ёзилган эди. Абдулкарим эса Ибиш таништирган бир домланинг Қуръон курсига (кечаси қолиб ўқишга) ёзилиш билан бирга, касб-ҳунар коллежига ҳам кирганди. Абдулкарим дарслари ва ҳунар ўрганишга шўнғиб кетди. Домладан исломий илмларни ҳам олишни ҳеч қанда қилмади. Синфдошлари унинг диндорлиги ва уларга қўшилиб турли ўйин-кулгиларга бормагани учун аввалига чиқиштиришмади. Лекин барибир дарслардаги муваффақиятини кўриб, Абдулкаримга тан бермасликнинг иложи йўқ эди.

– Гений!

– Ўрта асрлардан қолган электрон мия!

– Авлиё!

Ўртоқлари унга шундай лақаблар қўйишган, лекин Абдулкарим атрофидаги гап-сўзларга эътибор бермай, бор вақтини дарс қилиш, ҳунар ўрганиш ва диний илмини ошириш учун сарфлашга ҳаракат қилди. Касб-ҳунар коллежининг иккинчи босқичида ўқиётганда тўқув дастгоҳларини бир ўзи бемалол сочиб-йиға оладиган малакага эга бўлди. Устозлари ҳам унинг шижоати ва иштиёқини кўриб, қўлларидан келганича ёрдам беришга ҳаракат қилишарди. Бундай йигитнинг келажакда улкан марраларни забт этишига чин дилдан ишониб, бу ишда ўзларининг ҳам ҳиссалари бўлишини хоҳлар эдилар, ҳозирданоқ у билан фахрлана бошлашганди. Меҳмет Закига Абдулкаримни таништирган одам шу коллежнинг мудирини Тургайбей эди. Меҳмет Заки билан Тургайбей анчадан бери яхши таниш эдилар, бир суҳбатда Меҳмет Заки корхонасидаги тўқув машиналарига қарайдиган яхши уста кераклигини айтганида, Тургайбейнинг хаёлига дарҳол Абдулкарим келган. Бу иш талабасининг келажакдаги учун ҳам фойдали бўлишини ўйлаб, суҳбатдошига:

– Мен сенга бир болани юбораман. Ўзи ҳозир бизнинг коллежда ўқийди. Фақат у сен билган талабалардан эмас. Фабрикангдаги машиналарингга қарай оладиган, қобилиятли, жуда яхши тарбияли, ахлоқли бола, – деганди.

Меҳмет Заки ҳам дўстига эътибори учун миннатдорчилик билдирган, аммо шу билан бирга, коллеж талабасининг ўзи учун керакли мутахассис бўлишига ишончи йўқлигини яширмаганди: “Менга яхши бир уста керак эди, талаба эмас!”

Шундай бўлса-да, қадрдонининг гапи ерда қолмаслиги учун Абдулкаримни фабрикага чақирган, уни бош уста билан таништириб, фабрикадаги машиналарга қарашда унга ёрдамчи бўлишини айтганди.

Меҳмет Заки ўтган кунлар мобайнида Тургайбейнинг Абдулкарим борасида айтган фикрлари нечоғли ҳақ эканига ўзи гувоҳ бўлди. Ҳақиқатан ҳам, бу бола талаба эмас, хазинанинг ўзгинаси эди. Бош уста Ориф ҳам унинг билими ва тарбиясига тан бериб, бундай йигитлар фабрикага доим керак бўлишини айтган, Меҳмет Закига, нима қилиб бўлса ҳам, уни қўлдан чиқармасликни маслаҳат берган эди.

Меҳмет Заки бир неча ойдан кейин Тургайбейга шундай деди:

– Шу Абдулкаримнинг тарбияси ва ишига ҳайрон қолдим, дўстим. Дастлаб у ҳақида гапирганингизда, бироз муболаға деб ўйлагандим. У билан танишгач, айниқса, бизда иш бошлагандан кейин сиздан жуда хурсанд бўлдим. Мен шу пайтгача хилма-хил одамларни кўрдим. Шундай ишчилар борки, ростдан ҳам жуда меҳнаткаш, аммо имкониятлари, яъни қўлидан нима келиши аниқ, чегараланган. Ундан нарига ўтишолмайдиям, интилмайдиям. Баъзилари ўзини яхши кўрсатишга уринади, аммо фикру хаёли қийин ишни айланиб ўтиш. Намоз ўқиш учун рухсат сўраб, икки соатдан кейин зўрға ишини бошлайди. Бироқ бу бола ҳеч кимга ўхшамайди. Бир ишни бошладими, битирмагунча жойидан қимирламайди. Фақат намоз ўқигани бориб келади. Намозини ўқибоқ яна ишига қайтади. Баъзан иш ўз вақтида битмай қолади; ҳамма кетади, у ишини давом эттираверади.

Ортиқча соат ишлагани учун маошига қўшиб берай десанг, буниям қабул қилмайди. Хуллас, бу бола мени лол қолдирапти, дўстим. У коллежни битиргач, чет элда олий таълим олиб келиши учун ёрдамга тайёрман. Бу борада отаси билан ҳам гаплашиб кўрмоқчиман. Шу масалада менга ёрдам берсанг, жуда миннатдор бўлардим. Талабангнинг муваффақиятини сен ҳам хоҳласанг керак...

Бу гаплар Тургайбейни хурсанд қилди. Бир талабаси ҳақида бундай мақтовларни эшитиш устозни севинтирмайдими! Икки дўст Абдулкарим коллежни битирганидан кейин ўқишини чет элда давом эттириши учун биргалиқда ҳаракат қилишга келишиб олишди.

Абдулкарим ўқишни битиришига ҳам оз қолди. Тургайбей Юсуфга юборган мактубида ўғли жуда қобилиятли эканлиги, уни чет элда ўқитиш учун бир тадбиркор дўсти билан келишиб олишганини айтиб, қилинадиган барча харажатларни Абдулкарим қайтиб келганидан кейин ўша дўстининг фабрикасида ишлаб тўлаши мумкинлигини ёзганди. Абдулкаримнинг диплом олиш маросимида бу ҳақда атрофлича гаплашиб олиш ниятида эканини ҳам билдириб ўтганди.

Юсуф бу мактубни ўқиб Яратганга шукурлар қилди. Ўғли уни Истанбулда ҳам уялтириб қўймагани учун жуда миннатдор бўлди. У билан қанча фахрланса оз. Мактубни барча яқинларига ўқиб берди. Абдулкаримнинг исми ва шуҳрати Шоҳмуротли қишлоғида яна бир бор ёйилди.

Абдулкарим Ибишларникига ҳар ўн беш кунда бир зўрға келиб турарди. Ибиш, унинг аёли ва болалари Абдулкаримни яхши кўришарди. У келган куни уйда байрам бўлиб кетарди. Ибиш баъзан:

– Абдулкарим, мен сенга амаки ўрнидаман! Бу ерга, Истанбулга келишинг учун дадангга қанча ялиндим, ахир! Бироқ сен бизни жуда кам йўқлаяпсан. Ҳар ҳафта келиб турсанг, қандай яхши бўларди, – деб нолирди.

Ибиш Абдулкаримга бошқача меҳр қўйган эди. Меҳнатсеварлиги, тарбиясига тан берарди. Келажаги порлоқ тадбиркор бўлишига шубҳа қилмасди. Яна бир орзуси эса Абдулкаримни ўзига куёв қилиб олиш эди. Бу фикрини унга ҳеч қачон айтмаган, аммо келажакда бирга ишлашлари мумкинлиги, керак бўлса, Абдулкарим учун моддий ёрдамни ҳам аямаслигини гап орасида бир неча бор қистириб ўтганди.

Абдулкарим ҳам Ибишни яхши кўрарди. Ибишнинг таклифлари ҳам эътиборга молик. Келажакда катта бир фабрикага эгалик қилиш Абдулкаримнинг орзуларини бе заб турарди.

Лекин афсуски, Ибишнинг баъзи ишлари Абдулкаримга унчалик ёқмасди. Ибиш қоғоз тижорати билан шуғулланар, фаолияти анчагина кенгайган. Макулатура тижоратидан ташқари, бир нечта газета босмахоналаридан арзон-гаровга олган қоғозларини бозорда баланд нархда пуллар эди. Кейин бозордаги ҳамма ишлар ҳам олдиндан тўлов қилиш билан битавермасди. Баъзи

матбаачилар қоғозларни фақат насияга олишарди. Шунда Ибиш насиячи харидорлардан устама ҳақ олиш билан бирга, нархларда ҳам баъзан ўзгаришлар қиларди. Бу ишларини Абдулкаримга тушунтириб, бозорда ўз ўрнини топиш, фойда олиш учун баъзан бироз қаттиққўл бўлиш кераклигини уқтирарди.

Мана шунинг учун ҳам Абдулкарим Ибишларникига унчалик кўп бормас, улар билан бир дастурхон атрофида ўтиришни хоҳламасди. Меҳмон бўлса ҳам, шубҳа аралашган луқмадан ўзини тиярди. Базўр ўн беш кунда бир борар, овқатга қолмасликка уринарди...

Абдулкаримнинг диплом олиш маросимида Меҳмет Заки ва Тургайбей Юсуф билан танишишди. Меҳмет Заки Юсуфга кўп илтифот кўрсатди. Маросимдан кейин уни фабрикасига таклиф қилди. Мақсади – нима қилиб бўлса ҳам унинг кўнглига йўл топиб, ўғлини Европага юборишга кўндириш!

Буни Тургайбей ва Ибиш ҳам хоҳлар, Юсуфни кўндириш учун қўлларидан келганича ғайрат қилишаётганди.

Аслида, Истанбулда эришган ютуқларини кўриб, бу ердаги ҳаётида ҳам динини маҳкам тутганига гувоҳ бўлганидан кейин, Юсуфнинг ўғлига бўлган ишончи яна кучайган эди. Ҳозир Юсуф ўғлининг олий таълимни чет элда олишини эмас, ундан яна бир неча йил айрилиқда яшашини ўйламоқда. Аммо муҳими, фарзандининг ҳаётда муваффақиятга эришиши эмасми! Шунча йиллик айрилиққа нима учун чидади! Энди катта йўлга чиқиб бўлишган ва бу йўлдаги ишоралар юксалишга олиб боришини кўрсатиб турибди. Энди ортга йўл йўқ.

Ва ниҳоят, Юсуф ва Меҳмет Заки орасида шартнома тузилди. Меҳмет Заки Абдулкаримнинг чет элда ўқиши учун кетадиган барча харажатларни ўз бўйнига олади, бунинг эвазига Абдулкарим мутахассис бўлиб қайтгач, унинг фабрикасида ишлаб, сарфланган пулларни узади.

Энди Юсуф ўғлини олиб қишлоққа қайтиши мумкин. Зеро, шартнома ўқиш бошланишига бир ой қолганда кучга кириши белгилаб қўйилган эди. Унгача ҳали уч ой бор.

Ёшлигингда ўйнаб қол

Роберт коллежининг ўрта қисмини базўр битириб олган Тайфурдан Атифбейнинг ҳали ҳам катта умидлари бор.

Чунки унинг бошқа ўғли, яъни ишини қўлдан оладиган давомчиси йўқ. Эртага бутун умр йиққан мол-дунёсини кимга ташлаб кетади, ахир!

Атифбей Тайфурни тўқимачилик саноати бўйича муҳандис қилишга аҳд этган ва бунинг учун энг ишончли ўқув даргоҳи Англияда, деб биларди.

Тайфур – энди ўн олти ёшга кирган ўйинқароқ бола. Шу сабабли Назифа бошчилигида барча яқинлари уни чет элга юборишга ҳали эрталигини айтиб, Атифбейни бу фикридан қайтаришга уринишмоқда эди.

Аслида, Атифбей ҳам билади унинг ёш болалигини. Ҳатто тенгдошларидан ҳам эрқароқ, инжиқ ва ўзига бино қўйган. Тайфурни иложи борича тезроқ чет элга юбормоқчи эканининг асл сабаби ҳам – шу. Англияда яқин дўстларидан бири яшайди.

Ўғлини чет элга юбориш фикрини ўша дўстига телефонда айтган, бу борада унинг ҳам фикрини олганди. Дўсти –тартибли одам. Катта тадбиркор. Агар ўғлини унга ишониб топширадиган бўлса, қўлидан келган ҳар қандай ёрдамни аямаслигини ваъда қилган. Шунинг учун Атифбей бу мақсадни дилига қаттиқ тугиб олганди.

Тайфурнинг Англияга кетиши яқинлашгани сари Атифбей севинаётган бўлса, Назифа ҳозирдан тушкунликка тушиб қолган. Она ўғлидан хавотирда. Эрининг қанчалар қатъиятли эканлигини билса ҳам, ҳали ҳам Тайфурни чет элга юбориш фикридан қайтаришга уринар эди.

Бир куни шу мавзуда яна мунозара бошланди.

– Қандай қилиб юрагингиз дов беряпти? Тайфур ҳали бола бўлса. Оқ билан қорани ажрата оладиган ёшда ҳам эмас. Ҳар куни кутилмаган янги бир иш очиб келади. Бунақа болани қандай қилиб чет элга, ўзингиз ҳам тузук-қуруқ танимайдиган одамлар орасига юборяпсиз? У ерларда ўғлимга нимадир бўлсачи? Каримнинг дарди ҳалиям юрагимдан кетгани йўқ. Бундай мусибатга яна бардош бера оладиган кучим қолмаган!

Атифбей:

– Адашяпсан, Назифа, – деб хотинининг гапини бўлди. Сўнгра қатъий оҳангда давом этди. – Унутма, ҳеч кимни бу дунёга боғлаб қўйгани йўқ. Кундан-кунга қариб, ёшим ўтиб боряпти. Доим шундай қололмайман. Белимда кучим борида ҳаракат қилиб қолишим керак. Мендан кейин ишларимни ким бошқаради, кимга ишониб топшириб кетаман!

Ҳа, Тайфур ҳозир ёш йигитча, қони қайнаяпти. Ёшлигига ва отасининг пулига ишониб қилмаган иши қолмади. Капалакка ўхшаб шохдан-шоҳга, у гулдан бу гулга қўняпти. Ҳаётида катта ўзгариш бўлмаса, ҳозирги ҳолатида қолаверади. Мен шуларни ўйлаб бу қарорга келдим. Уни Англияда шундай тартибга соламанки, Истанбулдаги ҳаётини давом эттириш у ёқда турсин, ўйлашгаям фурсат тополмайди. У ерда, сенга аввал ҳам айтганимдек, қаровсиз қолмайди. Битта жуда яхши дўстимнинг ҳимоясида, назоратида бўлади. Бунинг эвазига мен ҳам унинг бу ердаги ишларини кузатиб тураман. Шу тариқа у бу ердаги ишларидан, мен эса ўғлимдан кўнглим хотиржам бўлади. Бунинг нимаси ёмон?

Назифа:

– Майли, аммо мен барибир Тайфурнинг чет элга кетишига ҳали эрта, деган фикрдаман. Ҳеч бўлмаса, лицейни шу ерда тугатганида эди. Қанақа тартиб, қанақа босим бўлса аввал шу ерда синаб, тажриба қилиб, ундан кейин Англияга кетганида эди!

Атифбей кулди:

– Қўйсанг-чи, хоним, сенам гапни оласан-да! Сен ўғлингни кўз қорачиғингдек асраб, ёнига шамолниям яқинлаштирмайсан-у... Бунинг тажрибадан ўтказиладиган нимаси бор экан?!

Шу пайт телефон қўнғироғи дод солгандай жиринглади. Атифбей атрофга аланглади. Хизматчилардан ҳеч бири кўринмагач, ўрнидан туриб гўшакни олди:

– Алло! Ҳа, мен бўламан. Нима, тезроқ айтинг. Нима?..

Тепа сочи тикка бўлиб кетди. Асабийлашаётгани юзидан кўриниб турса ҳам, иложи борича хотинига қарамасликка уринаётганди.

Назифа эрининг гапларидан қандайдир нохуш воқеа содир бўлганини сезиб, унга хавотир билан тикилиб турарди.

Атифбей кесик-кесик гапиришда давом этди.

– Ҳа, тушундим. Ҳозироқ йўлга тушаман. Кўришгунча... – Гўшакни қўйиб хотинининг ёнига келди. Жилмайишга уринди, аммо уддалай олмади:

– Хавотирланадиган ҳеч нарса йўқ, Назифа, қўрқма. Ваҳима қилма. Бир иш юзасидан зудлик билан Истанбулга боришим керак, шу холос.

Бошқа ҳеч нарса деёлмади. Тез-тез қадамлаб хонасига кириб кетди, кийинди ва шошиб уйдан чиқди. Назифа шунча йил бирга яшаб эрининг бу тарзда ўқдек учиб уйдан чиқиб кетганини ҳеч кўрмаганди. Кутилмаган ва жиддий иш содир бўлганини ҳис қилди. Бирдан хаёлига ўғли келди. Эрининг ўқдай учиб чиқиб кетишининг Тайфурга алоқаси йўқмикан?

Юрагига ғулғула тушди. Бу шубҳа миясида ғувуллай бошлади. Базўр тик турарди. Ёнидаги креслога ўтирди. Хона ичидаги ашёлар, деворда осиглиқ расмлар гир-гир айлана бошлади. Кўз олди қоронғилашиб, охири ҳеч нарса кўринмай қолди...

Атифбей Истанбулда Меҳмет Закининг дарвоза қўнғироғини чалди, юраги қинидан чиқиб кетадигандай гупиллаб урарди. Эшикни хушрўйгина ёш қиз очди. Атифбей ўзини таништирди ва Бурсадан келганини айтди. Мезбон Атифбейни ичкарига таклиф қилди.

Меҳмет Заки залда экан. Атифбейни кутиб олиш учун унга пешвоз юрди.

– Хуш келибсиз, камина Меҳмет Заки бўламан.

– Хушвақт бўлинг, мен эса Атифбей дўстингиз... Қўнғироғингиз ва кўрсатган илтифотингиз учун миннатдорман.

– Арзимаёди. Бир дўст ва ҳамкор сифатида бу бизнинг бурчимиз. Қани, шу ерга бироз ўтирайлик-чи. Илтимос, ўзингизни босинг, хавотирланадиган ҳеч нарса йўқ, тинчланинг.

Атифбей креслога чўқди. Меҳмет Заки унга сигара узатди ва чақмоқ билан Атифбейнинг сигарасига олов ёқди.

– Хавотирланарли нарса йўқ, – деб секин гап бошлади. – Бир кунлик ҳордиқдан кейин ўғлингиз уйига кетиши мумкин эди. Лекин унинг бу ерда қолишини маъқул кўрдим. Сизни ҳам хабардор қилиб қўйишни тўғри деб билдим.

– Раҳмат сизга. Уни кўришим мумкинми?

Меҳмет Заки Атифбейнинг хавотирини ҳис этиб турганди. Шу заҳоти ўрнидан турди:

– Албатта, нега бўлмас экан, марҳамат.

Икковлашиб юқорига чиқишди. Меҳмет Заки бир хонанинг эшигини очди. Бу ётоқхона экан. Тайфур боши оппоқ бинт билан ўралган ҳолда ухлаб ётар эди.

Атифбей катта қадамлар билан, аммо оёқ учида юриб ўғлининг бошига келди. Ўғлининг сочларини силай бошлади.

– Болам, – деб пичирлади. – Мен келдим... даданг. Эшитяпсанми мени?

Кутилмаганда ўғлининг бошига келган бу мусибат Атифбейни бир кун ичида ўн ёшга қаритиб юборгандай эди. Қанчалик кўрс, бетгачопар, шўх ва ҳатто тарбиясиз бўлса ҳам, барибир унинг ўғли, пушти камаридан бўлган жигарбанди...

Унинг жисмидан, қонидан... Айниқса, Каримни йўқотиш фожиасидан кейин...

Ёноқларидан ингичка йўл очиб ёш оқа бошлади. Меҳмет Заки унга яқинлашди. Елкасидан тутди:

– Илтимос, ўзингизни ортиқ қийнаманг! Енгилгина жароҳат холос бошидаги. Доктор ўраб қўйди ва бироз дам олсин, деб укол қилди. Кўрасиз, бироздан кейин уйғонади ва бемалол гаплашиб ўтиради биз билан.

Хонадан ташқарига чиқишди, меҳмонхонадаги жойларига қайтишди. Хизматчи қиз қаҳва олиб келди. Яна сигара тутатиб қаҳва ҳўплай бошлашди. Атифбей аста сўради:

– Бу иш қандай содир бўлди?

Меҳмет Заки сигарасидан чуқур тортди. Шошилмай гапира бошлади:

– Хуллас, Роберт коллежи, ўзингизга маълумки, ҳар ўқув йили охирида шунақа кечалар ташкил қилади. Қизим Ламия ҳам шу коллежда ўқигани учун базмга биз ҳам боргандик. Коллеж талабаларидан ташкил топган созандалар ёшлар учун урф бўлган мусиқаларни чалар, йигит-қизлар рақс тушиш билан хурсанд эди. Ўғлингизни ўша ерда танидим. Сизни орқаворотдан танир эдим. “Бурсалик тадбиркор Атифбейнинг ўғли анави хушчақчақ йигит бўлади”, де йишди. Бироз ширакайфгаям ўхшади. Ёнидагилар билан ҳазиллашиб, куларди. Ҳарҳолда, базмга келишдан аввал бир- икки қадахда отиб олганга ўхшади. Ҳатто ўғлингиз ёнимизга келиб қизим билан рақс тушишга изн сўради. Очигини айтаман, бизнинг оила унақа йиғинларга ўрганмаганмиз.

Шу сабабли хоним қизимизнинг мазаси йўқроқ, деб қўяқолди. Ўғлингиз ҳам узр сўраб ёнимиздан нари кетди. Вақт кеч бўлиб қолганди, коллеж директори билан хайрлашиб кетмоқчи бўлиб тургандик. Ўша пайт тўс-тўполон бошланиб кетди. Бутун зал ағдар-тўнтар бўлди. Кўрққанимиздан столимиз орқасига яшириндик. Бир пайт жанжаллашаётганлар орасида ўғлингиз ҳам кўзимга

ташланди. Тўс-тўполон тугагач, жанжал сабабини эшитдик. Ўғлингиз ва бир ўртоғи кўпроқ ичиб қўйиб, мастликда баъзи қизларга нисбатан ножўя ҳаракатлар қилишибди. Кейин... афсуски, ўғлингиз енгилтак бир қиз билан базм бўлаётган залнинг юқори қаватидаги бир хонада, ноқулай вазиятда қўлга тушиб қолибди.

Бу ҳодиса ҳаммасидан ҳам ўтиб тушибди. Жанжал шундан кейин бошланибди. Бу орада ўртоқлари бир иложини қилиб ўғлингизни жанжал жойидан олиб чиқиб, ташқаридаги машиналардан бирига жойлаштиришибди. Тасодифни қарангки, у машина меники экан. Албатта, бизнинг ҳеч нарсадан хабаримиз йўқ. Қандай қилиб ташқарига чиқиб олишдан бошқа нарсани ўйламаётгандик. Бир йигит келиб қизимнинг қулоғига пичирлаб нималардир деди. Қизим эса менга Тайфур бизнинг машинамизда эканини, ҳозироқ бу ердан кетсак, унинг бошига тушиши мумкин бўлган нохушликларнинг олдини олиш мумкинлигини айтди. Боя айтганимдек, Тайфур сизнинг ўғлингиз эканини билиб олгандим.

У ердан Ҳасаки шифохонасига қараб учдик. Ўғлингизга биринчи ёрдамни ўша ерда кўрсатишди. Шахсий докторимни ҳам чақирдим. Тайфурни муолажа қилди, бироз дам олишни буюрди. Кейин телефонингизни топиб вазиятдан сизни хабардор қилдим. Қисқаси шу...

Атифбей тамом бўлди. Ўғлининг бошига тушган ишлардан қанчалик хафа бўлса, Меҳмет Заки билан танишувига бундай ноқулай, уятли воқеа сабаб эканига ҳам шунчалик хижолатда эди. Боши лўқиллаб оғрий бошлади. Бироз ичиб ўзига келмоқчи бўлди. Меҳмет Заки узр сўради, уйларида ичкилик бўлмаслигини айтди. Атифбей учун шакарсиз аччиқ қаҳва тайёрлатиб берди.

Меҳмет Заки Атифбейга қўлидан келганича далда беришга, ичкилик бўлган ҳар қандай давранинг охири деярли доим шундай тугашини тушунтиришга ҳаракат қилди.

Сўнгра Тайфур билан бўлган воқеага алоқадор қизнинг аввалроқ ҳам шунга ўхшаш ёмон ишларга аралашгани, энди бу ишни ковлашдан фойда йўқлигини ҳам айтди.

Энди, муҳими, бундан кейин Тайфурнинг ҳаётини тўғри йўлга солиш ва нима қилиб бўлса ҳам, онасининг айни воқеадан хабар топиб қолишига йўл қўймаслик эди. Разолатни босди-босди қилишни ва керак бўлса, қиз тарафи даъво қилиб қолишининг олдини олишни Меҳмет Заки ўз бўйнига олди.

Атифбей Меҳмет Закидан миннатдор бўлди. Меҳмет Заки меҳмонга ётадиган жойини кўрсатиш учун ўрнидан қўзғалди.

МАРИЯ

Англиянинг Манчестер шаҳрида жойлашган халқаро поезд станцияси. Одам гавжум. Ҳамма кимнидир кутмоқда. Майдон чеккасида ўн етти-ўн саккиз ёшлар чамаси жигарранг сочли, чиройли қоматли бир қиз отасини саволга тутмоқда:

– Дадажон, уйимизга келаётган меҳмон йигит ҳақида менга яхшироқ гапириб беринг...

Эллик-олтмиш ёшлар атрофидаги озода кийинган, сочларига оқ оралаган киши кулимсираб қизига боқди:

– Менам ҳали ўзини билмайман. Фақат отаси юборган расмда кўрдим, холос. Отаси билан бизнесда узоқ йиллардан бери ҳамкорлик-дўстлигимиз бор. Туркиядаги ишларимда менга жуда кўп ёрдами теккан. Ишончли одам. Бироз очкўз, манфаатпараст, бироқ ваъда бердимиз, албатта, бажаради, айтганини қилади. Туркияга бироз инвестиция киритиш ҳақида ўйлаяпман. Шунинг учун илтимосини рад қилгим келмади.

– Дадажон, уйимизга бизга бутунлай нотаниш бўлган одамни қабул қиляпмиз. Аввал у йигитнинг қандайлигини суриштириб билиб олсак яхши бўлмасмикан?!

Қизнинг отаси яна кулимсираб жавоб берди:

– Қизим, бу йигит ҳақида ҳақиқатан ҳам кўп маълумотим йўқ. Бироқ ундан бизга ҳеч қандай зарар етмаслигига аминман.

– Хўш, бунчалик ишончингизнинг сабаби нима?

Қизнинг отаси – мистер Жеймс жавоб берди:

– Қизим, меҳмонимиз турк ҳамда мусулмон. Мусулмонлар биз европаликларга ўхшаб хотин-қизларнинг ортидан чопишмайди. Ичкилик ичишмайди. Тарбияли бўлишади. Аллоҳдан кўрқишади ва шу сабабли покиза, содда ҳаёт кечиришади.

Мария отаси доим жиддий гапиришини, сўзига ёлғону муболаға қўшмаслигини жуда яхши биларди. Лекин бу гапларга бироз шубҳа билан

қаради. Гарчи дунё динлари ҳақида отасидек илмли бўлмаса-да, бир нималар билиб олганди ҳарҳолда.

– Бу фикрингизга қўшилмайман, дадажон, – деб жавоб қайтарди. – Эшитишимга қараганда, ислом динида бир эркак бир вақтнинг ўзида тўрттагача хотинга уйланиши мумкин экан. Бир эркак тўртта хотин олади-ю, қандай қилиқ аёллар ортидан қувмайди, шуни тушунолмадим?

– Қара, азизам, бу эшитганларинг нотўғри эмас, лекин тўғри ҳам ҳисобланмайди... Ислום дини тўрт аёлга уйланишга рухсат беради, фақат баъзи шартлар билан. Бунинг моҳиятини тушунмаганлар нотўғри талқин қилишади. Ислום дини, аслида, бир хотинлиликни биринчи ўринга қўяди. Ислום кириб келишидан аввал араблар тўрт эмас, керак бўлса ўнлаб аёллар билан ҳам яшайверишган. Кимнинг хотини кўп бўлса, ўша обрўли, катта мавқели инсон ҳисобланган. Ислום бу сонни тўртга туширди, сўнгра шундай шарт қўйди: севишда, едириб-ичиришда, кийинтиришда ва бошқа масалаларда адолат қилолмайдиганлар битта хотин билан кифояланишлари керак. Биз, насронийларда, хотин устига сон-саногги йўқ ўйнаши борлар, бошқа уйларда бошқа хотинлар билан вақтичоғлик қиладиганларнинг сони оз эмас. Шуларни ҳисобга оладиган бўлсак, тўртта аёл билан шаръий никоҳ қуриб яшаш яхшироқми ёки фоҳишалар билан хотинига хиёнат қилиб яшаш маъқулроқми?

Мария бироз тафаккур қилди. Отасининг айтганлари ақл бовар қилмас гаплар эмасди, албатта. Ким билади, балки, ўзи адашаётгандир. Мавзу очилганида яна бир нарсани билиб олмоқчи бўлди.

– Хўп, мусулмон аёлларнинг бошдан-оёқ ўраниб юришлари тўғрими?

– Ҳа, қизим. Улар омма олдида ўраниб юришади. Эри ва оила аъзоларидан бошқалари билан кўришишмайди, бегоналардан ўзларини олиб қочишади. Бошларини, таналарини ёпиб юришади.

– Бу аёл ҳуқуқларини поймол қилиш эмасми, ахир?

– Бизнинг наздимизда шундай, лекин Туркияда аёллар барча эркинликка эга. Ислוםда аёл ва эркакларнинг ҳурриятлари тўғрисида ўнлаб, юзлаб асарлар ёзилган. Буларни ўқимасдан, етарлича маълумотга эга бўлмасдан туриб хулоса чиқариш тўғри бўлмайди. Ислוםда аёллар эркакларнинг қули эмас, аксинча, ор-номуси, иффатидир. Ҳатто жаннат – оналар оёғи остида, дейишади. Баъзи ислом мамлакатларидаги ҳаёт тарзи мен айтганларимга мос тушмаса, бунга айбдор фақат ва фақат шу юртда яшаётган инсонлардир, – Мистер Жеймс

папирусини тутатиш учун гапини тўхтатганида, қизи унга ҳамон тикилмоқда эди.

– Дадажон, – деб яна уни саволга тута бошлади Мария. – Бизнинг текстиль факультетимизга икки йилча аввал бир турк талаба келган эди. Айтишларича, ичкилик ичмасмиш, ҳеч қанақа базмларга бормасмиш. Сиз айтганингиздек, бирорта қиз билан ҳатто дўст тутинмабди. Қимор нималигиниям билмасмиш. Хуллас, тошбақа косасининг ичига яшириниб олганидек, у ҳам ҳеч бошини ташқарига чиқармасмиш. Сизнингча, шундай яшаш тўғрими? Бундай ҳаёт зерикарли эмасми?

– Бизга шундай туюлиши мумкин, қизим. У йигит ҳақида менинг қулоғимгаям чалинди, танишиш ниятим бор. Агар яқиндан кўриб-билсак, балки, у ҳам бизнинг ҳаёт тарзимизни ёқтирмас.

Мария отасининг гапларидан ажабланди:

– Нимага?

Мистер Жеймс босиқлик билан давом этди:

– Ҳайвонларнинг ҳаётини биласан, қизим. Ейди, ичади, шу тақлид кун ўтказади. Бир бўлак суяк ёки бошқа овқат қолдиғи учун бир-бирлари билан уришади. Бизда шунга ўхшаш ҳаёт кечираётганлар озми? Бир парча матоҳ ёки ер учун суяк талашган кўппакларни эслатадиганлар... Манфаати учун энг яқин дўстини ҳам сотиб юборадиганлар... Пайғамбаримиз ҳазрати Исо бизга “Сенга бир шапалоқ туширганга нариги юзингни ҳам тутиб бер”, деган бўлса ҳам, орамизда бу ўғитга амал қиладиганлар қанча деб ўйлайсан, қизим?

Мария лом-мим демасдан отасини тингларди. Эшитганларининг кўпи тўғри эди. Аммо нега отаси ислом дини ҳақида бунчалар муҳаббат билан тўлиб-тошиб гапираётгани сабабини тушунолмади. Отаси билан бу ерда, тик оёқда қилган суҳбати қанчадан-қанча узун ва қизиқарли маърузалардан афзалроқдек эди. Отасининг гаплари қизда катта қизиқиш уйғотди. Ҳозир ҳеч нарса демади-ю, аммо фурсат бўлиши билан динлар тарихи ҳақида асарларни ўқиб чиқишни кўнглига тугиб қўйди.

Шуларни хаёлидан ўтказиб турганида, кутилаётган поезд вокзалга кириб келаётгани эълон қилинди.

Мистер Жеймс:

– Қани, бироз олдинга ўтайлик. Меҳмонларимиз бизни қидириб, овора бўлиб юришмасин тагин.

Йўловчилар оғир-оғир жомадонлар билан вагонлардан туша бошлади. Атифбей, аёли ва Тайфур Лондонгача самолётда келишган ва ундан кейинги йўлни поездда босиб ўтишга қарор қилишганди.

Мистер Жеймс Атифбейни дарҳол таниди. Икки дўст қучоқлашиб кўришишди. Атифбей аёли ва ўғлини, мистер Жеймс эса қизини таништирди.

Мария ҳайрон бўлиб қолди. Муслима аёлларнинг кийимлари ҳақида гаплашишганига ҳали ўн дақиқа ҳам бўлмаган эди. Аммо Назифа хонимнинг кийими ҳечам отаси айтган муслималарникига ўхшамасди. Қаршисидаги аёл

Англиядаги хонимларнинг кийимларидан ҳечам фарқ қилмайдиган либосда. Сўнгра Тайфурга назар солди... Тортинчоқ, алкоголь ичмайдиган, аёллардан ўзини олиб қочадиган йигитга ҳечам ўхшамайди. Кулиши, ўзини тутиши ўзига бино қўйган олифта инглиз йигитларидан фарқ қилмайди.

Отасига қаради. Кўзлари билан “менга айтган муслмон оилангиз шуми?” демоқчи бўлди.

Отаси ҳам қизининг ҳайронлигини тушуниб турганди. У ҳам “адашибман, шекилли” дегандай ишора қилди. Атифбейларнинг юкларини олиб, ҳаммалари мистер Жеймснинг машинасига ўтиришди ва вокзалдан чиқиб шарқ қа юришди, Марияларнинг уйларига боришди.

Мистер Жеймснинг аёли меҳмонларни очиқ чехра билан кутиб олди. Эгнида – ҳамма жойини ёпиб турган узун кўйлак...

Уларни меҳмонхонага бошлаб кирди. Бироз суҳбатлашгач, Мария меҳмонларга ликёр таклиф қилди. Ҳеч ким ўйланиб ҳам ўтирмади, митти биллур қадаҳларни бир кўтаришда бўшатишди. Бу орада Мария ва мистер Жеймснинг нигоҳлари яна бир бора тўқнашди ва ҳеч кимга сездирмасдан мийиғида кулиб қўйишди.

Бир оздан кейин Атифбей ва мистер Жеймс бизнесларига оид суҳбатга киришиб кетишди. Назифа ва Жеймс хоним ўзаро суҳбат қуришмоқда эди.

Гап айланиб Истанбул ва эски Истанбул ҳаётига келди. Назифа бир пайтлари киборлар даврасига кириш учун ўрганган инглизчасидан фойдаланишга имкон туғилганидан ўзида йўқ хурсанд.

– Истанбул жуда ўзгариб кетди. Момоларимиз давридаги Истанбул ўтмишда қолди. Авваллари аёлларимиз тутқунлардек яшарди. Ҳижоб ва ёпинчиқ дейиладиган рўдаполарга ўраниб юришга мажбур эди. Ҳозир эса бундай мажбурият қолмади. Амалга оширган инқилобларимиз натижасида қора ҳижоб ва ёпинчиқлар тарихга кўмилди; аёллар тўлиғича ҳурриятга етишди. Шу даражадаки, бугунги турк аёли Европанинг бошқа мамлакатларидаги аёллардан ҳечам кам эмас. Авваллари аёл киши эрининг ёнидан айрилолмас, ундан сўроқсиз остона ҳатлаб чиқолмасди. Ҳозир эса ўзимизга хон, ўзимизга бекмиз. Хотинлар тез-тез йиғилиб турамиз, ўйин-кулги қиламиз, яъни ижтимоий фаолмиз. Агар хоҳласак, эрларимиз билан бирга тунги клубларга боришимиз мумкин. Ҳеч ким бизга тўсқинлик қилолмайди.

Жеймс хоним ёқимли табассум билан Назифани эшитиб ўтирарди. Лекин ичида: “Европалик аёлларга ўхшашни жуда қойиллатибсизлар-да!” деган фикр айланарди.

Мария билан Тайфур эса нариги бурчакка ўтиб гаплашиб ўтиришибди. Қиз Тайфурнинг нигоҳи унинг танаси бўйлаб кезиб юрганини сезиб турарди. Аммо унинг ҳали ёр бола эканини ҳам тушуниб бўлганди. Тайфурнинг тўрига тушадиган даражада гўл қизлардан эмас у. Аксинча, агар хоҳласа, болани ноғорасига ўйнатиши мумкинлигини ўйлаётганди.

– Биласизми, Тайфур, сиз менинг турк эркаклари ҳақидаги фикримни умуман ўзгартириб юбордингиз, тўғриси.

– Қандай қилиб, – сўради Тайфур гердайиб.

– Мен сизларни бирмунча тортинчоқ, деб ўйлар эдим.

Ичкилик ичмайдиган, рақс нима билмайдиган, хотин кишидан ўзини олиб қочадиган деб тасаввур қилардим. Лекин сиз билан танишганимга кўп вақт бўлмаса ҳам, бу борада адашганимга амин бўлдим.

Тайфур Мариянинг гапларига кулиб қўйди.

– Сиздаги бу нотўғри тасаввурни ўзгартира олганим учун жуда хурсандман.

– Мусулмон турклар ичимликдан ҳазар қилишларини айтишган эди. Аммо қадаҳни ушлашингизни кўрибоқ ичкиликка бегона эмаслигингизни тушуниб олиш мумкин.

– Албатта, мусулмонман. Аммо, ишонинг, бизда ичкилик ичилмаслиги ҳақидаги гапни биринчи марта эшитиб турибман. Билмадим, балки, бу ҳаддан зиёд ичишнинг олдини олиш учун тўқиб чиқарилган гапдир.

– Билмасам, – деди Мария. – Билишимча, динингизда маст қилувчи ичимликлар ҳаром ҳисобланади...

Тайфур бир қўлидаги қадаҳга, бир Марияга қаради. Бу қиз нима демоқчи? Унга бегона диннинг нима қизиғи бор?!

– Мен, – деди йигит қадаҳдаги ликёрдан бир хўплаб, – Аллоҳга ишониб-ишонмаслик борасида ҳеч нарса деёлмайман. Динга унчалик қизиқмаслигимни тан олиб қўяқолай.

Бизнинг мамлакатда бунақа ишлар билан кўпроқ қарилар шуғулланишади. Сиз-чи? Диндормисиз?

– Албатта, вой. Ҳар якшанбада дадам ва онам билан черковга борамиз.

Тайфур Марияга кулимсираб қаради. Англияда бир ёввойи насронийга дуч келиши хаёлига ҳам келмаган экан.

Қўлидаги қадаҳдан яна бир хўплам ютиб олгач, айёрликка ўтди:

– Биласизми, бугунгача дин билан эмас-у, кўпроқ қизлар билан орамиз яқинроқ бўлган. Эндиги ниятим... Англияда ҳам шуни давом эттириш.

Мария Тайфурнинг бу ноўрин гапидан ҳечам хурсанд бўлмади: “Сен бу ақлинг билан тез орада ўзингга керакли дарсни оласан”.

Бироздан кейин ёнларига мистер Жеймс келди. Меҳмонлар узоқ йўлдан келишгани, чарчашганини айтиб, қизига уларнинг ётоқ жойларини кўрсатишни тайинлади.

Мария бу кеча анчагача ухлаёлмай, бир отасининг вокзалдаги гапларини ўйлади, бир Тайфур билан суҳбатни. Нима бўлгандаям, меҳмон йигитнинг ўзини тутиши, Назифа хонимнинг очиқ-сочиқ кийиниши унинг саволларини кўпайтириб юборди. Тонгга яқин ухлаб қолганида тушига отаси ҳам орқаворотдан танийдиган ўша турк йигит кирди. Барваста йигит... Марияга: “Сени ҳеч кимга бермайман”, деётганмиш...

Қайтиб ухлай олмади. Меҳмонлар билан нонуштага ўтиришганида ҳам Мария тушининг таъсирида эди. Бу ҳолат отасининг эътиборидан четда қолмади:

– Тинчликми, қизим? Яхши ухладингми?

– Ҳаммаси жойида, дадажон. Ғалати туш кўрибман. Сиз билан кеча бир турк йигит ҳақида гаплашдик-ку, тушимда у билан анча баҳслашдик. Мариянинг қандайдир турк йигит ҳақида гапираётгани Атифбейнинг диққатини тортди. Мистер Жеймсга савол назари билан тикилди. Мезбон кулимсираб гап бошлади:

– Шу йигит ҳақида гап очилгани яхши бўлди. Сизга айт моқчи эдим. Бу талаба бугун факультетнинг конференц залида нутқ сўзлашини эшитиб қолдим. Университет ректори мистер Ҳенри яқин ошнам бўлади. Абдулкарим исмли ўша турк йигитнинг конференциясига, агар қатнашишни хоҳласам, таклифнома жўнатмоқчи. Бу йигитнинг таърифини эшитганимга анча бўлди, шунинг учун жуда қизиқяпман. Хоҳласаларинг, бирга борамиз.

Мистер Жеймснинг гапларидан ҳаммадан кўпроқ севинган, албатта, Мария бўлди. Бу йигит билан танишишни қанчадан бери орзу қиларди.

Шундай жойда ва, айниқса, ўғли билан бир даргоҳда турк йигитнинг бўлиши ва унинг яхши ном қозонгани Атифбейни севинтирди. Ўша йигит билан танишиб яқин муносабат ўрнатса, ҳарҳолда Тайфурга ҳам кўмаклашишини сўраши мумкин.

– Конференция тўқимачилик саноати мавзусида бўладими, – деб сўради Атифбей қизиқиб.

– Йўқ, – жавоб берди мистер Жеймс. – Ректордан эшитишимга қараганда, ислом дини мавзусида чиқиш қилар экан. Зотан, йигитнинг бу борада анча илмли эканини эшитгандим. Шундай конференция уюштиришини илтимос қилишибди. Очиқ мулоқот тарзида бўлиши ҳам мумкин экан.

Турк йигитнинг чиқишига барча қизиқмоқда эди. Аммо Мариянинг қизиқиши бошқа. Кеч киришини интизорлик билан кутди. Мистер Жеймс, оиласи, Атифбей, аёли ва Тайфур конференция бошланишига ярим соат қолганда факультетга етиб келишди, залнинг олдинги қаторига, ўзлари учун ажратилган жойга ўтиришди. Ниҳоят, конференция бошланди. Кўп ўтмай сариқдан келган, ўрта бўйли, келишган турк йигит Абдулкарим шахдам қадамлар билан минбарга чиқиб келди. У аввал ўтирганларга табассум билан бир назар солди:

– Ҳурматли меҳмонлар, азиз дўстларим!

Абдулкарим нутқини инглиз тилида шундай бошлаган заҳоти, залда бошқа овозлар кесилди. Давом этди:

– Ҳаммангизга Аллоҳнинг саломи бўлсин! Коинотни йўқдан бор қилган, тенги йўқ Яратувчининг раҳмати барчамизга насиб қилсин. Кечиримлилигини, раҳматини, бандаларини ҳидоятга бошловчи карамини бизлардан аямасин.

Аввало, ўзимни таништирай. Исми Абдулкарим. Туркман. Юртингизга тўқимачилик саноати соҳасида олий таълим олиш учун келганман ва мазкур факультетнинг иккинчи босқич талабасиман.

Аллоҳга имон келтириш одамларнинг фитратида мавжуд. Қанча инсонлар борки, дин билан ишлари йўқ. Балки, Аллоҳга ҳам ишонмасликларини айтишар ёки шундай деб ўйлашар. Аммо бошларига кутилмаган кулфат келиб қолганида, тилларидан, албатта: “Эй Худо, ўзинг асра!”, “Аллоҳим!”, “Аллоҳим, ёрдам бер!” каби нидолар чиқади.

Ҳақиқатан ҳам, буни динларни тадқиқ қилган кўплаб олимлар ўз асарларида айтиб ўтишган. Инсонга болалик пайтидан диний тарбия бериб борилса, йиллар ўтгани сайин бу эътиқодга айланади, камолга етади.

Болалигида бу тарбиядан маҳрум қилинганлар эса ёшлари ўтгани сайин ўз ихтиёри, интилиши билан бу борада бирор нима ўрганмайдиган бўлсалар, моддапараст бўлиб, қалбидаги Аллоҳга ишониш туйғуси кундан-кунга ўтмаслашади.

Статистик маълумотларга қарайдиган бўлсак, ўз жонига суиқасд, ўғрилиқ, анархия, фахш ва жинсий тажовуз каби оғир жиноятлар, асосан, аҳолиси диндан узоқ бўлган мамлакатларда, ҳудудларда бўлаётганини англаймиз.

Азиз меҳмонлар! Шу бинодан ташқарига чиққанингизда, осмонга қаранг. Кундузи Қуёш билан зийнатланган шу осмон кеч тушиши билан Ой ва саноксиз юздузларга тўлади. Булар ўзи нима? Улар қаердан келиб қолган, само деб аталадиган бўшлиққа? Миллион йиллардан бери қандай қилиб шу коинотда туришибди? Ҳеч бир воқелик, мавжудлик сабабсиз бўлмайди, бу дунёмизда уларнинг борлиги ҳикмати Аллоҳдан бўлмаса, уни яна қандай куч бошқара олиши мумкин?

Биз ўзимиз-чи... шу ерда ўтирган инсонлар... Ер куррасини тўлдириб юрган одамлар, барчамиз бир томчи сувдан пайдо бўлмаганмизми?! Бунинг ҳикматини ўйлаб кўрганмисиз?! Барча инсон мутаносиб тана аъзолари билан дунёга келади. Бу бир тасодифмикин?! Ақлли эканини даъво қилаётган инсон бу масалада тасодифга суяниши қанчалар тўғри бўларкин?!

Ҳайвонот ва наботот олами-чи?! Уларнинг ҳаёт тарзлари, униб-ўсиши, кўпайиши-чи?! Чумолидан тортиб филгача алоҳида бир дунё. Булар ўз-ўзидан пайдо бўлиб қолганми?

Бир уй, ҳатто бир қуш уяси ўзидан-ўзи қурилиб қолмаслигини биладиган одамзод, бу мукамал борлиқнинг, бу мукамал тизимнинг меъмори йўқ, деб даъво қилиши мумкинми?! Гулларга ифор берган, лолаларни анвойи ранглар билан безатган, тухумнинг ичидан жўжа чиқарган яратувчи, ижодкор зот Аллоҳдан бошқа ким бўлиши мумкин?!

Муҳтарам меҳмонлар! Бепоен уммонда кетаётган кема йўлини ўзи топиб бора оладими? Албатта, йўқ. Биламизки, бу кемани бошқарадиган капитани бор. Шунга ўхшаб, бу коинотнинг ижодкори, капитани бўлиши керак эмасми?!

Шу бошловчи, бошқарувчи Аллоҳдир. Қадрли меҳмонлар, боя айтганимдай, мен сизларнинг юртингизга тўқимачилик соҳасини ўрганиш учун келганман. Зеро, илм қаерда бўлса ҳам, бориб ўрганиш кераклигига имон келтирганман. Илм истаган одам олимларнинг бошқа мавзулардаги асарларини ҳам ўқиши керак. Баъзи асарлардан мавзуимизга тегишли жойларини ёзиб олгандим.

Дунёнинг машҳур физик олимларидан бири Лорд Кельвин айтади: Чуқурроқ тафаккур қилиб кўрсангиз, жамики илмлар сизни Аллоҳнинг мавжудлигига ишонтиради. Ақлу ҳуши жойида бўлган ҳар қандай инсон фикрлаш ва режа тузиш кучидан маҳрум бўлган модда тасодифан ўзини ўзи яратиши мумкинлигига ишониши, ҳаёлидан ўтказиши ёки ўйлаши мумкинми ҳеч! Ёки бу низомни, қонунларни, тартибни ўзи учун яратиб, кейин ўзини унга маҳкум қилиши қанчалик мантиққа тўғри келаркин! Илм бизга бир қанча моддаларнинг бир қисми тез, бир қисми секин-аста йўқолиб бораётганини айтмоқда. Яъни модда абадий эмас. Абадий бўлмаган нарса азалий ҳам бўлолмайди. Чунки қаердадир унинг ибтидоси бўлиши лозим. Кимё ва бошқа илм соҳалари ҳам моддаларнинг секин-аста, тадрижий йўл билан эмас, бирдан ва кутилмаганда пайдо бўлганини далилламоқда.

Ҳатто илм бизга моддалар пайдо бўлган тахминий вақтни ҳам айтмоқда. Демак, моддий олам қачонлардир яратилган ва шундан эътиборан коинотнинг маълум қонунларига тобе бўлган. Коинот низомида тасодифга асло ўрин йўқ. Моддий олам ўзини ва ўзи тобе бўлган қонунларни яратолмаслигига асосланиб фикрлайдиган бўлсак, демак, яратилиш жараёни моддий бўлмаган қандайдир бир куч томонидан амалга оширилиши керак бўлади. Шундай экан, тафаккуримиз таянаётган етарлича мантиқий асосларга кўра англаймизки, бу

жараёнда коинотнинг яратувчиси бўлиши шарт. Ўша Яратувчи илм, ҳикмат ва қудрат соҳибидир.

Профессор Жорж Хербертнинг фикрига диққат қилинг:

Худо мавжудлигини исботловчи далилларнинг чеки йўқ. Баъзилари коинотдан олинган далиллар бўлса, баъзилари одамлар томонидан кашф қилинган. Мен физик таҳлиллар соҳасида фаолият олиб борганим учун, махлуқотлардаги ҳикматлардан топган далилларим ҳақида гапираман. Физика қонунлари бизга коинотнинг асосида буюк бир интизом, тартиб борлигини кўрсатиб, буни тан олишга мажбур қилади. Ақл эгаси бўлган инсон тафаккурини ишга солиб, албатта, бу коинотни тартибга солган Аллоҳ мавжудлигини қабул қилиб, унга ишонишга мажбур.

Дўстлар, ғарб олимларининг Аллоҳ борасидаги фикрларини айтиб сизларни зериктириб қўйдимми, йўқми билмайман-у, аммо суҳбатнинг бу қисмини яқунлашдан аввал яна икки профессорнинг қарашларини айтмоқчиман.

Профессор Вайн Олд шундай дейди:

Худо тасаввур қилиниши мумкин бўлган мавжудот. Худонинг мавжудлигини эътироф этиш имонга таянади. Олимлар баъзи назарияларни борича қабул қилади. Ҳолбуки, буларнинг ҳеч бирини ҳис қилиш ёки идрок этиш мумкин эмас. Масалан, протонни кўрганини ёки электронга тегинганини ҳеч ким даъво қилолмайди. Лекин барча протон ва электрон билан боғлиқ ҳодисалар натижасини кўраверади. Шундай, одам умри давомида муҳтож бўлган маълумотларнинг кўпини унинг аслини, сабабини кўрмасдан қабул қилмоқда. Аллоҳнинг мавжудлигига имон келтиришни ҳам шу йўл билан тушуниб етиш мумкин.

Профессор биолог Жесил Ҳамарнинг фикрларига эътибор беринг.

Илм дунёсида кўзимни қаерга тикадиган бўлсам, буюклар буюги, бутун оламларни яратган Зотнинг борлигига ишора қилган мукамал қонун ва низомларни кўрдим.

Қуёш чарақлаб турган бир кунда дарахтзор остидан ўтган йўлдан юриб гулларнинг бежирим шакллари назар солдим. Қизиқ, ўша гуллардаги ёқимли ҳидлар ўзидан-ўзи пайдо бўлиб қолиши мумкинми?! Жуда майда чанглатувчи зарраларнинг шу гулнинг тухумдонини топиб тушиши ва натижада, мева тугиши, ҳеч тасодифан бўлиши мумкинми?!

Тун ортидан яна тонг отиши, мавсумлар кетидан мавсумлар келиши, йилларнинг бир-бирини қувалаб ўтиши... асрлар ва авлодлар алмашганига қарамасдан, қилт этмайдиган бу ўта дақиқ низомни кузатганлар ҳайрат ичида қолишади. Барча осмон жисмлари битта Орбитада ва битта низомга бўйсуниб ҳаракатланмоқда. Микроскоп ёрдамида кўриладиган бир томчи лойқа сувдан тортиб, улкан телескопларда томоша қилинадиган юлдузлар ва бошқа осмон жисмларигача бутун коинотга ҳоким бу – бемисл низом, энг мукаммал интизом ва қонунлардир, уни тўлалигича идрок қилиш инсонга хос эмас. Шак-шубҳасиз, Аллоҳнинг мавжудлиги мен учун ҳаётим мобайнида англаган ҳақиқатларнинг энг буюғидир.

Азиз меҳмонлар, мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин. Зеро, замонамизда илм Аллоҳни инкор қилиш орқали эмас, аксинча, Унга имон келтириб, бўйсуниб орқали янада ривожланаётгани ортиқ сир эмас.

Деярли кўзга кўринмайдиган даражада кичик бўлган протоплазманинг бир томчисини фикр қилиб кўринг. Шаффоф желега ўхшайди, ҳаракат қилиш қобилятига эга. Шу бир дона хужайра, шу шаффоф зарра ҳаётнинг асосини ташкил қилади. Шу заррачадаги куч-қудрат бутун ҳайвонот, наботот ва одамзоднинг биргаликда ҳосил қиладиган кучидан анча кўпроқ.

Бу ҳаётни яратган нарса табиат эмас. Табиат бундай борлиқни яратишга қодир эмас.

Ҳайвонлардаги ўзаро алоқа воситалари, улардаги ягона дастак, табиий инстинкт деган нарсанинг борлиги уларни ато қилган Яратувчи мавжудлигига ҳеч қандай шубҳа қолдирмайди:

Форель балиғининг боласи бир неча йил денгизда яшагач, яна ўз ватани ҳисобланган дарёга қайтади. Айнан ўзи дунёга келган ирмоқнинг дарёга қуйиладиган жойига...

Уни нуқтасидан нуқтасигача айнан аниқ бўлган аввалги жойигача олиб келган нарса нима? Агар бу балиқни олиб ўша дарёнинг бошқа бир ирмоғига ташласангиз, дарҳол нотўғри йўналишда эканини англайди, яна ортига қайтиб дарёга чиқади, сўнгра тўғри ўзининг ирмоғига қараб йўл олади.

Илонбалиқнинг сирини ечиш янада мушкул. Одамни ҳайратда қолдирадиган бу жонивор насл қолдириш пайти келганида дунёнинг турли томонларидаги кўл ва дарёлардан, Европадагилари ҳам минглаб километрга чўзилган

океанлар оша сузиб келиб, барчаси Бермуд яқинларидаги тубсиз чуқурликларга тухум қўяди ва ўша ерда ўлади. Яна ажабланарлиси, бу поёнсиз сув салтанати ичида ортга қараб йўлга чиққан шу митти балиқчалар ота-онаси яшаган дарёга, кўлга ёки сув ҳавзасига келиб жойлашади.

Аслида, сув бўлган ҳар ерда тўп-тўп илонбалиқ топилади. Ҳозиргача Европада Америка илонбалиғини, Америка сувларида эса Европа илонбалиғини кўрганлар йўқ.

Ҳатто Аллоҳ узоқ масофа босиб ўтганликлари учун Европа балиқларининг умрини бир йилга ёки ундан ҳам кўпроққа узайтириб қўйган. Бундай кучли йўл сезгисининг манбаси нима?

Қовоғари чигирткани мағлуб этади. Тупроқдан бир чуқурча очади, чигиртканинг шундай бир жойига нишини санчадики, ҳашарот ўлмайди. Фақат ҳушидан кетади. Сўнг ари шундай тухум қўядики, личинкалар чиққанидан кейин озуқалари ҳисобланган чигирткани ўлдирмасдан секин секин еб кун кўришади. Ўлимтик ейиш миттивойлар учун ўлим дегани. Кейин она ари узоқларга учиб кетади. Болаларини кўрмайди ҳам. Бундай аниқ ҳаракат ва техникага ҳаётий тажриба давомида эга бўлиш эволюция ёки мослашиш натижаси дейиш нодонликдан бошқа нарса эмас. Аллоҳ уларни шундай қилиб яратган. Одамда ҳайвонлардаги инстинктдан кўра мукамалроқ нарса – мулоҳаза қилиш қобилияти. Бирор бир ҳайвон йўқки, ўнгача санай олсин. Ёхуд ўн сонининг маъносини тушунсин. Табиий инстинкт найдан чиқаётган товушга ўхшайди; ёқимли, аммо чегараланган. Шукрлар бўлсинки, шу ерда эканлигимизнинг ўзи ва суҳбатимиз мавзуи оламшумул заковатдан бизга ҳам бир қатра берилганлигининг далили.

Аллоҳ тушунчаси одамда мавжуд ва ер юзида фақатгина инсонга хос бўлган тасаввурнинг маҳсулидир. Одамзод бу қобилияти натижасида кўзга кўринмайдиган нарсаларнинг мавжудлигига доир далиллар топади. Аллоҳ ҳамма ерда. Лекин бизга энг яқин бўлган жойи бу – қалбимиз.

Пайғамбар Довуд алайҳиссалом деганларидек, “Самолар Аллоҳнинг ҳашаматини кўз-кўз қилур; осмон (қубба) эса унинг яратишдаги қудратини исбот айлар”. Азиз меҳмонлар!

Кўп гапириб юбордим, сезиб турибман, бунинг учун узр сўрайман. Сизга айтмоқчи бўлганларимга хулоса қилмоқчиман. Аллоҳ – буюк Зот ва яратувчидир. Ундан кучлироқ зот йўқ. “Худо йўқ” дейдиганлар ҳеч қачон бўҳтонларини исботлай олишмаган ва олишмайди ҳам! Моддага мода кўзи билан эмас, қалб кўзи ва ақл-идрок билан қараладиган бўлса, атрофимиздаги

биз кўриб, ушлаб, ҳис қилиб турган ҳар бир нарса Аллоҳ барҳақлиги, ягоналиги, қудрати, бемисл ва бетимсоллиги ва жамийки мавжудот Унинг изми ихтиёрида эканлигини таъкидлаб, исботлаб туради. Ақл ва ҳақиқат бунга шоҳиддир. Бундай идрокдан маҳрумларга ачинишдан бошқа чорамиз йўқ. Ҳаммангизга буюк яратувчи Раббил оламиндан сиҳат-саломатлик, офият ва ишларингизда муваффақиятлар тилаб, мени сабр қилиб тинглаганингиз учун барчангизга миннатдорчилик билдираман.

Барча ташриф буюрганлар қатори Атифбей ва Назифа ҳам ҳайрон қолганди Абдулкаримнинг чиқишига. Улар маърузани бу даражада диққат билан тинглаб ўтиришига сабаб, Абдулкаримнинг нутқидан кўра, кўпроқ ўғиллари Каримга жуда ўхшашлиги эди. Шу даражада таъсирланишган эдики, конференция тугаганда ҳам, Абдулкарим минбарни тарк этган бўлса-да, Атифбей ҳам, Назифа ҳам ўйга толиб ўтиришарди. Меҳмонларидаги бу ҳолатни мистер Жеймс ҳам пайқади.

– Бу турк йигитнинг чиқиши барчанинг эътиборини тортишини кутгандим, аммо тўғриси, бунчалик билимдон, шижоатли деб ўйламагандим. Кўриниб турибди, юртдошингизнинг муваффақияти сизларга ҳам бошқача таъсир қилди.

Атифбей мистер Жеймснинг гапидан кейин хушёр тортди:

– Ростдан ҳам ажойиб бўлди, яхши тайёрлангани кўриниб турибди. Бу даражада таъсирланганимга сабаб, фақат унинг гаплари эмас. Анча йил бурун, бир базмда, ўша пайтда ҳали уч ёшга ҳам тўлмаган ўғлимни йўқотиб қўйганман. Ҳозир бу йигитни кўриб, негалигини билмайман, ичим ғалати бўлиб кетди. Худди ўғлимиз улғайиб қаршимизга чиқиб келгандай... Шунинг учун бироз ўзимни йўқотиб қўйдим. Исми ҳам ўғлимники билан бир хил, ўхшашликни қаранг, ажабланиб қолдим.

Атифбей аёлига қаради. Ғалати! Аёли ҳам худди шу аҳволда эрига тикилиб турарди. Кўзларига ёш тўлган.

Мистер Жеймс:

– Ажаб...

Ўйга келгандан кейин ҳам суҳбатларининг асосий мавзуси конференция ва албатта, Абдулкарим бўлди.

Тайфур қарийб ўзи тенгқур бир йигит ҳақида бунчалар ҳайрату ҳавас билан гапиришаётганини ҳечам ҳазм қилолмаётганди. Абдулкаримни умуман

танымаса ҳам, ичида унга нисбатан бир совуқлик ҳис қила бошлади. Бир пайт мистер Жеймсга қараб деди:

– Яна билмадим-у, менимча бу йигит ҳақида... Олий маълумотли бир йигит Англиядек бир давлатда турибди. Жисмоний камчилиги ҳам йўқ, назаримда. Шу йигит қанақадир роҳибона ҳаёт кечирса... Бу ҳолат сизларга бироз ғалати туюлмаётими? Бундай ҳаётни танлаши... руҳий соғломмикин ўзи?

Мистер Жеймс Тайфурга кулимсираб қаради:

– Масалан, мен Абдулкаримни руҳий жиҳатдан жуда соғлом ва қувватли эканини ҳис қилдим. Одам ичкилик ичмаса, ўйин-кулгили кўнгилочар кечаларда қатнашмаса, бунинг руҳий касаллик билан қандай алоқаси бўлиши мумкин? Зотан, ичкилик ичиш, бегона аёллар билан рақсни сизнинг динингиз ёқламайди?! Кейин... бу йигитнинг йиғинларга бормаслигининг сабабларидан бири – билмасдан чўчқа гўшти еб қўймаслик экан. Маълумки, бу ҳам динингизнинг кўрсатмаси. Ҳатто ислом динига кўра, Аллоҳнинг номи айтилмасдан сўйилган ҳайвоннинг гўшти ҳам ҳаром. Яна мусулмон одам қони оқизилмасдан, яъни бошига тўқмоқ билан уриб ўлдирилган ҳайвонларнинг гўштини ҳам емайди. Мен шуларни билганим учун турк йигитнинг хатти-ҳаракатларини ғоятда тўғри ва ўринли деб биламан.

Мистер Жеймснинг исломият ҳақида бунча нарса билиши ўтирганларни ҳайрон қолдирди. Қизи Марияни ҳам.

– Дадажон, тўғриси, ҳозир айтган гапларингиз билан мени ҳайрон қолдирдингиз.

Мистер Жеймс табассум қилди.

– Мен динлар тарихини анчадан бери ўрганаман. Исломдан ташқари буддизм, брахманлик, зардуштийлар эътиқоди, Тавротни ҳам ўқиб чиқдим, ўргандим. Буларнинг барчаси ҳақида ўқиб ўрганишни давом эттиряпман. Эътироф этаман, исломчалик мантиқ ўлчовларига мос келадиган бош қа бир эътиқодга дуч келмадим.

Мавзу Марияни жуда қизиқтириб қўйганди.

– Дадажон, насронийлик ҳақида ҳеч нарса демадингиз. Ислом билан бизнинг динимизни ёнма-ён қўйса, қайси бирига эътиқод қилиш мантиқан тўғри бўлади?

Бу савол жавоби мистер Жеймс учун осонмасди. Аслида, у айни мавзуда кўп гапиришни хоҳларди, лекин ҳозир бу ҳақида гаплашишнинг на вақти, на ўрни. Шундоқ бўлса-да, қизининг саволини жавобсиз қолдирмади.

– Ислом дини бизнинг китобимиз Инжилни тасдиқлайди ва насронийликни ҳақ динлардан эканлигини таъкидлайди. Мусулмонлар пайғамбаримиз Исони биздан ҳам кўпроқ яхши кўришади. Ҳатто бирор мусулмон ҳазрати Исо пайғамбар эканлигини рад қилса, диндан чиққан ҳисобланади. Эътиқодий жиҳатдан бу икки дин орасида фарқлар бор.

Насронийлик кўпроқ ахлоққа аҳамият берса, ислом шариатга таянади. Насронийлик дунё ҳаётини четга суриб, охираатга кўпроқ аҳамият берса, ислом дини ҳам дунё, ҳам охираат ҳаётига бирдек эътибор қаратади.

Шунча пайт жим ўтирган Назифа ҳам суҳбатга аралашди. Мистер Жеймсдан сўради:

– Инжилни ўқиганингиздек, Қуръон ва Тавротни ҳам ўқиб кўрдингизми?

– Албатта. Барча муқаддас китобларни ўқиб чиқдим.

Тўғри, ўқиганларим фақат таржималари. Аммо арабчани ўрганиб, Қуръонни ўз лисонида ўқишни жуда қаттиқ орзу қиламан. Тавротда бир қанча илоҳий қонунлар борки, уларни

Қуръонда ҳам учратиш мумкин.

– Шунча нарсани ўқиб чиққанингиздан кейин исломни қабул қилиш фикри келдими ҳеч?

Бу саволни Тайфур берганди. Ўзича мистер Жеймсни қийин вазиятга солиб қўймоқчи бўлди. Бироқ мезбон ҳолатида деярли ўзгариш бўлмади. Бояги табассуми билан давом этди:

– Йўқ, шунча нарса ўқиган бўлсам ҳам, исломни қабул қилиш ҳақида ўйлаб кўрмаганман. Мен илоҳий динга сиғинаман. Чунки насронийман. Оиламдан, мен яшаётган жамиятдан шуларни ўрганиб ўсганман. Туғилганимда чўқинтирилганман. Шундай экан, мусулмон бўлишни ўйлашим ҳам мумкин эмас. Аммо мусулмон эмасман, деб ислом динини паст санамайман ҳам. Одам хоҳласа мусулмон бўлсин, хоҳласа насроний. Якка Қодир Зотга имон келтиряптими, демак, ўша инсон саодат йўлини топган ҳисобланади, менимча. Боя турк йигит Аллоҳ мавжудлиги ҳақида қандай чиройли мисоллар келтирди.

Мен Аллоҳга ишонаман. Сен Худони бил, Унга имон келтир. Қайси динда бўлсанг ҳам бахтга эришасан. Менинг ҳаёт фалсафам шу.

Мистер Жеймснинг бу гапидан сўнг орага жимлик чўқди. Кейин Мария сукунатни бузди:

– Дадажон, гап очилган экан, мени қийнайдиган саволлар бор, шуларга жавоб топишни хоҳлардим. Гапларим, балки, меҳмонларимизни бироз ранжитиб қўяр, аммо мақсадим ҳеч кимни танқид қилиш ёки озор бериш эмас. Олдиндан фақат ҳақиқатни билмоқчилигимни айтиб қўймоқчиман.

– Сўрайвер, қизим.

– Ҳали мусулмонлар чўққа гўшtidан ташқари яна динлари кўрсатмаларига мувофиқ сўйилмаган ҳайвон гўштини ҳам истеъмол қилишмаслигини, маст қилувчи ичкилик ичмасликларини айтдингиз. Аммо бизнинг мактабимизда кўплаб мусулмон талабалар ичкилик ҳам ичишади, қимор ҳам ўйнашади, бизга қўшилиб вақтичоғлик ҳам қилишади. Қизиқ, улар бу ишлари учун айбдор бўладиларми ёки динларида баъзи шахсларга қандайдир енгилликлар борми?

Мария берган саволлардан Атифбей юзи қизариб кетганини ҳис қилди. Гарчи Мария аниқ бир кишини қасд қилмаётганини билса ҳам, барибир бу савол унга тегиб кетган эди. Аёлига назар ташлади. Назифанинг парвойи фалак.

Мистер Жеймс қизига маъноли қараб қўйди. Саволи ўринсиз ва ноқулай вақтда берилганини тушунтирмоқчи эди-ю, аммо ғишт қолипдан кўчиб бўлганди. Энди ҳамма унинг оғзига тикилиб ўтирганди.

– Билишимча, исломда алоҳида шахсга алоҳида имкониятлар берилмайди. Балки диннинг рукнларини бажаришда баъзи бир енгилликлар берилар, аммо одамлар орасида айирмачилик бўлмайди. Худонинг амрларини қабул қилган киши уларни инкор қилмагунича диндан чиқмайди. Лекин буйруқларни бажармагани учун гуноҳкор бўлаверади. Худо хоҳласа унга жазо беради, хоҳласа афв қилади.

– Хўш, бу афв учун ким воситачилик қилади? Исломда биздагига ўхшаган роҳиблар борми?

– Йўқ, азизам, исломда бизнинг диндаги каби роҳиблар йўқ. Аллоҳ ва банда ўртасида ҳеч қандай шахс, ҳеч қандай қувват воситачи бўлолмайди. Банда афв тилайди, кечирим сўраб Унга ёлворади; Аллоҳ истаса кечиради, истаса жазолайди.

Отасининг гаплари Марияни ҳайрон қолдирди. Тўғрироғи, отасининг гаплари Марияга жуда ёққанди, аммо Тайфурга эмас. Бир насроний ислом дини ҳақида эшитганларидан мамнун бўлар, мусулмон бир йигит бунга қарши исён қилгиси келарди. Тайфур мистер Жеймсга тик қаради:

– Айтганларингизнинг тўғри ё нотўғрилиги ҳақида бир нарса деёлмайман-у, аммо гапларингиздан Туркияни яхши билмаслигингиз, охириги пайтларда мамлакатимизда бўлаётган ўзгаришлардан хабарингиз йўқлиги кўриниб турибди.

Мистер Жеймс ҳайрон бўлиб сўради.

– Яъни!

– Туркияда катта ўзгаришлар бўлди. Энди биз диний эмас, дунёвий давлатмиз. Мамлакатимиз шариат қонунлари билан эмас, мажлисимиз чиқарган қонунлар орқали бошқарилмоқда. Шунинг учун Туркия ҳақида гапирётганда динга ёпишиб олиш унча тўғри бўлмайди, деб ўйлайман.

Мистер Жеймснинг юзидаги табассум ўзгармади. Қисқагина суҳбат давомида Тайфур дин борасида қанчалар жоҳил эканлигини ошкор қилиб улгурган эди.

– Менинг гапларимни нотўғри тушунибсиз, ўғлим. Мен дин ҳақида гапирганимда, юртингизнинг диний тамойиллар асосида идора қилиниши ҳақида умуман гапирмадим.

Аммо шуни яхшилаб билиб олишингизни истардим: бир давлат дунёвий тамойиллар орқали бошқарилиши ўша мамлакат халқини динидан узоқлаштирмайди. Масалан, Англия ҳам дунёвий давлат. Лекин барча ўз динига эътиқод қилиш борасида эркин. Ҳар якшанба черковга бориб ибодатларимизни бамайлихотир бажарамиз, туғилган ҳар бир чақалоқни чўқинтирамиз ва бунга ҳеч ким монелик қилмайди...

Тайфур мистер Жеймснинг гапини шарт бўлди:

– Мен Туркия ҳақида гапирдим. Англия ёки бошқа

Европа мамлакатларидаги ҳолат мени қизиқтирмайди. Шариат қонун-қоидалари ҳаётимизга қайтиб келишига ишонмайман.

Мистер Жеймс Тайфурдан ғазабланиш ўрнига, энди унга ачина бошлаган эди. Бу янги меҳмон билан ҳали кўп нарсалар ҳақида гаплашишни умид қилганди.

– Тушунишимча, шариат сўзининг маъноси ҳақида сиз билан келишолмаяпмиз шекилли, ўғлим. Шариат – қонун дегани. Биз насроний сифатида Инжилга қандай ишона диган бўлсак, мусулмонлар ҳам Қуръонга ишонишади ва унда белгилаб қўйилган тамойиллар асосида яшашга ҳаракат қилишади. Шариат Қуръонда келган кўрсатмаларга берилган умумий номдир. Мусулмонман, деган кишининг шариатни инкор қилиши ақлга тўғри келмайди, ахир. Сиз яхшироқ биласиз, юртингизда масжидлар бор. Намоз вақти кириши билан азон айтилади ва мусулмонлар намоз ўқийди. Агар бирор мусулмон вафот этса, жанозаси ўқилади. Рамазон ойида рўза тутасизлар, икки ҳайитни байрам қиласизлар. Юртингиз дунёвий бўлатуриб, халқ буларни қиляпти-ку. Мана шулар шариатнинг кўрсатмалари, мажлис чиқарган қонунлар ижроси эмас.

Тайфур ўзи билмайдиган мавзуда гап очганига минг карра пушаймон бўлиб, уятдан қизариб кетди.

– Ўғлининг қийин аҳволда қолгани Атифбейни ҳам ўнғайсизлантирди:

– Мистер Жеймснинг гаплари тўғри, ўғлим, – дея гап бош лади ота. – Юртимиз дунёвий қонунлар орқали бошқарилади, албатта. Давлат дунёвий, аммо шу билан бирга, одамларнинг дин ва виждон эркинлиги ҳам бор. Зотан, дин ва виждон эркинлигига риоя қилинмаган тақдирда дунёвий демократия ҳақида гапиришнинг ҳам ҳожати қолмайди.

Ҳукумат фуқароларнинг дин эркинлигини чеклаб қўядиган бўлса, анархия вужудга келади. Биласан, юртимизда мусулмонлар билан бирга насронийлар, яҳудийлар ва бошқа дин вакиллари ҳам яшайди. Улар ўз динларига эътиқод қилишларига йўл қўйиб берилган. Мусулмонлар масжидга боришса, насронийлар черковга, яҳудийлар эса синагогаларига боришади.

Тайфур отаси ҳам ўзига қарши чиққанидан кейин чекинишга мажбур бўлди. Зеро, диний мавзуларда бошланғич билимга ҳам эга эмасди. Яна бироз тортишадиган бўлса, анча ноқулай аҳволга тушиб қолишини тушуниб етганди.

Мария эса... ўйга чўмган. Бугун эшитганлари сабабли исломнинг асоси бўлган Қуръонга нисбатан дилида кучли қизиқиш уйғонди. Бояги келишган ва обрўли турк йигит Абдулкаримнинг ҳаёт йўлини ёритиб турган исломга нисбатан қалбида илиқ ҳислар уйғона бошлади.

Уйдаги суҳбат ҳам анча чўзилди. Мистер Жеймс:

– Бунча гап-сўзлардан кейин қоринлар ҳам таталаб кетгандир, қани, марҳамат, энди овқатланамиз. Вақт ҳам алламаҳал бўлиб қолди. Сухбатни қолган еридан кейинроқ ҳам давом эттираверамиз, – деб ҳаммани дастурхонга таклиф қилди.

ҚИЗИҚИШ

Атифбей Англиядан кетар чоғи ўғли билан узоқ гаплашди, Тайфур дарсларга мунтазам қатнаш ва яхши ўқишга, мистер Жеймснинг ёнида уни уялтириб қўймасликка ваъда берди. Унга дарслар ва ўқиш борасида Абдулкаримни ўрнак қилиб кўрсатишди. Энди Тайфур ота-онаси фахрланса арзийдиган йигит бўлиш учун қўлидан келган ғайратни кўрсатиши керак эди.

Атифбей бу орзунинг рўёбга чиқишига унчалик ишонмасди. Аммо на чора, қўлидан нима ҳам келарди. Аслида, Тайфурнинг ҳеч қачон Абдулкаримдек бўлолмаслигини яхши билади. Абдулкаримдек эмас, унинг ўндан бирича бўлолса ҳам, дўпписини осмонга отишга рози эди. Тайфур ваъдасини бажаришга анчагача ғайрат қилди. Дарсларини канда қилмай қатнади. Ичкиликни озайтиришга уринди. Турли кечаларга, йиғинларга бормаслик учун ўзини тийди. Аммо... дунёдан енгини шимарган кишига ўхшаб ҳаёт кечириш, тоат-ибодат, бўш вақтларида турли миллат, турли ирқ вакилларидан бўлган мусулмонлар билан мулоқот, улардан ўрганиш... Йўқ, буларга Тайфурнинг эътиқоди, сабр-тоқати ҳам йўқ эди. Аслида, у бу ерга университетни тугатиш, ёшликнинг гаштини суриб қолиш ва бутунлай ғарблик бир йигит бўлиш учун келганди.

Бир ҳафта, икки ҳафта... Бир ой... Кейин яна бир ой...

Бўлди, иродаси етмади, бундан ортиғига чидай олмади. Ўзини ёшлиқдан ўрганган муҳити оқимига ташлаб юборди. Мистер Жеймснинг қизи Марияда кўнгли бор эди. Мария ҳақиқатан ҳам чиройли, жозибали қиз эди. Тайфурга унча эътибор бермасди. Баъзи-баъзида уйда гаплашиб ўтиришарди, бор-йўғи шу. Аммо сухбат асносида Абдулкаримдан гап очилиб қолса борми, Мария бирдан ўзгариб, у ҳақида нимадир билиб олишга уринарди, назарида.

Тайфур эса Мариянинг оғзидан Абдулкарим деган сўзнинг чиқишини ҳам ҳазм қилолмасди. Мабодо шундай бўлиб қолса борми, рашк ўтида ёниб, бутун вужуди титрай бош ларди. Ҳатто баъзан: “Мен Марияга ошиқ бўлиб қолдиммикан?” – деб ўйланган пайтлари ҳам бўларди. Аммо ўзига рўйихушлик бермаётган қизга ошиқ бўлишни йигитлик шаънига эп кўролмасди.

Мариянинг унга эътиборсизлиги, қизнинг йигит ўртоқлари билан юришидан жини қўзийдиган бўлиб қолган Тайфур бора-бора ичкиликка енгилди. У ҳам энди Марияни ўйламасликка, ўз даврасидаги улфатлари билан Англиядаги кунларининг гаштини суриб қолишга уринарди.

Тайфурдаги ўзгаришлар мистер Жеймснинг эътиборини тортмай қолмади. Лекин барча куйинишлари, уринишлари, огоҳлантиришлари, насихатлари зое кетди.

Тайфурнинг бу аҳволга тушишига асл сабабчи ўз қизи эканлиги Мистер Жеймснинг етти ухлаб тушига ҳам кирмаганди. У қизининг шаддодлигига болалигидан гувоҳ бўлгани учун унча эътибор бермасди. Шахсан бу ҳолатни ёқламаса ҳам, қизининг ҳаётига ортиқча аралашишни истамас, вақти келиб Мария ҳам бу вақтичоғликларни ташлаб, дунёга келишининг асл моҳиятини билиш учун ҳаракат қилишидан умидвор ва сабр билан шу куннинг келишини кутмоқда эди.

Тайфур ва Абдулкарим битта ўқишда ўқишади. Тайфур Абдулкаримни танийди, аммо танишишни хоҳламасди.

Абдулкарим эса Тайфурни танимасди. Анча вақт ўтгандан кейин ўқишда яна бир турк талабаси борлигидан хабар топган ва эшитиши биланоқ қизиқиб, у билан танишмоқчи бўлганди. Кейин бу ишидан бироз пушаймон ҳам бўлди.

Абдулкаримнинг ўртоқлари бир куни Тайфурни кўрсатишди:

– Ана, сен сўраган турк йигит.

Абдулкарим қувониб унинг ёнига келди:

– Ассалому алайкум.

Хаёлида ҳозир бу йигит саломимни эшитиб, севинч билан ортга ўгирилади, алик олиб қучоқ очиб кўришади, деб ўйлади...

Тайфур унга ўқрайиб қаради ва яқин келди:

– Тинчликми? Мен сени танитайман? – деди кўрслик билан.

Абдулкарим бу кутилмаган совуқ жавобдан ҳайрон бўлди:

– Мен сизнинг ҳам турк эканлигингизни эшитиб танишмоқчи бўлгандим...

Тайфур бунақа бир дўстликнинг бошланишига қарши эканлиги очиқ-ойдин кўриниб турганди. Яна совуқ қилиб:

– Ҳа, туркман, – деди. – Сен ҳақингда эшитганман. Ростини айтсам, сен билан танишишни ҳечам ўзимга эп кўрмадим. Зеро, дунёқарашимиз бутунлай бошқа-бошқа. Бир-биримизнинг ҳаёт тарзимизга мослашолмаслигимиз аниқ.

Абдулкарим қотиб қолди. Тили айланмасди. Шунда ҳам бир амаллаб гапирди.

– Афсус, мен сизни танимасам ҳам, яқинимда юртдошим борлигидан жуда қувонган эдим, – Абдулкарим шуни айтгач Тайфурнинг ёнидан узоқлашди.

Мариянинг Абдулкарим ҳақидаги ўйлари кундан-кунга бутун хаёлини қамраб бормоқда эди. У билан танишишни, юзма-юз ўтириб гаплашишни орзу қиларди.

Тайфурнинг Абдулкарим билан бир жойда ўқишини биларди. Шунинг учун бир сафар Тайфурдан Абдулкаримни уйга таклиф қилишни сўради.

Лекин Тайфур бу таклифни қатъиян рад қилди, сабабини айтиб ўтирмади. Абдулкарим билан галашиш у ёқда турсин, унинг исмини ҳам эшитишни хоҳламаслигини очиқчасига айтди.

Тайфурнинг бу муомаласидан кейин Мария у юртдошига ҳасад қилишини англади. Фақат бунинг сабабини билолмади.

Туғилган кунига бир кун қолганида Мариянинг хаёлига ажойиб фикр келди. Ўша кун эрталаб отасига сўз очди:

– Дадажон, эртага туғилган куним, биласиз-а?! Мени хурсанд қилишни хоҳлайсизми?

Мистер Жеймс қизига жилмайиб жавоб берди:

– Албатта, менинг яғонам! Туғилган кунингга нима совға қилай?

– Пулга сотиб олинмайдиган нарса, дадажон!

– Энди буниси қизиқ, нима экан?

– Лекин мен учун жуда қимматбаҳо совға бўлади. Албатта, амалга ошса...

– Сен учун бунчалар бебаҳо нарса нима экан, аввал айтиб кўр-чи, кейин бажара олиш-олмаслигимни ўйлаб кўраман.

– Эртанги меҳмонлар орасида турк йигит Абдулкаримни кўришни истайман, дадажон...

Мистер Жеймс қотиб қолди. Қизининг бундай илтимос қилиши етти ухлаб тушига кирмаган бўларди.

– Аммо, қизим, нотаниш одамни мен қандай қилиб уйимизга таклиф қилишим мумкин?

– Университет ректори мистер Ҳенри жуда яқин дўстингиз-ку? Эртага, билишимча, у ҳам келади. Агар мистер Ҳенрига илтимос қилсангиз, у йўқ демас?

Мистер Жеймс маъноли жилмайиб, қизининг бошини силади:

– Ў-ў, мана бу ёмон фикр эмас. Аслида, у йигитни уйимизда кўришдан, у билан суҳбатлашишдан ўзим ҳам хурсанд бўламан. Дўстим Ҳенридан илтимос қилиб кўраман. Менимча, рад қилмаса керак.

...Абдулкарим ўқишдан чиқиб ётоқхонага қараб юра бошлаганди ҳамки, кимдир унинг исмини айтиб чақирди.

Қараса, ректор мистер Ҳенри.

– Ҳа, салом, жаноб! Эшитаман!

– Сенга бир гап айтмоқчиман, Абдулкарим. Тўғрироғи, бир илтимос қиламан. Билмасам, буни бажаришга рози бўлармикинсан? – Абдулкарим одоб билан унинг гапини кутиб турарди. – Бир дўстим бор – мистер Жеймс. Яқинда ўтказган конференциянда у ҳам қатнашганди. Бизнинг талабамиз – Тайфур деган турк бола ҳам унинг уйида туради. Туркларга нисбатан яқинлиги бор. Диний мавзуларга жуда қизиқадиган одам. Хуллас, боя айтганимдек, қизи билан бирга конференцияга келиб, сени эшитишган эди. Эртага мистер Жеймс қизининг туғилган куни муносабати билан меҳмонлар чақирган, шу кечага сен ҳам боришингни истаяпти. Мендан илтимос қилди. Илтимосимни рад қилмаслигингни тахмин қилиб жавоб айтдим. Билмадим, нотўғри иш қилиб қўйдиммикин?

Абдулкарим кутилмаган бу таклифга қандай жавоб беришни билмай қолди. Демак, Тайфур турган уйга таклиф қилинмоқда. Қизиқ, Тайфурнинг бундан хабари бормикан? Йўқ, ундай бўлмаса керак. Агар шундай бўлганида, бу таклифга шу заҳоти рад жавобини бериши аниқ эди.

– Қандай жавоб беришга ҳам ҳайронман. Эртага “Гемель”да амалиётим бор эди, ундан кейин мусулмон қадрдонлар билан йиғилишимиз керак.

Аммо ректор Ҳенри ҳам дўстини хурсанд қилишни истарди:

– Қаттиқ илтимос қилсам-чи? – деб такрорлади. – Дўстларинг билан йиғилишни бир кунга сурсанг, мен ва дўстимни жуда мамнун қилган бўлардинг.

Абдулкарим унақа йиғинларга ҳеч қатнашмасликка аҳд қилган бўлса ҳам, қаршисида турган ректорга рад жавобини беришни эп кўрмади:

– Хўп, майли. Сиз ва дўстингизга йўқ дея олмайман.

Эртага, насиб қилса, сиз билан бирга бораман. Абдулкарим эртаси куни мистер Ҳенри билан бирга мистер Жеймсларникига кетаркан, Қуръоннинг инглизча маънолар таржимасини кўтариб олганди.

Мистер Жеймс ва аёли Ҳелен уларни хурсандчилик билан кутиб олишди. Айниқса, Мария Абдулкаримни кўриши билан кўзлари чақнаб кетди ва кўлини Абдулкаримга узатди. Инглизларда одат шунақа. Эркаклар аёлларнинг узатилган кўлларини оҳиста ўпиб қўйишади. Буни Абдулкарим ҳам билади. Фақат, ҳозиргача онасидан бошқасининг кўлини ўпмаган, бундан кейин ҳам ўзига номаҳрам бўлган кўлга дудоқларини теккизиш нияти йўқ. Мариянинг кўлини енгилгина дўстона сиқиб қўйди.

Мария Абдулкарим билан саломлашаркан, енгил таъзим қилиб қўйишдан ўзини тиёлмади. Балки, тиззаларининг қаттиқ титраётгани бунга сабаб бўлгандир. Абдулкаримнинг салобати, жиддий ва виқорли туриши барча меҳмонларнинг эътиборини тортди. Меҳмонлар кўлида қадаҳлар билан хурсандчилик қилишарди ёки рақс тушишарди. Абдулкарим уларни томоша қила бошлади.

Мария Абдулкарим олиб келган Қуръоннинг инглизча маънолар таржимаси учун бениҳоя хурсанд бўлди. У, нима қилиб бўлса ҳам, бу йигитнинг эътиборини қозонишни истарди. Йигитнинг ёлғиз ўтиргани унга кўл келди. Кўлида бир стакан тутганича Абдулкаримнинг ёнига келди. Стаканни назокат билан узатди.

– Марҳамат. Сиз зерикиб қолмадингизми?

Абдулкарим Мариянинг кўлидаги қадаҳга шубҳа билан қаради. Бу гўзал қиз мусулмонлар ичкилик ичмаслигини билмаса керак, чамаси.

– Узр, мен ичмайман.

Мариянинг юзида ёқимли табассум пайдо бўлди:

– Биладан. Бу ҳам олча шарбати, ўзим тайёрлаган эдим. Келишингизга ишонган эдим. Марҳамат...

Мариянинг жавобига Абдулкарим ҳам кулиб юборди. Стаканни олди, бир култум хўплади. Ҳақиқатан ҳам, ажойиб олча шарбати экан.

– Миннатдорман. Ростдан ҳам роса чанқаган эдим. Демак, келишимни билардингиз?

– Ҳа. Жаноб Ҳенри айтдим, йўқми? Сизни илк бора конференцияда кўрганамда фикрларингиз мени қизиқти-риб қўйган эди. Шундан бери сиз билан танишишни кутиб

юргандим. Ҳатто буни дадам ҳам кутиб юрганди. Чунки у ҳам динлар тарихига жуда қизиқади. Уйимизда бир турк йигит – дадамнинг хизмат юзасидан ҳамкорининг ўғли ҳам туради. Ундан ҳам илтимос қилгандим, аммо...

Абдулкарим Мариянинг гапини бўлди:

– Лекин у буни хоҳламади, шундайми? Майли, аҳамияти йўқ. Баъзи мавзуларда чиқишолмаймиз. Умид қиламанки, вақти келиб бу тугун ҳам ечилади.

Абдулкарим чиндан ҳам жуда хушмуомала, одобли ва Мария билган бошқа йигитларга ҳечам ўхшамайдиган инсон экан. Қизнинг фурсат бўлиши биланоқ унинг ёнига чопиши, ёлғиз қолдирмасликка уринишини Тайфур ҳам кўриб турар, бу ҳолат унинг ғазабини кўзгаётганди. Ҳа, у Абдулкаримни кўрди, аммо ҳол-аҳвол сўраш учун ёнига яқинлашмади ҳам. Келганларнинг кўпчилиги уларнинг иккисини ҳам танир ва иккиси ҳам турк эканлигини биларди. Айримлар хулоса чиқара бошладилар:

– Иккови ҳам турк, аммо бир-биридан бутунлай фарқ қилишади!

– Қара, биттаси тинмай рақс тушса, бошқаси иложи борича одамлардан қочяпти.

– Азизам, уларнинг биттаси ўзимизнинг замонавий ёшлардан, наригиси ўта тақводор экан...

Мариядан бошқа бир неча қизлар ҳам кўркам ва салобатли Абдулкарим билан яқиндан танишишга ҳаракат қилишарди, ҳатто баъзилари уни рақсга таклиф қилишдан ҳам тортинишмади. Аммо Абдулкарим уларнинг таклифларини ғоятда юмшоқлик билан рад қилди.

Соат миллари тунги ўн иккени савалашига оз қолганда зал ўртасидаги столга улкан торт келтирилди. Сўнгра Мария олқишлар остида тортга яқинлашди. Бирдан чироқлар ўчди.

Мария тортга ўрнатилган шамларни пуфлади. Барча шамлар ўчирилгач, зални яна қийқириқ тутиб кетди. Аввал ота-онаси, сўнгра барча меҳмонлар Мариyani ўпиб табриклашди.

Қиз барчанинг табригини қабул қилиб бўлгач, Абдулкаримнинг ёнига келди. Бу сафар қўлини узатмади. Абдулкарим:

– Бахт тилайман, – дегач, жилмайди.

Меҳмонларнинг ўйин-кулгилари борган сари авжига чиқиб борарди, лекин ҳеч ким кетиш ҳақида ўйламасди. Вақт ярим тундан ўтган. Бир маҳал чироқларнинг кўпи ўчирилди. Хира ёруғлик остида ёш қиз деярли яланғоч ўртага чиқиб кела бошлади. Унга кўзи тушар-тушмас Абдулкарим шарт ўрнидан туриб, ташқарига очилган эшикка қараб юрди. Ундан кўзини узмай турган Мария ёнига етиб келди.

– Кетяпсизми?

Абдулкарим бошини кўтармай жавоб берди:

– Ҳа!

– Келганингиздан бошим осмонга етди. Катта раҳмат!..

Абдулкарим “Арзимаиди”, – деди ва шахдам қадамлаб ташқарига чиқиб кетди. Мария уни катта дарвозагача кузатиб қўйди ва йигит нариги кўчага бурилиб кўринмай қолгунича остонада турди. Энди ичкарига кириш ҳам, ўйин-кулгиларга аралашиниш ҳам кўнглига сиғмай қолганди...

ЁРУҒЛИК

Мария уйғонганида, қуёш кўкда чарақлаб турарди. Ўтган тунги базмнинг асорати вужудидан тарқамаганди. Боши ғувулламоқда. Оғзида бемаза таъм. Кўзларини уқалади. Яхшилаб керишди... Залдаги улкан девор соати бонг ургани эшитилди. Диққат билан қулоқ солди:

мусулмонларнинг пайғамбари Муҳаммад саллоллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳаётига бағишланган бир китоб деб ўйлаб юрарди. Ваҳоланки, Қуръон тафаккур қилишга чақирувчи амрлар, тавсиялар, насиҳат ва қайтариқлар билан тўла экан. Одамга ҳаловат ичра яшаш йўлларини ўргатар экан. Ифодалари ҳам ғоятда очиқ ва тушунарли.

Ўқиган сари англаб етдики, Аллоҳ– тенги йўқ зот, унга ўхшаши йўқ. Туғмаган ва туғилмаган. Ўғирлик, қимор, одам ўлдириш, ичкилик, зино, ота-онага осийлик қилиш, ёлғон гапириш Аллоҳ томонидан тақиқланган. Одамларга бир-бирларини қўллаб-қувватлаб, ҳамжиҳат ва тинч-тотув яшашни буюради. “Демак, Абдулкаримни одамлар орасида ҳурмат-эътиборли қилган шу китоб бўлади”, – деб ўйлади Мария.

Қизнинг бутун борлигини баҳор ҳавоси ўраб олгандек эди гўё. Қўлидаги шарҳни ўқиб тўймас, ўқигани сари хаёлига фақат Абдулкарим келмоқда эди. Энди унинг ёнида бўлишни орзу қилар ва билмаган, тушунмаган нарсаларини ундан сўрагиси келарди.

Кейин бирдан, унда кўнгли бор-йўқлиги ҳақида ўйлаб қолди. Қатъий жавоб беролмади. Ўзининг ҳаёт тарзи... кейин Абдулкаримникини... Ораларида шунчалар катта фарқ борки, бу йигит билан қалбан яқинлашиш Мария учун сароб каби эди.

Ўрнидан турди. Қуръонни ихлос билан китобларнинг энг устига қўйди.

...“Гемель” текстиль фабрикасининг раҳбари мистер Смит ёнидаги уч киши: мистер Ҳенри, мистер Жеймс ва қизи Мария билан бирга Абдулкаримни қидирмоқда. Дуч келган ишчидан уни кўрган-кўрмаганликларини сўраб бормоқда.

Ҳеч ким аниқ жавоб беролмасди... Мистер Жеймс:

– Мусулмон ишчи ва талабалар бирга турадиган бирор жой борми шу яқин атрофда? Агар шундай жой бўлса, аниқ ўша ердан топамиз.

Ёнларидан бир қора танли ишчи ўтиб қолди. Мистер Смит уни тўхтатиб сўради:

– Абдулкаримни излаб юрибмиз. Туркиялик талаба, амалиёт ўтаётганди фабрикамизда. Балки, танирсиз?

Ишчи кулимсиради:

– Албатта, танитай бўладими! Мен ҳам унинг ёнига кетаётгандим, хоҳласангиз, бирга юринг.

Боғнинг бурчагида бир бино кўринди. Қора танли ишчи Абдулкарим шу ерда эканини айтди. Бино ичига киришди. Даҳлизда ечиб қўйилган сон-саноксиз пойабзалларни кўриб, ҳайрон қолишди. Бир-бирларига қарашди. Қора танли ишчи уларга тушунтирди:

– Бу ер – бизнинг масжидимиз. Бу ерда намозларимизни жамоат бўлиб ўқиймиз. Бизда масжидга кираётганда пойабзаллар ечиб қўйилади. Ҳозир ичкарида бир биродаримиз Қуръон ўқимоқда. Кейин намоз адо этилади. Намоздан кейин Абдулкарим билан бемалол гаплашишингиз мумкин.

Агар муҳим иш билан келган бўлсангиз, ҳозир бу ҳақда унга айтаман.

Мистер Ҳенри:

– Йўқ, безовта қилма. Намозини ўқиб олсин, ундан кейин гаплашаверамиз.

Мариянинг ичи қизимоқда. Қизиқиш билан ичкарида йиғилган одамларни кузатди. Кимдир чордана қурган, кимдир тиз чўкиб ўтирибди. Лекин барчалари диққат-эътибор билан тинглашмоқда.

Кейин Қуръон овози тингандай бўлди, қисқа жимликдан кейин яна Қуръон калималарига ўхшаган сўзлар янграй бошлади. Мария қора танли ишчидан сўради.

– Бу ҳам Қуръонми?

– Азон айтиляпти, – деган жавоб бўлди.

– Азон... у нима?

– Азон мусулмонларни намозга чақиради. Ҳар доим намоздан олдин айтилади. Бироздан кейин намоз ўқилиши, тўғрироғи, намоз вақти бўлганининг ишораси.

– Бунинг маъноси...

– “Аллоҳ буюқдир, Аллоҳ буюқдир. Аллоҳдан бошқа илоҳ йўқ. Намозга келинг, нажотга келинг”, дегани – шошиб жавоб берди ишчи. У оёқ кийимини ечиб, ичкарига киришга шайланиб турарди. Мариянинг “Сиз ҳам мусулмонмисиз?” деган саволига “Алҳамдулиллаҳ, албатта, мусулмонман!” – деди-ю, улардан узр сўраб, қушдек учиб ичкарига кириб кетди.

Мария ҳайрат тўла кўзлар билан залдагиларга қараганча, ўқиган ва эшитганларини хаёлдан ўтказиб бошлади. У мусулмонлар Аллоҳдан бошқа ҳеч кимнинг олдида эгилмаслиги, ислом динида шам, ҳайкал ва бошқа нарсалар муқаддас саналмаслиги ҳақида ўқиган. Ҳолбуки, ўзлари Исо алайҳиссаломни “Аллоҳнинг ўғли” деб билишади. Аллоҳ – ота, Исо – ўғил... Ўйлаб ўйига етолмай қолди. Насронийликда ҳам, мусулмонликда ҳам Аллоҳга имон келтирилади, лекин ислом динида Аллоҳдан бошқа илоҳ йўқ, деб имон келтирадилар. Тўғри йўл қайси бири экан? Нигоҳи яна залдаги мусулмонларга қадалди. Барча баробар эгилиб, ўтириб туришмоқда. Улар сукунат ва ҳушу билан қилаётган ибодат Марияда қизиқиш уйғотди.

Мусулмонлар намозларини битириб дуо қила бошлашди. Қўллар кўкка узатилди, қалблар Аллоҳга боғланди. Қора танли ишчи яна уларнинг ёнига келди:

– Абдулкаримга келганингизни хабар қилдим. Мария ўзлари томон яқинлашиб келаётган Абдулкаримни кўргач, жойида тинч туришни маъқул кўрди. Абдулкарим меҳмонларни “Хуш келибсиз!” деб қаршилади, Мариядан бошқа барча билан қўл бериб кўришди.

Мария унга кулиб қараб турарди:

– Якшанба куни дуо соатингизни билмасдан сизни безовта қилганимиз учун бизни маъзур тутасиз.

Абдулкарим ҳам табассум қилди ва жавоб берди:

– Бизнинг динимизда ибодат қилишга алоҳида кун ва соат белгиланмаган. Ҳар куни беш маҳал намоз ўқиймиз.

Шу сабабли, якшанба кунининг бошқа кунлардан ҳечам фарқи йўқ.

Мистер Жеймс суҳбатга қўшилди:

– Адашмасам, сизларнинг асосий ибодат қиладиган кунингиз – жума, шундай эмасми?

– Асосий ибодат кунимиз эмас. Айтганимдек, ибодатимизни ҳар куни қиламиз. Намоз ибодатлари шундай. Бундан ташқари, закот бериш, ҳаж қилиш каби ибодатларимиз ҳам бор, уларнинг ўз вақти, шартлари белгилаб қўйилган. Жума кунининг биз учун алоҳида қиймати бор, бу кун байрам ҳукмида. Жумада мусулмонлар пешин, яъни тушдаги намоз ўрнига жамоат бўлиб жума намозини ўқишади. Намоз олдидан имом бизга дин ва дунёимиз учун

насиҳатлар қилади. Сизларнинг якшанба ибодатларингиз билан биздаги жума намозининг фарқи, аҳамияти жуда катта.

Мария эшитганлари ҳақида ўша заҳотиёқ мулоҳаза юрита бошлади:

– Қандай ажойиб-а, дадажон! Киши ибодат қилиш учун нега фақат якшанбани кутиши керак? – деб юборди.

Мистер Жеймсни бу кутилмаган савол шошириб қўйди.

“Тўғри айтасан, қизим”, дейишдан бошқа сўз тополмади. Бу пайтда ичкаридан чиқаётган бошқа мусулмонлар ҳам меҳмонлар билан саломлашиб ўтишарди. Мистер Жеймс ва Мария етти ёт бегона кишиларнинг ўзларига қилаётган муомаласидан жуда мамнун эди.

Ташқарига чиқишди. Мистер Ҳенри уларни қаҳвахонага бошлади. Бир финжондан чой ичиб суҳбатларини давом эттиришди. Университет талабалари ҳақида ҳам гаплашишди.

– Танийсизлар, – дея гап бошлади мистер Ҳенри, – университетда яна бир турк талабаси бор. Тайфур... бу боланинг юриш-туриши мени ўйлантиряпти. Охирги пайтларда дарсларини ҳам ташлаб қўйди. Қанийди, у ҳам диндошларига аралашиб юрса, уларни таниса, қандай яхши бўлар эди...

Мистер Жеймс:

– Ҳа, биламан. Бу йигит биз билан туради! Отаси ҳам яқин дўстим. Бир неча марта огоҳлантириб кўрдим. Афсуски, бу огоҳлантиришлардан наф чиқишига кўзим етмаяпти, тўғриси.

Кейин мистер Смит гапга аралашди:

– Абдулкаримбей, ҳаммамизга маълум. Барча мусулмон диёрлардаги каби сизнинг юртингизда ҳам аёллар ҳижоб деб аталадиган матога ўраниб юришарди. Лекин мен ўтган йили Истанбулга борганимда, биттаям ундай ўранган аёлга кўзим тушмади. Ҳозирда турк аёллари Европа аёлларига ўхшаб кийиниб, улардек кинога, кўнгилочар жойларга ва ҳатто пляжларга ҳам боришмоқда экан. Бу борада динингиз нима дейди?

Абдулкарим мистер Смитнинг кўзларига қаради. У бу саволни азбаройи қизиққанидан бергани кўриниб турарди.

Ҳеч қандай қувлик, мазах ифодасини кўрмагач, чертиб-чертиб гапира бошлади:

– Афандим, айтганингиздек, ҳижоб билан ўранадиган аёллар ҳозир Истанбулда қолмаган, десак ҳам бўлади. Аммо баъзи шаҳарларда ҳамон урфда. Динимизда аёлларнинг ўранишига оид бир қанча кўрсатмалар бор, бу муслима аёлларга Аллоҳ томонидан буюрилган фарз! Ҳижоб ҳам шу буйруқни амалга ошириш учун кийиладиган бир либос. Аммо ўраниш учун, албатта, ҳижоб кийилиши керак, деган гап йўқ. Энг муҳими, аёлнинг қомати кийимидан билиниб турмаслиги, сочлари кўринмаслиги, кафт ва тўпиғидан бош қа аъзолари бегона кўзлардан тўсилган бўлишидир. Шуларни ҳисобга олиб, ҳозир кўпгина муслималар яхшилаб бошини ўрайдилар, кенг ва узун либос кийиб, Аллоҳнинг фарзини адо қиладилар. Динимиз шу шартларни муслмонларга таъкидлайди.

Диний уламоларимиз масжидлардаги ваъзларида буларни тушунтиради. Фақат бу ишларга мажбурлаш йўқ. Раҳбарлар қўл остида ишловчиларнинг диний эътиқодларига аралашмаганларидек, уларни “мана бундай кийинишингиз керак”, деб ҳам мажбурлашмайди. Яъни ҳозирги пайтда аёлларимизнинг қандай кийинишлари ўз ихтиёрида. Бу дунёдаги ишларининг ҳисобини вақти келиб берадиганлар ҳам уларнинг ўзлари.

– Сиз ўзингиз аёлларнинг шундай ўраниб юришига қандай қарайсиз?

Саволни Мария берганди. Абдулкарим унга қаради:

– Буйруқ бизни йўқдан бор қилган Раббимиздан келганидан кейин, менинг қандай қарашимнинг заррача аҳамияти йўқ.

Хуфтон намозигача чой устидаги суҳбат қизғин давом этди. Сўнг мистер Жеймс маъзур сўраб турмоқчи бўлди.

Мария Абдулкарим билан хайрлашар экан, уни уйларига таклиф қилишни ҳам унутмади. Келишига унчалик ишонмаса ҳам, чиқмаган жондан умид деганларидай...

Абдулкарим билан танишганидан сўнг Мариянинг ҳаётида қандайдир ёруғлик, ҳузур пайдо бўлгандек эди. Лекин Тайфурнинг ҳаловати қолмаганди. У Мариянинг кўнглига йўл тополмагач, ўзини ичкиликка урди. Энди ўқиш ҳақида ўйламай ҳам қўйганди. Мистер Жеймснинг уйига ҳафтада икки кун келадиган, қолган вақтларини, асосан, ўртоқлари билан ишратхона, қиморхона ва шунга ўхшаш жойларда ўтказадиган бўлди.

Бу ҳолат мистер Жеймсдан ташқари унинг аёлини ҳам хавотирга солиб қўйганди. Бир телба турк йигитни деб ўзлари ёмонотлиқ бўлиб қолишдан қўрқишарди.

Мистер Жеймс охири Атифбейга мактуб ёзиб, бор гапни рўйирост айтишга қарор қилди. Атифбейнинг, ўғлим ўқисин, деб ҳар ой фалонча пул юборишида ҳеч қандай мантиқ қолмаганди. Бу фикрга мистер Ҳенри ҳам қўшилган, Тайфурнинг Англияда ортиқ қолиши отасининг пулларини ҳавога совуришдан бошқа нарса эмаслиги аён эди.

Атифбей мистер Жеймсдан келган мактубни ўқиб тепа сочи тикка бўлди. Эртасигаёқ биринчи рейс билан Англияга учди. Жаноб Жеймс ва мистер Ҳенри билан узоқ гаплашди.

Ҳақиқатни тан олишдан бошқа чораси қолмаган эди. Шунча вақт бекор кетгани ва пулининг ҳавога учганидан ҳам кўпроқ, корхонасини топширишга арзийдиган ишончли кишиси йўқлиги уни изтиробга соларди. Ҳолбуки, не умидлар билан ўғлини бегона юртга юборган, не режалар тузган эди.

Мистер Ҳенридан унга бу борада ёрдам беришини илтимос қилди. У фақатгина бир исмни айтиш билан кифояланди: Абдулкарим! Фақат, Абдулкарим олдиндан бошқа фабрика билан келишиб қўйган, ўқишни тугатгач, Меҳмет Закининг фабрикасида иш бошлаши керак эди.

Отасининг Абдулкарим ҳақида тез-тез гап очиши Тайфурни баттар жиғибийрон қилди:

– Нима қиласиз ўша ёввойини? Фабрикани бошқаргани бошқа одам қуриб кетганми? Уни ишга ёлласангиз, биринчи иши намоз ўқимайдиган ишчиларни кўчага қувиб, фабрика ўртасида катта масжид қуриш бўлади. Шунини яхшилаб билиб қўйинг!

Уни эшитишга Атифбейнинг тоқати қолмаганди. Туркияга қайтишда самолётда туриб айтилган бу гапларга Атифбей:

– Тушундик, жаноб! – деди. – Фабрикални Абдулкаримга ўхшаган кишига топширсам, қиладиган биринчи иши – мачит қуриш бўларкан! Хўш, сенга топширсам, фабрика ўртасига фоҳишахона қурасанми?! Ёки гиёҳвандлар бозорига айлантирасанми?!

Тайфур мум тишлаб қолди.

ҚАЙТИШ

Меҳмет Заки Боғчалиевлардаги квартирасида у ёқданбу ёққа бетоқат бориб келмоқда. Тинмай хизматчиларга, аёлига, ҳатто қизига ҳам алланималарни уқтирмоқда эди. Леман хоним эрининг бу ҳолатига ҳечам тушунолмаётганди. Фабрикасига ишга олинадиган бир ишчи учун бунча овора бўлмаса! Жуда борса, Европада эрининг пулига ўқиган бир муҳандис-да! Шунга шунча ваҳимами?

Аммо Меҳмет Закининг хаёли бутунлай бошқа жойда. Яна аёлига тушунтира кетди.

– Меҳмонимиз жудаям тақводор йигит. Унинг ёнида кийимларингизга эътибор беринглар. Қизингга айт, у ҳам тузукроқ кийиниб олсин.

Меҳмет Закининг қизи Ламия бу пайт хонага кираётган эди ва отасининг гапларини эшитиб, ҳайрон бўлиб тикилди:

– Мен ҳам кийинишимга эътибор берайми?

– Ҳа... Сен ҳам!

Ламиянинг жаҳли чиқди, асабий гапирди:

– Қандайдир роҳибаларга ўхшаб кутиб олишим керакми меҳмонингизни?

– Ҳа! Бошингга рўмол ўра. Қўлинг, оёғинг кўринмасин. Менинг истагим шу.

Ламия отаси нимагадир аҳд қилдими, албатта, шунга эришмагунича тинчимаслигини яхши биларди. Шунда ҳам уни қароридан қайтаришга уриниб кўрди:

– Мен кимгадир ёқиш учун рўмол ўрамайман. Қачонки руҳан тайёр бўлсам, ўзим хоҳласам, ўрашим мумкин. Акс ҳолда, бу иккиюзламачилиқдан бошқа нарса эмас. Меҳмоннинг ёнига ё шу ҳолимда чиқаман, ёки умуман чиқмай кўяқоламан!

Қизининг бу қайсарлиги учун Меҳмет Заки асабийлаша бошлади, сигара тутатиб устма-уст босиб чуқур тортгач:

– Менга қара, Ламия, сенга нима деган бўлсам, шундай қилишга мажбурсан. Бу сенинг манфаатинг учун!

Ламиянинг кўзлари ғазабдан ола-кула бўлиб кетди.

– Йўқ, ҳеч қачон! Менинг борим шу. Буқаламунга ўхшаб тусланишни хоҳламайман!

Шундай деб залдан отилиб чиқиб кетмоқчи бўлиб турганида Меҳмет Заки:

– Ламия, бу ёққа кел! Сенга айтадиган гапим бор, – деб бақирди. Аммо у отасини эшитмагандай юришда давом этди.

Меҳмет Заки унинг ортидан бормоқчи бўлганида, аёли ўртага тушди:

– Қўйсангиз-чи, афандим, – дея гап бошлади. – Шунча тортишганимиз етар, балки! Қизингиз ҳақ. Меҳмонингиз ким бўлибдики!.. Фабрикангизда ишлайдиган оддий муҳандис-ку! Бундан ташқари, у бошқачароқ сўфи экан, деб унга ёқиш учун бутун ҳаётимизни ўзгартирмасак керак, ахир!

Ҳамма динини севади-да, биз ҳам Аллоҳ деймиз! Қизим бечорани нега бунча хафа қиляпсиз? Меҳмонингиз ҳозирдан шунақа иззат-икромга ўрганса, кейин бизнинг бошимизга нималар соларкин? Мен аёл бўлатуриб шуларни сезяпман, сиз эса уни деб бизнинг тинчлигимизни бузаяпсиз!

Меҳмет Заки аёлининг бунчалик асабийлашганини кўрмаганди. Шу сабабдан бу “портлаш” уни биров довдиратиб қўйди.

– Менга қара, – деб гапини кесди. – Бугунгача сенингт калланг билан иш қилмаганман! Бундан кейин ҳам шундай бўлади, тамом! Сенларга ёқмаган, менсимаган ўша меҳмон учун мен юз минглаб лира сарфлаганман. Унинг келишига фабрикада ишлаб чиқариш жараёнини тубдан ислоҳ қилдим. Сенлар бўлса қаёқдаги йўқ гапларни гапиряпсанлар!

Хавотир олманглар, у бизга муҳтож эмас, биз унга муҳтожмиз. Ҳозир ундан воз кечсам, уни ишга олмоқчи бўлган энг камида ўнта фабрика бор. У бўлса фақат ваъда бергани учун ёнимга келади. Икковинг ҳам қулоқларингга қуйиб олинглар, у болага кимлар тан бермади! Сенлар ёқтирдинг нима, ёқтирмадинг нима?!

Леман хоним кўзини лўқ қилиб тураверди. Бу ҳолатидан ҳеч нимани тушунмагани кундек равшан.

– Ким бўлишидан қатъиназар, фабрика иши билан оилангизни аралаштиришингиз мутлақо нотўғри. У болага ҳомийлик қилган бўлсангиз, оиламиз ҳаёт тарзини бузиш учун эмас, ҳарҳолда, фабрика ишини ривожлантириш учун қилгандирсиз. Нега уни деб бизнинг дилимизни оғрит япсиз?

Меҳмет Заки аёлининг ҳамон ҳеч вақони тушунмаётганига ҳайрон бўлди.

– Нима демоқчилигимни тушуняпсанми ўзи? Фабрикани янгилаш учун миллион лиралик инвестиция жалб қилдим. Бу қарзлардан қутулиш учун, аввало, Аллоҳга, кейин бу болага ишоняпман. Сенлар бўлса балодан ҳам хабарларинг йўқ, бемалол оғзиларингга келганини валдираяпсанлар. У бола фақат мен учун эмас, сенларнинг манфаатларинг учун ҳам керак. Мана шунинг учун ҳам меҳмонимизни яхшилаб кутиб олиб, унинг кўнглига йўл топишимиз шарт!

Леман хоним жим бўлди. Эрининг асабийлашиб, тиришиб кетганидан чўчиди. Меҳмет Закининг эса ҳали ҳеч кимга очмаган бошқа ниятлари ҳам бор эди. Абдулкаримга қаттиқ ишонарди. Ҳақиқатан ҳам у келса ишлари юришиб кетишига ишониб, фабриканинг ишлаб чиқариш имкониятларини кенгайтирган эди. Ҳа, Абдулкарим динни қаттиқ ушлаган. Аммо бу яхши-ку! Кишининг диндор бўлиши қўрқинчли нарса эмас, аксинча, хурсанд бўлиш керак бундан. Ундан кейин, уни фақат ҳамкор сифатида кўрмаётганди. Энг катта нияти – уни куёв қилиб олиш эди. Шу боисдан ҳам аёли ва қизининг кийим-кечакларига, юриш-туришларига эътибор беришларини хоҳлаётганди. Меҳмет Заки шулар ҳақида ўйлар, Леман хоним эса ҳамон эрига ҳайрон тикилиб турарди. Меҳмет Заки хотинига қаради.

– Қизингга айт, калласини ишлатсин ва келадиган меҳмоннинг қалбини забт этишга ҳаракат қилсин. Ўзинг яхши биласан, агар аёл киши истаса, дунёдаги ҳар қандай эркакни ҳам ўз йўлига солиши мумкин.

Леман хоним яна нималардир дегиси, эрига бу тарзда иш қилиш нотўғри эканини тушунтиргиси келди. Кейин воз кечди фикридан, эри аллақачон қарор қилиб бўлган эди...

Аввал меҳмон келсин-чи, ҳаммасини вақт кўрсатади. Абдулкаримни Лондондан келтираётган самолёт “Яшилкўй” аэропортига қўниш учун пастлай бошлаганида, Меҳмет Заки аёли ва қизи билан кутиш залида бетоқат ўтиришарди.

Ниҳоят, самолёт қўнди. Йўловчилар битта-битта туша бошлашди. Меҳмет Заки диққат билан кузатмоқда. Бирдан:

– Ана, меҳмонимиз тушяпти. Қани, тайёрланинглари-чи.

Шошиб божхона эшигига боришди. Леман хоним ва Ламия бир-бирларига ҳайратланиб қарашди. Меҳмонлари самолётдан тушаётганини кўришган

бўлса ҳам, юзини танимас эдилар: узун бўйли, келишган ва жуда бамаъни ки йинган йигит эди. Бундай йигит улар ўйлаганидек ва Меҳмет Заки айтганидек ёввойи бўлиши мумкин эмасди.

Бироз ўтиб Абдулкарим божхона эшигидан ташқарига чиқди. Меҳмет Закига кўзи тушиши билан таниган эди. Шу заҳоти улар томонга юриб, ёнларига келди. Кўл бериб саломлашди. Меҳмет Заки аёли ва қизини Абдулкаримга таништирди.

Абдулкаримни яқиндан кўриш ва гаплашиш Леман хоним ва Ламияни анча тинчлантирганди. Қанчадан бери кўрққан, роса ғийбатини қилган, ўзини кўрмасдан туриб онаю қиз ёқтирмаган йигит мана ҳозир ёнларида савлат тўкиб турарди. Аммо ҳечам Меҳмет Заки таърифлаган одамга ўхшамасди. Леман хоним ва Ламияга аэропортгача овора бўлиб келганлари учун миннатдорчилик билдирди.

Улар билан хушмуомала гаплашди.

Меҳмет Закининг уйига боришди. Ламия меҳмонни қаҳва билан сийлади ва баҳонада бир икки оғиз гаплашиб ҳам олди:

– Ҳарҳолда, инглиз қаҳвасига ўрганиб қолгандирсиз, турк қаҳвасининг таъми ҳам ўзгача бўлади.

– Турк таомлари сингари турк қаҳвасининг ўрнини ҳам ҳеч қандай ичимлик босолмайди, – деб Ламияга миннатдорчилик билдирди йигит.

Ламия ўзига бино қўйган, қаерда нима дейишни билмайдиган сўфини кўраман, деб тайёрланган, Абдулкаримдек маданиятли, хушмуомала йигит қаршисидан чиққач, барча кўрқувлари тарқаб кетганди. Хатто шу йигитни деб кечагина отаси билан жанжаллашгани учун афсусланди.

Энди эса ичида:

“Дадам Абдулкаримдек қобилиятли, келишган йигит билан шартнома тузиб жуда яхши қилибди-да”, деб ўйлаётган эди.

Меҳмет Заки Абдулкаримга ҳеч бўлмаса бир неча кун уларникида қолиб ҳордиқ чиқаришини сўради. Аммо Абдулкарим ота-онасини жуда соғингани, кўз олдидан укалари кетмаётганини айтиб узр сўради ва таклифни рад қилди.

Ўша куни Меҳмет Заки иккаласи фабрикани айланиб янги ўрнатилган машиналарни кўздан кечиришди. Эртаси куни эрта тонгда Абдулкарим икки ойдан сўнг қайтиш шарти билан “қайдасан, Ёзгат?” дея йўлга тушди...

ЭНГ ОМАДЛИ КИШИ

Абдулкарим Истанбулдан йўлга чиқмасидан аввал отасини телеграмма орқали хабардор қилиб қўйган эди. Шунинг учун ҳам Юсуф бир неча соатдан бери автобус станциясида бетоқат кутиб ўтирган эди. У билан бирга Абдулкаримни танийдиган, яхши кўрадиган ва соғинган ҳамқишлоқлари ҳам келганди.

Олти йил... айтишга осон. Оғизнинг бир четидан чиқиб кетади. Шунча вақт мобайнида фақат хат орқали гаплашиб турган ўғлининг дийдорини кўради ва ниҳоят, Юсуф туш кўрмайпманмикан, дея ўйларди.

Қизиқ, қанақа бўлиб кетдйкин? Анча ўзгаргандир! Ғарб уни ўз қолипларига солиб қўйган бўлмасин тагин!

Станцияга кириб келаётган ҳар бир автобус юрагини ўйнатиб юбораётган бўлса, чалинган ҳар бир сигналдан ичи ҳаприқиб, ўрнидан туриб кетмоқда. Ёнидаги шериклари:

– Юсуф афанди, чарчаб кетмадингми, ўтирсанг-чи бироз, – дейишар, у бу гапларни эшитаётган ёки эшитмаётганлигини ҳам билиб бўлмасди.

Бир маҳал атрофда жонланиш бошланди. Кимдир: “Истанбул автобуси кўринди!” – деб қичқирди. Ана ўша пайт Юсуф ўтиришга жой қидириб қолди. Оёқда тура олмай қолганди. Тиззалари дир-дир титрарди. Гўё мадори қочиб, боши айланаётгандек эди. Автобус кириб келди. Йўловчи лар бирин-кетин туша бошлади. Ана, Абдулкарим ҳам туш япти.

Атрофга аланглади. Отаси Юсуфни кўзлари билан қидириб топди. У қўлларини кериб, унга ёш тўла кўзлари билан табассум қилиб турибди. Юсуф чопиб бориб ўғлини бағрига босгиси келар, аммо не ажабки, оёқлари турган жойидан жилмас эди. Баъзан одам тушида қадам ташлагиси, қимирлагиси келади, аммо қимирлай олмайди-ку, ана ўшанга ўхшаган ҳолатни бошидан ўтказаётганди Юсуф. У юра олмаётган бўлса ҳам, Абдулкарим аллақачон ёнига келиб улгурган эди.

Қучоқлашишди. Олти йиллик ҳижрон азобини қалблардан сиқиб чиқариш учун қучоқлашишди. Иккови ҳам ўзини тута олмай, ёш бола каби йиғлашмоқда эди.

– Болам, Аллоҳга беадад шукрлар бўлсин! Дийдорингни насиб қилди, ниҳоят!

– Ота, меҳрибоним, падари бузрукворим! Мана, айрилиқ ҳам ниҳоясига етди, иншааллоҳ...

Юсуфнинг ҳамроҳлари ҳам кўзда ёш билан ота-болани кузатиб туришарди. Ҳаяжонли дийдорлашув онлари бир неча дақиқа давом этди. Кейин барча келганлар битта- битта Абдулкаримни ўпиб, “Хуш келдинг!” дейишди. Уни қиш лоққа олиб кетиш учун машиналар тайёрлаб қўйишганди. Абдулкаримнинг юклари олдиндаги машинага ортилди. Кейин ота-бола ёнма-ён иккинчи машина орқасига жойлашишди.

Барча ўринларга чиқиб жойлашиб олгач, машиналар қишлоққа қараб йўлга тушди. Абдулкарим ҳам атрофни кузатиб, ҳам отаси билан гаплашиб бормоқда. Қишлоқ мазорининг ёнига келганда, машиналар тўхтади. Ота-бола ўтганларнинг руҳига атаб тиловат қилишди. Дунёга келиб кетган қанча инсонлар ётибди бу қабрларда.

– Ота, бизнинг аждодларимиз ҳам шу жойларда ётишиб дими?

Юсуфнинг пешанасидан совуқ тер чиқиб кетди. Бу терлар заҳарга айланиб, ичига оқа бошлаганди гўё. Абдулкарим... у йўлдан топиб олинган бола! Ичи лов-лов ёна бошлади. Бир кун келиб Абдулкарим бор ҳақиқатни билиб олади, албатта. Ўшанда нима дейди, нима қилади Юсуф?

Юсуф бу саволга жавоб беролмади. Индамай машинага бориб ўтирди. Абдулкарим ҳам ўтиргач, машина йўрғалай бошлади.

Машина эгри-бугри йўлдан илгарилаб борарди. Охири бир уй дарвозаси ёнида тўхтади. Абдулкарим машинадан тушди. Онаси бўсағада кучоғини очиб турарди. Чопиб борди. Энди она-бола йиғлаб бир-бирларини куча бошлашди.

Қўни-қўшнилари хурсанд кузатишарди. Барча Абдулкарим билан “Хуш келибсан!” деб кўришишни хоҳлар, аммо Зайнаб уни қўйиб юборгиси келмасди.

Абдулкарим Европада ўқиб, тўқимачилик саноати муҳандиси бўлиб қайтган бўлса ҳам, ҳеч ўзгармаган эди. Ҳали ҳам ўша, на кибрдан, на олий маълумотли бўлиб қайтгани учун ғурурдан нишона йўқ эди...

Қайтган кунидан бошлаб беш маҳал намоз вақтларида отаси билан масжидга чиқа бошлади. Уйда яна Юсуфнинг энг яқин дастёрига айланди. Белкуракни қўлига олиб, тонг саҳардан кеч тушгунича отасининг ёнида ишлайди.

Товуқларга дон сепеди, катакларни тозалайди, сигирларни соғади, такаларни ҳайдайди; қатиқ, пишлоқ, сариеғ тайёрлашда онасига кўмаклашади. Бу кундалик ишларнинг ичида энг ёқтирадигани, энг катта завқ ва ҳузур оладигани – намоз вақти бўлганда миноранинг устига чиқиб азон чақириш эди. Бу ерга мослашиб олгач, қишлоқдошларининг илтимосига кўра, баъзан кечалари хуфтон намозидан кейин масжидда суҳбатлар қуришарди. Унинг бу ишлари масжидга келувчиларнинг кўпайиб бораётганига сабаб эканини ҳамма гапирарди. Юсуфга эса шундай фарзанднинг отаси бўлгани учун “қишлоқнинг энг омадли кишиси” сифатида қарай бошлашди.

Укаси Абдураҳим Қирққалъадаги қурол фабрикасида ишларди. У ҳам акасига ўхшаган гўзал хулқли, жуда ҳам меҳнатсевар йигит бўлганди. Акаси келаётганини отаси хабар қилган, аммо бошлиғидан рухсат ололмаган эди. Бўлмаса, у ҳам бунча йиллик айрилиқдан кейин акасини жуда соғинган эди. Ҳатто ишдан воз кечиб акасининг ёнига тезроқ бориш ҳақида ҳам ўйлаб кўрди. Лекин бу иши Абдулкаримга ҳам, отасига ҳам маъқул келмаслигини ўйлаб, фикридан қайтди. Ўтириб акасига чиройли бир хат ёзди ва шу орқали уни кутиб олган бўлди.

Ойша ҳам катта қиз бўлиб қолган. Кун бўйи оғам, деб Абдулкаримнинг ортидан қолмайди. Юсуф унга Қуръон ўқишни ўргатган эди. Қиз бола учун керак бўладиган бошқа ишларни онаси Зайнабнинг ёнида юриб билиб олган. Уй юмушларида онасининг жонига оро кириб қолган, ҳатто онасининг қўлини совуқ сувга урдирмасликка уринарди. Абдулкарим уйига қайтганидан бери уст-бошини Ойша ювиб дазмолларди. Ишлар орасида вақт топиб акаси учун камзул ҳам тўқиди.

Юсуфнинг энг катта орзуси кўзи очиқлигида ўғлининг бошини иккита қилиб қўйиш эди. Бу фикрини кечки овқатдан сўнг Абдулкаримга билдирди. Ўғли учун келинликка номзод ҳам топиб қўйган экан. Яқин дўсти Сулаймон ҳожи афандининг қизи Казбон...

Сулаймон ҳожини Абдулкарим ҳам яхши танийди. Ҳақиқатан ҳам жуда ростгўй ва қишлоқда ҳурматли инсон.

Абдулкарим кўп ўйламасдан жавоб берди:

– Ўзингиз яхши биласиз, отажон. Сиз муносиб деб билсангиз, ортиқча гапга ҳожат йўқ.

Казбон Меҳмет Закининг қизи Ламиядек ўқимишли эмас. Балки, унингдек гўзал ҳам эмасдир. Аммо, энг муҳими, муслима бўлиб улғайган эди. Янгилик

шу заҳотиёқ бутун қишлоққа ёйилди. Юсуф ҳам, Сулаймон ҳожи ҳам бу хайрли ишни иложи борича тезроқ амалга ошириш тарафдори эди. Шунинг учун отларини қамчиладилар. Зудлик билан фотиҳасини қилиб, икки ёшни унаштириб қўйишди. Тўйни кузнинг бошидаёқ ўтказишга келишиб олишди. Абдулкаримнинг Меҳмет Заки билан келишилган изн муддати кўз очиб юмгунча ўтиб кетгандек бўлди...

Айрилиқ онлари яқинлашгани сари Юсуф ва Зайнабни ўй босарди. Абдулкарим қишлоқдаги охирги тунни бўлажак қайнатаси Сулаймон ҳожининг уйида ўтказди. Шоҳмуротли қишлоғининг обрў-эътиборли кишиларидан бўлган Сулаймон ҳожи асил ифбат хазинаси қилиб тарбиялаган ягона қизини Абдулкаримдек йигитга бераётгани учун хурсанд. Юсуф ва Зайнаб ҳам ўғли Казбондек покиза, солиҳа бир муслимага уйланаётганидан бошлари осмонда, Яратганга тинмай шукр қилишарди.

Абдулкарим Казбонни яқиндан кўрмагани ҳам. Кичиклигида бир-икки кўзи тушган, холос. Ўша кеча кечки таомдан сўнг, эркаклар ўзаро суҳбатлашиб ўтиришган маҳалда Казбон эшик тирқишидан Абдулкаримни кўриб олди.

Ичида аллақандай ёқимли илиқ туйғу жўш урганини, юрак уриши тезлашиб кетганини ҳис қилди.

ТАТИМАГАН БАХТ

“Қуёш Текстиль” МЧЖнинг саксон фоиз акцияси Меҳмет Закига қарашли, йигирма фоизи эса хотини ва қизига. Фабриканинг техник ишлари бутунлай Абдулкарим зиммасига юкланган. Меҳмет Заки янги муҳандисидан кўнгли тўқ. “Ҳақиқий хазина” деб мақтайдиган ёш мутахассисни янада қаттиқроқ боғлаб олиш учун фабрика акцияларининг катта қисмини унга бермоқчи ҳам бўлди, аммо бу таклифни Абдулкарим рад қилди.

Меҳмет Заки Абдулкарим билан муносабатларини мустаҳкамлаш мақсадида уни тез-тез уйига таклиф қила бошлади. Фақат Абдулкарим турли баҳоналар топиб, кўпинча ўзини олиб қочарди. Ҳолбуки, Меҳмет Закининг асл мақсади – уни уйида кўпроқ кўриб, ораларидаги яқинликни орттириш ва қизи билан турмуш қуришларига замин ҳозирлаш эди.

Аёли Леман хоним ва қизи Ламиянинг Абдулкаримга бўлган муносабатлари ҳам юз саксон градусга ўзгарган. Бир пайтлар кўрмасдан туриб роса ёмон кўришган бу йигитга ҳозир иккаласининг ҳам меҳри бўлакча эди. Лекин энди қочиш навбати Абдулкаримга ўтган, иложи борича улардан узоқроқ бўлиш ҳаракатида эди гўё. Ламия кўҳликкина, ўқимишли ва зукко қиз. Меҳмет

Закидек бадавлат, кенг фикрли ва ростгўй отаси бор. Атрофдаги жуда кўп йигитлар бундай қизнинг кўнглига йўл топиш, унга уйланишга жон-жаҳди билан интилаётганида, Абдулкаримнинг ўзини бундай тутишига сабаб нима бўлиши мумкин?! Меҳмет Заки бу ҳақида кўп ўйлади. Аммо фикру хаёлини банд қилган саволга жўяли жавоб тополмади.

Охири Меҳмет Закининг фикрига Ибиш келди. Абдулкаримга анча яқин бўлган Ибишнинг ёрдами билан миясини кемириб ётган саволига жавоб топиши мумкиндир, балки. Бир куни Абдулкарим ва Ибишни кечки овқатга уйига таклиф қилди. Ибиш, аёли, қизи ва Абдулкарим Меҳмет Закининг уйида хурсандчилик билан кутиб олиндилар. Абдулкарим отасининг икки дўстини бирга кўриб турганидан ўзида йўқ хурсанд эди. Икки оила бир-бири билан танишди.

Аввал чой ичилди, суҳбат қурилди. Бир маҳал Ламия Абдулкарим ва Ибишнинг қизи Наланни орқа ҳовлидаги боғда сайр қилишга таклиф қилди. Аёлларнинг эса аллақачон гап қоплари очилиб бўлганди. Энди уларни на тўхтатиб, на айириб бўлади.

Меҳмет Заки билан Ибиш ҳам тижоратдан гаплашиб ўтиришганди. Гап айланиб келиб, охирида Меҳмет Заки истагандек Абдулкаримга тақалди. Меҳмет Заки:

– Ор-номусига, маҳоратига, ахлоқига ва ишига тан бердим. Фақат бир мавзу бор-да, бунинг сирига ҳечам ақлим етмаяпти.

Ибиш:

– Абдулкаримни болалигидан бери биламан. Ростдан ҳам жуда ҳалол, пок йигит. Асли каби кўринишни, кўрингани каби бўлишни ёқтиради. Сирли томони ҳақида гапириб, нимани назарда тутаётганингизни тушунолмадим?

Меҳмет Заки ўзини қийнаётган масалани қоғозга ўраб баён қила бошлади:

– Абдулкарим ҳар томонлама камолга етган йигит. Касби жиҳатидан келажаги порлоқ. Менимча, буни ўзи ҳам билади, деб ўйлайман. Моҳир муҳандис. Шундай йигит умрини бўйдоқ ўтказиши, яқин инсони сифатида сизни ўйлантирмайдими?

Меҳмет Закининг бу саволидан Ибишнинг юзига илиқ табассум югурди:

– Абдулкаримнинг сирли томони тоқ юриши деб ўйласангиз... Тўғри, у ҳали ўйланмаган, аммо бўйдоқ ҳам ҳисобланмайди!

Меҳмет Закининг юзида ғалати ифода пайдо бўлди.

– Уйланмаган, лекин бўйдоқ ҳам эмас, шундайми? Бу нима дегани?

– Абдулкарим қишлоққа борганида бу масала ҳал бўлган, яъни боши боғлаб кўйилди. Ўзингизга маълум, у ота-онасининг измида улғайди ва шундай яшашда давом этмоқда. Отаси Юсуф уни бир дўстининг қизига уйлантиришни ўйлаб юрган экан. У ҳам бунга рози бўлибди. Абдулкаримни биласиз, жуда тортинчоқ йигит, шу боисдан бу ҳақда индамаган бўлса керак.

Меҳмет Закининг кайфияти бирдан тушиб кетди. Тўғрироғи, бундай бўлиши етти ухлаб тушига ҳам кирмаганди. Билдирмасликка қанча урингани билан, ажинларидаги оний ўзгариш кўриниб турарди.

– Ишқилиб... келинимиз Абдулкаримга муносиб бир қизмикан? – деб сўради ва ниҳоят.

– Мен ҳам танимайман отасини, – деб жавоб берди Ибиш. – Сулаймон ҳожи деган кишининг қизи. Юсуфга маъқул келганига қарасак, ҳарҳолда, солиҳа қиз бўлса керак.

Тўйларини кузга мўлжаллашяпти.

Меҳмет Заки Абдулкаримдек Европада ўқиб қайтган, дунёқараши кенг йигитнинг бир қишлоқи қизга уйланишини ҳазм қилолмади. Ақли етмади. Пичирлагандек қилиб:

– Шундай йигитни увол қилмаяпмизмикан? – деб сўради. Ибиш Меҳмет Закидаги ўзгаришни кузатиб, ҳатто унинг Абдулкарим билан боғлиқ қандайдир режалари борлигини ҳам сизди. Аммо Абдулкаримни яхши билиб туриб, Ламиядек қизга уйланиши ҳақида орзу қилишни Меҳмет Закидек кенг фикрли кишидан ҳечам кутмаганди...

– Балки. Аммо бу йигитдан бошқа нарса кутиш ҳам хато бўлар эди, деб ўйлайман. Бутун бошли уй Меҳмет Закининг устига қулаб тушгандек бўлди. Орзулари, ниятлари бир зумда совун кўпиги мисоли эриб, йўқ бўлиб кетди. Ибишдан яна бир нималарни сўраб билмоқчи эди. Аммо бунга улгурмади. Ламия ва Налан ичкарига кириб келишди. Абдулкарим ёнларида йўқ.

Меҳмет Заки буни кўриб сўради.

– Йигитнинг гулини қаерга ташлаб келдингиз? – Бу саволга жавобни қизи берди:

– Намоз ўқимоқчи экан. Жаннатга кираман деган фақат у шекилли, орамизда...

Ламия бироз ҳазил қилмоқчи эди, аммо отасининг чимирилган қошларини кўриб, гапига пушаймон бўлди. Аслида, Ламия ҳам Абдулкаримнинг диний эътиқодларига қарши эмасди. Марҳамат, намозини ўқийверсин, динининг кўрсатмаларини бажараверсин, бемалол. Унга қизиғийўқ. Ундан кейин... ўзи ҳам мусулмон бир оиланинг қизи эмасми?! Фақат... Абдулкарим уни севишини, фабрикадан чиқар-чиқмас унинг ёнига чопиб келишини, у билан бирга тез-тез кўнгилочар жойларга, ҳеч бўлмаса киногами, театрдами бориб туришини хоҳлайди, холос! Аммо бу орзуларининг барчаси армонлигича қолмоқда эди. Ҳа, тўғри, Абдулкарим у билан суҳбат қуради, баъзан бирга вақт ўтказади.

Афсуски, фақат бир ака, дўст ёки ўртоқ сифатида!.. Ламияни булар қониқтирмайди. Унинг нияти бу эмасди. Севгиси жавобсиз қолавергач, бу туйғулар нафратга, ҳатто баъзан кинга айланиб кетар эди.

Ламиянинг Абдулкаримга бўлган ҳисларидан онасининг ҳам хабари бор. Шунинг учун кўлидан келганича қизига ёрдам беришга ҳаракат қилади. Абдулкарим билан Ламияни ёлғиз қолдиради, бир кун келиб Абдулкарим, албатта, Ламияни севиб қолишига ишонади.

Аммо шунча уринишларга қарамасдан, Абдулкаримнинг хатти-ҳаракатларида ҳеч қандай ўзгариш йўқлиги Леман хонимнинг қонини қайнатар эди. Бурсалик таниқли бизнесмен Атифбей ўғлига Ламияни келин қилиш ниятида эканини орқаворотдан эшитиб қолганди. Бир куни эрига ёрилиб:

– Отаси, кўз тегмасин, қизимиз нақд гулғунчанинг ўзгинаси! Абдулкаримнинг кўнгли тушишини яна қанча кутамиз? Эшитишимга қараганда, ҳатто Бурсалик Атифбей ҳам қизимизни келин қилмоқчи экан. Унга ўхшаганлардан қанчаси эшигимизни пойлаб ўтиришгандир. Биз ҳалиям ёзгатликнинг қош-қовоғига термилиб ўтирибмиз!

Меҳмет Заки хотинига ўхшаган шошқалоқ эмасди. Олдидан чиққан тўсиқлардан чекинмасликка, қарши туриб чиранишга ва охирида енгиб чиқишга одатланган эди. Охир-оқибат бу масалада ҳам ниятига етиш умидида сабр қилмоқда эди.

Абдулкаримнинг меҳнатсеварлиги, қобилияти тилдан тилга ўтиб атрофга ёйилган, фабриканинг шуҳрати ҳам кундан-кунга ортиб бормоқда эди. Шундай вазиятда Абдулкаримдан воз кечишни ҳеч ким истамаслиги аниқ.

Абдулкарим бир маромда ишида давом этарди. Ламиянинг исломга ҳеч мос келмайдиган кийиниш тарзига гувоҳ бўлар, қизнинг ўртоқлари билан турли кўнгилочар тадбирларга, кинога, театрга ва пляжларга бораётганини кўриб турар, бироқ бу борада на Меҳмет Закига, на Леман хонимга оғиз жуфтлаб бир нима демасди. Қисқаси, уларнинг яшаш тарзи ва келажак ҳақидаги орзу-умидларига Абдулкарим аралашини хоҳламасди.

Абдулкарим юзидаги доимий табассум билан залга кирганида, Ламия яна унга гап қотмасдан қололмади:

– Биз гуноҳкор бандалар ҳақида ҳам дуо қилиб қўйдингизми?

Абдулкарим яна жилмайди.

– Дуоларим фақат ўзим учун эмас, барча мусулмон бандалар учун. Мавломизнинг раҳмат ва карами чексиз. Умид қилинадикки, унинг раҳмат дарёсидан қанчадан-қанча инсонлар шифо топади, ҳидоят нуридан баҳраманд бўлади.

Ибиш Абдулкаримнинг бундай мавзуларда мутойиба қилинишини ёқтирмаслигини биларди. Дарҳол гапни бошқа ёққа бурди:

– Отангдан хат келиб турибдими, Абдулкарим?

– Ҳа, икки кун олдин ҳам келди. Сизга салом айтиб юборибди.

– Жавобингда мендан салом айтишни унутма. Кейин тайинлаки, қўли бўшаши биланоқ Истанбулга келсин. Бизни соғинтириб қўйди анча.

Абдулкарим уялгандек бошини қуйи эгди.

– Балки, келар. Биласиз-ку, тайёрланишяпти ҳозир...

Леман хонимнинг кўнгли ниманидир сезгандай бўлди. Дарҳол гапга қўшилди.

– Отангиз нимага тайёрланишяпти? Ёки биз билмайдиган нималардир борми?

Ибиш бу сафар чидаб туролмади:

– Албатта, бор-да. Абдулкарим сизларга айтмабди, уни унаштириб қўйишган. Кузда тўйга борамиз ҳаммамиз! Хона ичи сув қуйгандек жим бўлиб қолди. Меҳмет Заки бу янгиликни бироз аввал эшитган бўлса-да, буниси аввалгисидан ҳам баттарроқ таъсир қилди. Леман хоним ва Ламия ҳеч кимга сездирмасдан бир-бирларига қараб олишди.

Биринчи бўлиб ўзига келган Ламия тинчликни бўлди:

– Табриклайман. Албатта, уйланади-да, умрининг охиригача бўйдоқ ўтмайди-ку, ахир! Лекин, ростини айтсам, Абдулкаримнинг бундай орқаворотдан иш бажаришини ҳечам кутмагандим.

Кейин қиз баланд овозда кулиб юборди. Кулмоқда, аниқроғи, ўзини кулишга мажбурлаётган эди. Агар кулмаса... кулмаса, йиғлаб юбориши турган гап эди!

– Қани, бўлмаса, ҳамма дастурхонга! Меҳмет Закининг гапидан кейин ҳаммалари дастурхон тузаб қўйилган столга қараб юришди. Абдулкарим эса турган жойида қоққан қозикдек турарди. Ламия ҳам ёнида:

– Қишлоққа кетасизми, Абдулкарим?

– Ҳа, телеграмма олдим... Мени кутишаётган экан. Сизларга кейинроқ айтмоқчи эдим.

– Келинчак чиройли бўлса керак?

– Шунақа дейишди. Ҳали кўрмадим!

– Бу нима деганингиз? Одам ўзи уйланадиган қизни кўрмаслиги мумкинми?

– Ҳа, кўрмадим, Ламия хоним. Болалигини эслайман бор-йўғи. Бизда, одатда, шундай бўлади. Куёв уйланаётган қизини фақат чимилдикда кўради.

Ламиянинг оғзи очилиб қолди.

– Олий маълумотли йигит бу йўсинда уйланишга қандай қилиб рози бўляпсиз?! Хўп, ҳеч бўлмаса, қиз ўқиганми?

– Бошланғич мактабни битирганини биламан, бор-йўғи шу... Аммо бизнинг қишлоқда уй юмушларини билмайдиган қиз йўқ.

– Нимаям дердим, бахтли бўлинглар. Ламия Абдулкарим билан бу мавзуда гаплашишга бошқа чидай олмади ва дастурхон тузалган хонага қараб юрди.

Абдулкарим унинг ортидан бир муддат кузатиб турди. Сўнг, уни кутиб туришганини ўйлаб, у ҳам бошқаларга эргашди.

Абдулкарим икки кундан кейин Меҳмет Закидан рухсат сўраб қишлоғига қайтди. Бирдан Меҳмет Закининг юрагини ғулғула босди:

– Абдулкарим қайтмаса-чи! Ибишнинг айтишига қараганда, Абдулкаримнинг қайнатаси ўзига тўқ одам экан. Абдулкаримни Истанбулга қайтариб жўнатишни хоҳламай қолса-чи, Меҳмет Закининг ишлари нима бўлади?

У шу ўйлар исканжасида экан, Леман хоним ва Ламия ҳам режалари чиппакка чиққанидан асаблари таранг... Абдулкаримнинг бу тарзда қўлдан чиқишини ўзлари учун таҳқирланиш деб қабул қилишган, “Бу очикдан-очик устимиздан кулиш”, дейишмоқда эди.

Меҳмет Закининг эса уларни эшитишга тоқати йўқ. Бир куни бу мавзу яна очилганида, сабр косаси тўлди, портлади:

– Нима демоқчисанлар бу билан? Уни мажбурлаб куёв

қилиб ололмасдик-ку, ахир! У менга уйда эмас, фабрикада

керак. Шунини яхшилаб ўқиб олинглар ва овозингизни ўчиринг!

Ламия ҳам энди отасига қарши чиқа бошлади.

– Йўқ, дада. Ўзига чидаганимиз етмаганидек, энди бошимизга бир қишлоқиниям бошлаб келади. Бизнинг ҳам ўзимизга яраша иззат-нафсимиз бор. У даражада паст эмасмиз, паст кетмаймиз ҳам! Ишдан қувиб солинг, ўрнига бошқасини топасиз, тамом-вассалом!

Меҳмет Заки Абдулкаримнинг уйланиши қизини нега бунчалар жазавага солаётганини яхши билгани учун ортиқча тортишиб ўтирмади. Уйда оилавий муҳит бузилди.

Аёлининг қовоғидан қор ёғади. Ламия эса оғзига бир ютум луқма олмай қўйди. Абдулкаримнинг кетганига ўн кун ҳам ўтмай, Ибишдан қўнғироқ келди: Абдулкаримнинг бўлажак қайнатаси Сулаймон хожи ва қизи Казбон тўй ҳозирлиги учун Ёзгатга кетаётганида аварияга учраб вафот этишибди.

Меҳмет Заки тилини ютиб юборишига оз қолди. Шошиб қолганди. Севиниши керакми ёки хафа бўлиши – билолмасди. Дарҳол уйига чопди. Нохуш хабардан уй гумбурлаб кетгандек бўлди...

Ҳатто шу вақтгача Абдулкаримга душман кўзи билан қараётган Леман хоним ва Ламия ҳам Абдулкаримга ачина бошлашди.

Ламия Абдулкаримдан ғазабда эди. Бу ғазабнинг сабаби унинг ўзга бир қизга уйланмоқчилигидан бошқа нарса эмасди. Энди вазият ўзгарди. Абдулкаримдан нафратланишга ҳеч қандай сабаб қолмади. Абдулкарим

келишган, зиёли, тарбияли ва билимли йигит. Фақатгина динда бироз тақводорроқ, холос. Қизиқ, Ламия уни бахтли қила олармикан? У билан чиқишиб кета олармикан?

Ҳозир Леман хоним шулар ҳақида ўйларди. Ламия ва Меҳмет Закининг хаёли ҳам шулар билан банд. Аммо ҳеч бири юрак ютиб ичидагини ташқарига чиқаришга журъат этолмаётганди.

ЛАМИЯНИНГ ҚАРОРИ

Абдулкарим Истанбулга қайтганида, ўзини бироз олдириб қўйгандек эди. Меҳмет Заки, Ламия ва Леман хоним унга таъзия билдиришди. Дардини янгилашни исташмади. Абдулкарим қазойи қадарга имон келтирган, фожиадан, албатта, маҳзун эди. Ўлим – ҳаётга келган ҳар бир инсон бошида бор. Бу дунё имтиҳон майдонидан бошқа нарса эмас.

Токи нафас олар экан, ҳалол ва ҳаром орасини айирмайдиган, бахтни дунё матоҳидан излайдиган инсонлар учун ўлим қўрқинчли. Лекин Аллоҳни таниган, бу дунёга келишининг асл моҳияти фақат Яратганга қуллик қилиш эканини англаб яшаган инсон учун ўлим қўрқинчли бўлиши мумкинми?!

Сулаймон ҳожи бутун умр ҳақ йўлдан тоймади, энг катта бахтни Раббисига лойиқ қул бўлишда деб билиб, охирида ҳам Яратганнинг “Қайт!” деган амри илоҳийсига лаббай деб жавоб берди.

Қизи Казбонга келсак, у ҳам қисқа умри давомида отасининг айтганини ҳеч икки қилмай, насиҳатларига қулоқ осиб, аввал, Аллоҳнинг, кейин эса отасининг розилигини истаган муслима бўлишга уринганди. Намозини қанда қилмади, рўзасини тутди, ўзини номаҳрамлардан сақлади ва ифбатли муслима сифатида Аллоҳнинг тақдирига бўйсунди. Шундай экан, бундай одамларнинг ортидан ачиниб, кўз ёш тўкишга ҳожат борми?

Абдулкарим фабрикага қайтди. Ўзини бутунлай ишга уриб, чалғишга уринди. Шундай кунлардан бирида тушлиқдан кейин Меҳмет Заки билан қаҳва ичиб, суҳбатлашиб ўтиришарди.

– Абдулкарим, бўйдоқликдан чарчамадингми? Ишдан уйга қайтганингда сени очик чеҳра билан кутиб оладиган, олдинга бир коса иссиқ шўрва қўйиб чарчоғингни чиқарадиган аёлинг бўлишини хоҳламайсанми? Мен сенга бошлиқ бўлганимдек, агар қабул қилсанг, отанг қаторидаман. Қандайдир ниятинг бўлса, менга бемалол айтишинг мумкин, бундан фақат хурсанд бўламан.

Абдулкарим Меҳмет Закини яхши кўрарди. Ундан кўрган яхшиликларини ҳеч қачон унутмайди, унутолмайди.

Доимгидек яна табассум қилди:

– Албатта, уйланаман. Аммо ҳозир бунинг вақти эмас. Хабарингиз бор, кутилмаган қазо режамизни бузди. Буни унутиш учун бироз вақт кераклигини, ҳарҳолда, мендан кўра яхшироқ тушунасиш.

Бу гапдан кейин Меҳмет Заки мавзуни давом эттиришни лозим топмади. Ламия Абдулкаримнинг эътиборини тортиш учун ҳар қандай фурсатдан фойдаланиб қолиш пайида эди. Казбонни унуттириш учун қўлидан келганича ҳаракат қилди, аммо Абдулкаримда айтарли ўзгариш бўлмади.

Йигитнинг бепарволигига қарши отасидан ўрнак олиб, сиёсат юритмоқчи бўлди. Абдулкаримни ўзига боғлаб олиш учун, керак бўлса, бошқа йўлларни ҳам синаб кўриш ниятида эди.

Меҳмет Заки Бурсадан бир таклифнома олди. Атифбей фабрикасига қўшган янги бўлимнинг очилишига уни ва оиласини таклиф қилиб, шу баҳона бир неча кун меҳмон бўлиб кетишларини сўраган эди. Меҳмет Заки Атифбейнинг таклифи бежиз эмаслигини, асл мақсади – ўғли Тайфур билан Ламия бир-бирларини яқиндан таниб олишлари учун фурсат яратиш эканини билиб турарди. Таклифни бажонидил қабул қилди. Абдулкарим осонликча таслим бўладиганга ўхшамасди. Қолаверса, Атифбей билан дўстлигини мустаҳкамлашнинг фойдаси бор.

Аммо бу таклиф ҳақида Абдулкаримга чурқ этмади. Зеро, Бурсага уни ҳам олиб бориш нотўғри бўлар эди. Атифбей билан ҳамкорлиги бор-у, нима бўлганда ҳам, Абдулкаримда Атифбейнинг ҳам кўзи борлигини яхши биларди. Абдулкаримга бир неча кун дам олиб, даволаниш учун оилавий Бурсага кетаётганларини айтди, холос. Истанбулдаги воқеада ўғлини оғир вазиятдан олиб чиққани учун Атифбей ўзини ҳамон Меҳмет Закидан қарздор деб биларди. Шунинг учун ҳам уни қучоқ очиб, хурсандчилик билан кутиб олди. Тайфур Ламияни кўрар-кўрмас таниди. Ламия ўтган давр ичида анча улғайиб, янада чиройли, латофатли қизга айланган эди.

Англияда яшаб, ўқиб ҳам ўзгармаган Тайфурнинг таҳсили билан шахсан Атифбей шуғуллана бошлаган эди. Унга хусусий ўқитувчиларни ёллаган, узундан-узоқ панд-насихатлар қилар, кун келиб фабрикани бошқаришда қийналмаслиги учун ўғлига ҳозирдан баъзи ишларни юкламоқда эди. Ўғлини яхши тадбиркор қилиш ниятида туну кун уни назорат қилишга уринарди. Эҳ,

қанийди Тайфурни тезроқ уйлантирса! Шундагина Атифбейнинг елкасидан тоғ ағдарилгандек бўларди. Ва бу орзусини амалга ошириш учун ўзича келин ҳам топиб қўйган эди: Ламия! Ламия ҳам Тайфурни кўрган заҳоти таниди. Истанбулдаги воқеани у ҳам унутмаганди. Шунинг учун ҳам Тайфур билан ўта эҳтиёткор муомала қилди.

Меҳмет Заки билан Леман хоним Тайфур ва Ламиянинг ўртоқ эканидан бениҳоя мамнундек кўринишарди. Абдулкаримдан сас чиқмаётгани учун анчагина жирраки ва асабий бўлиб қолган қизлари Тайфур билан дўстлашгач, ҳаловат топишидан умид қилмоқда эдилар.

Ламия бошида Тайфурга анча совуқ муомала қилди, аммо кун сайин бу муносабат илий бошлади. Чунки Тайфур Абдулкаримга ўхшамас, уларнинг олами жуда ўхшаш эди. Бирга рақс тушишар, пляжларга боришар, казиноларда вақтичоғлик қилишарди. Ламия Тайфур ёнидалигида Абдулкарим эсига тушиб қолса, янги дўстига яна ҳам яқинроқ бўлгиси келарди.

МАРЯМ

Кунлар кунларни, ҳафталар ҳафталарни қувалаб ўтди. Абдулкарим ўша шижоат билан фабрикадаги вазифасини уддалаб келмоқда эди. Бир куни пешин намози арафасида котибаси ёнига келди.

– Дизайнер ишга олиш ҳақидаги эълонимизни ўқиб бир қиз келди, афандим. Гаплашиб кўрасизми?

Абдулкарим мато сотиб олиш учун зудлик билан Измирга кетиши керак эди.

– Сиз қизни кўрган бўлсангиз, нима дейсиз? Яхши мутахассисга ўхшайдими?

– Муҳандис Ражаббейга унчалик маъқул келмабди, афандим. Шунинг учун, ўзингиз ҳам бир кўришингиз кераклигини айтяпти.

Абдулкарим телефондан Ражаббейнинг рақамини терди:

– Дизайнерликка бир хоним келган экан. Сизга унча ёқмабди. Нимага? Билим, малакасини текшириб кўрдингизми?

– Йўқ, афандим, фақат гаплашдим. Қиз ажнабий бўлса керак. Туркчани ҳам тузук-қуруқ билмайди. Шунинг учун унча ишонмадим. Қўлидан нима келишини билмайман.

Фабрикага дизайнер жуда керак эди. Абдулкарим эса қизни синаб ўтирадиган вазиятда эмасди. Измирга самолёт парвоз қилиш соати яқинлашиб бормоқда. Муҳандис Ражабга:

– Синов муддати билан ишга олинг. Кўпи билан бир ой ишлаб кўрсин. Унга гапларимни тушунтиринг, – деди ва шошиб чиқиб кетди.

Абдулкарим Измирга кетганидан бир кун ўтиб фабрикага келган Меҳмет Заки офисда ўтирган нотаниш қизни кўриб, Ражабдан у ҳақида сўради. Қиз Абдулкаримнинг буйруғига кўра ишга олингани, исми Марямлигини билиб олгач, янги ходимни хонасига чақиртирди. Бироздан кейин ёш, чиройли, кўринишидан ҳақиқатан ҳам туркка унча ўхшамайдиган, лекин муслималардек кийиниб олган қиз кириб келди. Меҳмет Заки: “Абдулкарим яна қанақасини ишга олиши мумкин?” – деб ўйлади.

Марямга ўтиришни буюрди. Ёш қиз бошлиқ хонасида тортиниб тургани аниқ эди. Исмини сўраш учун энди оғиз жуфтлаганида, хонага Ламия кириб қолди. Эшикни очар-очмас: “Отажон, сизга меҳмон олиб келдим”, – деди ҳовлиқиб. Ламиянинг орқасидан Тайфур кўринди.

Эшик очилиши билан Марям беихтиёр ўша томонга – Ламияга қаради. Кейин Тайфурга кўзи тушди! Ғалати бўлиб кетди. Тайфур ҳам унга тикилиб қолган эди. Меҳмет Заки ва Ламия ҳайрон қараб туришарди.

Биринчи бўлиб Тайфур гап бошлади:

– Мария, сен?! Бу ерда?..

Ламия нима қилишни, кимдан нимани сўрашни ҳам билмай отасига юзланди:

– Бу қиз ким?

– Мен ҳам танишиш учун энди хонамга чақириб турган эдим. Билишимча, исми Мария эмас, Марям. Икки кун аввал Абдулкарим ишга олибди.

Меҳмет Заки Тайфурга ўгирилди:

– Сиз бу хонимни танийсизми?

Тайфурнинг юзида шайтоний табассум намоён бўлди:

– Таниш ҳам гапми?! Англияда уларникида яшаганман. Бир том остида а-анча яшаганмиз. Мистер Жеймснинг қизи Мария бўладилар хоним афанди...

Шу тариқа янги дизайнернинг ким экани маълум бўлган эди. Аммо Мария ёки Марям ҳамон оғзига толқон солиб, Тайфур ва Ламияга ҳайрат билан тикилиб турарди. Тайфур гапида давом этди:

– Абдулкарим тез-тез бизникига келиб турарди. Мария билан ўшанда танишишган. Тўғриси, мен ораларида нимадир борлигини пайқаган эдим, лекин муносабатлари бунчалар чуқурлашиб кетишини хаёлга келтирмаган эканман. Демак, аввалдан келишиб олишган, Абдулкарим уни бу ерга чақирган. Кўринишидан, Абдулкаримнинг кўнглига қараб, туппа-тузук ўраниб олибди бизнинг Мария!

Марям: “Бўлди, бас! Тилингга эрк берма, Тайфур” – деб ўрнидан турди. Тайфур жим бўлган, сўз навбати энди қизга ўтган эди:

– Ҳа, Абдулкаримни танийман. Ундан жуда миннатдорман ҳам. Чунки у менга исломни ўргатди. Аммо Истанбулга асло уни деб келмадим ва орамизда ҳеч нарса йўқ. Бу ер мусулмонлар диёри эканлиги учун келдим. Тезроқ иш топишим керак эди. Газеталарда берган эълонингизни кўриб қолдим. Кейин сизларга боғландим. Чунки дизайнерлик мутахассислигим бор. Бир ойлик синов муддатидан кейин, агар талабга жавоб берсам, ишга олинишимни айтишди. Абдулкаримнинг юзини ҳам кўрганим йўқ. Бу ерда ишлашини ҳам ҳозир сизлардан эшитиб турибман!

– Ёлғон гапиряпсан!

Бу Ламия эди. Марям унга қаради. Дона-дона қилиб гапирди:

– Мен мусулмонман, ёлғон гапирмайман! Бунга мажбур ҳам эмасман. Ҳа, бир пайтлар Мария эдим. Ҳозир эса, алҳамдулиллаҳ, Марямман. Мария эканлигимда ҳам бирор марта ёлғонга яқинлашмаганман-у, мусулмон бўлганимдан кейин одамларни алдайманми?

Меҳмет Заки хонада вазият тобора таранглашиб бораётганини тушунди. Марямга ишига қайтишини буюрди. Қизхонани тарк қилди.

Марям хонадан чиқиб кетган заҳоти Ламия Тайфурга ўгирилди:

– Энди бу қиз ва Абдулкарим ҳақида нимани билсанг, бизга рўйирост гапир...

Тайфур бир-икки марта ютиниб олди. Аслида, айтишга арзигулик ҳеч нарса йўқ эди. Зеро, Англияда ҳамма воқеалар Тайфурнинг зиддига бўлганди. Абдулкаримнинг фойдасига... Меҳмет Заки ҳамда Ламия унга кўз тикиб туришгани учун нимадир дейишга мажбур эди. Бориб курсига ўтирди.

Меҳмет Заки унга сигарет тутди. Сигарасини тутатиб олгач, гапира бошлади:

– Боя айтганимдек, Англияда мистер Жеймс деган одамнинг уйида турганман. У киши отамнинг яқин дўсти экан. Хуллас, Мария ўша одамнинг қизи. Шўх, шаддод, кўчамакўча таралабедод қилиб юрадиган қиз эди. Кейин, ўқишимизда бир куни Абдулкарим ислом дини ҳақида конференция уюштирди. Унга биз ҳам қатнашган эдик. Мистер Жеймс ва Мария Абдулкаримни илк бор ўша ерда учратишган. Унинг чиқиши, тан олишим керак, бошқалар қатори уларга ҳам ёққанди. Мистер Жеймс ажойиб инсон эди. Ўзи насроний бўлса ҳам, бошқа динлар ҳақида кўп нарса билар эди. Орадан бироз вақт ўтди. Мариянинг туғилган кунига атаб кеча уюштирди. Абдулкаримни ҳам таклиф қилишди. Абдулкарим совға сифатида Қуръоннинг инглизча маънолар таржимасини олиб келган экан. Базмда Мария унинг атрофида гирдиқапалак бўлди. Шундан кейин уларнинг орасида нимадир бошланди. Ўша кечадан кейин Мария қанчалик Абдулкаримга яқинлашишга ҳаракат қилса, у шунчалик қоча бошлади. Мария гўё сеҳрланиб қолгандек эди. Эрталабдан кечгача хаёл суриб ўтирадиган қизга айланиб қолди. Кейин мен Англиядан қайтиб келдим. Аммо оилавий дўстлигимиз ҳалиям давом этапти. Мария уйдан чиқиб кетганини эшитган эдим. Аммо уни бу ерда кўриш етти ухлаб тушимга ҳам кирмаганди!

Тайфурнинг ҳикоясидан Ламиянинг вужуди жимирлай бошлаган эди. Бутун борлиғини рашкка ўхшаган туйғу қоплаб, титраётганди...

Абдулкарим эртаси куни Измирдан қайтгач, эрта тонгда фабрикага келиб, хонасига кирди. Столининг устида бир конверт, унга ўзининг исми ёзилган. Очиб қаради...

Измирга кетаётганида ишга олинган Марям исмли дизайнер қизнинг ишдан бўшаш ҳақидаги аризаси эди. Дарҳол ходимлар бўлимига қўнғироқ қилди ва Марям исмли дизайнер қизни хонасига юборишларини сўради. Бироз ўтгач, эшик тақиллади, рухсатидан кейин очилди. Абдулкарим бошини кўтариб, бошдан-оёқ ўранган, исломий кийиниб олган қизга кўзи тушди. Демак, Марям исмли дизайнер – шу қиз. Кейин нигоҳлар тўқнашди. Ана ўша лаҳзада Абдулкаримнинг кўзлари чақнаб кетди. Вужуди тушуниб бўлмас илиқ туйғулар гирдобидида оҳиста титрай бошлаганини ҳис қилди. Бу ҳолатни умрида биринчи марта кечираётган эди. Қаршисида турган қиз Мария эди!..

Сапчиб ўрнидан турди. Тили айланмай қолди. Фақат: “Мария? Мария, сизмисиз? Яъни Марям”, – дея олди. Юзма-юз ўтирдилар. Иккиси ҳам гапни нимадан бошлашни билмай бир муддат жим қолишди. Иккови ҳам ҳаяжонда эди.

– Ҳайрон бўлиб қолдим, бундай бўлишини ҳечам кутмагандим, – деб гап очди Абдулкарим табассум қилиб. – Туркияга қачон келдингиз? Нега бундан бизнинг хабаримиз бўлмади?

Марям бошини кўтармасдан жавоб қилди:

– Менга совға қилган Қуръонингизни илк марта қўлимга олганимда ҳаётимда жуда муҳим ўзгаришлар бўлишини ҳис қилгандек эдим. Тўғриси, сал аввалроқ. Университетда сўзлаган нутқингизни эшитганимда. Сизни ўша конференциядан олган таассуротларим туфайли туғилган кунимга чақирган эдим. Лекин сизга туйғуларим ҳақида гап очишга жасоратим етмаганди. Чунки сиз ўша пайтгача таниган одамларимдан бутунлай бошқача эдингиз. Қуръондан шу қадар таъсирланган эдимки, уни ўқиб чиққанимдан кейин умуман черковга боргим келмай қолди. Ота-онам мени кофирликда айблашди. Охири тушуниб етдимки, Англияда бошқа қололмас эканман. Буни уйдагиларга очикчасига айт дим. Мени фикримдан қайтаришга роса уринишди. Қўлларида келмагач, мендан воз кечиш билан таҳдид қилиб кўришди. Бироз йиғиб қўйган пулим бор эди. Туркиядан бошқа мусулмонлар диёрини тузукроқ билмас эдим. Сизни таниганим учун биринчи бўлиб шу юртга келишни ўйладим. Бир нечта жойга бориб кўрдим. Аммо ўзингиз яхши биласиз, беш қўл баробар эмас. Кейин сизлар берган эълонни ўқиб қолдим. Келганимда бир ой синов муддати билан ишга қабул қилишларини айтишди, мен рози бўлдим. Бор гап шу...

Абдулкарим диққат билан Марямни тинглади.

– Аммо энди бу ердан ҳам кетмоқчи экансиз. Нега?

Марям ўйга толди. Айтишни хоҳламаётганди, бироқ мажбур эди:

– Кеча фабриканинг бошлиғи мени чақирди. Ким эканлигимга қизиққан бўлса керак, ҳарҳолда. Ҳали гаплашиб улгурмаган эдик, хонага бир қиз кириб келди. Ортидан Тайфур... Қиз бошлиқнинг қизи экан. Тайфур ножўя гаплар айтди шаънимизга. Кейин...

Марям жумлани тугатишга улгурмади. Хона эшиги очилиб, ичкарига Меҳмет Заки, Ламия ва Тайфур кириб келдилар. Абдулкарим билан Марямни ёлғиз кўриш уларни эсанкиратиб қўйгандек эди. Ламия дарҳол калака оҳангида гап бошлади:

– Ў-ў, англиялик Мария хоним ва Абдулкаримбей ёлғиз эканлар. Халақит бериб қўймадикми, ишқилиб?

Абдулкарим Марям нега ишдан кетмоқчилиги сабабини улар келмасидан аввал англаб улгурган эди. Ўрнидан туриб буйруқ оҳангида гапира бошлади.

– Илтимос қиламан, гапингизни ўйлаб гапиринг. Қаршингиздаги Мария эмас, Марям хоним бўлади.

– Ҳа-а, Марям хоним! Кечагина эшитганим учун исми эсимда қолмабди. Бироқ фабрикамиздан кетаётган экан, афсус!

Ламия, ўзича масхара қилиб, Абдулкаримнинг ёнида ғалаба нашидасини сураётган эди. Меҳмет Заки эса хонага кириб қолганларидан пушаймон бўлаётганди. У фақатгина одоб юзасидан “яхши бориб келдингизми” дегани кирган эди, холос. Аммо бўлар иш бўлди.

Абдулкарим:

– Фабрика учун ходимларни ишга олиб, ишдан бўшатиш сизнинг ихтиёрингизда эмас, – деди қатъият билан. – Ҳа, Марям хоним ишдан бўшаш ҳақида ариза ёзибди. Бу ҳақида хабар топдим. Аризаси рад қилинди ва ҳеч қаерга кетмайди. Ламиянинг юзи бўзариб кетди. Бироқ чекингиси келмади:

– Тушунарли, бу ер худди отангиздан қолгандек гаплашяпсиз мен билан. Эсингизда бўлса...

– Эсимда, – деб Ламиянинг гапини бўлди Абдулкарим. – Эсимда, бу ер отамдан қолмаган. Аммо ҳозирча кимни ишга олиш, айниқса, мен билан ишлайдиган мутахассисни ишга олиш-олмасликни ўзим ҳал қиламан.

Абдулкаримнинг асаблари таранглашди. Меҳмет Закига қаради:

– Илтимос қиламан, қизингиз ва меҳмонингизга бу ер менинг хизматхонам эканлигини, иш вақтида халақит бермасликлари кераклигини эслатиб қўйинг!

Меҳмет Заки ҳеч қачон бундай ҳолатга тушмаган эди. Ламиянинг кўзлари олакула бўлиб кетди. Отасига қаради. Нимадир дейишини, Абдулкаримга ўрнини билдириб қўйишини хоҳлади. Аммо бундай бўлмади. Меҳмет Заки қизига қаради:

– Марҳамат, ташқарига чиқайлик, – деди, холос. Бу воқеа фабрикани ларзага келтирди. Барчанинг оғзида шу гап, тилдан-тилга ўтиб, ҳатто сотувчиларгача етиб борди. Леман хоним буни қизи ва Тайфурдан эшитиб, тепа сочи тикка бўлди, ақлдан озишига оз қолди.

– Оддий бир ишчи қандай қилиб бошлиққа қарши чиқиши мумкин?

– Оддий бир муҳандис фабрика эгасининг қизини ҳақоратлашга қандай журъат қилди?

– У бефаҳмни ҳозироқ ишдан ҳайдаш лозим!

– Хоҳ муҳандис бўлсин, хоҳ ишчи! Ҳаддини билмайдиган кишига фабрикамизда жой йўқ!

Леман ва Ламия шунга ўхшаш норозиликлар билан Меҳмет Закининг қулоқ-миясини еб юборишди. Навбатдаги оқшомлардан бири. Онаю қиз одатдагидек бақир-чақир қилиб, Абдулкаримга кўча эшигини кўрсатиб қўйишини яна талаб қилишмоқда. Меҳмет Заки ғинг демасдан эшитиб ўтирибди. Яна, яна бироз тинглади, ва ниҳоят, сўради:

– Бўлдими, тугадими? Бошқа гапингиз қолмадими?

Она-бола Меҳмет Закига ҳайрон қарадилар. Ламия:

– Тугамади. Биз бу одамдан қутулмагунимизча тугамайди ҳам!

Меҳмет Заки уларга ғазабланиб қаради. Кейин:

– Севинишингиз мумкин, Абдулкарим ишдан кетди. Марям ҳам... Хурсанд бўлаверинглар! Лекин мен ҳайдамадим. Сизларнинг гапингизга кириб ҳайдаш ниятим ҳам йўқ эди, аслида! Ўзлари кетишди. Қанча ялиниб-ёлворишимга қарамасдан, уларни олиб қололмадим! Қарзини охирги тийинигача тўлади ва нарсаларини йиғиштириб чиқиб кетди. Қани! Байрам қилмайсизларми энди!

Меҳмет Заки ўрнидан туриб, хотини ва қизининг юзига ҳам қарамасдан чиқиб кетди. Ламия ва Леман хоним бир-бирларига бақрайиб қолишди...

КУТИЛМАГАН ИШ

Юсуф афанди Абдулкарим қишлоққа қайтиб келгач, бошида бироз хавотирланди, аммо сабабини билиб олганидан кейин хавотири севинчга айланди. Анчадан бери ичида бир ваҳима яшар эди. Абдулкарим бир кун келиб пулга, мол-дунёга мағлуб бўлиб, ҳаром луқмага қўл узатиб қўйса-я! Шу фикр унга тинчлик бермас эди. Яна... кунларнинг бирида ўғли Истанбулдан очиқ-сочиқ кийинган қизни эргаштириб кириб келишидан кўрқар эди.

Бу кўрқувлар баъзан тушларига ҳам кириб, Юсуфга тинчлик бермас эди. Шунча ишдан кейин ўғлининг ғоятда ҳақли сабаб билан ота-онасининг бағрига қайтиб келиши Юсуфни қаттиқ севинтирди. У билан бирга амалга

оширмоқчи бўлган режалари ҳам бор эди. Бир куни кечки овқат маҳалида шу ҳақида гап очиб қолди.

– Ўғлим, қайтиб келганинг бир томондан жуда яхши бўлди. Мен энди қариб қолдим. Ферма ишлари менга оғирлик қиляпти. Худога шукур, меҳнатларимнинг самарасини кўриб турибман. Агар қарши бўлмасанг, бисотимизда нима бўлса сотиб, пулига тўқиш ускуналари олайлик. Абдураҳимни ҳам ёнимизга чақирамиз. Ўзимизнинг фирмамаизни очайлик, ахир. Нима дейсан?

Бу фикр Абдулкаримга жуда ёқиб тушди. Отаси, ростдан ҳам жуда яхши режани айтган эди. Ўтган йиллар мобайнида анча-мунча сармояга эга бўлишган эди. Ўзининг ҳам анча-мунча йиғиб қўйган пули бор. Абдураҳим ҳам ҳисса қўшадиган бўлса, кичикроқ фабрика очиб, тадбиркорликни бошлашлари мумкин.

Юсуф афандининг режаси амалга ошди. Абдураҳим ҳам Қирққалъадаги ишидан бўшади ва фирма таъсисчиларидан бирига айланди. Ҳатто Ойшанинг қаллиғи Фарид ҳам қишлоқдаги ерини сотиб, бу шерикчиликка қўшилди.

Абдулкарим Ёзгатга қайтаётганида, Марямни яқин бир дўстининг ёнига ишга жойлаб келган эди. Энди, кичикроқ бўлса ҳам ўзлари фабрика очганларидан кейин, Марям ҳақида отасига гап очди. Отасининг розилиги билан Марямни ёнига чақариб олди.

Юсуф афанди бошида Марям исмидан бироз чўчиган эди, аммо қиз Ёзгатга келгач, бу хавотир тарқаб кетди. Марямни ўз қизидек яхши кўриб, унга тан берди. У аслиингл из бўлса ҳам, Ёзгатдаги қанчадан-қанча турк хотинларига қараганда диндорроқ ва тақводорроқ эди! Абдулкарим яна енг шимариб ишга киришиб кетди. Қисқа вақт ичида меҳнатлари мева бера бошлади. Фабрика маҳсулотлари таърифи Ёзгатга, секин-секин бошқа шаҳарларга ҳам тарқалди. Кунларнинг бирида дастурхон атрофида суҳбатлашиб ўтиришганди. Юсуф афанди гап очди:

– Менга қулоқ сол, ўғлим. Ишларимиз, Аллоҳга шукурлар бўлсин, ўйлаганимиздан ҳам яхши кетяпти. Мен қариб қолдим. Сенинг ёшинг ҳам ўтиб боряпти. Тенгдошларингнинг болалари мактабга чиқяпти. Шу Марям қизим сенга муносиб. Сезишимча, сенда кўнгли бор. Динига амал қилиш учун шунча йўл босиб ўтган, бу йўлда ота-онасини ҳам ташлаб келган бу қизни ҳимоя қилиш бизнинг ҳам бурчимиз. Хулқи хулқимизга, фикри фикримизга мос. Менга қолса, сен учун энг муносиб умр йўлдоши – Марям. Хўп десанг, мен шу ишни охирига етказмоқчиман.

Иш борасида отаси билан бемалол гаплашадиган Абдулкарим уйланиш ҳақида гап очилгач, бирдан жимиб қолди. Аслида, ўзи ҳам Марямга уйланишга тайёр. Ичида жон деб турибди. Яна бошини эгди:

– Ўзингиз яхшироқ биласиз. Сиз нима десангиз – шу!

Юсуф афанди ҳам ўғлидан айнан шу жавобни кутганди. Кулиб ўғлининг елкасини силади. Кейин ўрнидан кўзгалди.

– Сен шу ерда кутиб тур-чи, – деб хонадан чиқди. Тўппа-тўғри Марямнинг хонасига қараб кетди. Эшикни тақиллатди. Марямдан изн олгач, ичкарига кирди. Марям Юсуф афанди бежиз келмаганини сезиб турарди. Чунки Юсуф афанди шу пайтгача у билан ёлғиз гаплашмаган.

– Марҳамат, афандим!

Юсуф ерга ёзиғлиқ кўрпачага чордана қурди. Марямнинг ҳам ўтиришини сўради. Секин-секин гап бошлади.

– Эшит, қизим, уйимизга, юртимизга келиб бизни бени ҳоя мамнун ва бахтиёр қилдинг. Шу даражада мамнунмизки, мен сени Аллоҳнинг амри, Пайғамбарнинг қавли билан ўғлимга келин қилмоқчиман. Буни сен билан бир дўст, ҳатто бир ота сифатида гаплашиш учун ёнингга келдим. Шу таклифга нима дейсан, менга очиғини айтаверишинг мумкин.

Марям шошиб қолди. Бутун кунларини Абдулкарим билан оила қуриш хаёли билан ўтказар, аммо ҳозир орзуларининг бунчалар осон рўёбга чиқаётганига ишонгиси келмаётган эди. Бошини қуйи солганча жимгина ўтирарди. “Ҳа” деёлмади, аммо кўзларидан сизаётган ёшлар унинг қалб тўридан розилигининг аломати ўлароқ қайнаб чиқмоқда эди. Юсуф оталарча меҳр билан унинг бошини силади:

– Унда, қизим, хайрли бўлсин, иншааллоҳ!

Абдулкарим билан Марям, Ойша билан Фарид бир кунда қилинган тўй кечаси чимилдиққа кирдилар. Юсуф афанди учун ўша кун ҳаётидаги энг бахтли кунлардан бири бўлди.

Корхоналари кун сайин кенгайиб бормоқда эди. Янги ишчилар ола бошладилар. Ишчиларнинг барчасига олинган фойдадан ҳисса ажратилар эди. Иш соатлари маълум соатларга боғлаб қўйилмаганди. Ҳар кунлик иш режалари бор, режа бажарилгунча ишлашда давом этиларди.

Бир куни Меҳмет Заки Ёзгатга келди. Мақсади – нима қилиб бўлса ҳам, Абдулкаримни Истанбулга қайтариш. Лекин унинг янги ишхонаси ва иш суръатини кўриб, бу ниятига эришолмаслигини англаб етди. Ишларига омад тилагач, қандай келган бўлса, яна ўшандай Истанбулга қайтиб кетди.

Яна бирмунча вақтдан сўнг кутилмаганда мистер Жеймс кириб келди. Қизининг ҳасратига чидай олмаган ота унинг мусулмонлигига кўниб, Англияга олиб кетмоқчи бўлди. Марямни исломий либосларда кўриб, жуда ҳайрон қолди. Аммо жаҳли чиқмади. Қизини ортиқ қайтаролмаслигига кўзи етгач, унга бахт тилашдан бошқа иложи йўқ эди. Бир неча кун меҳмон бўлиб, Юсуф афанди билан Ёзгатнинг тарихий ерларини кезишди.

Кетадиган куни Юсуфга:

– Қайтыпман-у, кўнглим тинч, – деди. – Қизим билан куёвим дунё уйларини обод қилиш билан бирга, охират диёрлари учун ҳам тайёргарлик кўришнинг уддасидан чиқишаётган экан. Жисман бўлмаса ҳам, руҳан улар билан биргаман. Мен уларнинг ҳақиқа дуо қиламан. Тилагим, сизлар ҳам мен учун дуо қилсангиз. Куёвим ишида муваффақият қозонишига шубҳам йўқ. Унга кўлимдан келганича ёрдам бераман.

Юсуф афандига қудаси жуда маъқул келган эди. Мусулмон бўлмаса ҳам, ислом дини ҳақида анча-мунча нарса билар экан. Ичида бу бандасига ҳам жаноби Ҳақдан ҳидоят сўраб дуолар қилди.

Юсуф афанди ва Абдулкарим бошчилигида ташкил қилинган корхона кечаю кундуз изланиб ишлашда давом этар, тўқилган матолар жуда харидоргир эди. Баъзи харидорлар мол учун аввалдан пул тўлаб, навбатда турмоқчи бўлишар, аммо бу ниятларини Абдулкарим ҳам, Юсуф афанди ҳам қабул қилишмас эди. Улар бундай тижоратга ўрганишмаганди. Фақат тайёр молларини пулга сотиб, бошқа харидорларга навбати келгунича кутишларини айтишарди. Юсуф афанди кўзи очиклигида фарзандларининг шундай ишни бошлаб олишгани учун ўзида йўқ хурсанд, бунинг учун Яратганга тинмай шукрлар қиларди.

Бу орада Абдулкарим ўғилли бўлди, исмини Юсуф қўйдилар. Энди бобо ва набира Юсуфлар деярли бутун кунни бирга ўтказадиган бўлдилар. Кунлар ўтгани сари Юсуф афандини бир ташвиш боса бошлади. Барчага аҳволи яхшилигини айтса ҳам, аслида, тез-тез терлаб, ҳолсизланарди.

Бир оқшом барча фарзандларини ёнига чақирди. Уларга гапи бор эди. Барчалари унинг атрофига чўкка тушиб ўтирдилар.

– Болаларим, кўриб турганингиздек, кундан-кунга нураб боряпман. Умр ўзи шунақа нарса. Одам туғилади, яшайди ва ўтади... Ўлимга ҳеч қандай чора йўқ. Аллоҳ таоло бизни инсон қилиб яратди. Ўзига ибодат қилишимиз учун бизга ирода ато этди. Биз иродамиз етганича курашамиз, нафсимизни, шаҳватимизни енгамиз. Ҳақ таолога бўлган бандалик бурчларимизни бажарамиз. Дилбандларим! Шу йўлда қолишни хоҳласангиз, нафсни йўлдан оздирадиган ичкиликни асло уйингизга киритманг. Ҳаром луқмадан ҳазар қилинглар. Ризқингиз кенг бўлиши учун, албатта, шунга яраша ишланглар, лекин топганларингизни Аллоҳ буюрган жойлардан бошқасига сарфламанглар. Унутмангки, мол- дунё инсонга фақат жаҳаннамдан жой ҳозирлайди! Даромадингиздан, ҳақингиздан закотларингизни тўкис беринглар. Йўқсилларга, дин ва илм йўлида бўлганларга кўмаклашинг. Насихатларимни бажарсаларинг, бу дунёда насиб этган саодатни охират диёрида ҳам тотишда давом этасизлар, иншааллоҳ...

Юсуф афанди жондан ортиқ севган фарзандларига шу гапларни айта олганидан мамнун эди. Аммо яна бир нарса борки, тилининг учида турган бўлса ҳам, айтишга журъат қилолмади. Аллоҳ хоҳлаган пайтида, албатта, ўлим фариштаси келади. Ана ўшанда Абдулкарим ҳам бошқа фарзандлари қаторида меросдан улуш олади. Бу эса ҳаром! Чунки у ўз ўғли эмас...

Бутун умри давомида ҳаром луқмадан ҳазар қилган Юсуф афанди бундай ишга қандай йўл қўйиши мумкин?! Шу фикр уни қийнаб юборган эди. Аммо Абдулкаримга: “Сен менинг ўғлим эмассан”, дея олмаётган эди.

У Абдулкаримни ҳалол-ҳаромнинг фарқига бормайдиган инсонлардан қутқариб, уни чин мусулмон қилиб тарбиялаш учун ёнига олганди. Бунинг уддасидан чиқаётганига ишонарди. Ҳозир, умрининг сўнгги кунларидаги бордарду ғами шу муаммо билан боғлиқ эди.

ҲАҚИҚАТ – АЧЧИҚ

Юсуф афанди ётиб қолди. Абдулкарим эртаю кеч отасининг бошида парвона. Ёзгатдаги барча табибларни олиб келиб кўрсатди, аммо отасининг аҳволи ўнгланиш ўрнига тобора оғирлашмоқда. Абдулкарим Истанбулга йўл олди... У ердан энг яхши докторни топиб келади отаси учун.

Юсуф эса энди ҳеч қандай табиб дардини енгиллата олмаслигини билиб ётарди. Уни фақат Абдулкарим масаласи қийнамоқда эди. Бу ҳақиқатни шунча йил сир сақлаш ичини кемириб, охири фалаж деган дард кўринишида ётоққа михлаб қўйганди.

Бир куни хуфтон намозидан кейин Юсуф афанди бироз енгиллашгандай бўлди. Бошида Абдурахим Қуръон ўқиб ўтирганди. Отасига қаради. Отаси ҳам унга тикилиб турган экан. Яқинроқ келиш ишорасини кўриб, янада яқинроқ жойлашиб олди. Юсуф қийинчилик билан базўр гапирди. Гапларини тушуниш қийин бўлаётганди.

– Болам, бошқа чидай олмайман... Абдулкарим...

Юсуф жимиб қолди. Абдурахим янада яқинроқ келди.

– Ҳа, отажон, акамга нимадир демоқчимисиз?

Юсуф “ҳа” деган ишора билан бошини қимирлатди. Кейин яна гапиришга уриниб кўрди.

– Абдулкарим... аканг... ўз аканг эмас... уни болалигида Улуғтоғдан топиб олганман... Ҳақиқий отаси ким эканлигини айтмаганлигим учун гуноҳкорман. Ўлганимдан кейин меросимдан улуш бўлинаётганда рози бўлинглар...

Юсуф афанди яна жим қолди. Бошқа гапира олмади. Абдурахимнинг юзи деярли отасининг юзига тегадиган даражада яқин келди. Ёки алаҳсираяптимиқан-а! Кўзларидан бир неча томчи ёш сизиб ёстикқа думалади.

– Ота, нималар деяпсиз? – Юсуф ҳеч нарсани эшитмаётган эди. Гўё комага тушиб қолгандек эди.

Абдулкарим эртаси куни Истанбулдан қайтди. Ёнида бир шифокор ва отасининг дўсти Ибиш афанди. Ўрта ёшлардаги доктор Юсуфни анча текширди. Керакли муолажаларни қилди. Кейин қоғозга алланималар ёзди. Ташқарига чиққанларида Абдулкарим докторга тикилди, у босиқлик билан жавоб берди:

– Афсуски, қўлимиздан ҳеч нарса келмайди. Тана тез-тез фалаж ҳолатига тушиб қоляпти. Юрак уриши ҳам жуда суст. Жарроҳлик амалиётига юраги ярамайди, деб ўйлайман. Бу ёғига фақат Аллоҳдан умид қилинади!

Абдулкаримнинг кўз олди қоронгилашиб кетди. Докторни кузатиб қўйишдан бошқа чораси қолмаганди. Ибиш афанди билан бирга отасининг ёнига қайтдилар. Юсуфнинг кўзлари бироз очилгандай бўлди. Ибишни кўрганидан севинганди. Бир амаллаб қўлини узатди. Ибиш югуриб бориб дўстининг қўлини тутди. Юсуфнинг кўзлари Абдулкаримга қаради.

– Илтимос, мени кечир, – деб пичирлади.

Барча ҳайрон. Абдулкарим отасининг ёнига чўккалади. Бошини силади, қўлларидан ўпди. Ибиш афанди Юсуфнинг қулоғига яқин келиб Калимаи шаҳодатни такрорлай бошлади. Юсуф ҳам унинг ортидан қайтарди. Кейин кўзлар тўқнашди. Юсуфнинг юзида табассумга ўхшаш нимадир кўринди ва шундайлигича қотиб қолди. Юсуф бу дунёдан шу тариқа ўтган эди.

Юсуфнинг ўлими бутун Шоҳмуротли қишлоғини мотамхонага айлантириб юборди. Уни Абдулкаримнинг ўзи ювиб, кафанлади. Жаноза намозини “Улуғ Жоме” да ўқиганларидан кейин такбир садолари остида уни жойига қўйдилар...

Юсуфнинг вафотига ҳам уч ой бўлди. Абдулкарим ва укалари яна ишларида банд. Ораларида мерос тақсимлангани йўқ. Абдулкарим бир сафар шу ҳақда гапирганди, Зайнаб бу ишда шошилмаслик кераклигини айтди.

Бир неча ойдан кейин Абдурахим ҳам уйланиб, чимилдиққа қадам қўйди. Онаси мерос тақсимлашни нега кечиктираётганини у ҳам яхши билар, аммо юрак ютиб акасига айтолмасди. Ҳақиқатни билиб олгач, Абдулкарим уларни ташлаб кетишидан кўрқаётган эдилар. Чунки уни жуда яхши кўришади.

Бир куни тунда... Зайнабнинг тушига Юсуф кирди. Зайнабга:

– Омонатни ўғлим Абдулкаримдан нега сақлаяпсизлар? – деб бақирди зарда билан. Зайнаб баланд овозда йиғлаб уйғониб кетди. Овозини Абдулкарим ҳам эшитиб, тезда онасининг олдига келди.

– Онажон, нима бўлди? Нега йиғлаяпсиз?

Зайнаб кўзларини Абдулкаримдан яширишга уринди.

– Онажон, менга нимадир демоқчимисиз?

Зайнаб титрар, Абдулкарим онасига ҳайрон термилиб ўтирарди. Зайнаб ўғлини маҳкам қучди. Ўксиб-ўксиб йиғлади. Кейин оҳиста гап бошлади:

– Болажоним, отангнинг бир омонати бор. Буни сенга айтишга кўрқиб юрган эдим. Ҳозир уни тушимда кўрдим. Сендан яшираётганим учун мендан дарғазаб...

Абдулкаримнинг қизиқиши ортди:

– Нималар деяпсиз, онажон?

Зайнаб давом этди:

– Яхшилаб эшит, болам! Бу гапни сенга айтишим жуда қийин! – Она кейин кўзларини юмиб олди. – Юсуф сенинг ҳақиқий отанг эмасди!

Бу жумла тўлқинланиб, акс садога айланди ва деворларга урилиб бир неча марта Абдулкаримнинг қулоғида жаранглади. Абдулкаримнинг қулоқлари чийиллай бошлади.

– Нималар деяпсиз, она. – Қўлларини онасидан тортиб

олди. Зайнаб яна Абдулкаримни қучмоқчидек қўлларини унга қараб узатганча гапира бошлади. – Отанг нима қилган бўлса, сенга яхши бўлишини истаган, ўғлим. Ёлвораман, менга ишон!

Абдулкарим қотиб қолганди. Қўллари билан бошини қучганча хаста овоз чиқарарди, холос.

– Нега, нега шунча йил мендан яшириб келдинглар бу ҳақиқатни? Хўш, унда мен кимман? Мени қаердан олиб келгансизлар?

– Отанг сени Улуғтоғдан топиб олган экан. У ерга сени ташлаб кетолмасди. Бутун умри давомида сен учун қўлидан келган яхшилигини қилди. Ёлвораман, отангдан ғазабланма...

Зайнаб ялиниб-ёлвораётган бўлса, Абдулкарим ҳозиргина барбод бўлган дунёси учун инграшда давом этарди.

– Лекин нега менинг хабарим йўқ эди? Ҳеч бўлмаса излаб, ўз отамни топган бўлармидим! Аммо энди кимнинг боласи эканим ҳам номаълум, зотининг тайини йўқ бир одамман!

Зайнаб гаплашадиган аҳволда эмасди. Абдулкарим ўрнидан турди, ҳаётида илк бор онасининг юзига ҳам боқмасдан хонадан чиқиб кетди.

Ўз хонасида аёли Марям ва ўғли Юсуф уни кутишаётган эди. Бироқ у суҳбатлашадиган, ҳар доимгидек Юсуф билан ўйнайдиган аҳволда эмасди. Ўзини ётоққа ташлади, силкиниб-силкиниб йиғлай бошлади. Марям унинг ёнига келди. Нима қилишга шошиб қолган эди.

– Абдулкарим, сизга нима бўлди? Нега йиғлаяпсиз?

– Ҳеч нарса, – деди бошини ҳам кўтармай.

– Ҳеч нарсами? Ахир қандай қилиб ҳеч нарса бўлиши мумкин? Туриб ўзингизга бир қаранг-чи, қандай аҳволда экансиз!

Марямнинг бу гапи унга таъсир қилди шекилли, тинчланишга уринди. Бошини бироз кўтарди. Марям унга жонкуярлик билан боқиб турарди.

– Мен кимман, Марям? Буни биласанми?

– Албатта, биламан.

– Билмайсан, Марям. Ҳатто ўзим ҳам билмайман-у, сен қаердан билардинг! Чунки Юсуф афанди ҳақиқий отам эмас экан. Буни ҳозиргина айтишди. Яъни мен... бир...

Марям:

– Бор дардингиз, мусибатингиз шу холосми? Абдулкарим аёлига терс қаради.

– Нима, шунчаси камми? Марям унинг бўйнидан кучди. Секин-секин таскин бера бошлади:

– Сиз ахир менинг жуфти ҳалолимсиз, Аллоҳни таниган одамсиз. Қандай қилиб Худо ёзган тақдирга бунча исёнкорлик қилишингиз мумкин? Юсуф афанди сизга ёмон тарбия бердими ёки Аллоҳга исёнкор қилиб ўстирдими? Ўша пайтда нимадир бўлган бўлса, сизда нима гуноҳ? Ҳали сиз билмайдиган яна қанча сир бордир. Юсуф афанди мен билган энг яхши инсонлардан бири. Сизга буни айтмаган бўлса, албатта, бир сабаби бор. Қандай қилиб унинг шунча яхшиликларини бир зумда унутиб юбориш мумкин? Биламан, жаҳлингиз чиқяпти. Хафа бўлишга ҳақингиз ҳам бор. Илтимос, туринг-да, таҳорат олиб келинг. Бу сизни тинчлантиради. Кейин исёнкор ва шошқалоқлигимиз учун биргаликда Аллоҳга тавба қиламиз, қани!

Абдулкарим аёлига қаради. У тўғри айтаётганди. Бир зумда телбага айланиб, онасининг ҳам кўнглини оғритган эди. Шошмасдан ўрнидан турди. Уларга ҳайрон қараб ётган Юсуфни кучоғига олиб, ҳидлади, ўпди. Кейин бориб таҳорат олиб келди. Бироз аввалги исёни учун тавба-тазарру қилди. Оритдан Юсуф афандининг руҳига бағишлаб Қуръон тиловат қилди.

Сал ўтиб эшик тақиллади, Абдурахим экан. Бироз тортиниб ичкарига кирди. Акам ғазабнок ҳолда деб ўйлаган бўлса керак, ҳарҳолда. Кейин Абдулкаримнинг юзидаги табассумни кўриб, унинг ҳам юзига табассум югурди. Абдулкарим бўсағада турган укасига қараб:

– Нега остонада қаққайиб турибсан? Ичкарига кирсангчи.

Абдурахим келиб акасининг ёнига чўқди. Марям уларга қаҳва дамлаб келди.

– Сиқилиб ўтирибман, онамни ҳам хафа қилиб қўйдим.

Энди бориб узр сўрамоқчи бўлиб тургандим.

Абдурахим:

– Истасангиз, мен ҳам бирга бораман. Сизга оғир ботиши табиий. Аммо на чора, одам тақдирга қарши чиқолмайди-ку!

– Ҳа, гапинг тўғри. Аммо шунча йилдан бери отам деб суйиб, қучган одамнинг отам эмаслигини билиб қолгач... Онамнинг гапларидан ўзимни йўқотиб қўйдим. Жуда кичиклигимда бир тоғ этагидан топиб олган экан. Отам буни ҳаммадан яширган экан. Мени асраб-авайлаб катта қилди, ўқитди, тарбиялади. Ундан жуда кўп қарзим бор, – бир лаҳза жим қолди. – Тавба, Абдурахим, паспортимда исмим Абдулкарим, туғилган жойим эса Шоҳмуротли. Онамнинг исми Зайнаб, отамники эса Юсуф деб ёзилган. Мен асранди бўлсам, булар нега ўзгармаган?

Абдурахим акасининг кўзларига қараб секин гапира бошлади:

– Онам айтди. Бизнинг бир акамиз бўлган экан. Исми Абдулкарим экан. Дадам у пайтлари Улуғтоғда ишлар экан. Акамиз менингит касаллигидан вафот этган экан. У ўлгач, отам Мурод хожи деган одамнинг фермасидаги ишини ташлаб Ёзгатга қайтаётганида сизни топиб олган экан. Сиз акамизга жуда ўхшар экансиз. Отам ҳам сизни ҳаммага Абдулкарим деб таништирган экан...

– Хўп, отам буларни нега соғлигида айтмаган экан-а?

Абдурахим индамай бошини қуйи солди:

– Айтган эди. Фақат менга айтганди. Сизга ҳам айтмоқчи эди, аммо бунга журъат қилолмади. Ўзингиз ҳам яхши биласиз, отам сизни ҳаммамиздан ҳам кўпроқ яхши кўрар эди. Ҳақиқатни эшитгач, балки уни айбламасангиз ҳам, бизни ташлаб кетишингиздан қўрққан бўлса керак... У ёғи менга қоронғи. Агар ўртада мерос масаласи бўлмаганида эди, бу ҳақида ҳеч биримизга айтмаган бўларди. Аммо мерос деб ҳаромга араллашиб қолишингиздан қўрққани учун менга айтган эди. Шундаям сўнгги нафасларида...

Абдулкарим:

– Қанийди айтганида, – деб пичирлади. – Қандай қилиб унинг кўнглини оғритишим мумкин? Пул ҳам бизни айириши мумкинми! Аммо айтганингдек, пешанамизга ёзилгани шу экан. Ҳозир дод-вой қилиш бефойда. Фақат

ўйламасликнинг ҳам иложи йўқ. Отам ким экан-а? Бу ҳақида ҳеч нарса демаганмиди?

– Афсуски, ҳеч нарса билмайман, ака.

– Майли, кўявер. Қани, энди онамнинг ёнига борайлик-чи. Зайнабнинг ёнига бордилар. Абдулкарим онасининг қўлларидан ўпиб кечирим сўради.

– Сен менинг боламсан, ўзимнинг ўғлимсан, – деб Зайнаб тўлиб-тўлиб йиғлади...

ҲАҚИҚИЙ ОТА

Бу кўнгилсиз воқеа бир муддат ўтиб унутилгандек бўлди. Абдулкаримнинг Ёзгатдаги кичик корхонаси ишлашда давом этди. Отасининг ҳиссаси ҳам унга ўтгач, Абдурахим асосий таъсисчига айланган бўлса ҳам, аввалгидек бошқарувни акасининг зиммасида қолдирган эди. Ишлар яхши кетмоқда, аммо ҳақиқий отаси ким эканлиги Абдулкаримга туну кун тинчлик бермаётганди. Ким бўлса ҳам, қандай одам бўлса ҳам, уни топишни хоҳларди. Бурсада ким йигирма беш йилча илгари ўғлини йўқотган экан-а!

Бу ҳақида суриштириш учун фабрикада ишловчи Ҳасан исмли бурсалик бир йигитни шаҳрига юборди. Кейин сабрсизлик билан хабар кута бошлади. Икки кундан кейин шаҳарга тушди. Пешинни “Улуғ Жоме”да ўқиб, ташқарига чиқаётганида, Ҳасанга кўзи тушди. У Абдулкаримни кутиб турган экан. Ҳаяжонланганидан, салом-аликни ҳам унутиб, ишчига савол ёғдира бошлади:

– Тинчликми, Ҳасан? Бирор хабар борми?

Ҳасан оғзи қулоғида:

– Хабар ҳам гапми, афандим, ўзини топдим!

Абдулкарим довдираб қолди. Қулоқларига ишонмаётганди.

– Ўзини топдинг? Нима дединг?

– Отангизни топдим, афандим. Офисда сизни кутиб ўтирибди.

– Ҳасан, илтимос, тезроқ айт! Қанақа одам экан?

– Катта бойлардан экан! Бурсада катта текстиллари бор экан...

Абдулкарим бир машинани тўхтатди. Йўлда яна янги маълумотлар билишга уринар эди:

– Ҳасан, Бурсада нималар бўлди?

– Отангизни жуда осон топдим. Худо йўлимизни очди.

Бу ҳақда аввал отамга гапирдим. У анча йиллар олдин бир фабрикада ишлаган экан. Бошлиғи ўша пайтлар ўғлини йўқотиб қўйганини, шундан бери хабар йўқ эканини айтди.

Ўғлининг жасади ҳам топилмагани учун ҳамон уни умид билан кутишаётган экан. Дадам билан ўша кишининг ёнига бордик. Унга бор гапни айтиб бердим. Бечора киприк қоқмай мени тинглади. Кейин мен билан бирга йўлга тушди.

Оиласига хабар бермади. Офисга борсак, сизнинг шаҳарга кетганингизни айтишди. Қарасам, кутишга унинг ҳеч тоқати йўқ. Пешин вақтида масжидда бўлсангиз керак, деб тўғри шу ерга келавердим. Ҳалиги одам тинмай сиз ҳақингизда сўраб келди. Ўшанда уч ёшга тўлган экансиз. Қанақадир базм кечасида йўқолиб қолган экансиз. Изламаган жойлари қолмаган экан. Бир куни келиб қолар, деб ҳозиргача эшик пойлаб ўтирар экан. Кўрсангиз эди, буларни айтиб йиғлади бечора. Сизни шундай бетоқат кутиб ўтирибдики...

Абдулкарим офисга яқинлашгани сари оёқлари чалкашиб кетаётганини ҳис қилди. Хонасининг эшигини очди. Ичкарида сочларига оқ тушган, олтмиш ёшлар чамаси бир киши ўтирарди. Бир муддат бир-бирларига тикилиб қолдилар. Сўнг ичкаридаги киши Абдулкаримга қараб югуриб келди. Уни маҳкам қучоқлади. Юзларидан, кўзларидан ўпиб, қўллари билан сочларини силай бошлади.

– Бу сенсан, Абдулкарим, сенсан! Сендан бошқаси бўлиши мумкин ҳам эмас! Бу кўзлар, бу бурун, бу чуқур ёноқ...

Сен менинг ўғлимсан!

Абдулкарим ҳам:

– Отажон, – деб уни маҳкам қучоқлади. У ҳам йиғлаётган эди.

Шу лаҳзаларда Абдураҳим ичкарига кириб келди. У бўлиб ўтган ишларни Ҳасандан эшитганди. Ота-болани қучоқлашган ҳолда кўриб ҳам севинди, ҳам ичидан ғалати бир туйғу ўтди. Энди акаси уларни ташлаб кетармикан? Атифбей узоқ йиллик дарду ҳасратдан кейин, ниҳоят, жигарбандини топган эди. Тинмасдан Яратганга шукрона келтираётганди.

Абдурахим жилмайиб, бориб Атифбейнинг қўлини ўпди. Ундаги маҳзунликни акаси ҳам сезиб улгурган эди.

– Укажон, илтимос, оч қовоғингни. Бугун ҳаётимдаги энг бахтли кун. Ҳақиқий отамни топдим. Аммо сен барибир менинг укамсан ва доим шундай бўлиб қолади. Тўғрими, ота?

Атифбей кулиб жавоб берди.

– Албатта, албатта!

Ҳаммалари биргалиқда уйга келишди. Эшикнинг ёнида Юсуф ўйнаб ўтирган экан. Абдулкарим дарҳол:

– Ота, бу неварангиз бўлади!..

Атифбей Юсуфни қўлига олиб қучди ва болани кўтариб ичкарига кирди. Абдулкарим севинч билан Марямнинг ёнига югурди. Унга қисқа қилиб отасини топгани ва ҳозир у билан бирга келганини айтди. Марям ҳам шошиб хонага кириб келди. Атифбей билан кўзлар тўқнашди. Атифбей биринчи бўлиб гапирди:

– Мария! Сенмисан?

Марям жилмайишга уринди. Келиб қайнатасининг қўлини ўпди. Зотан, у билан Англияда танишиб улгурган эди. У – Тайфурнинг отаси! Демак, Тайфур Абдулкаримнинг укаси! Фикри айқаш-уйқаш бўлиб кетди. Бу ёғи энди қандоқ бўлади!

Абдулкарим ҳеч нарсага тушунмай уларни кузатиб турганида, Атифбей Марямни қаердан танишини айтиб берди.

Шунда Абдулкарим:

– Ҳа, албатта! Ўша куни сиз ҳам бирга эдингиз. Демак, бир том остида, бир жойда ўтирганимиздан хабаримиз бўлмаган. Қаердан ҳам билар эдик! Майли, ҳозир ҳеч нарсанинг аҳамияти йўқ. Асосийси топишдик!

Улар камтарона яшашарди. Ерда шолчалар, ўтириш учун девор чети бўйлаб қилинган седир, битта ёғоч стол ва устида гул солинган гулдон. Оппоқ оҳакланган деворлар ва бир нечта диний лавҳа...

Атифбей қучоғидаги набираси билан анча ўйнаганидан кейин, Абдулкарим қандай қилиб йўқолиб қолганини айтиб берди:

– Ўша куни Улуғтоғдаги уйимизда катта зиёфат уюштиргандик. Барча ёру биродарлар тўпланган, ҳамма вақтичоғлик қиларди. Болалар ҳам дарахтзорда ўйнаб юришган эди. Кечга яқин барчамиз уйга қайтиш учун йиғила бошладик. Лекин Абдулкаримдан дарак бўлмади. Ҳамма ёқни остин-устин қилиб юбордик. Гўё ер ёрилиб, ўғлимиз ернинг тагига кириб кетган эди. Онаси фарёд солиб ўзидан кетиб қолганди ўшанда.

Атифбей ҳамма нарсани ипидан-игнасигача айтиб берди. Фақат, фақат ўша куни ҳамма ўлгудек маст ҳолда бўлгани ҳақида оғиз очмади. Марям келтирган қаҳвани ичиб бўлгач, чуқур уҳ торди:

– Эҳ, биз анча илгари топишимиз мумкин эди, лекин шу Юсуф деган одам...

Абдулкарим отасининг сўзини илиб кетди:

– Илтимос, ота! У кишидан кўп яхшилик кўрганман мен.

– Бўлиши мумкин, ўғлим. Қилган бўлса қилгандир... аммо ўғлимни мендан тортиб олган одам ҳам шу бўлади!

– Биладан. Ҳозиргача нега бундай қилганини тушунолмадим, лекин Юсуф афанди мени бу ерларга нега олиб келгани, шунча йил сизлардан узоқда яшаганимга арзигулик изоҳни вақти келиб, албатта, билиб оладан.

– Буни мен ҳам билишни хоҳлардим, ўғлим. Мени маъзур тут, лекин айтмасам бўлмайди. Юсуфдек одам бир фарзандни ота-онасидан айирмаслиги керак эди. Яхши одам бундай ишга қўл урмайди, ахир.

Атифбей Абдураҳимга кўз қирини ташлади. Ҳозиргина айтган гапларидан пушаймон бўлгандек:

– Узр сўрайман, болам. Бундай дейишни хоҳламасдим, аммо нима қилай, ичим ёняпти. Мени тушунасан, деб ўйлайман.

Абдураҳим бошини қуйи солган кўйи унга ҳеч нарса демади. Ҳозир унинг ҳам юраги ёнмоқда эди. Ичида улкан ғалаён... Кейин бошини кўтарди. Паст овозда гапира бошлади.

– Сизни тушунаман, афандим. Ҳақиқатан ҳам, жуда оғир вазият. Аммо отам нега бундай қилди экан-а? Акамни тоғ этагидаги йўлдан топиб, бу ерга олиб келган экан. Нима учун уни сиздан яширди? Бой ҳам эмасди! Акамни қанақа шароитда ўқитганига биз ҳам гувоҳ бўлганмиз. Қанчалар қийналганини ҳам биладим. Акамни ҳеч қачон қулдек ишлатмаган. Ҳолбуки, ўғлингизни сизга

топшириш эвазига катта пул талаб қилиши ҳам мумкин эди. Албатта, пулни яхши кўрадиган одам бўлганида.

Атифбей:

– Такрор узр сўрайман, ўғлим. Отангиз ҳақида қатъий ҳукм чиқариш, албатта, нотўғри бўлади. Худодан сўрайлик, биз учун мавҳум бўлган сирларни юзага чиқарсин.

Кейин Абдулкаримга қараб:

– Хўш, Бурсага қачон қайтамиз, шундан гапир-чи?

– Ота, онамни кўриш учун мен ҳам жуда шошяпман. Бироқ бу ердаги ишларимни қўққисдан ташлаб кетолмайман.

Атифбей унинг гапини ярмида бўлди:

– Сенга ишингни ташлаб кет, демаяпман, ўғлим. Агар хоҳласаларинг, бутун корхонангизни Бурсага кўчирамиз. Онанг, укаларинг, ҳаммангиз Бурсага жойлашасизлар.

– Йўқ, ота, бундай қилолмаймиз. Биз бу ерда катта бир оила барпо қилдик ва янада кенгайтирмоқчимиз. Рухсат берсангиз, биз ўйлаб, укаларим билан қандай йўл тутиш борасида маслаҳатлашиб кўрайлик. Мен бир неча кун ичида Бурсага бораман. Шунда қароримизни сизга билдираман.

Атифбейнинг қовоғи бир зумда осилиб қолди:

– Яъни Бурсага сиз билан кетолмайман, демоқчисан, шундайми?

– Менга бир-икки кун муҳлат берсангиз, яхши бўларди.

– Хўш, онангга нима дейман?

– Бунинг йўли осон. Энг чиройли расмимни бериб юбораман. Бир-икки кун шу билан овуниб турсин, унгача мен ҳам бориб қоламан.

Абдулкаримнинг бу гапига ҳамма кулиб юборди. Яна бир оз гаплашишгач, бир дастурхон атрофида таомланишди. Овқатдан кейинги дуони бидирлаб митти Юсуф қилди. Атифбей набирасининг бурро тилда Аузу-басмала ўқишини кўриб тўлқинланиб кетди. Кўз олдида Абдулкаримнинг узоқ йиллар илгари Раббий яссирни ўрганишга уринаётгани намоён бўлди... Эртаси куни Бурсага қайтар экан қаттиқ тайинлади.

– Энг узоғи билан уч кун. Уч кундан кейин сени уйда кутамиз. Албатта, келиним ва неварамни ҳам.

Кўшқда борган сари вазият оғирлашиб бораётганди. Охи ри бўлмади. Абдулкарим Топхона даҳасидан бир уй ижарага олиб, кўчиб чиқди. Энг тўғри қарор – бошқа уйда яшаш, деб билди Абдулкарим. Атифбей эса ҳаётидан мамнун. Абдулкарим фабрика ишларини ўз кўлига олгач, ишларда сезиларли ўзгариш бўлган, қисқа вақт ичида самарадорлик ҳам ортган эди.

Абдулкарим ўзига хос иш услубига эга эди. Бошқарувга ўтирган куниёқ бутун фабрика ишчи-ходимларини йиғиб, ишлаб чиқариш ҳажми ортиб, даромад кўпаядиган бўлса, фойданинг маълум қисмидан ҳамма улуш олишини айтган эди. Бу услуб тезда натижа бера бошлади. Ишлаб чиқариш ҳажми ярим йилдаёқ анча юксалди. Абдулкарим ҳам сўзида туриб, ишлаб чиқариш кўпайганидан олинган фойда ҳисобидан ҳаммага мукофот пули ёздирди. Ишчининг корхонага келган вақти қайд этилишини бекор қилган бўлса-да, ишчилар эртароқ келиб, кўпроқ иш қилишга киришиб кетди.

Абдулкарим бу орада укаларининг ҳаётини ҳам тартибга солишга уриниб кўрди. Бир куни Айлани ёнига чақириб узоқ суҳбатлашди. Унга ака эмас, бир дўст сифатида насиҳат қилди. Бироқ қиз ҳаётини ҳечам ўзгартирмақчи эмасди:

– Менга қаранг, ака. Балки, гапларингиз тўғридир. Аммо менга буларни айтишга шунчалар кеч қолдингизки!.. Бунда сизнинг айбингиз йўқ, биламан. Энди ҳаёт йўлимни сиз айт ган томонга буришим жуда қийин. Менинг ўз ихтиёрим бор. Буни ўзгартиришнинг имкони йўқ. Илтимос, сиз ўзингиз билганингиздай яшанг, мен ҳам ўз хоҳлаганимдай...

Тайфурнинг ҳам синглисидан фарқи йўқ эди. Айниқса, фабрика ишлари билан Абдулкарим шуғуллана бошлагач, ўзини ичкилик ва кўнгилхушликка урган, уйдан ҳам қадамини арита бошлаганди. Абдулкарим уни огоҳлантириб кўрди, аммо ҳеч қандай ўзгариш бўлмади. Устига-устак, Тайфур отасига шикоят ҳам қилди. Бир куни Атифбей Абдулкаримни чақириб маслаҳат берди:

– Ўғлим, укаларингга жонинг ачиётганини биламан. Аммо энди уларни ўзгартириш кўлингдан келмайди. Бунга яна уринаверсанг, укаларинг билан ораларингга совуқчилик тушиб қолади, деб кўрқаман. Баъзи нарсаларни вақт измига ташлаб қўйиш керак. Шунинг учун уларни тинч қўй, ўзлари билгандек яшайверсинлар.

Абдулкарим отасининг бу гапларидан қаттиқ таъсирланди ва ҳатто бироз ранжиди. У, ҳеч бўлмаса, отаси уни қўллаб-қувватлашини умид қилган эди.

– Хўп.

Энди Бурса Абдулкаримга торлик қила бошлади. У ота-онасини кўргани ҳафтада бир мартагина борадиган бўлди. Қолган кунларда ўз оиласи бағрида эди. Бир куни... тонгда Юсуф билан Марямни кўшқда, онасининг ёнида қолдириб, фабрикага кетганди. Кечқурун кўшқка келиши керак эди.

Марям ўзини ҳар доимгидек бегона ҳис қилди бу кўшқда. Айниқса, ўша куни Назифа қарта кечаси уюштирганидан кейин, баттар сиқилди. Бир гуруҳ хотин-халаж вақтларини меҳмонхонадаги ўйин столи атрофида ўтказаётганларида ҳовлига чиқиб кетди. Шомдан кейин қарта базми тугаб, Назифа меҳмонларини баланд овозда кулиб кузатиш билан овора эди. Марям хуфтон намозини ўқишга тайёрлана бошлади. Бирдан Юсуф хаёлига келди.

– Юсуф, Юсу-усуф! – деб бақирди. Ҳеч қандай жавоб келмади. Юрагига ғулғула тушди. Ичкарию ташқарини излай бошлади ва уни ўйин столидан бироз нарироқда, гилам устида ётган кўйи топди. Югуриб бориб унинг бошини кўтарди. Бола уйқусирагандай қараб турарди.

– Ўғлим, сенга нима бўлди? Нега бу ерда ётибсан?

Юсуф жавоб бермади. Қорнига ишора қилди. Кейин бирдан гилам устига қусиб юборди. Атрофга бадбўй шароб ҳиди тарқаб кетди! Марям ўғлини кўтариб дарҳол ҳожатхонага югурди. Юсуф бувиси ва унинг атрофидаги бошқа хотинлар ичаётган ранго-ранг ичимликларга қизиқиб, бир қадаҳ ликёр ичиб юборгани ўша куни кўшқнинг асосий мавзусига айланди. Барча қувонч билан шу ҳақида гапирмоқда эди. Абдулкарим қаттиқ сиқилди. Кечаси кўшқда қолиш фикридан воз кечди, Марям билан Юсуфни олиб уйларига қайтди.

ОҲ ЁЗГАТ, ВАТАНИМ!

Ва... Тайфур бир куни Атифбейнинг кўшқини жаҳаннамга айлантди. Несрин исмли кўшни қиз билан яқин муносабатлари меваси ўлароқ бир фарзанд дунёга келган эди! Воқеа қизнинг бор гапни оиласидагиларга айтиб бериши билан бошқаларга маълум бўлди ва қиз тараф Тайфурни шу заҳотиёқ судга берди. Қиз томон даъвосини қайтариб олиши учун Атифбейнинг барча уринишлари бесамар кетди.

Бўлган воқеа бутун киборлар орасида овоза бўлгач, Меҳмет Заки ҳам дарҳол Бурсага келиб Ламияни олиб кетди. Бурсадан чиқар-чиқмас ажрашиш учун ариза беришга ҳам улгуришди. Шунда узоқ йиллардан кейин Меҳмет Заки ва Абдулкарим Бурсада учрашишди. Меҳмет Заки Абдулкаримга жуда самимий,

дўстона маслаҳат бериб, Ёзгатга тезроқ қайтишини тавсия қилди. Бундай оилада унга ўхшаган одам яшаши мумкин эмасди. Абдулкарим Меҳмет Закига ҳеч нарса дея олмади. Кейинги пайтларда шу ўй унга тинчлик бермаётганди шундоқ ҳам. Бу тарзда ҳаёт кечирининг оқибати бошқача бўлиши ҳам мумкин эмасди. Тайфурга икки йил озодликдан маҳрум қилиниши ҳақида суд ҳукми ўқилди.

Афсуски, бошларига келган шунча мусибатдан сўнг ҳам уларнинг кўзлари очилмади. Тайфур қамоқда ётган бўлса ҳам, Айла аввалгидек кўнгли тусаганидек яшар, Назифа ҳам гўё ғамни унутиш учун уйида ҳар ҳафта турли ўйинларини уюштиришни қанда қилмасди.

Охири Марям ҳам бу ҳолатга чидай олмай портлади. Кечки овқатдан сўнг Абдулкаримга ёлворди.

– Бошқа чидай олмайман! Сабр косам тўлди, илтимос, бизни бу ердан олиб кетинг. Яхши биласиз, мен диним учун юртимни, ота-онамни ташлаб, бу ерларда юрибман. Узоқ йиллар қидирган бахтни Ёзгатдан топдим. Қисмат бизни бу ерларга олиб келди. Афсуски, буларнинг ҳолини кўриб турибсиз. Тўғри, Юсуф афанди ҳақиқий отангиз, Зайнаб хоним ўз онангиз бўлмаслиги мумкин. Аммо улар билан кечган ҳаётингиз билан ҳозирги ҳолатингизни таққослаб кўринг-чи! Қайси бири устун, дейишнинг кераги ҳам йўқ. Яқинда Рамазон ҳам келяпти. Илтимос, мени Ёзгатга олиб боринг. Сиз истасангиз, бу ерда қолишингиз мумкин. Уларни тўғри йўлга солишга ҳаракат қилинг, аммо бизга рухсат беринг. Ўғлим билан бирга Рамазонни Зайнаб онамизнинг ёнида ўтказайлик.

Абдулкарим хотинининг пешанасидан ўпиб, сочларидан силади.

– Ҳақсан.

Эртаси куни азондан йўлга тайёрлана бошладилар. Кечки автобус билан Ёзгатга қайтмоқчи эдилар. Уй жиҳозларининг кўп қисми отасига тегишли эди. Ўз буюм-ашёларини ташиш хизмати ёрдамида олиб кетишлари ҳам мумкин. Тушлик маҳали ҳаммалари кўшкка боришди. Абдулкарим эшик кўнғироғини босганида, ичкаридан қувноқ кулги овозлари эшитилиб турарди. Дарвозани доимгидек хизматчи қиз очди. Назифа ва дугоналари яна қандайдир ўйин билан машғул эдилар. Остонада ўғли ва келинини кўриб ёнларига келди:

– Нимани кутиб турибсизлар, кирмайсизларми?

Абдулкарим залдаги қимор столига жирканиб қаради. Ичкарига киргиси ҳам келмай қолган эди.

– Йўқ, сизларни безовта қилмайлик, она. Кетаётган эдик, шунга сизлар билан хайрлашгани келган эдик.

– Кетяпсизлар? Қаерга?

– Ёзгатга.

– Қаёққа, – баланд овозда сўради шошиб қолган Назифа. – Бу гап қаердан чиқди энди?

Абдулкарим:

– Хабарингиз бор, онажон, Рамазон ҳам келяпти...

– Келаверсин... нима қилибди келса?

Назифа тўхтаб қолди. Оғзидан беихтиёр чиқиб кетган эди бу жумла. Бироз ўйлаб қолди. Ўғли: “Рамазон келяпти”, деганида Назифа қандайдир меҳмон деб ўйлаган эди. Қизиқиб сўради:

– Ўғлим, Рамазон деганинг ким ўзи?

Абдулкарим Марямга қаради. Туришидан қандай аҳволда эканлиги маълум эди. Кулишни ҳам, йиғлашни ҳам билмай қолди. Нимадир демоқчи бўлиб оғиз жуфтлаётганида, Атифбей келиб қолди.

– Ие, остонада нималарни гаплашиб турибсизлар? Қани, қани, ичкарига киринглар-чи!

– Киришларини қўйиб тулинг, кетишаётган экан, хайрлашгани келишибди, – деб тўнғиллади Назифа. – Рамазонми, Памазонми деган биттаси келаётган экан. Шунга кетишаётган экан.

Атифбей гап нимадалигини тушунди. Жаҳл билан аёлига қаради. Кейин Абдулкаримнинг қўлидан тутиб, ичкарига тортди. Қимор столи атрофида ўтирган хотинларнинг назарлари остида Атифбейнинг хонасига ўтишди. Марям билан Юсуф бир бурчакка бориб ўтиришди. Атифбей эса хона ўртасида у ёқдан-бу ёққа бориб кела бошлади. Кейин Абдулкаримга қараб:

– Бу... Ёзгатга кетиш масаласи қаердан чиқди?

Абдулкарим қийин аҳволга тушиб қолган эди. Аммо қарор қилиб бўлган. Шунингдек, мана ҳозиргина, Рамазон арафасида, отасининг уйида дуч келган манзара Ёзгатга қайтиш борасида нақадар тўғри фикрга келганини тасдиқлаб турарди. Отасининг кўзларига қараб деди:

– Қарорим қатъий, отажон. Аслида, анча аввалроқ бу ишни қилишимиз керак эди. Сиз ҳам кўриб турибсиз, яшаш тарзимиз умуман мос келмайди. Бир-биримизни тушунишимиз имконсизга ўхшайди. Бир неча кундан кейин муқаддас Рамазон ойи бошланади. Рамазон – мусулмонларнинг энг муқаддас ойи. Бу ойда минг ойдан яхшироқ бўлган Қадр кечаси бор. Шундай улуг ой арафасида уйда бир гала хотинни тўплаб, қимор ўйнаб... Онам эса Рамазон келяпти, десам, нима демоқчи эканлигимни ҳам тушунмади.

Атифбей ўғлининг юзига қарашга ҳам уялиб қолди. Унинг гаплари юз фоиз ҳақ эди. Лекин ҳозирги гаплари сабаблигина ўғлини Ёзгатга қўйиб юборгиси келмаётган эди.

– Менга қулоқ сол, болам. Гапларинг тўғри бўлиши мумкин. Ҳа, биз сен улғайган муҳитга ўхшаган муҳитда яшамаймиз. Лекин, илтимос, бизга бироз муҳлат бер. Сени шунча йиллик айрилиқдан кейин топдик. Ҳали бир-биримизга тўйиб улгурмасимиздан, бизларни тарк этиб кетишинг тўғрими, ўғлим? Бизни ташлаб қаерга кетмоқчисан?

Сени биздан айирган одамнинг оиласигами?

– Йўқ, дада. Мени сизлардан айирган одамнинг уйига эмас, менга ҳақиқий ҳаёт нима эканини ўргатган одамнинг оиласига кетяпман. Шунингдан олишим керакки, Юсуф афанди ҳақиқий отам эмаслигини эшитганимда, дунё кўзимга қоронғи бўлиб кетган эди. У бундай ишга нега қўл урганини ўйлаб, ўйимга етолмаган эдим. Ўшанда у ҳақида ёмон хаёлларга борган эдим. Кейин сизларни топдим. Ўз уйимга келдим. Бурсага келган онимдаёқ нима учун Юсуф афанди мени сизлардан яширганини англаб етдим. Ўйлаб кўринг, ота. Агар Юсуф афанди мени топиб олиб, ёнига олманида, яъни мен сизларнинг ёнингизда катта бўлганимда нима бўларди, ҳозир қандай аҳволда бўлардим? Юсуф афанди бу хонадондаги ҳаётни яхши билган, назаримда. Шунинг учун ҳам сизга қайтариб бермаган бўлса керак. Менга ичкилик ичишни, ўйин-кулгини, нафсига қўл бўлишни ўргатмади. Бундан ташқари, истаган нарсамни олиб еёлмадим. Ҳатто истаган китобларимни ҳам ўқий олмадим. Аммо Аллоҳни танидим, бу дунёга нима учун келганимни англадим, исломни ўргандим. Буларни сизларга тушунтириш жуда қийин. Тушунтиришга роса уриндим, аммо қўлимдан келмади, уддалай олмадим. Мен сизнинг

зурриёдингизман, буни инкор этмайман. Тез-тез сизлар билан кўришиб турамыз, аммо мендан бу ҳаёт тарзингизга чидашимни, рози бўлиб, кўнишимни асло умид қилманг. Бу менинг қўлимдан келмайди!

Абдулкарим Марямга боши билан ишора қилди. Марям ўрнидан қўзғалди. Шу пайтда Назифа ичкарига кириб келди. Атифбей бошини эгиб, кўзларини бир нуқтага тикиб ўтирганди. Назифа ўғли кетиш ниятидан қайтмаганини англаб етди.

– Демак, барибир кетасизлар. – Абдулкарим унга қаради.

Паст овозда оҳиста:

– Ҳа онажон, – деб жавоб берди. Отамга яхшилаб тушунтирдим. Илтимос, мени маъзур тутинг, лекин кетмасак бўлмайди.

Эр-хотин ота-оналарининг қўлларини ўпиб, хайрлашишди. Кўп йиллар давом этган айрилиқ поёнига етган бўлса ҳам, бу навбатдаги айрилиқнинг бошланишига моне бўлолмаган эди.

ЧЎКИШ

Абдулкарим Ёзгатга қайтар-қайтмас, дарҳол Юсуф афандининг мазорига қараб чопди. Унинг қабрини қучиб йиғлади.

– Мени кечиринг, отажон. Мени афв этинг! Магар ҳа қиқий отам сиз экансиз! Агар сизнинг ёнингизда ўсмаганимда эди, ҳозир қай аҳволда бўлардим!? Аммо мен буларнинг барчасини бир лаҳзага бўлса ҳам унутиб, сиз ҳақингизда нотўғри хаёлларга борибман. Илтимос қиламан, мени кечиринг! Билиб кўйишингизни истардимки, ўғилларим ва мендан туғиладиган авлодларим сизни барчамизнинг халос коримиз деб биладилар. Жойингиз нурга тўлсин, маконингиз жаннат бўлсин!

Абдулкаримларнинг қайтишидан Зайнаб хоним ва болаларининг бошлари кўкка етди. Оила янгидан бахтиёр дамларини топгандек эди. Ҳаммалари биргаликда Рамазон рўзасини тута бошладилар.

Атифбей... Абдулкарим кетгач, ўзини ёлғиз ҳис қила бошлади. Бурса ҳам ҳувуллаб қолгандек. Фабрикага бориш ҳам кўнглига сиғмасди. Тайфур қамоқда ҳам отасининг пулларини кўкка созуришда давом этарди. Айла Абдулкаримнинг ҳам босимидан қутулиб олгач, кўнгли тусаганидек яшашни давом эттирди. Атифбей қизи сарфлаётган пулларнинг кўплигига бир амаллаб

кўз юмаётган бўлса-да, бир тўда таг-зоти номаълум, бетайин йигитлар орасида тунги клубларда кечаси билан санқиши юрагини сиқаётган эди.

Бир куни қизини ёнига чақириб, унга насиҳат қилмоқчи бўлди. Айлага акасининг бошига келган ишлар ҳақида очиқчасига гапирди, тезроқ эс-ҳушини йиғиб олишини, агар ўзи хоҳласа, ёқтирган йигити билан турмуш қуришига ёрдам беришини билдирди. Айла энсаси қотиб отасини тинг лаб ўтирди. Сўнг хахолаб кулиб юборди.

– Нималар деяпсиз! Турмуш қуриш, дейсизми? Нима учун бир эркакка ўзимни маҳкум қилишим керак экан! Кечирасиз-у, сизларнинг даврларингиз ҳў-ў алмисоқда қолди! Мен ҳаётимдан мамнунман. Яъни демоқчиманки, эрга тегмаганим рост, лекин менинг ҳам бир йигитим бор ва турмуш қурмасак бўлмайди, деб асабимни бузаётгани ҳам йўқ! Дадам хоҳлаяпти экан, деб ҳозирги лаззатли ҳаётимизни ташлаб, никоҳ ўқиттирайликми ёки?..

Қизини эшитишга Атифбейнинг ортиқ мажоли етмади, кўз олди қоронғилашиб, қулоқлари шанғиллай бошлади...

Айланинг тўғри йўлдан бутунлай тойганини тушуниб етган Атифбей қаттиқ юрак хуружидан сўнг ўн беш кунгача уйида қолиб дам олишига тўғри келди. Абдулкарим йўқлигидан фабрикадаги ишлар ҳам издан чиққан, баъзи ишчилар норозилик билдира бошлаган эди. Нима бўлса бўлди, Абдулкаримдан ёрдам сўрайди. Унга телеграмма юборди. Афсуски, Марямнинг отаси кутилмаганда оғирлашиб қолгани учун эру хотин Англияга кетишган экан. Ундан кейин... қамоқда гиёҳванд модда билан қўлга тушган Тайфурнинг жазо муддатига яна ўн йил қўшиб берилиши Атифбейга аёвсиз зарба бўлди. Атрофида парвона бўлган дўстлари битта-битта узоқлашишди. Уларни Назифанинг қимордош-сафдошларидан бошқа ҳеч ким йўқламайдиган бўлиб қолди.

ЖЕЙМС ЭМАС, ФОРУҚ

Абдулкарим ва Марям Англияга мистер Жеймснинг уйига келганларида, у фалаж ҳолатда эди. Кекса Жеймс қизини кўриб кўз ёшларини тутолмади. Жойидан туришга ҳаракат қилди, аммо қимирлолмади. Сўнг қизини ёнига чақириб, сочларини ўпиб, унинг қулоғига энг катта хушхабарни пичирлади:

– Мен ҳам исломни қабул қилдим!

Абдулкарим ҳам, Марям ҳам мистер Жеймснинг мусулмон бўлиб, Форуқ исминини олганидан бошлари осмонга етди. Фақатгина унинг аёли эрини бу

ниятидан қайтаришга ҳаракат қилмоқда эди. Ҳатто кўришга келган дўстлари ҳам Форуқбейни насронийликка қайтаришга ҳаракат қилардилар. Аммо Форуқбей бу қарорига анча олдин келган, буни амалга оширгани учун жуда бахтиёр кўринар эди. У Абдулкаримга:

– Эҳ, кошки, анча йиллар аввалроқ исломни танлаб, бу ҳузур-ҳаловатга етишсам эдим. На чора, ақл кўзим кеч очилди. Аллоҳдан дуо қилиб сўрайманки, сўнгги нафасимгача исломда собит қилсин, – деди. Форуқбей меросининг бир қисмини қизига қолдирганди. Унинг ягона истаги – вафот этгач, унинг майитини Абдулкарим ювиб кафанлаши ва уни Лондондаги мусулмонлар қабристонига дафн этишлари эди. Форуқбей фарзандлари Англияга келган кундан беш кун ўтиб, қизининг қўлида жон берди. Унинг охири сўзи:

– Бахтлиман, – деб Абдулкаримнинг ортидан Калимайи шаҳодатни такрорлаш бўлди.

Васиятга кўра майитни Абдулкарим ювиб кафанлади. Жаноза намози ўша ерда адо этилиб, сўнг мусулмонлар қабристонига дафн этдилар. Аёли унинг мусулмон бўлиб вафот этганидан жуда маҳзун эди. Шу сабабли, ҳатто қизига ҳам ортиқча илтифот кўрсатмади. Набираси Юсуфни ҳам бирор марта бағрига олиб суймади... Абдулкарим Англиядан қайтишда Истанбулда тўхтамасдан ўтиб кета олмади. У Ёзгатга қайтишдан аввал отасининг дўсти Ибишни зиёрат қилишни истади. Ибиш уларни катта севинч билан қаршилади. Айниқса, Юсуфни ўз набирасидек бағрига босди. Таомдан сўнг улар тўйиб суҳбатлашдилар. Суҳбат мавзудан мавзуга ўтиб, Атифбейга келди. Ибиш:

– Бошига тушган ишлардан сўнг Бурсага бордим. У билан узоқ суҳбатлашдик. Мендан сен ҳақингда сўради. У сенинг қадрингга етди, аммо бироз кеч қолди. Ҳозир ўзи ҳам буни тан олади. Тайфурни қамоқда наркотик билан ушлаб олишибди, жазосини оғирлаштиришибди. Айла эса бир кишига қўшилиб, отангнинг катта пулини олиб чет элга қочиб кетибди. Шундан сўнг ундан на бир хабар, на бир салом бор экан. Атифбей анча чўкиб қолибди.

Абдулкарим бу гапларни эшитиб жуда афсусланди. Аммо унинг қўлидан ҳеч нарса келмасди. Экканингни ўрасан, деб бежиз айтишмаган.

Абдулкарим Марям билан Ёзгатга миллионер бўлиб қайтдилар. Аммо уларнинг яшаш тарзлари ҳеч ўзгармади. Қўлларига тушган пулни орқа- олдига қарамасдан совуриш ҳақида ўйламасдилар ҳам. Улар Ёзгатдаги фабрикаларини катталаштириш режасини туза бошладилар. Абдулкаримнинг хаёлида Истанбулда иш бошлаш фикри ҳам бор эди.

Орадан озгина вақт ўтиб бир газетада чиққан хабар Абдулкаримга қаттиқ таъсир қилди. Бурсадаги қамоқда исён кўтарилгани, отишмада исёнбошилардан уч нафари оғир жараланганлиги ҳақида ёзилган эди. Оғир жароҳатланган ва кейинроқ шифохонада жон берган маҳкумлардан бирининг исми Тайфур эди...

Жума куни. Абдулкаримнинг фабрикасидаги ишчилар таҳорат олиш билан машғул. Бироздан сўнг ҳаммалари шаҳарга тушишади ва “Улуғ Жоме”да жума намозини адо этишади.

Абдулкарим таҳоратни тугатаман деб турганида, ёнига кимдир яқинлашганини пайқайди. Ўғирилди, отаси Атифбей кутиб турарди. Дарҳол ўрнидан туриб, отасининг қўлини ўпди.

– Хуш келибсиз, отажон! Мени ҳайрон қолдирдингиз, ҳеч кутмагандим.

– Хушвақт бўл! Қани, оёқ кийимингни кий-чи, намозга бирга борамиз.

Абдулкарим ҳайрон эди. Отаси намозга бирга бормоқчи?!

– Албатта, – деди. – Онам яхшими?

– Яхши. Уни ҳам олиб келдим.

– Уни ҳам олиб келдингизми? Қаерда?

– Сизларникида. Ҳозир набираси билан овора бўлса керак, ҳойнаҳой.

Абдулкарим қулоқларига ишонгиси келмасди. Ўзини тута олмай, беихтиёр отасининг бўйнидан қучиб олди. Атифбей ҳам шуни кутиб тургандек эди, бир муддат шу алфозда қолдилар. Абдулкарим ишчиларга кутмасликларини буюрди. Намозга отаси билан бирга боришди. Ҳаётларида илк бор елкама-елка туриб, бир сафда намоз ўқидилар; уларни йўқдан бор қилган буюк Яратувчининг қаршисида эгилдилар, саждага бордилар. Намоздан сўнг Атифбей Юсуф афандининг қабрини зиё рат қилиш ниятида эканини айтди. Қабрнинг бош томонига ўтирдилар. Юсуфбейнинг, ўтганларнинг руҳи учун тиловат туширишди. Абдулкарим отасидаги бу улкан ўзгаришдан жуда бахтиёр эди. Кейин уйга келишди. Абдулкарим ичкарига кирди. Уйда катта рўмол ўраган, тўпикларигача тушиб турадиган либос кийиб олган аёл ўтирганди. Кўзларига ишонмади: ўзининг онаси, Назифа хоним. Бир-бирларини қучишди. Атифбей кўпи билан бир ҳафтача қолишлари мумкинлигини айтди. Сўнгра яна Бурсага қайтишлари керак эди.

Отаси намозни канда қилмаётган экан; Назифа хоним ҳам бошини саждадан кўтармас эди. Юсуфни қучоғига олиб, роса ўйнатди, ҳатто бирга Қуръон ҳам ўқидилар. Назифа хоним кўпроқ Зайнаб хоним билан дардлашади. Бутун сиру ғамларини у билан баҳам кўради. Зайнаб хоним тасалли бергани сари Назифа хонимнинг қалби оз бўлса-да, ҳузур топиб, умид чироқлари милтиллай бошлаган эди. У Тайфур ва Айланнинг бошига тушган ишларда фақат ўзини айбдор деб биларди. Бу гуноҳларининг юкига бардош беролмаётганини айтиб, тинимсиз кўз ёш тўкмоқда эди. Атифбей ҳам худди шу аҳволда эди. У ҳам барча ишларда ўзини айбдор деб биларди. Бир куни у Абдулкаримга Тайфур ҳақида сўз очди... Кейин Айладан.

– Қизим бир йигит билан чет элга кетишганидан сўнг уларни таъқиб қилдим. Уларнинг изларини Парижда топ дим. Афсуски, қизим билан бирга қочган ...вачча ҳамма пулни еб битирганидан сўнг уни бир ишратхонага сотиб юборган экан.

Уни топдим. Аммо мени танишнияма истамади. Ҳатто “Менинг отам йўқ”, деди юзимга. Ялиниб-ёлворсам ҳам фойдаси бўлмади. “Агар ота-онам бўлганида, шу аҳволда шу ерларда юрармидим? Болаларингиз борлиги шу аҳволга тушиб қолганимиздан кейин эсингизга тушдимми?” – деб ўшқирди. У ҳақ эди. Ҳаётимда илк марта қизимнинг ҳақлигини тан олдим.

Сўнгра насронийликни қабул қилганини, черковда тавба қилгани ва ортиқ кўлимдан ҳеч нарса келмаслигини айтди. Кейин ғойиб бўлди... изини йўқотдим! Атифбей қаттиқ эзилган, бутунлай тамом бўлгандек эди. Энди ягона суянчиғи Абдулкарим эди. Аввалгидек пул билан иши йўқ, ягона орзуси – ўғли билан бирга ишлаш. У билан Истанбулда бир корхона очиш ва бу корхонани Абдулкаримнинг ихтиёрига топшириш. Бор истаги – шу. Улар бу мавзуда узоқ гаплашишди. Абдулкарим ҳам анчадан буён Истанбулда корхона очишни ният қилиб юрганини айтди. Бу борада Ибиш афандининг ҳам маслаҳатини олишга келишиб олишди.

АЙЛАМИ ЁКИ МАРЛИН?

Ибиш Абдулкарим билан Атифбейни бирга кўриб жуда севинди. Айниқса, Атифбейнинг кайфияти, ҳолатидаги яхши ўзгаришдан қувониб кетди. Улар Истанбулда эканликларини Меҳмет Заки ҳам эшитган ва Ибишга Абдулкарим билан кўришмоқчи эканини айтиб юборган эди. Кечга Ибишнинг хонадонида йиғилишди. Атифбей ва Меҳмет Заки анча йиллардан сўнг яна юзма-юз келишган эди. Эски яраларни очмаган ҳолда дўстона кўл сиқишиб саломлашдилар. Шу баҳона ярашиб ҳам олдилар. Ҳамкорликда бир текстиль

фабрикаси қуриш, бошқарувини тўлиғича Абдулкаримга топширишга келишиб олишди. Фирма “Очиқ акциядорлик жамияти” шаклида иш бошлаши керак эди.

Ишчилар билан ҳам фақат Абдулкарим муомала қилади. Иш тартибини у белгилайди. Фабрикада қўшимча таъсисотлар қаторида бир масжид ҳам қуриладиган ва жума кунлари ишчиларга намоз учун рухсат бериладиган бўлди. Ишчилар ҳам хоҳлашса, фабрика акцияларини сотиб олишлари ва йил охирида фойдага шерик бўлишлари мумкин...

Бино қаерга қурилиши режалаштирилди, маҳсулот ва жиҳозлар қаердан келтирилиши муҳокама қилинди. Атифбей, Абдулкарим, Марям ва Юсуф бир ҳафтадан сўнг Англияга бордилар. Атифбей ва Абдулкарим номдор тўқимачилик фирмаларини айланиб чиқишди, керакли замонавий ускуналар ҳақида маълумот тўплашди. Бу сафар Марямнинг онаси уларни очиқ чехра билан кутиб олиб, уйи да меҳмон қилди. Абдулкарим бир маҳаллар амалиёт ўтаган фабрикага ҳам кириб ўтди, ишчилар билан узоқ суҳбатлашди. Европага сафар Атифбейнинг ярасини янгилаган эди. Қизи Айла хаёлига келди. Францияга боришса, уни топа олишармикан?

Атифбей бу ҳақда Абдулкаримга маслаҳат солиб кўрди:

– Илтимос, борайлик шу Францияга! Балки, бу сафар топармиз!

Шундай қилишди. Ҳаммалари Парижга учишди. Марям билан Юсуфни меҳмонхонага жойлаб, кун бўйи Айлани топиш умидида айланиб юришди. Бир кун. Икки кун. Уч кун... Бу улкан ва гавжум шаҳарда Айлани топиш мумкинми? Тўртинчи куни катта бир паркда юришган эди. Қулоқларига қандайдир товуш эшитилди. Овоз келган томонга қараб юришди. Узоқдан баланд овозда гапираётган бир аёл кўринди. Атрофида одамлар тўпланган. Яқинлашгач, аёлни кўрдилар: уст-боши йиртиқ-исқирт, сочлари тўзғиган, юзи кирлигидан терисининг ранги аслида қандай эканлигини ҳам англаш қийин... Кўз косаларининг чуқурлигидан кўзлари ташқарига отилиб чиқадигандек... аёлнинг фақатгина суяклари қолган эди. Қўлида бир шиша. Бузуқ французча тилда алланималар дер эди. Бир маҳал аёл уларга яқин кела бошлади. Атифбейнинг иликларигача музлаб кетди, ўзини ташлаб юборишига оз қолди. Абдулкарим уни суяди, аёлга диққат билан қаради.

– Ё Худойим! Айла, – деб пичирлади.

Айла гапиришда давом этарди:

– Жаноблар, марҳамат қилиб мени тингланглар. Қўлингиздаги миллионларингизга, ўткинчи чиройингизга ишониб қолманглар. Айниқса, ота-онангизга, ҳеч қачон! Бир вақтлар мен ҳам пулнинг ҳидига чидай олмасдим. Аммо ҳозир бир франк учун нималар қилмайман! Бир вақтлар мен ҳам ҳурилиқо эдим. Шоҳона ҳаёт кечирардим. Атрофимда менман деган эркаклар гирдикапалак эди. Ҳозир менинг кўринишимга қараб жирканманг, ҳукм чиқарманг. Сиз мени аввал кўрганингизда эди...

Гур кулги кўтарилди. Айла маст эди. Бир жилмайиб, келган жойидан давом этди:

– Ҳаёт ўзи шунақа. Ҳар қандай гул шохида қийматли. Менга ўхшаб узиб олиндим, бир-икки кун ҳидлангач, бир четга улоқтирилади, тамом. Жаноблар! Менга яхшилаб қулоқ солинг. Чўнтагингиздаги ёки банк ҳисобингиздаги пул сизни алдаб қўймасин! Ҳузур-ҳаловатни пулдан изламанг, асло. Бўлмаса, менга ўхшаб хор бўласизлар! Менинг ҳам ота-онам бор эди. Жуда бой эдилар. Аммо ҳозир кимим бор? Кошки, ҳеч нарсам бўлмаса-да, бирор яқин кишим бўлса эди, деб орзу қиламан. Шунда, қаршингизда бу аҳволда турмаган бўлардим. Менинг шу аҳволга тушишимга сабабчи бўлган ота-онамга лаънатлар ўқийман, аммо бундан кимга фойда!

Айла баланд овозда қаҳқаҳа отди ва:

– Яшасин ота-оналар! Уларнинг соғлиғи учун, – деб хирқироқ овозда ўшқирди.

Кейин қўлидаги шишани юқори кўтарди-да, шартта ичидагини бошидан қуйиб юборди. Ортидан бир дона гугурт чақди ва сочлари устида гуп этиб олов ёнди...

Паркка қичқирқ овозлари ёйилиб кетди. Кейин, қаердандир полициячилар югуриб келди. Айлани қутқаришга уринишди, аммо ўқ ёйдан чиқиб бўлган эди. Атифбей турган жойида дод солиб, ер тепсина бошлади. Абдулкарим эса жонҳолатда полиция қуршовини ёриб ўтмоқчи бўлди. Аммо бунга йўл қўймадилар. У:

– Синглим! У менинг синглим бўлади! – деб бақирар, полициячилар жўр бўлиб унинг устидан кулишарди. Бироз ўтиб тез ёрдам машинаси ҳам келди ва Айлани олиб, келган томонига қараб жўнаб кетди. Айла олиб борилган шифохонани топишди, мурдасини олишга кўп уринишди, аммо жасадни беришмади. Бош шифокор уларга ишонишини, аммо қўлидан ҳеч нарса келмаслигини айтди. Зеро, марҳумнинг исми энди Айла эмас, Марлин эди. У

католик сифатида дафн қилиниши лозим экан. Атифбей ва Абдулкарим Айланнинг дафн маросимига қатнашишди. Тобут Парижнинг энг катта черковларидан бирига олиб келинди. Унинг бош томонига бир руҳоний келди:

– Марлин, бу дунёда рўшнолик кўрмадинг, сен учун дуо қиламиз, у дунёда бахтли бўласан. Сени Худони унутган, исёнкор ҳолда топиб, қўлингдан тутдик. Сен биллурдек порлоқ қалбга эга эдинг. Худони танимас эдинг, Францияда имон келтирдинг! Порлоқ келажак сени кутмоқда энди. Жойингда тинч ёт. Худо қалбингни кўриб турибди. Сенга абадий саодатни тайёрлаб қўйган. Жойинг жаннатда бўлсин. Омин!

Сўнг тобут махсус машинага ортилди. Католик қабристонига олиб борилди ва у ерда ўтказилган яна қандайдир маросимдан кейингина марҳума қабрга қўйилди. Мозор бошида турган бир неча киши орқа қаторда алам билан йиғлаб турган икки нотаниш хорижлик одамга ишора қилиб, уларнинг кимлигини бир-бирларидан сўраб, пичирлашар эдилар...

ТАМОМ.